

338,45

м 37

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ф.Р.ЖУМАНИЁЗОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ
САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ
МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

102163



2/3

ТОШКЕНТ - 2015

УЎК: 338.45
КБК 65.30
Ж-87

Ж-87 **Ф.Р.Жуманиёзова. Ўзбекистон енгил саноати ривожланиш истиқболларининг молиявий жиҳатлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 216 бет.**

ISBN 978–9943–998–23–0

Монографияда мамлакатимиз енгил саноатининг мустақиллик навбатдаги йилларида ривожланиш ҳолати ва унга хос бўлган асосий тенденциялар, енгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаси, бу корхоналар молиявий барқарорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик даражалари ва уларга хос бўлган тенденциялар, мамлакат енгил саноат корхоналарини солиққа тортиш асослари, тартиби ва аҳволи, енгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ҳамда уларнинг оқибатлари, Ўзбекистон енгил саноати ривожланиш истиқболлари молиявий жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Монография барча иқтисодий йўналиш ва мутахассисликларда таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва мутахассис-амалиётчилар учун мўлжалланган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Т.С.Маликов таҳрири остида.

Тақризчилар:

Б.А.Хасанов – и.ф.д., проф.;

Х.А.Курбонов – и.ф.д., проф.

Мазкур монография Тошкент давлат иқтисодийёт университети Илмий кенгашининг 2015 йил 30 июндаги 11-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978–9943–998–23–0

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмида энгил sanoat глобал тармоққа айланди. У жаҳон миқёсида тармоқ ривожланишининг ноёб мисоли бўлаолади. 1970 йилнинг бошларидан ҳозирги пайтга қадар энгил sanoat учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва халқаро савдо оқимлари интенсивлигининг, унча катта бўлмаган тебранишларни ҳисобга олмаганда, узлуксиз равишда ўсиб бориши характерли. 1955-2000 йиллар оралиғида тўқимачилик маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳажми кийматий ифодада 34 мартага, кийим-бош маҳсулотлари эса 249 мартага ўсган¹. 2014 йилга келиб кийим-бош ва тўқимачилик маҳсулотларининг халқаро савдо ҳажми 906,0 млрд. АҚШ долларига етди ва у жаҳон товарлар экспортининг 4,0%ини ташкил қилди².

Дунёдаги тараққий этган мамлакатларнинг жуда кўпчилигида айнан энгил sanoat ва биринчи навбатда, унинг тўқимачилик ва кийим-кечак ишлаб чиқариш тармоқлари, маълум бир босқичларда иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос трамплинига айланган (капиталнинг дастлабки жағғарилиши даврида ҳам бундан 200 йил бурун ривожланган мамлакатларда худди шундай бўлган). Индустриаллаштиришнинг дастлаб босқичларида Буюк Британия, Япония ва АҚШнинг айрим минтақаларида иқтисодий ривожланиш учун айнан энгил sanoat энг муҳим роль ўйнаган. Гонконг, Жанубий Корея ва Тайваннинг иқтисодий тизимлари 1950 йиллардан 1980 йилларнинг ўртасига қадар экспортнинг асосий моддаси сифатида тўқимачилик ва кийим-кечакка таянган. Кейинчалик «пойга»га Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари ҳам қўшилган. Энгил (тўқимачилик) sanoat(и)нинг интенсив ривожланиши тарихан иқтисодиётда индустриаллаштириш жараёнларининг бошланишидан гувоҳлик бериб қолмасдан, балки унда асосий ҳаракатлантирувчи куч (двигатель) эканлигини ҳам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, мамлакатлар

¹Au K.F., Chan N.Y. The World Textile and Clothing Trade: Globalization versus Regionalization. The Hong Kong Polytechnic University, Hong Kong. OECD, 2004: A New World Map in Textiles and Clothing. Adjusting to Change. OECD.

²WTO. International Trade Statistics. 2014. URL: <http://www.wto.org>.

иктисодий тараққиёти даражасидаги фарқ тармоқ лидер (етақчи)лари гуруҳининг доимий диверсификациялашуви учун сабаб бўлиб ҳисобланади: капитал захиралари ва технологик тараққиёт даражасининг ортиши (ўсиши)га боғлиқ равишда лидерлар гуруҳини ривожланган «ўйинчи»лар ўз ўринларини ривожланаётган ва тараққиётнинг индустрлаштириш йўлига кейин (кеч)роқ кирган мамлакатларга бўшатиб берадилар.

Ҳозирги вақтда ҳам айнан энгил sanoat дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари учун стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар томонидан кийим-кечак экспортининг 70,0%гача бўлган қисми амалга оширилмоқда. Бу тоифадаги давлатлар учун энгил sanoatнинг ривожланишини иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида қараш керак. Чунки у ривожланишни интенсификаштириш учун бир пайтнинг ўзида бир неча имкониятларни тақдим этади. Масалан, иқтисодиётнинг бу тармоғи кириб келишнинг паст тўсиқларга эга эканлиги билан характерланади. Ундаги ишлаб чиқариш жараёни эса ўзининг жуда кўп босқичларида, технологик нуқтаи-назардан, оддийлиги ва меҳнат интенсиблиги билан ажралиб туради. Бу эса, ўз навбатида, дунёнинг камбағал мамлакатлари учун нисбатан ортиқча бўлган омилдан – паст малакали меҳнатдан – фаол фойдаланишга имкон беради. Ишлаб чиқариш технологияси эса мослашувчан бўлиб, бу нарса ишлаб чиқариш жараёнини бир неча босқичга бўлишга имкон беради ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ҳамда фрагментациялашуви учун шароит яратиб, глобал ишлаб чиқариш занжирларининг шаклланишига олиб келади. Ривожланиш даражаси ва сурьатларига қараб мамлакатлар ана шу занжир бўйлаб (атрофида) ҳаракатланиши, янада юқорироқ малака талаб этидиган юқорироқ даражадаги капитал сигимли бочқичларга ўтиши мумкинки, бу ўз навбатида, иш ҳақининг ўсиши ва иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ. Шундай қилиб, энгил sanoat ва биринчи навбатда, унинг тўқимачилик тармоғи нисбатан камбағал бўлган мамлакатларнинг ривожланиши учун стратегик нуқтаи-назардан, муҳим ҳисобланиб, бу мамлакатларни жаҳон иқтисодиётининг юқори сурьатларда ривожланаётган «ўйинчи»ларига айлантиради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг башоратларига кўра, 2030 йилга келиб айнан ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 60,0%га яқин қисми тўғри

келади. Бундай ўсишга енгил саноат ўзининг катта ҳиссасини кўшиши мумкин.

Енгил саноат иқтисодийнинг муҳим кўпрофилли ва инвестицион жозибадор сектори ҳисобланади. У молиявий ресурсларининг юқори айланувчанлиги билан бир қаторда, потенциал нуқтаи-назардан етарли даражада юқори рентабелли тармоқ ҳисобланади, айланма маблағларга нисбатан унча катта бўлмаган эҳтиёжнинг мавжудлиги билан характерланади. Бу эса, ўз навбатида, тармоқ корхоналаридан бюджетга маблағлар тушиб туришининг барқарор даражада бўлишини таъминлайди. Иқтисодийнинг бу тармоғи иқтисодий нуқтаи-назардан фойдали ва экологик жиҳатдан хавфсиз товарларни кенг кўламдан ишлаб чиқариб, импорт ўрнини босиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириб, шунингдек, аҳоли ҳаётининг сифат даражасини яхшилаб, инсонлар соғлиғини қайта тиклаб ва кўллаб-қувватлаб, атроф-муҳит экологиясини яхшилаб синергетик самарани олишга ёрдам беради.

ИХРТнинг маълумотларига биноан, истеъмол даражаси ва маҳсулот сотиш ҳажми бўйича енгил саноат автомобильсозлик, транспорт машинасозлиги, ҳарбий-саноат комплекси, кимё саноати ва бошқалардан илгарилаб, жаҳон саноат комплексининг етакчи тармоқлари таркибига киради.

Унинг ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг 5,7%, банд бўлганларнинг 14,0% дан ортиқроғи тўғри келади. Енгил саноат, жумладан, материаллар ва кийим-кечак ишлаб чиқариш дунёнинг жуда кўп мамлакатларида, шу жумладан, ривожланаётган мамлакатларда ҳам, даромад ва бандликнинг муҳим манбаидир. Юқорида таъкидланганидек, тармоқ учун доимий равишда ўсиб бориш характерли. Бунинг асосий сабаби Ер шарида аҳоли сонининг ўсиши ва турмуш шароитининг яхшиланиб бориши ҳисобланади. Дунё миқёсида енгил саноат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмининг ўсиш суръатлари Ер шари аҳолисининг ўсиш суръатларидан юқорилигича қолмоқда. Масалан, сўнгги 15 йил давомида материаллар ва кийим-кечак истеъмол қилиш Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 90,5% га, АҚШда – 99,3% га ва Японияда – 220,0% га ўсган.

Енгил саноатнинг иқтисодий ва стратегик хавфсизликни, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги таъминлашдаги ва унинг ҳаёт даражасини оширишдаги катта ролини ҳисобга олган ҳолда янги геосиёсий шароитда дунёнинг етакчи мамлакатлари

тармоқнинг ривожланишига алоҳида эътибор беришмоқда ва унга сезиларли даражада инвестицион кўмак беришмоқда.

Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда энгил саноат миллий иқтисодийнинг ривожланиши учун устувор тармоқ сифатида эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳаммасида энгил саноат тармоғини кўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу дастур энгил саноат ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан кўллаб-қувватланишини ўз ичига олувчи чора-тадбирларни камраб олган.

Ҳозирги пайтда тегишли доираларда Ўзбекистон энгил саноатининг тўпланиб қолган ва қолаётган муаммолари фаол муҳокама қилинмоқда. Тармоқ ўзига экспертлар, ҳокимият вакиллари, амалиётчи мутахассислар, иқтисодчи олимларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Мамлакатимиз энгил саноатининг муаммолари техник ва технологик жиҳатдан боғлиқлик, мавжуд технологик асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг етарли даражада рақобатбардош эмаслиги, тайёр маҳсулотлар импортга боғлиқнинг жадал суръатларда ўсаётганлиги, экспорт фаоллигининг етарли даражада эмаслиги ва унинг айрим жойларда мутлақо йўқлиги, савдо маданий форматларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, рақобат ноҳолис шакллариининг ҳаддан зиёд кўплиги ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида энгил саноат ўз тараққиётида мислсиз ютуқларга эришган ва янги импульс олган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда у ўз позициясини иқтисодийнинг бошқа тармоқларига, маълум даражада, бўшатиб бермоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида энгил саноатнинг ҳиссаси 2001 йилда 20,0%га тенг бўлса, унинг 2014 йилдаги даражаси 15,0%ни ташкил этган ёки 25,0%га камайган.

Бундай шароитда Ўзбекистон энгил саноати ривожланишининг қандай суръатларда бўлишини таъминлаш керак? Унинг ривожланиш суръатларини шу ҳолда сақлаб қолиш керакми ёки унга маълум бир ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқми? Бунинг учун нималар қилиш керак? Бу соҳада давлатнинг самарали кўллаб-қувватлаш чоралари нималардан иборат бўлмоғи лозим? Унинг, хусусан, тармоқ тараққиётининг истиқболини белгиловчи молиявий жиҳатлари қандай бўлиши керак? Ва ҳ.к. Шубҳасизки, бу

саволларга жавоб бериш махсус илмий тадқиқотнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу монографиянинг олдига Ўзбекистон энгил саноатининг ҳолати (аҳволи)ни таҳлил қилиш ва унинг тараққиёт истиқболларини таъминлашга хизмат қилувчи молиявий жиҳатлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаб бериш мақсад қилиб қўйилди. Бундай мақсаднинг қўйилиши, ўз навбатида, қуйидаги энг умумий вазифаларнинг бажарилиши лозимлигини тақозо этади:

- Ўзбекистон энгил саноатининг 2001-2015 йилларда ривожланишига доир вазиятни таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон энгил саноат корхоналари дуч келаётган ва ички ишлаб чиқариш ҳисобидан энгил саноат маҳсулотларига ўсиб бораётган истеъмол талабини қондиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар ҳамда уларнинг молиявий жиҳатларини аниқлаш;

- энгил саноат тармоғи ривожланишининг жаҳон илғор тажрибасини (шу жумладан, унинг етакчи мамлакатлари мисолида) ўрганиш ва уларга тегишли бўлган глобал трендларни таҳлил қилиш;

- мамлакат энгил саноати тараққиёт истиқболларини уни қўллаб-қувватлаш ва трансформация қилиш йўллари билан таъминлашнинг молиявий жиҳатларини, жумладан, молиялаштириш, узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш ва солиққа тортиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш.

Монографик тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган энгил саноат корхоналари, хусусан, «Ўзбек-енгилсаноат» ДАКдаги хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган умумий (шу жумладан, молиявий-иқтисодий) вазият ҳисобланади. Мамлакатимиз энгил саноати тараққиёт истиқболларини таъминлашнинг молиявий жиҳатларини ривожлантириш (такомиллаштириш)га тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўл (усул)лари тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

Енгил саноатдаги вазиятни таҳлил қилиш учун монографияда бир-бирини тўлдирувчи хилма-хил манбалардан фойдаланилди. Мазкур тадқиқотнинг информацион асосини ташкил этувчи миқдорий маълумотлар ўз ичига қуйидагиларни олади: енгил саноат аҳволини характерловчи макроиктисодий статистик рақамлар, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг режа ва ҳисобот маълумотлари. Тадқиқотда фойдаланилган миқдорий базалар эса қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2001-2015 йилларда³ енгил саноат умумий иқтисодий аҳволини характерлайдиган агрегирлаштирилган кўрсаткичлардан иборат расмий статистик рақамлари; худди шу даврдаги «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг маълумотлари; ўз ичига 69та очиқ турдаги акционерлик жамиятлари, 2та ёпиқ акционерлик жамиятлари, 17та кўшма корхоналар, 3та давлат корхоналари, 2та хусусий корхоналар ва 1та масъулияти чекланган жамиятдан иборат бўлган енгил саноат корхоналарининг 2001-2015 йиллардаги кенг доирали иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига оид маълумотларини қамраб олган бозорлар ва компанияларнинг касбий таҳлили тизими рақамлари; FIRA-PRO базаси – информацион қидирув тизимининг маълумотлари⁴; Synovate ComconR-TGI компаниялари истеъмолий хатти-ҳаракатларининг синдикатив тадқиқотлари маълумотлари; ГфК Fashion Monitorнинг истеъмолий хатти-ҳаракатлари синдикатив тадқиқотларининг маълумотлари; ГфК Омнибус ва GfK Roper Reports Worldwide тадқиқотларининг натижалари; TNS Marketing Index истеъмолий хатти-ҳаракатлари синдикатив тадқиқотларининг материаллари ва Euromonitor International ресурсининг маълумотлари.

Енгил саноат корхоналарининг аҳволи ва хатти-ҳаракатларига доир маълумотларнинг таҳлили улар фаолиятининг асосий аспектлари, хусусан, молиялаштириш, узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда солиққа тортиш, бу борада енгил саноат корхоналари кўпроқ дуч келадиган энг муҳим (жиддий) муаммолар, корхоналар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларига муносабат йўналишлари бўйича амалга оширилди.

³Монографиянинг барча қисмларида 2015 йилга тегишли бўлган маълумотлар шу йил учун мўлжалланган прогноз (баҳорат) кўрсаткичларини ўз ичига олади.

⁴Бу ва бундан кейинги ўринларда таъкидланаётган маълумотлар базасидан, айниқса, монография 1-бобининг 2-параграфини ёзишда кенг фойдаланилган.

Микдорий таҳлил тармоқ вакиллари ўртасидаги эксперт интервью сериялари билан тўлдирилди. Компаниялар вакиллари билан ўтказилган интервьюнинг асосий вазифа (функция)си энгил саноатнинг тараққиёт истиқболларини таъминлашга тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни ҳар томонлама очиш ва бу муаммоларни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўл (вариант, усул)лари бўйича аниқ таклиф-тавсияларни шакллантиришдан иборат. Ҳаммаси бўлиб 22 та экспертдан интервью олинди. Тадқиқотни амалга оширишда энгил саноатда фаолият кўрсатаётган ва турли мулкчилик шаклида бўлган катта ва кичик корхоналарнинг эгалари, раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрлари ҳам ҳисобга олинди.

Халқаро илғор тажриба ва глобал трендлар таҳлили энгил саноатнинг сўнгги 10-15 йиллик даврдаги трансформациялашуви бўйича материаллар асосида амалга оширилди. Бунда Г.Жереффи ва бошқаларнинг мол етказиб бериш глобал занжирларининг пайдо бўлиши ва трансформациялашуви концепциясининг ишланмаларидан фаол фойдаланилди.

Давлат сиёсати соҳасида энгил саноат тараққиёт истиқболларига нисбатан экспертларнинг фикрлари ва таклифларини янада аниқлаштириш ва тушунишнинг кўшимча манбаи сифатида аналитик нашрлар, дахлдор идоралар ва ишбилармонлик ассоциацияларининг материаллари жалб қилинди. ОАВда энгил саноат тўғрисидаги материалларни танлаб олиш эса «Интегрум» маълумотлар базаси асосида амалга оширилди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган монография кириш, IV боб ва иловалардан иборат. Унинг I бобида мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий ва методологик асослари ёритилган ва бу масала икки аспектда, яъни Ўзбекистон энгил саноатининг мустақиллик йилларида (2001-2015 йиллар) ривожланиш ҳолати ва унга хос бўлган асосий тенденциялар ҳамда энгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаси аспектида кўриб чиқилган.

Монографиянинг II боби Ўзбекистон энгил саноати ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг асосий мақсадларидан бири бўлган узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган. Бу ерда Ўзбекистон энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари,

Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик даражалари ва уларга хос бўлган тенденциялар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз энгил саноати ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири солиқлар ва солиққа тортиш бўлганлиги учун монографиянинг III боби ана шу масаланинг таҳлили ва тадқиқига бағишланган. Улар мамлакат энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш асослари, тартиби ва аҳволи ҳамда энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқларва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатлари аспектида баён қилинган.

Монографиянинг IV боби Ўзбекистон энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган бўлиб, бунда асосий эътибор молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари ҳамда солиққа тортиш жараёнларини оқилоналаштириш имконият (вариант)ларига қаратилган.

Унинг хулоса қисмида монографик тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ва натижасида шакллантирилган энг муҳим хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар, қисқача тарзда, ўз аксини топган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон енгил саноатининг ривожланиш ҳолати ва унга хос бўлган асосий тенденциялар

Ўзбекистон енгил саноати пахта толаси, ипак, жун ва тери каби маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш бўйича кўп асрли анъаналарга эга бўлган тармоқ ҳисобланади. Ҳозирги пайтда енгил саноат экспорт операцияларини амалга оширувчи тармоқлар ўртасида юқори рейтингга эга. У экспорт қилинадиган товарларнинг энг кенг номенклатурасига, яъни ип-калавадан тортиб то тайёр маҳсулотгача эгаллиги билан ажралиб туради. Ана шу нуқтаи-назардан тармоқнинг экспорт салоҳияти кенг қўламли бўлиб, унинг тараққиёт йўналиши қарорлар қабул қилинаётган пайтдаги шароит, стратегик инвесторларнинг мавжудлиги, товарлар бозоридаги жаҳон конъюнктураси, мавжуд бизнес-режанинг самарадорлиги, экспорт ишлаб чиқаришнинг талабларига мос келадиган кадрларнинг тайёргарлик даражасига ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

1991 йилгача мамлакатимизда тайёрланган пахта толасининг 10% дан камроқ қисми қайта ишланган, холос. Маҳсулот экспортининг ҳажми эса 7,7 млн. АҚШ долларидан ошмаган эди.

Ҳозирги пайтда республикаимиз енгил саноатининг асосий қисми «Ўзбекенгилсаноат» ДАКга жамланган бўлиб, у ўз таркибига 19 тармоқни, 90 дан ортиқ йирик корхона ва бирлашмаларни олади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз енгил саноати тубдан ўзгарди. Агар 1991 йилда республикада фақат 4 та йирик тўқимачилик комплекси мавжуд бўлса, мустақиллик йилларида жуда катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган корхоналар яратилди. Улар орасида «Қобул-Ўзбек Ко» ҚК, «Косонсой-Текмен» ҚК, «Қобул-Фарғона» ҚК, «Попфен» ҚК ва бошқалар бор. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига, асосан, мамлакат енгил саноати маҳсулотининг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар киради.

корхоналаридаги ишловчилар сони; в) мамлакатдаги ишловчилар сонисида Ўзбекистон энгил саноат корхоналарида ишловчиларнинг салмоғи.

Энди ана шу юқорида келтирилган кўрсаткичлар гуруҳини ҳисобга олган ҳолда, навбатма-навбат, кейинги 15 йил давомида энгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, тараққиётининг ҳозирги ҳақиқий аҳволи ва унга тегишли бўлган тенденцияларни Ўзбекистон энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий ва методологик асослари нуқтаи-назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

1. Маълумки, ҳар бир мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг умумий ҳажми унинг иқтисодий қудратини кўрсатувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Уни яратишда, асосан, мамлакат реал секторининг корхоналари фаол иштирок этишади. Шу ўринда, жумладан, куйидаги саволларнинг туғилиши табиий: Ўзбекистоннинг ЯИМини яратишда унинг иқтисодиёти асосий тармоқларидан бири бўлган энгил саноат корхоналарининг роли қандай? Хусусан, мустақилликнинг сўнгги 15 йили давомида бу борада қандай ўзгаришлар содир бўлди? Мамлакатимиз энгил саноати тараққиётининг истиқболларини белгилашда ва унинг молиявий жиҳатларига нисбатан бу жараёнда нималарга эътибор бериш керак? Ва ҳ.к. Бу саволларга, қисман бўлса-да, жавоб сифатида 1.1.1-жадвалда келтирилган маълумотлар хизмат қилиши мумкин.

Ана шу келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, уларга таянган ҳолда мамлакатимиз ЯИМини яратишда энгил саноатнинг тутган ўрни ва кейинги 15 йил давомида унинг тараққиётига хос бўлган муҳим тенденциялар хусусида маълум бир хулосаларни шакллантириш мумкин.

Дастлаб шуни эътироф этиш лозимки, таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМдаги салмоғи 7,0%дан (2009 ва 2012 йиллар) 12,7%гача (2004 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 5,7 фоизли пункт ёки 181,4%) бўлишига қарамасдан унинг 2001-2012 йиллар оралиғида, умуман олганда, пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу нарса, айниқса, 2004-2012 йиллар оралиғида яққол кўринади.

**Ўзбекистон Республикаси ЯИМини яратишда энгил саноат
корхоналарининг роли⁶**

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Мамлакат ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўм.	Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм.	Ўзбекистон енгил саноат корхона- ларининг ЯИМдаги салмоғи, %
2001	4925,3	567,2	11,5
2002	7450,2	876,5	11,8
2003	9844,0	1208,6	12,3
2004	12261,0	1556,7	12,7
2005	15923,4	1833,1	11,5
2006	21124,9	1833,1	10,1
2007	28190,0	2532,8	9,0
2008	38969,8	2993,8	7,7
2009	49375,6	3436,0	7,0
2010	62388,3	4593,1	7,4
2011	78764,2	5640,7	7,2
2012	96589,8	6566,6	7,0
2013	118986,9	7616,5	11,6
2014	139089,5	9139,9	12,0
2015 ⁷	152998,2	10967,8	11,9

Бир қанча объектив ва субъектив сабаблари⁸ бўлишига қарамадан, бизнинг назаримизда, буни соғлом ҳолат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалага мамлакатимизда азал-азалдан етарли даражада ва ҳатто ортиқча хом ашё ресурсларининг

⁶Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди ва бунда, жумладан, 1.1.1-иловада келтирилган маълумотларга таянилди.

⁷Бу ерда ва кейинги ўринларида келтирилган жадвалларнинг барчасида 2015 йил учун прогноз (башорат) кўрсаткичлари келтирилмоқда.

⁸Масалан, мамлакат иқтисодий тармоқлари ўртасидаги таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши, янги тармоқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиши, иқтисодий сисъатнинг ўзгариши ва х.к.лар.

мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда ўткирлиги янада ойдинроқ намоён бўлади. Унга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустақкамлаш зарурлигини инobatга олган ҳолда назар солинса, вазиятнинг анча кескин эканлигини аниқлашимиз мумкин. Шунингдек, ушбу ҳолат жаҳон бозорининг таркиб топган сегментлари, уларнинг турли мамлакатлар томонидан аллақачон эгалланиш даражаси эътиборга олинган тарзда таҳлил қилинадиган бўлса, мамлакатимиз ЯИМнинг умумий ҳажмида энгил саноат корхоналари улушининг камайишини оддий тарзда изоҳлашнинг иложи йўқлиги маълум бўлади-қолади.

Тадқиқотларимиз натижалари вужудга келган вазиятнинг сабабларидан бири сифатида мамлакатимизда энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2013 йилда 2001 йилга нисбатан мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати (амалдаги баҳоларда) 24,1 мартани ташкил этган бўлса, худди шу даврда энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари эса 13,4 мартага тенг бўлган (1-илова маълумотларига қаранг). Бу ушбу кўрсаткич ўсиш суръатларининг олдинги кўрсаткич ўсиш суръатларига нисбатан деярли 1,798 марта ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Вужудга келган бу вазият ўзига хос диспропорцияни англатиб, уни ўз ҳолига қолдириб бўлмайди, бизнингча. Хусусан, бу борада таркиб топган фарқни қисқартириш бўйича тегишли ишларни (жумладан, молиявий характердагиларни ҳам) амалга ошириш мақсадга мувофиқ. 2014 йилда эришилган ва 2015 йилда эришилиши лозим бўлган башорат кўрсаткичларининг белгиланган даражалари бу йўналишда маълум бир ишларни амалга ошириш бошлаб юборилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2014 йилда мамлакатимиз ЯИМини ҳажми 2001 йилга нисбатан 28,2 марта ўсган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси энгил саноат корхоналари бўйича 16,1 мартага тенг бўлган (ўртадаги фарқ 1,752 марта). Худди шунингдек, бу кўрсаткичларнинг 2015 йиллардаги даражалари, мос равишда, 31,1 ва 19,3 марта қилиб белгиланмоқда (ўртадаги фарқ 1,611 марта). Демак, бу келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари ўртасидаги

фарқни қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Бу фикримизнинг ўз манتيқий асосига эга эканлигини ушбу ҳолатни характерловчи кўрсаткичнинг 2013 йилда – 1,798 га, 2014 йилда – 1,752 га ва 2015 йилда – 1,611 га тенг бўлаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, бу йўналишда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ўзига хос имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини соғлом ҳолат деб баҳолашнинг иложи йўқ. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг бу борадаги ўзига хос шарт-шароитлари ва имкониятларини ҳамда юқорида қайд этилган сабабларни инобатга олган ҳолда, ҳеч бўлмаганда, ЯИМнинг ўсиш суръатларидан паст бўлмаслиги лозим. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, Ўзбекистон энгил саноатини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатлари ҳам бу муаммони муваффақиятли ҳал этишга қаратилиши керак.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини белгилашда асосий капиталга қилинаётган инвестициялар муҳим ҳам роль ўйнайди. Бу Ўзбекистонга ҳам тегишли. Шунингдек, бу нарса иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи тараққиёт даражасини белгилаб беришда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан бу ерда ҳам худди олдинги пунктда бўлганидек, жумладан, қуйидаги саволларнинг туғилиши табиий: Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган энгил саноатда асосий капиталга инвестициялар билан боғлиқ бўлган муаммолар қандай ҳал қилинапти? Умуман олганда, уларнинг кўлами қандай? Унга тегишли бўлган ўсиш суръатлари бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига қандай жавоб бераётир? Мустақиллик йилларида, хусусан, унинг кейинги 15 йили давомида бу борада қандай ўзгаришлар содир бўлди? Мамлакатимиз энгил саноати тараққиётининг истиқболларини белгилашда бу жараёнда нималарга эътибор бериш керак? Ва ҳ.к. Бизнингча, бундай характердаги саволларга, қисман бўлса-да, 1.1.2-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб жавоб топиш мумкин.

1.1.2-жадвалда келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, тадқиқот ишлари амалга оширилаётган даврда Ўзбекистондаги асосий капиталга инвестицияларда энгил саноат корхоналарининг

салмоғи амалда 1,4%дан (2009 йил) 9,7%гачани (2010 йил) ташкил этган (тебраниш диапазоли 8,3% ли пункт) бўлса-да, бизнинг фикримизча, бу ерда вужудга келган ҳолатни таҳлил қила туриб, қуйидагиларни, албатта, қайд этиш жоиз:

1.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси енгил саноат корхоналарида асосий капиталга инвестициялар⁹

Йил-лар	Кўрсаткичлар		
	Ўзбекистон бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм.	Ўзбекистон енгил саноат корхоналари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм.	Ўзбекистондаги асосий капиталга инвестицияларда енгил саноат корхоналарининг салмоғи, %
2001	1320,9	43,15	3,3
2002	1526,6	47,32	3,1
2003	1978,1	104,8	5,3
2004	2629,0	129,5	4,9
2005	3165,2	146,9	4,6
2006	4041,0	168,0	4,2
2007	5903,5	194,3	3,3
2008	9555,9	299,0	3,1
2009	12531,9	170,6	1,4
2010	15338,7	1487,8	9,7
2011	17953,4	1696,1	9,4
2012	22797,3	2035,3	8,9
2013	27557,3	2544,1	9,2
2014	33311,0	3307,4	9,9
2015	39640,0	4464,9	11,3

а) 2001-2009 йиллар оралиғида мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестицияларда енгил саноат корхоналарининг салмоғи нисбатан унча катта бўлмаган даражани (3-5% атрофида) ташкил этиб, у узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу нарса,

⁹Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ҳамда «Ўзбекистон саноати» ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди ва бунда, ҳусусан, 1.1.1-иловада келтирилган маълумотларга таянилди.

айниқса, 2003-2009 йиллар оралигида яққол (5,3%дан 1,4%гача) кўринади;

б) 2010 йилдан бошлаб бу борада вазият кескин ўзгарган ва тегишли кўрсаткичнинг ўртача даражаси олдинги йилларга нисбатан қарийб 2-3 баробарга ортган. Жумладан, 2010-2014 йилларда унинг даражаси 9-10% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткични юқори даражада (10-11% атрофида) ушлаб туриш 2015 йилда ҳам кўзда тутилмоқда;

в) шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, 2001-2014 йиллар оралигида мамлакатимиз энгил саноати корхоналарида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (58,9 марта) шу кўрсаткичнинг мамлакат бўйича умумий даражасидан (20,9 марта) 2,8 марта юқори бўлган. Башорат кўрсаткичларининг дарак беришича 2015 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2014 йилдаги эришилган даражадан янада юқори бўлади (мос равишда, 103,4 ва 30,0 марта) ва 3 баробардан ошиб кетади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, фикримизча, асосий капиталга инвестициялар бўйича мамлакатимиз энгил саноати корхоналарида олиб борилаётган ишларни ва бу ерда, айнқса, кейинги йилларда вужудга келган тенденцияни ижобий баҳолаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз энгил саноати ривожининг истиқболлини инвестицияларсиз ва айнқса, асосий капиталга инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, катта миқдордаги молиявий маблағларнинг сарф қилинишини тақозо этади. Бундай шароитда молиялаштириш манбаларини кидириб топиш, уларнинг оқилона таркибий тузилмасига эга бўлиш, маблағларни тежаб-тергаб ва самарали сарфлаш билан боғлиқ бўлган масалалар кун тартибига қўйиладики, уларни бозор иктисодиётининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда муваффақиятли ҳал этиш алоҳида долзарблик касб этади.

Бир вақтнинг ўзида, юқоридаги ҳар икки кўрсаткичларни ўзаро қиёслар эканмиз, улар ўртасида мамлакатимизда ўзига хос тарздаги номувофиқлик таркиб топганлигини ҳам аниқлашимиз мумкин. Гап бу ўринда энгил саноат корхоналарида реализация қилинган маҳсулотлар ўсиш суръатларининг мамлакат ЯИМ ўсиш суръатларидан пастлиги (1,8 марта) ва аксинча, энгил саноат корхоналарида асосий капиталга қилинган инвестициялар ўсиш суръатларининг мамлакатимиз бўйича асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг ўсиш суръатларидан бир неча баробар (2,8

марта) юқорилиги хусусида кетаяпти (1-иловага қаранг). Бошқача ифодалаганда мамлакатимиз энгил саноатида асосий капиталга қилинган инвестициялар катта миқдорни ташкил қилаётган бўлишига қарамасдан улар бу тармоқда ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминламаяпти¹⁰. Бу нарса, ўз навбатида, тармоқ корхоналарида асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлиги билан боғлиқ бўлган масалаларни яна бир марта кун тартибига қўядики, улар орасида бундай инвестицияларни молиялаштириш муаммоларини оқилона ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади¹¹.

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлашда мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг ролига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда нисбатан арзон хом ашё базаси ва бошқа бир қатор қулайликларга эга бўлган энгил саноат корхоналари томонидан мамлакатимиз Давлат бюджетига тўланаётган солиқ суммаларининг умумий миқдори (ҳажми), уларнинг маълум йиллар давомида қай даражада ўзгараётганлиги, республикаимиз Давлат бюджети даромадларида энгил саноат корхоналари томонидан тўланган солиқ суммаларининг салмоғи ва уларнинг қай йўналишда ўзгараётганлиги ва умуман, бу ерда қандай тенденцияларнинг таркиб топаётганлигини аниқлашга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Фикримизча, 1.1.3-жадвалда келтирилган маълумотлар ана шу мақсадларга хизмат қилади.

1.1.3-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган даврда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 0,27%дан (2008 йил) 1,20%гачани (2002 йил) ташкил этган (тебраниш диапазони 0,93%ли пункт) бўлишига қарамасдан, бу ерда қарор топган қатъий бир тенденция хусусида фикр билдириш анча мураккаб, чунки турли йилларда тегишли кўрсаткичнинг даражаси учун қарама-қарши йўналишда ўзгарувчанлик хос. Шундай бўлса-да, бизнингча, 2010 йилдан кейин бу йўналишда қатъий бир тенденциянинг таркиб топаётганлиги ҳақида гапириш мумкин. Чунки бу давр учун

¹⁰Унинг иқтисодий математик моделини яратиш ёки моделлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг айрим жиҳатлари монографиямизнинг IV бобида батафсил кўриб чиқилади.

¹¹Хусусан, муаммонинг бу жиҳатлари монографиямизнинг II бобида атофлича кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг ҳиссаси 0,5-0,6%га тенг бўлмоқда. 2015 йил учун мўлжалланган башорат кўрсаткичларининг даражаси ҳам шу атрофда (0,6%) белгиланмоқда.

1.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг роли¹²

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари, млрд. сўм.	Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича тўланган солиқлар ҳажми, млрд. сўм.	Бюджет даромадларида Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг салмоғи ¹³ , %
2001	1280,5	11,3	0,88
2002	1877,4	23,7	1,20
2003	2382,2	23,0	0,96
2004	2758,7	20,5	0,70
2005	3598,6	16,8	0,46
2006	4562,9	13,1	0,46
2007	6145,4	23,7	0,38
2008	9235,8	25,6	0,27
2009	11356,3	39,1	0,34
2010	13725,4	82,5	0,60
2011	17879,4	90,1	0,50
2012	21056,6	118,9	0,56
2013	25689,0	148,6	0,57
2014	32112,3	193,2	0,60
2015	41744,7	241,5	0,60

Мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденциялар

¹²Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди ва бунда, хусусан, 1.1.1-иловада келтирилган маълумотларга таянилди.

¹³Бу ерда ушбу кўрсаткични аниқлашда фақат Ўзбекистон энгил саноат корхоналари тизимида мавжуд бўлган рақамлардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан қаралганда, бизнинг фикримизча, бу ерда вужудга келган ҳақиқий ҳолатни ижобий баҳолаш анча мураккаб. Чунки мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бу тармоқ корхоналарининг роли деярли сезилмаяпти ва шундайлигича қолаётир. Муаммо Ўзбекистоннинг дунёда пахта етиштирувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланиши, пахта етиштиришнинг мамлакатимиз аграр секторида ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги, бу ерда етиштирилган ҳосил мамлакатимиз энгил sanoat корхоналари учун асосий хом ашё базаси эканлиги ҳисобга олиб қараладиган бўлса, фикримизча, вазиятнинг ўткирлиги янада ойдинлашади. Гап бу ўринда мамлакатимиз энгил sanoat корхоналарида юқори даражадаги қўшилган қийматнинг яратишга эътибор берилмаётганлиги, у баъзи сабабларга кўра бошқа жой (бўғин)ларда вужудга келаётганлиги, бундан республикаимиз энгил sanoat корхоналарининг баҳраманд бўлмаётганлиги ва ҳ.к.лар хусусида кетмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, тармоқ корхоналари ҳамда, ундан сўнг, умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил sanoat корхоналарининг ролини ошириш чораларини кўрмоқ лозим. Бундай характердаги чораларнинг кўрилиши лозимлигини юқоридаги биринчи (1.1.1-жадвалга қаранг) ва учинчи (1.1.3-жадвалга қаранг) гуруҳларга кирувчи кўрсаткичларнинг ўзаро таққосланиши ҳам яққол кўрсатмоқда, яъни Ўзбекистон энгил sanoat корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи таҳлил қилинаётган даврда 7-12%ни ташкил этган бир пайтда, бюджет даромадларида шу корхоналарнинг салмоғи, бор-йўғи 0,3-1,2%га тенг бўлмоқда, холос. Ўртадаги фарқ эса, кўриниб турибдики, 10 баробардан кўпроқни ташкил этмоқда (бу маълумотлар 1-иловада ҳам ўз аксини топган).

Албатта, буни бошқа ҳеч нарсани ўзгартирмасдан энгил sanoat корхоналарига нисбатан фақат фискаль юкламани ошириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, буни мамлакатимиз энгил sanoat корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг таркибий тузилмасини ўзгартириш (айрим жойларда – тубдан ўзгартириш), тармоқ корхоналарида юқори даражадаги қўшилган қийматни ўзида мужассам этувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига катта эътибор бериш

йўналиши орқали ҳал қилиш лозим. Шунингдек, бу нарса, бизнинг фикримизча, комплекс тарзда молиявий характердаги бир неча муаммоларнинг ҳам бозор механизмлари орқали ҳал қилинишини тақозо этади¹⁴.

4. Мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденцияларни Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортида эгаллаган мавқеи ва ундаги ўзгаришларни таҳлил қилмасдан туриб ҳам тасаввур этиш мумкин эмас. Шу муносабат билан тегишли таҳлил ишларини энг умумий кўринишда амалга оширишда, юқорида таъкидланганидек, қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: а) Ўзбекистон Республикасининг экспорти ҳажми (миқдори), млн. АҚШ долларарида; б) Ўзбекистон Республикаси энгил саноат корхоналарининг экспорти, млн. АҚШ долларарида; в) Ўзбекистон Республикаси энгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортидаги салмоғи, %да. Ушбу кўрсаткичларни характерловчи маълумотлар 1.1.4-жадвалда келтирилмоқда.

Бу маълумотларни таҳлил қилиб, мамлакатимиз экспортида энгил саноат корхоналарининг ўрнини кўрсатувчи бир неча хулосаларни шакллантириш мумкин. Уларнинг энг муҳимлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Ҳақиқатдаги 2001-2014 йилларга тегишли бўлган маълумотларнинг таққосланиши мамлакатимиз умумий экспортининг ўсиш суръатларидан (8,1 марта) энгил саноат корхоналари экспортининг ўсиш суръатлари (7,6 марта) бироз ортда (6,2%га) қолаётганлигини кўрсатмоқда;

2. Бу маълумотларнинг башорат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиниши унинг 2015 йилда 11,2 ва 12,5 мартани ташкил этишини кўрсатмоқда. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мамлакатимиз умумий экспортининг ўсиш суръатларидан (8,3 ва 11,2 марта) энгил саноат корхоналари экспортининг ўсиш суръатлари (9,4 ва 12,5 марта) юқорирок бўлиши (мос равишда, 13,3% ва 11,6%га) кўзда тутилмоқда;

¹⁴Бу тўғрисида монографиямизнинг кейинги ўринларида батафсил тўхталамиз.

**Ўзбекистон Республикаси экспортда
енгил саноат корхоналарининг ўрни¹⁵**

Йил-лар	Кўрсаткичлар		
	Ўзбекистон Республикасининг экспорти, млн. АҚШ \$	Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг экспорти, млн. АҚШ \$	Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортдаги салмоғи, %
2001	3170,0	136,1	4,3
2002	2988,4	154,3	5,2
2003	3725,0	213,0	5,7
2004	4853,0	279,8	5,8
2005	5408,8	239,3	4,4
2006	6389,8	315,2	4,9
2007	8991,5	400,5	4,4
2008	11493,3	375,3	3,2
2009	11771,3	385,2	3,3
2010	13023,4	619,0	4,7
2011	15889,0	660,4	4,2
2012	19860,9	825,5	4,2
2013	25818,9	1031,9	4,0
2014	26216,1	1289,8	4,9
2015	35391,7	1702,6	4,8

3. 2001-2013 йиллар оралиғидаги Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортдаги салмоғини характерловчи ҳақиқий маълумотлар ушбу кўрсаткичнинг 3,2%дан (2008 йил) 5,8%гача (2004 йил) ўзгарганлигини (тебраниш диапозони 2,6 фоизли пункт ёки 181,3%) кўрсатсада, ушбу даврда бу масалага нисбатан бирор-бир қатъий тенденциянинг таркиб топганлигини характерлай олмайди. Чунки ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2001-2004 йилларда - «ўсиш», 2006-2009 йилларда - «пасайиш», вазият 2010 йилда анча яхшиланган бўлишига қарамасдан яна кейинги

¹⁵Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ҳамда «Ўзбекистон саноат» ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди ва бунда, хусусан, 1.1.1-иловада келтирилган рақамларга таянилди.

йилларда ва 2013 йилгача «пасайиш» тенденциясига эга бўлган-лигидан дарак бермоқда;

4. 2014 йилда эришилган даража ва 2015 йилга мўлжалланган башорат кўрсаткичи мамлакатимиз экспортида энгил sanoat корхоналари ҳиссасини ошириш кўзда тутилганлигини билдираёпти.

Умуман олганда, 1.1.4-жадвал маълумотлари энгил sanoat корхоналарининг мамлакатимиз экспортида тутган ўрни 5% атрофидаги кўрсаткич билан аниқланиши ва унинг бу даражаси деярли қатъий тарзда (кўрсаткичнинг айрим йиллардаги даражаси бундан мустасно) таркиб топганлиги билан кўзга ташланаётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу ерда айрим мулоҳазаларни қайд этиб ўтмоқ лозим.

Гап шундаки, баъзи бир мамлакатлар учун экспортда энгил sanoat корхоналарининг 5%ли даражани эгаллаши ютуқ сифатида эътироф этилиши ва ижобий баҳоланиши мумкин. Шундай бўлса-да, бизнингча, буни Ўзбекистонга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки мамлакатимиз бошқа мамлакатларга нисбатан пахта хом ашёсига асосланган энгил sanoat корхоналарини ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қиёслаб бўлмайдиган имкониятларига эга. Хусусан, етарли ва нисбатан арзон бўлган хом ашё базасининг мавжудлиги ана шундай имкониятларнинг биринчиси бўлса, малакали, арзон ва тажрибали меҳнат ресурсларининг борлиги ана шундай имкониятларнинг иккинчиси-дир. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, республикаимиз энгил sanoat корхоналарининг мамлакат умумий экспортидаги салмоғи истиқболда ортиб бориши лозим. Буни, энг аввало, Ўзбекистон энгил sanoat корхоналари экспорти ўсиш суръатларининг мамлакат умумий экспорти ўсиш суръатларидан юқорилигини таъминлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, бу ҳам, жумладан, молиявий характердаги маълум бир чораларнинг кўрилишини тақозо этади¹⁶.

5. Ўзбекистон энгил sanoat корхоналарида фаолият кўрсатувчилар сони ва мамлакатдаги ишловчилар сонига Ўзбекистон энгил sanoat корхоналари салмоғини характерловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам мамлакатимиз иқтисодийётида энгил sanoat корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган

¹⁶Бу хусусда монографиямизнинг кейинги қисмларида тўхталамиз.

тенденцияларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин. Шу муносабат билан уларни ифодаловчи рақамлар 1.1.5-жадвалда келтирилмоқда.

1.1.5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасидаги ишловчиларда
енгил sanoat корхоналарининг тутган ўрни¹⁷**

Йил-лар	Кўрсаткичлар		
	Ўзбекистон республикаси бўйича ишловчиларнинг сони, минг киши	Ўзбекистон енгил sanoat корхоналарида ишловчилар сони, киши	Мамлакатдаги ишловчилар сонида Ўзбекистон енгил sanoat корхоналари салмоғи, %
2001	4169,0	48479	0,86
2002	6271,0	71260	0,86
2003	9589,0	82218	0,86
2004	9910,6	96689	0,98
2005	9760,2	111774	1,15
2006	10069,2	117203	1,16
2007	10755,4	126700	1,18
2008	11035,4	126500	1,15
2009	11328,1	110200	0,97
2010	11628,4	98600	0,85
2011	11919,1	103645	0,87
2012	12193,2	108763	0,87
2013	12498,1	113763	0,91
2014	13747,9	119013	0,87
2015	15810,1	148766	0,94

Мамлакатимиздаги ишловчилар сонида енгил sanoat корхоналарининг тутган ўрнини кўрсатувчи 1.1.5-жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, улар асосида, бизнингча, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин: мамлакатдаги ишловчилар сонида Ўзбекистон енгил sanoat корхоналарининг салмоғи 2001-

¹⁷Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ҳамда «Ўзбекенгилsanoat» ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди ва бунда, хусусан, 1.1.1-иловада келтирилган рақамларга таянилди.

2015 йиллар оралигида 1,0% атрофидаги кўрсаткични ташкил этмоқда. Бизнинг назаримизда, бу кўрсаткичнинг даражаси энгил sanoat тармоғини ривожлантириш борасида Ўзбекистондек қулай шароит ва имкониятга эга бўлган мамлакат учун сезиларли даражада паст бўлган кўрсаткич ҳисобланади.

Юқорида келтирилган беш гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар билан бир қаторда, бизнинг назаримизда, мамлакатимиз энгил sanoatини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатларига нисбатан тегишли қарорлар қабул қилиш жараёнида, энг аввало, Ўзбекистондаги sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ҳам, албатта, ҳисобга олиниши зарур. Хўш, охириги йилларда, масалан, 2001-2014 йилларда бу борада қандай ўзгаришлар содир бўлди? Навбатдаги 2015 йилда бу йўналишда қандай ўзгаришларнинг содир бўлиши кўзда тутилмоқда? Хусусан, бу масалалар энгил sanoat тармоғида қандай ҳал этилмоқда? Ва ҳ.к.

Фикримизча, ушбу саволларга аниқлик киритишда 1.1.6-жадвалда келтирилган маълумотлар (навбатдаги бетга қаранг) муҳим роль ўйнайди. Бу маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз энгил sanoatини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатларига бевосита дахлдор бўлган бир неча ҳулосаларни чиқариш мумкин. Бизнингча, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимиз sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини белгилашда, асосан, унинг 5 тармоғи ҳал қилувчи ўринни эгалламоқда. Булар ёқилғи (ўртача 16,8%), энгил (15,5%), машинасозлик (14,6%), рангли металлургия (12,8%) ва озик-овқат (11,2%) sanoat тармоқларидир. Бу таркибда энгил sanoat тармоғининг ҳам бор эканлиги мамлакатимиз энгил sanoatини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатларига эътибор берилётганда ҳисобга олиниши керак;

2. Ўзбекистондаги sanoat тармоқларини маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб классификация қилинадиган бўлса, уларни, шартли равишда бўлса-да, қуйидаги бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида ўз мавқеини мустаҳкамлаган (оширган) sanoat тармоқлари. Буларга мамлакатимиз sanoatининг ёқилғи ва машинасозлик тармоқлари киради.

1.1.6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида sanoat mahsulotlari ishlab chikarishning tarkibiy tuzilishi
va unda engil sanoat tarmoqining ўрни, %da**

T/ P	Sanoat tarmoqlari	Й и л л а р													Ур- тана		
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013		2014	2015
1.	Электро- энергетика	8,1	7,7	9,1	10,9	11,3	10,0	9,4	8,6	8,7	8,1	7,9	7,7	7,5	7,9	8,0	8,8
2.	Ёнгилги	13,2	13,4	12,2	13,4	16,2	17,0	17,7	19,9	21,3	19,8	17,4	18,0	17,9	17,5	17,5	16,8
3.	Қораме- таллургия	1,4	1,5	1,8	2,6	2,3	2,3	2,4	2,9	2,4	2,4	2,5	2,6	2,3	2,1	2,1	2,2
4.	Рангли ме- таллургия	10,9	13,3	15,0	15,4	17,1	18,5	15,7	12,5	11,5	10,5	10,4	10,0	10,1	10,5	10,5	12,8
5.	Қилмё	5,6	5,6	5,8	5,6	5,2	4,8	4,7	5,1	4,7	5,1	5,7	5,5	5,1	5,3	5,5	5,3
6.	Машина- созлик	11,1	10,2	12,2	12,2	13,0	13,8	15,4	16,1	16,3	16,1	16,2	17,4	16,2	16,5	17,0	14,6
7.	Ўрмон, ёгончи кайта ишлаш	1,3	1,3	1,2	1,1	0,9	0,8	0,9	1,0	1,1	1,0	1,2	1,3	1,1	0,9	1,1	1,1
8.	Қурилиш материал- лари	5,2	4,6	4,1	3,9	3,6	4,2	5,2	5,0	4,9	4,1	5,3	5,5	5,1	4,9	5,0	4,5
9.	Ёнгил	20,0	19,5	19,7	19,2	16,6	14,6	13,7	12,6	12,1	13,1	13,4	12,9	13,9	15,5	15,0	15,5
10.	Озиқ-овқат	12,6	14,3	12,3	9,5	8,2	8,9	9,3	10,7	11,4	12,8	14,0	13,2	13,5	12,5	13,0	11,2
11.	Бошқалар	10,6	8,6	6,4	6,3	5,5	5,1	5,4	5,6	5,0	5,6	6,0	5,9	7,3	6,4	5,3	7,2
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

16 Жавабда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик гушамаляр ва Ўзбекистон Республикаси ДАҚнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан

2000 йилларнинг бошида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида саноат ёки тармоғининг ҳиссаси 12,0-13,0%лик кўрсаткич билан ифодаланган бўлса, унинг бу даражаси охириги уч йилликда 18,0-19,0%лик даража билан характерланмоқда. Шунингдек, яқин истикболда ҳам (2015 йилда) унинг салмоғини деярли шу даражада (17,5%) ушлаб туриш режалаштирилмоқда. Озроқ кам кўламда бўлса-да, деярли шундай ҳолат саноатимизнинг машинасозлик тармоғига ҳам хос. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида унинг ҳиссаси 2001-2003 йилларда 10,0-12,0%ни ташкил этган бўлса, 2011-2013 йилларда бу кўрсаткичнинг даражаси 16,0-17,0%га тенг бўлган ва навбатдаги икки йилда ҳам унинг бу даражасини ушлаб туриш кўзда тутилмоқда;

б) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида ўз мавқеини сақлаб қолган (ўзгартирмаган) саноат тармоқлари. Электро-энергетика (8,0-9,0%), қора (1,5-2,0%) ва рангли металлургия (10,0-11,0%), кимё (5,6%), ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш (1,0%), қурилиш материаллари (4,0-5,0%) ва озиқ-овқат (12,0-13,0) каби саноат тармоқлари учун вазиятнинг ана шундайлиги хос;

в) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида ўз мавқеини сусайтирган (камайтирган) саноат тармоқлари. Булар ўз ичига саноатнинг қолган бошқа тармоқлари билан бир қаторда энгил саноат тармоғини ҳам олмоқда. 2000 йилларнинг бошида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида мамлакатимиз энгил саноатининг улуши 20,0% атрофида бўлса, унинг бу даражаси 2011-2014 йилларда 13,0-14,0%ни ташкил этган.

Демак, юқорида келтирилган хулосалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини белгилашда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган энгил саноат тармоғи кейинги йилларда бу борада ўз позициясини, маълум, маънода, саноатнинг бошқа тармоқларига бўшатиб бермоқда. Асримиз бошида унда мамлакатимиз саноат маҳсулотларининг 1/5 қисми яратилган бўлса, орадан ўн йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб бу кўрсаткичнинг даражаси 1/7га тенг бўлиб қолмоқда. Бу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасида энгил саноатнинг ҳиссаси шу давр оралиғида деярли 30,0%га пасайди, демакдир.

Ана шу мақсадга хизмат қилувчи маълумотлар 1.1.7-жадвалда (навбатдаги бетга қаранг) келтирилмоқда. Бизнинг назаримизда, уларни таҳлил қилиш натижасида чиқарилиши лозим бўлган хулосалар, бир томондан, мамлакатимиз энгил саноати корхоналарининг тараққиёт одимларидан дарак берса, иккинчи томондан, улар тармоқ корхоналари тараққиёт истиқболининг молиявий жиҳатлари нима-лардан иборат бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатади. Шу нуқта-назардан олиб қаралганда, 1.1.7-жадвал маълумотларини таҳлил қилиб, фикримизча, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Мамлакатимиз энгил саноатида 2001-2014 йилларда реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми амалдаги баҳоларда қарийб 14,2 баробарга ортган. Тармоқ корхоналарида 2001 йилда 567,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар реализация қилинган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2014 йилда 8069,1 млрд. сўмга тенг бўлган;

2. 2001-2014 йиллар оралиғида олдинги йилга нисбатан ишлаб чиқариш ва реализациянинг ўсиш суръатлари 111,6%дан (2013 йил) 154,5%гача (2001 йил) ўзгарганлигини (тебраниш диапозони 43,1 фоизли пункт) кўрсатмоқда. Умуман олганда, ушбу кўрсаткичнинг 2001-2014 йиллар оралиғидаги ўзгаришига эътибор бериладиган бўлса, у учун қуйидаги ҳолатларнинг хос бўлганлигини аниқлашимиз мумкин:

а) 2001-2009 йиллар оралиғида мамлакатимиз энгил саноатида реализация қилинган маҳсулотлар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш суръатлари мунтазам равишда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган;

б) 2010 йилда 2009 йилга нисбатан вазият ижобий томонга биров ўзгарган, реализация қилинган маҳсулотлар ҳажмининг йилдан-йилга пасайиш суръатларига барҳам берилган ва бу йилда олдинги йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 133,7%ни ташкил этган;

Яна бир эътиборга лойиқ бўлган ҳолат: 2002-2008 йилларда реализациянинг ўсишига меҳнат унумдорлигининг таъсири 0,3 (2005 йил) ва 3,7 (2008 йил) даражасида бўлса, ушбу ҳолат 2009-2011 йилларда 7,8 (2011 йил) ва 14,8 (2010 йил) даражасида бўлган. Навбатдаги икки йилда, яъни 2012-2013 йилларда ушбу кўрсаткичнинг даражаси биров паст бўлса-да (мос равишда, 5,7 ва 4,2), улар барибир 2002-2008 йиллардаги даражалардан ўзининг юқори эканлиги билан ажралиб турмоқда. Шундай ҳолат 2014 йилда ҳам сақлаб қолинган ва унинг 2015 йил ҳам шундай бўлиши мўлжалланмоқда;

Ўзбекистон енгил саноати бўйича ишлаб чиқариш дастурларининг бажарилиш ҳолати

Т/Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Реализация килинган маҳсулоғлар ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўмда	567,2	876,5	1208,6	1556,7	1833,1	2133,1	2532,8	2993,8	3436,0	4593,1	5640,7	6566,6	7326,3	8069,1	8866,4
2.	2001 йилга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, %да	x	154,5	2,1	2,7	3,2	3,8	4,5	5,3	6,0	8,0	10,0	11,6	12,9	14,2	15,6
3.	Олдинги йилга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, %да	x	154,5	137,9	128,8	117,7	116,4	118,7	118,2	114,7	133,7	122,8	116,4	111,6	110,1	109,9
4.	Реализация ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши, млрд. сўмда	x	309,3	332,1	348,1	276,4	300,0	399,7	461,0	442,2	1157,1	1047,6	925,9	759,7	742,8	797,3
5.	Ишловчилар сон, киши	48479	71260	82218	96689	111774	117203	126700	126500	110200	98600	103645	108763	113763	119013	124353
6.	Меҳнат уқумдорлиги (амалдаги баҳоларда, млн. сўм/киши)	11,7	12,3	14,7	16,1	16,4	18,2	20,0	23,7	31,8	46,6	54,4	60,2	64,4	67,8	64,1
7.	Реализациянинг ўсишга таъсир этувчи омиллар - ишловчилар сон	x	22781	10958	14471	15085	5429	9497	-200	-16300	11600	5045	5118	5000	5250	5340
	- меҳнат уқумдорлиги	x	0,6	2,4	1,4	0,3	1,8	1,8	3,7	8,1	14,8	7,8	5,7	4,2	3,4	3,5
8.	Реализация килинган маҳсулоғот ҳажми, киёсий баҳоларда, млрд. сўмда	469,0	739,8	1049,1	1371,5	1622,3	1719,3	2312,4	2826,1	3253,9	4312,9	5161,2	5962,5	6425,2	6899,8	7536,4
9.	Баҳоларнинг ўзгариши ҳисобидан реализация ҳажми ўсишининг салмоғи, %да	17,3	15,6	13,2	11,9	11,5	9,4	8,7	5,6	5,3	6,1	8,5	9,2	12,3	14,5	15,0

19. Улгури баҳоларнинг индексига мувофиқ муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

3. Тармоқ корхоналарида реализация қилинган маҳсулот қийсий баҳолардаги ҳажми ўзгаришининг 2002-2014 йиллардаги ҳолати ўрганилганда бундай ўзгаришнинг даражаси 106,0% (2006 йил) ва 157,7% (2002 йил) оралиғида эканлиги ва ўзгариш диапазоли эса 51,7 фоизли пункт даражасида бўлганлигини аниқлашимиз мумкин. Шундай бўлса-да, бу ерда қатъий бир тенденциясининг таркиб топмаганлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз лозим. Чунки бу кўрсаткичнинг даражаси 2002-2006 йилларда узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлса, 2007-2011 йилларда у учун қарама-қарши йўналишларда ўзгариш хос. Шунингдек, 2011-2014 йилларда эса яна у ўзи учун пасайиш тенденциясини касб этган. 2015 йилда, аксинча, унинг 1,8 фоизли пунктга ошиши мўлжалланмоқда;

Шундай қилиб, мамлакатимизда энгил саноат бўйича 2001-2014 йилларда ҳақиқатда амалга оширилган ва 2015 йил учун башорат қилинаётган ишлаб чиқариш дастурларининг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш юқорида қайд этилган хулосаларни чиқаришга имкон беради. Бизнинг фикримизча, ана шу хулосалар асосида куйидаги энг муҳим умумий хулосани шакллантиришимиз мумкин: кейинги йилларда мамлакатимиз энгил саноат корхоналари ўз зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли равишда бажаришни удалашмоқда. Уларнинг бажарилиш даражасига давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси ўз таъсирини кўрсатаётган бўлишига қарамасдан, унинг таъсирчанлик даражаси Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган ва ҳаётга тадбиқ этилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли минималлаштирилмоқда. Бундай шароитда мамлакатимиз энгил саноат корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш дастурларини бажарилишига нисбатан бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига мос бўлган барқарор қатъий бир тенденцияни таркиб топтиришга ҳаракат қилмоқлари лозим. Бунинг учун улар, энг аввало, мамлакатимиз энгил саноатидаги долзарб муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб олмоқлари зарур.

Шу муносабат билан алоҳида қайд этиш жоизки, энгил саноат тараққиёти замонавий ҳолатининг комплекс таҳлили, умуман олганда, унинг ривожланишида ижобий тенденциялар бўлишига қарамасдан, бу тармоқнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ва узлуксиз молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилаётган бир неча муаммоларнинг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Бизнинг

фикримизча, бу борадаги ўзининг тезроқ ечимини кутаётган ва тизимли характерга эга бўлган асосий муаммолар²⁰ қуйидагилардан иборат:

а) хорижий мамлакатлардан Ўзбекистондаги ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқори даражадаги материал, энергия ва меҳнат сиғимида ўз ифодасини топаётган енгил саноатнинг техникавий ва технологик жиҳатдан ортда қолаётганлиги;

б) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий енгил саноат товарларининг нисбатан кучсиз рақобатбардошлиги, Ўзбекистон ва жаҳон бозорида сотилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар ва «ноу-хау» ҳиссасининг пастлигида ўз ифодасини топаётган тармоқ корхоналари инновацион ва инвестицион фаолиятининг нисбатан паст даражада эканлиги;

в) айрим ҳолларда мамлакатимизнинг бошқа мамлакатларга боғлиқлиги кучайишининг сабабига айланган импорт салмоғининг нисбатан юқорилиги;

г) мамлакатимиз ички бозорида ўзбекистонлик ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг кескинлашувида ифодаланган истеъмол товарлари маданийлашган бозорининг мавжуд эмаслиги;

д) барча технологик жараёнлар бўйича асосий ва ёрдамчи ишчилар, бошқарув кадрлари, юқори малакали мутахассислар дефицитида ўзини намоён этаётган социал ва кадрлар муаммоси.

Фикримизча, енгил саноатда юқорида қайд этилган тизимли муаммоларнинг вужудга келиши, энг аввало, тармоқ ичидаги ва тармоқ ташқарисидаги сабаблар билан белгиланади. Улар, бир томондан, тармоқнинг ўз фаолияти ва иккинчи томондан, содир бўлаётган институционал қайта қуришлар, миллий иқтисодиётдаги, мамлакат қонунчилиқ соҳасидаги ва ташқи иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Асосан, бу енгил саноатдаги тузилмавий диспропорциялар,

²⁰ Ушбу параграфнинг кейинги қисмларида баён қилинаётган муаммолар Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг турли даражаларида маълум бир раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган раҳбарлар ва мутахассислар ҳамда экспертлар ўртасида ўтказилган эксперт интервью сериялари натижаларига асосланган ва улар, шартли равишда, маълум бир белгиларига қараб муаллиф томонидан тизимлаштирилган. Тармоқ вакиллари ва экспертлар ўртасида ўтказилган интервьюнинг асосий вазифа (функция)си енгил саноатнинг тараққиёт истикболларини таъминлашга тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни ҳар томонлама очиш ва бу муаммоларни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўл (вариант, усул)лари бўйича аниқ тақлиф-таъсияларни шакллантиришдан иборат. Ҳаммаси бўлиб 22 та экспертдан интервью олинди. Шунингдек, тадқиқотни амалга оширишда енгил саноатда фаолият кўрсатаётган ва турли мулкчилик шаклида бўлган катта ва кичик корхоналарнинг эгалари, раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрлари ҳам ҳисобга олинди.

яъни ҳозирги пайтда маҳсулотга бўлган ўсиб борувчи талабни сифатли қондиришнинг масштаби ва тармоқ имкониятларининг номувофиқлиги, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳиссаси пасайиб боришини тўхтатиш, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашга нисбатан пайдо бўлган тўсиқларни олдини олишнинг зарурилиги билан белгиланади.

Биринчи гуруҳ муаммоларнинг – тараққий этган хорижий мамлакатларга нисбатан мамлакатимиз енгил саноатининг техникавий ва технологик жиҳатдан ортда қолганлигининг – асосий сабаблари, бизнингча, қуйидагилар бўлиши мумкин:

- тармоқда ўрнатилган дастгоҳлар салоҳиятининг етарли даражада юқори эмаслиги, улар катта қисмининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги. Эскирган дастгоҳлар нафақат сифатли маҳсулотларнинг замонавий ассортиментини ишлаб чиқаришга қодир бўлмасдан, балки улар юқори ишлаб чиқариш травматизмига олиб келадиган қоникарсиз иш шароитларининг яратилишига ҳам сабаб бўлади. Бу омилнинг таъсири натижасида тармоқда ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, хорижий мамлакатлардагига нисбатан 3-5 баробар юқоридир;

- замонавий технологик чегаралар ва ишлаб чиқаришни бошқариш автоматлаштирилган тизимларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, айрим ҳолларда эса, уларнинг умуман мавжуд эмаслиги;

- жаҳонда қабул қилинган стандартларга нисбатан таққослаганда технологик янгиланиш суръатларининг нисбатан пастлиги. Мамлакатимизда дастгоҳларнинг янгиланиш кэффиценти ҳақиқатдан ҳам тараққий этган хорижий мамлакатларга нисбатан паст бўлиб, бу жараён, асосан, кредит ва енгил саноат корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади²¹. Хорижий фирмаларда бу кўрсаткичнинг даражаси бизнинг мамлакатимизга нисбатан анча юқори бўлиб, бу нарса, ўз навбатида, енгил саноатнинг ривожланишидан манфаатдор бўлган давлат томонидан етарли даражада инвестицион қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Дастгоҳлар янгиланиш даражасининг нисбатан пастлиги ишлаб чиқариш қувватларининг қисқаришига олиб келади. Енгил саноат корхоналари асосий фондлари ва айниқса, улар актив қисмининг ҳолати тармоқ ишлаб чиқариш салоҳиятининг рақобат

²¹Бу масаланинг айрим жиҳатлари монографиямизнинг II боби доирасида батафсил кўриб чиқилади.

ва техникавий даражасини характерлайдиган кўрсаткичлар бўйича замонавий талабларга етарли даражада жавоб бермайди.

Иккинчи гуруҳ муаммолар – инновацион ва инвестицион фаолиятнинг паст даражадалиги – назаримизда, куйидаги сабабларга бориб тақалади:

- ички ва ташқи бозорларда талабга эга бўлган маҳсулотларнинг мутлақо (бутунлай) янги (истеъмол хосиятларига кўра) турини ишлаб чиқаришга олиб келадиган ва тармоқ тараққиётининг тузилмавий чекланишларини олдини олишга имкон берадиган, тармоқни модернизациялаш ва унга «ёриб ўтувчи» инновацион ва инвестицион лойиҳаларни жорий этиш учун зарур бўлган инвестицияларнинг йўқлиги. Бунда яна шу нарсани эътиборга олиш муҳимки, агар бугунги кунда маҳаллий энгил саноат давлат хариди секторида эҳтиёжларни қоплаши мумкин бўлса, эртага, яъни маҳсулотга бўлган талаб ортганда, ўзимиздаги ишлаб чиқариш ҳатто бу сектордаги ўсиб боровчи эҳтиёжни қопламаслиги мумкин. Буни эса, соғлом ҳолат деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш орқали импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ишлаб чиқариш салоҳияти билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал этишнинг ягона мумкин бўлган йўли бўлиб, унинг ўсиши давлат секторида бошланиб, сўнг тўлиқ бозорга ўтади;

- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бюджетдан молиялаштириш ҳажмининг қисқариши сабабли илмий-тадқиқот ишланмалари натижавийлиги ва ҳажмининг қисқариши. Бу, энг аввало, фундаменталь ва изланувчан тадқиқотларга ўз таъсирини кўрсатди. Рақобатбардошли фан сифимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун тармоқнинг янги технологик асосини ташкил этишга қодир бўлган кўплаб илмий ишланмалар мантиқий тугалланиш даражасигача етиб бормаган ва у ишланмаларни янада чуқурлаштиришни ва давом эттиришни талаб қилади.

1.2. Энгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаси

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон энгил саноатининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболларини жаҳондаги таркиб топган ёки топаётган тенденциялар кесимида баҳоламоқ зарур.

Ушбу масаланинг молиявий жиҳатларини ҳам улардан ажратилган ҳолда тасаввур этишнинг иложи йўқ.

Енгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаларини ўрганишда ўзига хос жиҳатлар қуйидагилардир:

1. Солиқий ва божхонавий тартибга солиш. Масалан, Хитойда енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга солиққа тортишнинг имтиёзли режими ўрнатилган. Туркияда тармоқ корхоналари учун олиб келинадиган дастгоҳлар ва асбоб-ускуналардан бож ва қўшилган қиймат солиғи олинмайди. Қозоғистон Республикасининг «Онтустик» махсус иқтисодий зонасида янги ишлаб чиқарувчилар яратиш бўйича инвестицион лойиҳалар доирасидаги тўқимачилик ва бошқа енгил саноат корхоналарини корпоратив даромад солиғидан тўлиқ озод қилиш кўзда тутилган.

2. Енгил саноатдаги экспорт қилувчи корхоналарни давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш. Масалан, Туркияда экспорт қилувчи енгил саноат корхоналарига мақсадли имтиёзли кредитлар бериш, экспорт маҳсулотнинг қийматиغا киритилган солиқ суммаларини тўлиқ ёки қисман қайтариш, экспорт товарларининг сифатини ошириш бўйича илмий ишланмалар харажатларини қисман компенсация қилиш, экспорт операцияларини суғурталаш ва бошқа молиявий характердаги тадбирлар кенг қўлланилмоқда.

3. Бизнес инфратузилмаларини яратиш. Бу борада Хитой тажрибаси, айниқса, эътиборга лойиқ. Хитойда материалларнинг алоҳида турлари ва кўринишларини (матолар, турли тўқимачилик маҳсулотлари, чулки-носкилар, аёллар учун кийим бошлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган провинция ва шаҳарларда бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш, тармоқ корхоналарини ривожлантиришнинг инновацион асосларини яратиш мақсадида провинция ва шаҳарларнинг ҳокимиятлари ўзларининг ҳудудларида сифатни текшириш марказлари, сервис, ўқув, информацион, логистик марказлар, моделларни автоматлаштирилган лойиҳалаштириш марказлари, матоларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ва х.к.ларни қамраб олувчи технопаркларни шакллантириш (таркиб топтириш)га ёрдам бермоқдалар.

4. Дастгоҳлар ва технологияларни янгилаш. Масалан, Ҳиндистонда энгил ва тўқимачилик саноати технологияларини янгилаш бўйича махсус Дастур амал қилади. Унга кўра технологияларни янгилувчи корхоналарга маблағ берган кредит муассасаларига 5,0% ли компенсация тақдим этилади. Паст технологик даражада машиналарни сотиб олиш бўйича фоизлар эса, аксинча, компенсация қилинмайди. Шунингдек, бу мамлакатда технология ва дастгоҳларни янгилашга концессион ссудалар ажратилмоқда.

Энгил саноат корхоналарининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ривожланаётган мамлакатларда қуйидагиларга имкон берди:

1. Энгил саноат маҳсулотларининг дунё экспортида олдинги ўринларни эгаллаш. Тўқимачилик маҳсулотларининг экспортида Хитой (10,0%), Гонконг, Германия ва Италия (8,0% дан); тикувчилик маҳсулотларида – Хитой (17,0%), Гонконг (12,0%), Италия (7,0%), Туркия, Мексика, АҚШ ва Германия (7,0% дан) дунёда етакчи ишлаб чиқарувчиларга айланди;

2. Асосий дастгоҳларни қисқа муддатларда янгилаш. Сўнгги 10 йилда Хитой ва Туркия тўқимачилик паркидаги дастгоҳлар ва асбоб-ускуналарни тўлиқ янгилашга эришди²²;

3. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш. Давлатнинг сезиларли даражадаги қўллаб-қувватлаши натижасида ривожланаётган мамлакатларда энгил саноат ишлаб чиқаришининг шиддат билан ривожланиши тармоқда ишлаб чиқарувчи кучларнинг қайта тақсимланишига ўз таъсирини кўрсатди. Бу борадаги ишлаб чиқариш маркази Ғарбий Европа ва АҚШдан ишчи кучи қиймати анча паст бўлган Жанубий-Шарқий ва Ўрта Осиё ҳамда Жанубий Америкага кўчди. Юқори даражада тараққий этган мамлакатларда эса техникавий жиҳатдан мураккаб ва махсус тўқимачилик (бу соҳадаги сўнгги ишланмалардан бири бўлган «ақлли» тўқимачиликни ҳам ўз ичига олган) маҳсулотлари, бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган матоларни бўяш ва ишлов бериш ҳамда олий сифатли ва ўткир модалли маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўпланди.

Жаҳон энгил саноати ривожланишининг бошқа тенденциялари қаторига яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

²²Ўзбекистонда эса, афсуски, янгиланиш даражаси (коэффициенти) кейинги йилларда 0,3-0,4га тенг бўлмоқда, холос (2.1.2-иловага қаранг).

1. Кенг халқ истеъмоли товарларида, энг аввало, синтетик яримэфир толаларни истеъмол қилишга асосланган кимёвий тола ва иплардан фойдаланишнинг кенгайиши ва ортиши. Ҳозирги вақтда жаҳонда кимёвий толалардан фойдаланган кенг халқ истеъмоли товарларининг умумий истеъмол ҳажмидаги ҳиссаси 60,0%ни ташкил этмоқда. Прогнозларга кўра, унинг яқин келажакдаги ҳиссаси 80,0%дан ортиб кетади;

2. Трикотаж ва номато материаллар салмоғи ва ролининг ошиши;

3. Тор тўқимачиликдан кенг (2-3 метргача) тўқимачиликка ўтиш ва бу тенденциянинг доимий кучайиб бориши;

4. Тўқимачилик фабрикаларини маҳсулотларнинг турлари бўйича универсаллаштириш. Бу уларнинг талаб ва мода тенденцияларига муваффақиятли равишда мослашишига имкон бермоқда;

5. Ишлаб чиқаришлар ўртасида ва толанинг турлари (пахта, шойи, каноп, жун ва б.) бўйича чегараларнинг унитилиб кетиши;

6. Кичик чизикли қалинликка эга бўлган толалардан фойдаланиш ҳисобига олдиндан аниқланган хусусиятларга эга бўлган ўта замонавий матолар ва тўқимачилик маҳсулотларининг яратилиши;

7. Корхоналарни бўлиб юбориш ва бозордаги эҳтиёж (талаб)ларнинг ўзгаришига тез мослашишга қодир ва 300 тагача ишчиси бўлган унча катта бўлмаган корхоналарнинг ишлаб чиқариш таркибий тузилмасидаги устуворлиги;

8. Тармоқ корхоналарини тугалланган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган холдингларга, тармоқ муаммоларини ечишда ягона ёндошувларни ишлаб чиқувчи ассоциация ва уюшмаларга бирлаштириш;

9. Енгил саноат индустриясини аниқ аҳоли қатламларининг эҳтиёжлари ва хохишларига, истеъмолчиларнинг ёшига, иқлимий шароитларга ва б.ларга йўналтириш;

10. Юқори сифатли буёвчилар, тўқимачилик-ёрдамчи буюмлари ва технологик дастгоҳлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларининг ривожланишини таъминлаш.

Енгил саноат тараққиётининг хориж илғор тажрибаси ҳақида далиллар тўпланаётган ва унга нисбатан тегишли тасаввур ҳосил қилинаётган пайтда куйидаги рақамларга²³ эътибор бермасликнинг сира иложи йўқ; енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

²³Бу ўринда келтирилаётган рақамлар турли ОАВ саҳифаларида ва интернет сайтларида эълон қилинган.

Хитойда 221,0 млрд. АҚШ доллари, ЕИда – 305,0 млрд. АҚШ доллари, РФда – 6,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шу маҳсулотлар экспортининг ҳажми эса Хитойда - 57,0 млрд. АҚШ доллари, Ҳиндистонда – 12,0 млрд. АҚШ доллари, ЕИда – 46,0 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетмоқда. Енгил саноат корхоналарининг сони Хитойда – 230,0 мингта, Ҳиндистонда 252,5 мингта, ЕИда - 117,0 мингта, РФда – 16,0 мингтани ташкил қилмоқда. Шу тармоқда банд бўлганлар сони Хитойда – 30,0 млн. киши, Ҳиндистонда – 20,0 млн. киши, ЕИда – 2,7 млн. киши, РФда – 0,8 млн. кишига тенгдир. Тармоқда банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига Хитойда – 7,4 минг АҚШ доллари, Ҳиндистонда – 98,0 минг АҚШ доллари, ЕИда – 133,0 минг АҚШ доллариллик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар бир кишига тўғри келадиган экспорт ҳажми эса Хитойда - 1,9 минг АҚШ доллари, ЕИда – 17,0 минг АҚШ долларига тенг бўлмоқда.

Умумсаноат ишлаб чиқаришида енгил саноатнинг ҳиссаси Хитойда – 13,0%, Ҳиндистонда – 15,0-20,0%, ЕИда – 4,0% ни ташкил этмоқда. Жаҳон савдосида Хитой енгил саноати кийим-кечаклар экспортининг 16,6%ини, тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 15,2%ини таъминламоқда. Шунингдек, жаҳон савдосида Ҳиндистон жут экспорти бўйича 1-ўринни, шойи экспорти бўйича 2-ўринни, пахта ва целлюлоза толаси экспорти бўйича 3-ўринни, синтетик тола экспорти бўйича 5-ўринни эгалламоқда. Жаҳон савдосида тайёр кийим-кечаклар экспортининг 8,8%, тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 15,0% ЕИ ҳиссасига тўғри келмоқда.

Енгил саноат маҳсулотлари барқарор талабга эга ва улар инсон ҳаёт-фаолиятининг жуда кўп соҳалари учун зарур, жамиятнинг соғлом ривожланишига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади. Товарлар якуний талаби секторида бу тармоқ маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари якка (индивидуаль) харидорлар бўлиб, уларнинг ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийб 40,0% тўғри келади. Умуман олганда, енгил саноат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг таркибий тузилмаси ва уларнинг қўлланиш соҳаларини, энг умумий кўринишда, қуйидагича ифодалаш мумкин (1.2.1-чизмага қаранг):

Ўзбекистон енгил саноатининг тараққиёт истиқболларини таъминлаш нуқтаи-назаридан енгил саноат тараққиётининг жаҳон илғор тажрибаси тўғрисида гап кетар экан, жаҳон миқёсидаги умумий маълумотлар билан бир вақтнинг ўзида айрим мамлакатлар

тажрибасини ўзда мужассам этган хусусий маълумотларга ҳам эътибор бериш зарур. Шу муносабат билан ушбу бобнинг 2-параграфи доирасида ҳозирги замон енгил саноат бозорида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб келаётган Германия, Туркия ва Хитой мамлакатлари тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда юқоридаги уч мамлакатнинг танланиши тасодифий ҳол эмас.



1.2.1-чизма. Енгил саноат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг таркибий тузилмаси ва уларнинг қўлланиш соҳалари

Аксинча, уларнинг танланиши бир-бирдан фарқланувчи уч миллий стратегиянинг атрофлича таҳлил қилиш зарурлигига интилиш билан боғлиқки, бундай стратегияларнинг муваффақиятли амалга оширилиши фақат юқоридаги мамлакатларга жаҳон бозоридан ўз ўринларини эгаллашга имкон бермасдан, балки

уларни сақлаб қолишга ва узоқ давр (муддат) мобайнида ўз позицияларини янада мустақкамлашга имкон берди. Масалан, Германия ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқарувчиларининг сикуви остида ва уларга чидаб, рақобатнинг янада юқори даражасига ўтиш ҳисобидан ривожланган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатга мисол бўла олади. Туркия ўзига хос бўлган шундай давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг намунаси сифатида қаралиши мумкинки, унга кўра жаҳон ишлаб чиқариш занжирининг янада юқорироқ даражасига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш таркибий тузилмасининг секин-асталик билан узлуксиз мураккаблашуви – хом-ашё етказиб бериш ва буюртмачининг технологияси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришдан ўз (шахсий) дизайнерлик уйлари шакллантиришгача – содир бўлмоқда. Бу ўринда Хитойнинг тадқиқот объекти сифатида танланиши, бир томондан, унинг жаҳон бозорида етакчилиги (лидерлиги) ва иккинчи томондан, Ўзбекистон бозорида бу мамлакатнинг интенсив равишда суқилиб кираётганлиги ва мамлакатимиз енгил саноати тараққиётига сезиларли даражада хавф солаётганлиги билан белгиланади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Германия, Туркия ва Хитой каби мамлакатларнинг бу жойда кейс (вазиятий таҳлил)лар тарзида танланиши, бизнинг фикримизча, етказиб бериш (таъминот)нинг глобал занжирида нисбатан паст, ўртача ва юқори технологик даражаларнинг муваффақиятли қўшилиб кетиш имкониятларини кўрсатади. Барча уч вазиятий таҳлиллар қуйидаги бир хил схемада амалга оширилган: а) тармоқ шаклланишининг асосий босқичлари; б) ҳозирги босқичда тармоқнинг аҳволи (ҳолати); в) бизнес-стратегиянинг ўзига хос хусусиятлари; г) тармоқ тараққиётида давлатнинг роли; д) ҳозирги босқичда ривожланишнинг имкониятлари ва хавфли томонлари; е) асосий хулосалар ва башоратлар; ё) Ўзбекистон учун сабоқлари.

ГЕРМАНИЯ

1. Иккинчи жаҳон урушининг тугаши Германия енгил саноатининг юксалишини бошлаб берган. Бу талабнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, уни молиявий ресурсларнинг етарли бўлмаганлиги учун импорт маҳсулотлари ҳисобидан қондиришнинг иложи бўлмаган;

2. Германия енгил саноатининг сўнгги 30 йил ичида реструктуризация қилинишини қуйидаги 3 босқичга бўлиш мумкин: тармоқ тузилмасини қайта қуриш; халқаро интеграциялашув; инновацион етакчиликни таъминлаш;

3. Мамлакат фан ва ишланмаларга йирик маблағларни кўзда тутовчи техник тўқимачиликни ишлаб чиқариш бўйича жаҳон етакчисига айланган;

4. Экспорт даромадлари икки асосий секторлар ўртасида қуйидаги нисбатда тақсимланган: экспорт тушумларининг 41% кийим-кечакка ва 59% тўқимачиликка тўғри келади;

5. 1980-йилларда бошланган ва ҳозир ҳам давом этаётган тармоқда фаолият кўрсатаётган субъектлар сонининг қисқариши компанияларнинг оммавий тарзда касодга учраши (бошқа тармоқлар билан таққослаганда уларнинг сони унчалик катта эмас) билан боғлиқ бўлмасдан, балки бунинг асосий сабаби бозорнинг секин-асталик билан консолидациялашув жараёнлари ва савдо концентрациялашувининг ўсишидир;

6. Германия енгил саноат маҳсулотлари бозорининг 43-46%и тармоқ даромадларининг 10%ини ўзида мужассам этувчи кичик ва ўрта компаниялардан иборат. Бозор иштирокчиларининг қарийб ярми унча катта бўлмаган оилавий фирмалардан иборат бўлиб, уларнинг умумий даромадлари ҳиссаси сони 1%дан ошмайдиган йирик субъектларнинг даромадлари ҳиссасига тўғри келади. Таркиб топган бундай таркибий тузилма банк секторига кучли тарзда йўналтирилган Германия молия тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тармоқ ривожланишининг умумий тенденциялари натижасидир;

7. Мамлакатнинг молиявий тизими универсаль банкларга таянган бўлиб, улар тижорат банклари, кооператив кредит ва ҳар хил ижтимоий-ҳуқуқий кредит институтларини ўз ичига қамраб олади. Сўнгги икки типдаги институтлар (XIX асрда пайдо бўлган ва Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз фаолиятини интенсив

кенгайтирган)нинг асосий вазифалари ўз аъзоларининг эҳтиёжларини, шу жумладан, турли-туман молиявий инструментларни қўллаш йўли билан, қондириш ҳисобланади. Биринчи навбатда фойда олишга қаратилган тижорат банкларидан фарқли ўларок, кооператив ва бошқа молиявий институтлар, улар тараққиётини стимуллаштириб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва кредитлаштириш учун имкониятларнинг кенг спектрини тақдим этадилар;

8. Бир корхонага тўғри келадиган тушум даражасининг анча юқори эканлиги тўқимачилик ва кийим-кечак бозорларининг асосий хусусият-ларидан биридир: кийим-кечак ишлаб чиқариш тармоғининг ўртача даромади бир қатор гуруҳлар бўйича тўқимачилик тармоғига нисбатан 1,8 баробар юқори ҳисобланади;

9. Кичик, ўрта ва йирик корхоналарда меҳнат унумдорлигининг даражаси ўртасида кескин фарқлар деярли мавжуд эмас;

10. Ишлаб чиқаришнинг кўпроқ меҳнат интенсивли ва технологик оддий босқичлари ортиқча ишчи кучи бўлган мамлакатларга ўтказилиб, занжирнинг энг юқори босқичлари мамлакатнинг ўз ҳудудида тўпланган;

11. 1960-йилларнинг охирларидан бошлаб немис компаниялари томонидан аутсорсинг амалиёти қўлланила бошлаган. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарувчилар ташқи компаниялар билан ҳамкорликда турли-туман инвестицияларни амалга оширадилар. Cut-Make-Trim (CMT) модели энг кенг тарқалган шакл ҳисобланади;

12. Немис ишлаб чиқарувчилари ўзларининг рақобатчи сифатидаги устунликларини Осиё минтақаси учун характерли бўлган харажатлар «қувилиши»да эмас, балки, энг аввало, сифатни таъминлашда деб биладилар;

13. Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида ишчи кучи малакасининг юқори даражадалиги немис бозорининг фарқланувчи белгиси ҳисобланади;

14. Немис компанияларининг стратегиялари харажатларни қисқартириш стратегияси билан биргаликда диверсификациялаштирилган товарларни оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган;

15. Давлат маҳсулотни стандартизациялаш ва сертификациялаш тизимлари ҳамда импортга чекловлар киритиш орқали энгил саноатни тартибга солишда катта роль ўйнайди. Қўлланилаётган импортга чекловлар орасида маҳсулот келиб чиқадиган мамлакатга талаблар ва ЕИ қоидаларида кўзда тутилган импорт

тарифи муҳим аҳамиятга эга. Масалан, импорт ўртача тарифи бошқа тармоқларга нисбатан юқорироқ даражада, яъни 7-12% атрофида ўрнатилган. Миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга федераль ва минтақавий даражада турли давлат ва нодавлат тузилмалари хизмат қилади. Улар энгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини бозорнинг таркиб топган таркибий тузилмасини сақлаган ҳолда нотарифли тартибга солиш чоралари орқали қўллаб-қувватлайдилар;

16. Немис энгил саноатининг динамик тарзда трансформациялашуви давом этмоқда. Ўзгаришлар Хитой томонидан рақобат босими тез суръатларда ўсиб боришининг таъсири остида содир бўлмоқда. Хитой товарлари оқимига тўсқинлик қилиш учун ЕИ Хитойнинг ЖСТ аъзо бўлиши муносабати билан алоҳида шартлар доирасидаги ҳимоя чораларидан фойдаланмоқда. Бирок Хитойнинг ЖСТ аъзо бўлиши билан унинг жуда катта ички бозори ҳам очилдики, бу нарса немис ишлаб чиқарувчиларининг ривожланиши учун янги имкониятлар яратди;

17. Тармоқ тараққиётининг прогнозлари, асосан, энгил саноат маҳсулотлари миллий ишлаб чиқаришининг қисқаришига хос бўлган амалдаги тенденциянинг сақланиб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай вазиятда ўсиш двигатели бўлиб техник тўқимачиликни ишлаб чиқариш ва шунингдек, янги маҳсулотларни яратиш бўлиши мумкинки, уларнинг фойдалилик даражаси Германия саноатидаги ўртача даражадан 25,0%га юқорироқдир;

18. Германия рақобат курашининг кескинлашуви ва ривожланаётган мамлакатлар экспансияси шароитида жаҳон энгил саноатида ўз позициясини сақлаб қолган ва ҳатто мустаҳкамлаган мамлакат ҳисобланади. Бундай муваффақиятнинг сабаблари, бир томондан, тармоқ ривожланишининг тарихий динамикаси ва анъаналарида ва иккинчи томондан, давлат (асосан, институциональ чоралар) ва яна каттароқ даражада хусусий «ўйинчи»лар томонидан қилинган интилиш ва хатти-ҳаракатларга бориб тақалади. Уларнинг айримларидан бошқа мамлакатларнинг амалиётида ва хусусан, Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, бозор иштирокчиларининг фаол кооперацияшуви. Бу нарса ҳамкорлик қилиш, маълумотлар билан алмашиш, консолидациялашган позицияни ишлаб чиқиш учун ўзига хос «майдон» яратади. У миллий ва халқаро даражаларда музокараларни амалга оширишга қодир бўлган йирик институциональ бирликни

шаклантиради. Бундай тизимнинг мавжудлиги нафақат йирик, балки кичик «ўйинчи»ларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилишга имкон беради ва шу тарзда бозорнинг рақобат характери ни сақлаб қолади. Тармоқ тараққиёти учун шароитлар яратадиган ва унинг «ўйинчи»ларини институциональ ва нотарифли тартибга солиш тизимлари орқали стимуллаштирадиган давлат ҳам бу масалада катта роль ўйнайди;

19. Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган мамлакатлар ишлаб чиқарувчиларига самарали қарши туриш учун имкониятларнинг йўқлиги шароитида немис фирмалари тармоқнинг инновацион ва капитал сиғимли секторларига ўтиб олди. Бу Хитой ва Осиё бошқа ишлаб чиқарувчиларининг зарбаларидан қутилиб қолишга ва бозорда ўз ҳиссасини сақлаб қолишга имкон берди. Йирик компаниялар эса бир вақтнинг ўзида шаклантириб ёки амалда бўлган глобал ишлаб чиқариш занжирлар сафига қўшилиш орқали тор ихтисослаштирилган стратегияни амалга ошириш йўли билан бордиларки, бу нарса уларнинг янада ўсишига ва жаҳон бозорида позицияларининг мустаҳкамланишини таъминлади.

ТУРКИЯ

1. Туркия дунё бозорида йирик кийим-кечак етказиб берувчилар орасида 5-ўринни, ЕИ мамлакатларига экспорт бўйича эса 2-ўринни эгаллайди. Бу мамлакат жаҳон енгил саноатининг йирик иштирокчиларидан бири бўлиб, уни роли тобора ўсиб бормоқда;

2. Туркия Республикаси ҳокимият органлари бу тармоқни мамлакат тараққиёти учун стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқлар қаторига киритган ва шу муносабат билан протекционизм ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритган. 1923 йилдан бошлаб тўқимачилик саноатида жадал суръатларда давлат корхоналари шакллана бошлаган ва катта миқдордаги миллий маблағлар инвестиция қилинган;

3. Туркия 1980-йилларда «калит бўйича» (Full Package/ OEM — Original Equipment Manufacturing) бренди орқали мустақил мол етказиб берувчи сифатида жаҳон бозорига чиқди. Бунинг асосий сабаби шу даврда ривожланган тўқимачилик саноати ва ички бозорнинг мавжудлиги эди;

4. Туркия тез суръатларда ривожланишининг бир неча омиллари мавжуд. Мамлакат эркин савдо зоналарини ривожлантириш сиёсатини изчиллик билан амалга оширди, малакали арзон ишчи кучига эга бўлди, Европа мамлакатлари билан яқин қўшничилик афзалликларидан фойдаланди ва бу уни ҳамкорлар учун тезда жозибатор қилди;

5. Туркия тўқимачилик саноати ривожланиш йўлидаги навбатдаги қадам дизайнерлик қарорлари мустақил ишлаб чиқилиши (ODM — Original Design Manufacturing) ва ўз брендлари (OBM — Original Brand Manufacturing) яратилиши сегментларининг ҳаракатланиши бўлди. Бу босқич тармоқнинг изчиллик билан ишлаб чиқариш занжирининг навбатдаги босқичига ўтиши билан характерланадики, бунинг амалга ошиши кадрлар тайёрлаш ва бизнесни ривожлантириш соҳасида давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши орқали содир бўлди;

6. Турк ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар жаҳоннинг 170 мамлакатига экспорт қилинади. Мамлакат Европа бозорига юқори даражада боғлиқлиги билан характерланиб, бу бозорга экспорт қилинаётган маҳсулотларининг 80%ини йўналтирмақда²⁴;

7. Туркия ишчи кучи бозори ўз ўлчами бўйича жаҳонда 5-ўринда туради. 3,0 млн.га яқин киши тўқимачилик ва тикувчилик саноатида банд. Норасмий меҳнат бозори расмий меҳнат бозорининг 50-70%и даражасида баҳоланмоқда. 2007 йилдан бошлаб Туркия ҳукуматининг қарорига мувофиқ ишчи кучи малакаси даражасини ошириш ва касбий қайта тайёрлаш дастурини ривожлантириш миллий устуворликлар қаторига киритилган. Бир вақтда ишчи-хизматчилар меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш тенденцияси кузатилмоқда;

8. Сўнгги 5 йил давомида Туркия халқаро савдосининг ҳажми ўртача суръатларда ўсмоқда. Глобалъ молиявий-иқтисодий инқироз таъсири остида 2009 йилда экспорт ва импорт ҳажмининг камайиши навбатдаги йилдаёқ ортиб боровчи тренд билан алмашди ва 2011 йилнинг ўзидаёқ савдонинг инқироздан олдинги ҳажми товарларнинг асосий гуруҳлари бўйича қайта тикланди. 2012 йилда

²⁴Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Assessment of Trends in the Comparative Advantage and Competitiveness of the Turkish Textile and Clothing Industry in the Enlarged EU Market // *Fibres&Textiles in Eastern Europe*. 2012. Vol. 20. No. 3 (92). P. 8-11; Karaalp H.S., Yilmaz N.D. Comparative Advantage of Textiles and Clothing: Evidence for Bangladesh, China, Germany and Turkey // *Fibres&Textiles in Eastern Europe*. 2013. Vol. 21 (1). P. 14-17.

енгил саноат маҳсулотларининг экспорти экспортнинг умумий ҳажмига нисбатан 17,6%ни ташкил этди²⁵;

9. Туркия ҳукумати томонидан қилинаётган ҳаракатларга қарамасдан ҳозирги пайтда турк бозорининг таркибий тузилмасида «калит остида (бўйича)» ишлаб чиқарувчилар асосий ўринни эгаллаб, уларнинг ҳиссасига жами ишлаб чиқаришнинг 60%и тўғри келмоқда. Улар, глобал харидорлар билан бевосита алоқада бўлиб ва айрим меҳнат харажатли операцияларни Миср ва Мароккога бериб, ишлаб чиқариш занжирининг ўртасида жойлашган. Бир вақтнинг ўзида, ўз дизайни ва брендини яратиш босқичигача ишлаб чиқариш занжири бўйлаб юқорига кўтарилаётган компанияларнинг сони ҳам ортмоқда²⁶. Компанияларнинг жуда кўпи миллий мулк эгаларига тегишли, бевосита хорижий инвестициялар унчалик кўп эмас.

10. Енгил саноат тараққиётининг барча босқичларида Туркия рақобатбар-дошлигининг асосий омилларидан бири бўлиб малакали арзон ишчи кучи (ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда) ҳисобландики, унинг мавжудлиги кучли даражада давлатнинг фаолияти билан боғлиқдир. Биринчи босқич (1980-2000-йиллар)даёқ мамлакат ҳукумати енгил саноат учун кадрлар тайёрлаш учун таълим тизимининг ритвожланишига катта эътибор берган эди;

11. Индустрия ривожланишининг яна бир муҳим йўналиши ўз брендларини яратиш ва илгари суришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўлдики, бу нарса Туркия енгил саноатининг ривожланиши йўлидаги навбатдаги қадамга асос бўлиб хизмат қилди. Ҳукумат халқаро рақобат курашида иштирок этиш учун ўз брендларини яратаётган компанияларни қўллаб-қувватловчи стимуллар тизимини ишлаб чиқди;

12. 2009-2014 йилларда Туркия «Тўқимачилик индустрияси, кийим-кечак ва тери ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш Стратегияси»ни амалга оширди. У ходимлари сони 30 кишидан кам бўлмаган компанияларга нисбатан 28та турли чораларнинг қўлланилишини кўзда тутган эди. Уларнинг орасида солиқ преференциялари, ҚҚС ва божхона-тариф йиғимларини тўлашдан озод қилиш, энергия ресурслари харажатларининг 50%ини қўллаб-

²⁵ 2012 йил учун статистик маълумотларнинг манбалари: ITKIB.2013. The General Secretariat of Istanbul Textile and Apparel Exporters' Association, Turkish Clothing Industry. URL: <http://www.ITKIB.org.tr>

²⁶ Neidik B., Gereffi G. Explaining Turkey's emergence and sustained competitiveness: a full-package supplier apparel // Environment and Planning A. 2006. Vol. 38. P. 2285–2303.

қувватлаш, имтиёзли кредитлаштириш, ижтимоий ажратмалар бўйича имтиёзлар, субсидиялар ва мамлакатнинг кам ривожланган минтақаларига ишлаб чиқаришни кўчириб ўтишни стимуллаштириш учун комплекс инструментлар муҳим ўринни эгаллади;

13. Турк ишлаб чиқарувчилари узоқ тарих ва Европа истеъмолчилари нигоҳида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар образига эга эмаски, бу нарса компаниялар экспансиясини кескин секинлаштириш ва қилинган инвестицияларнинг қопланиш муддатларини узайтириши мумкин;

14. У осийлик ишлаб чиқарувчилар билан нафақат харажатлар (ишлаб чиқариш, транспорт харажатлари – буни асосий таъминот бозорларининг географик яқинлиги белгилаб беради) бўйича, балки маҳсулотнинг сифати бўйича ҳам рақобат қилиши мумкин;

15. Туркия рақобатбардошликнинг жаҳон даражасига эришиш учун энгил саноат ривожланишини қўллаб-қувватлаш борасида давлат изчил сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг яхши намунавий мисоли бўлаолади. Мамлакат мавжуд қийсий афзалликларига суяниш – улар орасида арзон малакали ишчи кучи ҳамда стратегик муҳим институтлар ва процедураларни стимуллаштириш энг муҳими ҳисобланади – жаҳон бозорида ўз позицияларини ишончли тарзда мустаҳкамлашга имкон беради. Нафақат харажатларни қисқартиришга, балки унумдорлик ва сифатнинг юқори даражасини таъминлашга ҳам йўналтирилган стратегия рақобатнинг янада юқорироқ даражасига, глобал компаниялар учун товарлар етказиб берувчи вазифасини бажаришдан ўз мустақил фирма ва брендларини яратишга ўтиш учун имкониятлар яратади. Бу нафақат тармоқ барқарор ўсишини қўллаб-қувватлашга имкон беради, балки Осиё мамлакатлари ва, энг аввало, харажатлар бўйича рақобатга энг юқори даражада йўналтирилган Хитой томонидан тармоқнинг асосий секторларида рақобат босимини камайтиради;

16. Ўзбекистон учун Туркия тажрибасини ўрганиш, биринчи навбатда, бу мамлакат томонидан амалга оширилган тармоқ ривожланишини стимуллаш-тириш муваффақиятли модели нуқта-назаридан муҳимдир. Амалга оширилиши ЖСТ талаблари билан чекланганлиги учун, миллий экспортёрларни мақсадли қўллаб-қувватлаш ўрнига турк етакчилари ўз кучларини институционал шароитларни изчил яхшилашга йўналтирдилар;

17. Таълимга урғу бериш иқтисодиёт ва жамиятда, масалан, ҳаёт сифатининг яхшиланиши (ўсиши) билан боғлиқ бўлган қатор ижобий экстерналь самараларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу вазифанинг давлат устуворликлари соҳасига киритилиши эса бозор ва аҳолига тартибга солувчилардан чиқаётган «сигнал»ларни англаб олишга ёрдам бердики, у қўллаб-қувватлашнинг молиялаштириш ва бошқа шакллари билан биргаликда режаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун зарурий базанинг яратилишига олиб келди. Бундай сиёсат ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро ҳамкорликда ва координацияда амалга оширилмоқдаки, бу нарса бозор эҳтиёжларига кўпроқ даражада мувофиқ келадиган (масалан, ҳозирги босқичда миллий брендларни яратиш ва уларни жаҳон бозорига чиқаришни қўллаб-қувватлаш) қарорлар қабул қилишга имкон бермоқда;

18. Ўзбекистон учун Туркиянинг энг муҳим сабоғи энгил саноат тармоғини муваффақиятли ривожлантириш учун шароитлар яратиш бўйича давлат сектори ва индустрия иштирокчиларининг кучларини консолидация қилишнинг зарурлигидадир.

ХИТОЙ

1. Хитойнинг жаҳон энгил саноатида йирик «ўйинчи»лардан бирига айланиши жаҳон иқтисодий тизимига фаол бўйлашишга йўналтирилган ва 1970-йилларнинг охирида бошланган иқтисодий ислохотларнинг натижа-сидир;

2. 1970-йилларнинг охирида Хитой иқтисодиётини хорижий инвестициялар учун очиш бўйича бошланган ислохотларнинг тез натижаси Хитой товарларининг жаҳон бозорларига ва биринчи навбатда, Япония ва Гонконг бозорларига интенсив равишда суқилиб кириши бўлди. Навбатдаги қадам АҚШ ва ЕИ мамлакатларига йўналтирилган бўлиб, бу Япония ва Гонконгнинг воситачи компаниялари ёрдамида амалга оширилди. Улар мол етказиб бериш занжирини қуришга ва Хитой ишлаб чиқарувчиларига нисбатан бўлган дастлабки ишончсизликни бартараф этишга ёрдам бердилар;

3. 1984 йилда Хитой тўқимачилик савдоси бўйича Битим (Multi-Fiber Agreement — MFA)га қўшилди²⁷. Бунинг натижасида

²⁷Тўқимачилик савдоси бўйича Битим (Multi-Fiber Agreement—MFA) 1974-2004 йилларда амал қилган. У дастлаб, пахта савдосини чеклаган. Ундан сўнг эса толаннинг барча турлари – табиий ва суқий – бўйича савдода ҳам квота ўрнатган.

ўсиш суръатлари йилига 16,2%гача ошди²⁸. МҲА коида ва тартибларининг Хитой экспортига нисбатан тадбиқ этилиши ўша пайтда амал қилиб келган Хитойнинг АҚШ, Канада, Норвегия, Финляндия ва Австрия билан икки томонламали битимларини қайта кўриб чиқишга асос бўлди. Бунинг натижасида Хитой ишлаб чиқарувчилари учун бозорнинг барқарорлиги ва шаффофлиги таъминланди, янада ривожланиш учун имкониятлар кенгайди;

4. Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши муносабати билан тўқимачилик ва кийим-кечак экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари яна 20,9%га ўсиб борди²⁹. Бу АТСдан фойдаланиш имкониятларининг қўлга киритилганлиги билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, Хитой ЖСТ томонидан қўллаб-қувватланадиган бахсларни тартибга солиш тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу ҳамкор мамлакатлар билан икки томонламали муносабатлар доирасида келиб чиқиши мумкин бўлган юқотмаларни қисқартирди ва музокараларда Хитойнинг позициясини кучайтирди³⁰;

5. 2005 йилдан тармоқ ривожланишининг навбатдаги бошланади. У тўқимачилик ва кийим-кечак халқаро савдосининг тўлиқ либераллаш-тирилиши билан биргаликда содир бўлиб, квоталаштириш тизимидан эркин савдога ўтишнинг давом этган 10 йиллик даврининг якунланиши билан боғлиқ эди³¹;

6. Иқтисодий муваффақиятларга эришилганлигининг асосий сабабларидан бири Хитой иқтисодиётининг хорижий инвестициялар учун очиклиги бўлиб, бунинг натижасида Хитойда ишлаб чиқариш оммавий тарзда ўсган ва унинг катта қисми хорижий компанияларнинг мулкига тўғри келган;

7. Ҳозирги пайтда «Хитой экспансияси» ва Хитой ишлаб чиқарувчилари томонидан жаҳон бозорларининг «босиб» олиниши хусусида гап кетганда ноаниқликка йўл қўйилмоқда: бундай «экспансия», аслида, Хитой ҳудудидан четда фаолият кўрсатаётган ва вужудга келган имкониятлардан муваффақиятли равишда фойдаланган глобал компаниялар томонидан ташкил қилинган;

²⁸Song H. Global Quota System and China's Textile and Clothing Industry // China & World Economy. 2006. Vol. 14 (5). P. 78–92.

²⁹Song H. Global Quota System and China's Textile and Clothing Industry // China & World Economy. 2006. Vol. 14 (5). P. 78–92.

³⁰Yeung G., Mok V. Does WTO Accession Matter for the Chinese Textile and Clothing Industry? // Cambridge Journal of Economics. 2004. Vol. 28. P. 937–954.

³¹Berger B., Martin R. The Chinese Export Boom: An Examination of the Detailed Trade Data // China & World Economy. 2013. Vol. 21(1). P. 6 4–90; Chi T., Kilduff P. An assessment of trends in China's comparative advantages in textile machinery, manmade fibers, textiles and apparel // Journal of The Textile Institute. 2006. Vol. 97 (2). P. 173–191.

8. Хитойнинг жаҳон бозорида мавжуд бўлиб туриши ривожланиш йўналишларини диверсификациялашнинг узлуксиз равишда кучайтириб бориш орқали амалга оширилган;

9. Хитой энгил саноати миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланаётган сектори ҳисобланиб, у мамлакат тараққиётида катта роль ўйнайди. 2005 йилда Хитойдаги барча иш ўринларининг 15%га яқини тўқимачилик саноатида тўпланган эди. Тўқимачилик ва кийим-кечак Хитой экспортининг 16,4%ини ташкил этади³²;

10. Тўқимачилик саноати хусусий фирмалар жадал суръатларда ривожланаётган Хитой тармоқларининг биринчиларидандир. У 2013 йилда энг юқори ҳиссага эга бўлган хусусий капитал иштирокидаги рақобатнинг энг интенсив даражаси билан характерланади. Бу сектор, асосан, унча катта бўлмаган компаниялардан иборат. Йирик компаниялар таркибий тузилмасида 2/3 қисмини давлат корхоналари ташкил этади;

11. Тармоқдаги интенсив рақобат, Германиядаги вазиятдан фарқли ўлароқ, асосан, харажатлар рақобати билан боғланган. Инновациялар, бошқарув технодогиялари ва баҳоларни пасайтириш маркетингига кенг қўламдаги инвестицияларнинг йўқлиги сифатни оширишмасликни рақобат курашининг асосий инструментига айлантиради (value for money сиёсати);

12. Фойдалиликнинг паст даражада эканлиги яна бир марта тармоқда рақобатнинг харажатлар бўйича кўриниши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ички бозор сигимининг ўсиши шароитида баҳонинг пасайишига нисбатан босимнинг манбаи нафақат хорижий ишлаб чиқарувчиларга қарши туриш, балки Хитой компаниялари ўртасидаги ўзаро ички рақобатнинг зарурлиги ҳам ҳисобланади. Компаниялар фойдалилиги-нинг барқарор паст даражасини ушлаб туриш бунинг натижасига айланмоқда;

13. Хитойда энгил саноатнинг ривожланиши давлатнинг томонидан фаол қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлиб, бу нарса мамлакатнинг жорий социал-иқтисодий модели билан характерланади. Очiq иқтисодиёт ва 1970-йилларнинг охиридан бошланган ислохотлар стимуллаштирувчи миллий сиёсат билан

³²Zhang Y., Wang T. Profitability and Productivity of the Chinese Textile Industry // China & World Economy. 2010. Vol. 18 (5). P. 1-21.

узвий боғланган. Енгил саноат, бир томондан, умумий макроиқтисодий сиёсат афзалликларидан (масалан, юан курсининг паст даражада ушлаб турилишидан) фойдалана олдилар ва иккинчи томондан, у унинг ривожланиши учун тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган (ЛТА, МФА, квоталар тизими ва икки томонламали битимлар) халқаро даражадаги узоқ давом этган музокараларнинг предметига айланди. Тармоқ, шунингдек, давлат турли иқтисодий дастурларининг объектига ҳам айланган эди;

14. 2001-2005 йилларда тармоқ ишлаб чиқариш базасини модернизация қилишга катта миқдордаги маблағлар сарфланди. Хитой 18,9 млрд. АҚШ долларлик дастгоҳларни импорт қилди. Бу шу даврда асосий фондларга инвестицияларнинг 50% ини ташкил этди. Бирок, амалга оширилган чоралар миллий тармоқни тубдан модернизация қилиш учун етарли бўлмади. Чунки Хитой корхоналари, дастгоҳлар ва технологияларнинг импортга юқори даражадаги боғлиқлигини эътиборга олиб, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига инвестиция қилмаган эди;

15. 2006 йилда 11-беш йиллик қабул қилинган бўлиб, у енгил саноатни, асосан унинг тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга мўлжалланди. Режада кўзда тутилган қўллаб-қувватлашнинг йўналишлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) технологияларни ривожлантириш ва дастгоҳларни модернизация қилиш учун мақсадли субсидиялаштириш ва солиқ имтиёзлари тақдим этиш; б) миллий брендлар, илмий-тадқиқот, логистик ва дистрибуторлик марказларини яратиш, ишлаб чиқариш айрим босқичларини хорижга кўчириш, халқаро сертификатлаштириш ва савдо маркаларини қайд этишнинг амалдаги тартибларини ишлаб чиқиш ва мослаштиришни стимуллаштириш; в) Хитойда яратилган ва ишлаб чиқарилган дастгоҳларни яратиш ва фойдаланишни қўллаб-қувватлаш³³.

16. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди:

- субсидиялар;

а) тўқимачилик саноатини реструктуризация қилишни қўллаб-қувватлаш ва Хитой компанияларини байналминаллаштириш бўйича махсус фонд (1,36 млрд. юан, шу жумладан, 560 млн. юан

³³Stewart T. China's Support Programs for Selected Industries: Textile and Apparel. Trade Lawyers Advisory Group LLC. 2007. June.

технологик ривожлантириш ва реструктуризация қилишга ҳамда 800 млн. юан – компанияларни байналминаллаштиришга). Фонд технопарклар ва дистрибуторлик каналларини яратиш, янги технологияларни жорий қилиш, бренд-менежмент, маркетинг, интеллектуал мулк эгаларини химоя қилишни мақсадли субсидиялар шаклида қўллаб-қувватлашни кўзда тутди. Алоҳида компаниялар ва мамлакатнинг алоҳида олинган провинциялари маблағларни сўраш имкониятига эга бўлдилар.

б) қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва тўқимачилик индустриясида савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш фонди. Фонднинг фаолияти илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, халқаро ва миллий кўргазлар, семинарлар ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширишга субсидиялар беришга йўналтирилган.

в) брендлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш махсус фонди. Фонднинг маблағлари миллий брендларни яратиш ва мустаҳкамлаш бўйича компаниялар ва провенциялар фаолиятини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган.

- солиқ имтиёзлари.

а) солиқларни тўлашдан озод қилиш ёки имтиёзли ставкалар бўйича солиққа тортиш.

2006 йилдан бошлаб кийим-кечак ишлаб чиқариш секторида банд бўлган компанияларнинг сотувдан олинган даромадларининг 8%гача қисми даромад солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади (амалга оширилган харажатлар суммасига тўловлар қисқартирилади). Агар харажатлар 8%дан ортиқни ташкил этса, тўловлар миқдори, мос равишда, келгуси йилда қисқартирилиши мумкин. Худди шундай тартибда тадқиқотлар, янги маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Агар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари ўтган йилга нисбатан таққослаганда қўйилмаларнинг ҳажмидан 10% ёки янада юқорироқ даражада ошиб кетган бўлса, компания илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари барча харажатларидан солиқ тўловларини яна 50%га қисқартириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Худди шундай тартиб ходимларни қайта тайёрлаш ва илмий-тадқиқот дастгоҳларининг амортизацияси харажатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Юқори технологияли секторларда банд бўлган корхоналар даромадлардан олинадиган солиқни имтиёзли ставкада тўлайди (25%нинг ўрнига 15%).

б) қўшилган қиймат солиғи ва бож-тариф йиғимларини қайтариш. Мураккаб тўқимачилик дастгоҳларини ишлаб чиқаришда банд бўлган компаниялар мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган комплектловчи ва материалларни импорт бўйича бож-тариф йиғимларини қайтариш ҳуқуқига эгадир.

ҚҚСни қайтариш тизими экспортни стимуллаштириш инструменти сифатида 1985 йилдан буён қўлланилиб келинмоқда³⁴. Бундай имтиёзлар экспорт ҳуқуқига эга бўлган ҳам Хитой ва ҳам хорижий компанияларга тегишлидир. Хитойда ҚҚСни қайтариш ставкаси турли товарлар гуруҳи бўйича Оден 17%гача тебранади. ҚҚСни қайтариш (товар тоифасига мувофиқ тўлиқ ёки қисман) уни биринчи навбатда тўланганлигига қараб амалга оширилади. Хитойнинг айрим провинцияларида жамғариб қайтариш тизими амал қиладики, унга кўра тўланган солиқнинг суммаси экспорт фаолияти бошланганидан бир йилдан сўнг қайтарилади.

- алоҳида лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш. 2006 йилда Хитой етакчи минтақалардан бири бўлган Ханчжоуга тўқимачилик индустриясини ривожлантириш учун давлат маблағларини ажратди. Миллий даражада давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан ташқари тўқимачилик тармоғини стимуллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар минтақаларда ҳам амалга оширилади. Бундаги асосий инструментларга пулли мукофотлар ва тақдирлашлар, субсидиялар ва солиқ имтиёзлари киради;

17. 2009-2011 йилларда Хитой 10 саноат тармоғини ривожлантириш дастури амалга оширилган. У миллий истеъмолни стимуллаштириш, техникавий тараққиётни жадаллаштириш, энергия тежамли ва экологик самарали бошқа технологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, концентрациялашувни стимуллаштириш йўли билан ташқи савдо фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўз брендларини яратиш, инфратузилмани яхшилаш, махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш, имтиёзлар тақдим этишгача молиявий ва солиқий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни кўзда тутган эди.

³⁴China Briefing. URL: <http://www.china-briefing.com/news/2013/03/22/export-tax-rebates-in-china.html>.

Режа якунланганидан сўнг енгил саноатнинг тўқимачилик ва тикувчилик тармоқлари юқори технологияли секторларни ҳукумат томонидан стимуллаштирувчилар гуруҳига кирмади. Бироқ, 2008 йилдаги глобал инқироз экспорт ҳажмлари ўсиш суръатларининг қисқаришига ва мамлакатнинг жанубий провенцияларида қатор корхоналарнинг ёпилишига олиб келдики, бу нарса кийим-кечак ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни кўшимча равишда қўллаб-қувватлашни тақозо этди. Бу нафақат тармоқнинг экспорт характери билан, балки унинг паст малакали ишчи кучи учун йирик иш берувчи сифатида катта ижтимоий-сиёсий аҳамияти билан ҳам боғлиқдир.

Масалан, миллий валютанинг ревалвацияланиши, энергия ресурслари ва материалларга баҳоларнинг тебраниши, ички ва жаҳон талабининг торайишига жавобан 2008 йилнинг августидан бошлаб давлат экспорт қилинадиган товарларнинг ҚҚС қайтарилиш ставкасини босқичма-босқич ошира бошлади. Тўқимачилик экспорти учун «Оптималлаштириш ва қўллаб-қувватлаш дастури» бошланди. 2009 йилнинг 1 январидан айланмани солиққа тортиш тизими ислоҳ қилинди. Унга мувофиқ инвестицияларни арзонлаштириш мақсадида инвестицион товарларни сотиб олишда ундириладиган солиқ камайтирилди. Шунингдек, кичик саноат корхоналари учун айланмадан олинадиган солиқ пасайтирилди, қатор лойиҳалар бўйича махсус субсидиялар тақдим этилди;

18. 2012 йилнинг январидан бошлаб Хитой тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 12-беш йиллик режасини амалга оширишга киришди³⁵. Унга кўра корхоналар фаолияти ҳажмининг йиллик ўсиши 8%ни, индустриянинг умумий экспорти эса 7,5%ни ташкил этиши керак. Режага мувофиқ тармоқни ривожлантиришнинг куйидаги 4 асосий йўналиши белгиланди: янги материаллар ишлаб чиқариш, мураккаб дастгоҳларни қўллаш асосида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, техникавий тўқимачилик ва айрим анъанавий секторларни қўллаб-қувватлаш.

Ҳукумат тармоқни минтақавий даражада қўллаб-қувватлаш кутилаётган дастурларига умид қилиб, мамлакатнинг ички ва ғарбий минтақаларини ишлаб чиқаришга янада фаолроқ жалб қилишни кўзламоқда. Масалан, Фуцзянь провинциясида ҳукумат чакана тармоқни ривожлантиришда маълум бир ютуқларга

³⁵China Textile Industry. TUSLAD China. China Business Inside. 2012. October.

эришганда (30тадан кам бўлмаган стувчиларга эга бўлган савдо марказларини очиш ёки йиллик айланмаси 100 млн. юандан кам бўлмаган электрон магазинлар очиш ва б.) 1 млн. юан микдориди махсус субсидиялар тақдим этиш йўли билан компанияларнинг инновацион-маркетинг фаолиятини стимуллаштирмоқда.

Синьцзян-Уйғур автоном туманида (Хитойнинг шимолий-ғарбий қисми) фонд таъсис қилинган бўлиб, у тўқимачилик саноатининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга ҳар йили 20 млн. юангача субсидиялар бериши мумкин. Интенсив тарзда технологик модернизациялашни амалга оширувчи корхоналарга молиявий қўллаб-қувватлашлар тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, 2011 йилдан бошлаб тўқимачилик индустриясининг компаниялари маҳаллий даромад солиғини тўлашдан 5 йилга, йирикрок компаниялар (йиллик даромади 20 млн. юандан ошадиган) эса мулк солиғи ва шаҳар ерларидан фойдаланиш солиғини тўлашдан 5 йилга озод қилинган. Иқтисодий депрессив туманларда жойлашган корхоналар учун биринчи йилда ижобий фойда олгандан кейин 2 йил давомида даромад солиғини тўлашдан озод қилиш ва яна 3 йил давомида тўловларни 50%га қисқартириш кўзда тутилган;

19. 2012 йилнинг апрелида Хитой ҳукумати 2011-2020 йилларда тўқимачилик саноатини ривожлантириш режасини тақдим этди. Унда қўллаб-қувватлашнинг куйидаги 5 асосий йўналиши белгиланган³⁶: а) миллий истеъмолни кенгайтириш ва экспорт таркибий тузилмасини диверсификациялаш йўли билан жаҳон бозорларида мамлакат позициясини мустаҳкамлаш (барқарорлаштириш); б) давлат субсидияларини тақдим этиш йўли билан технологик инновацияларни ва бренд-менежментни ривожлантириш; в) эскирган ишлаб чиқариш қувватларини қисқартириш, энергия самарадорлиги ва унумдорликни ошириш; г) мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмларига ишлаб чиқариш қувватларини кўчиришни стимуллаштириш; д) қўшилган қиймат солиғини қайтариш ставкасини 14дан 15%гача кўтариш ва тўқимачилик индустриясининг кичик ва ўрта корхона-ларига кредит кафолатлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тақдим этишда молиявий институтларни стимуллаштириш;

³⁶China Textile Industry. TUSIAD China. China Business Inside. 2012. October.

20. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, материалларнинг қиммат-лашуви ва иш ҳақининг ошишига боғлиқ равишда харажатларнинг ўсиши, юаннинг мустақкамланиши, ички ва ташқи талаб ўсиш суръатларининг пасайиши тармоқнинг ривожланиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланишига қарамасдан тармоқнинг ривожланиш истиқболи аниқ эмас. Албатта, индустриянинг юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамияти инқирозга қарши чоралар тизимида уни устувор қилиб қўяди. Бироқ, қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат харажатларининг ўсиши тармоқнинг мувазанатли ривожланиши учун етарли эмас. Тармоқнинг ҳозирги ҳолати маълум бир рисклар билан характер-ланадики, уларнинг орасидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

а) ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини оширадиган ва мамлакат қиёсий устунлиги асосларини бузадиган иш ҳақининг ошиши. Харажатлар бўйича рақобатда концентрациялашув компанияларни «иккинчи эшелон»даги Осиё мамлакатлари билан қарама-қарши туриш зонасига олиб келади. Бозорнинг бу сегментида ишлаш ишлаб чиқариш занжири атрофида унинг ўз бренд ва дизайнларини яратиш билан боғлиқ бўлган юқори босқичларига ўтишда компаниялар мотивацияларини тўхтатиб туради. Бу кичик ва ўрта сегментдаги «ўйинчи»ларни кучсизлантириб ва миллий бозорга хорижий капитал экспансияси учун шароитлар яратиб, тармоқ тараққиётининг узоқ муддатли истиқболда салбий роль ўйнаши мумкин. Бундан ташқари, сифатга йўналтирилганликнинг йўқлиги бора-бора Хитой товарларининг бозордаги ўрнини қисқартириши ҳам мумкин;

б) халқаро ўлчовлар бўйича фойдалилик даражасининг нисбатан пастлиги. Бу ишлаб чиқаришга инвестицияларни кескин тўхтатиб туради. Баҳоларнинг таркибий тузилмасида моддий харажатлар асосий салмоқни эгаллайди. Ишлаб чиқариш омиллари харажатлари эса 10%дан ошмайди. Натижада хом ашё бозорларидаги конъюнктурага кучли боғлиқ бўлганлиги учун компаниялар харажатлар устидан назоратни амалга ошириш имкониятидан маҳрумлар. Меҳнат қийматининг ўсиши эса ишлаб чиқарилаётган товарлар баҳосининг ошишига ва кийим-кечак жаҳон бозорида мамлакат рақобатбардошлик позициясининг кучсизланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятда ўртача баҳо сегментларини жадал ўзлаштиришга тўғри келади;

21. Хитой, тармоқнинг юқори суръатларда ўсиши ва 1970-йилларнинг охирида иқтисодиётнинг очиқлиги таъминланган вақтдаёқ ривожланган мамлакатларнинг бозорларига шиддатли экспансияни намойиш этиб, дунёда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик мамлакат ҳисобланади. Хитойга нисбатан қўлланилган чекловларнинг жуда кўпчилиги Европа, АҚШ, Мексика ва бошқа мамлакатлар миллий ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, шундай бўлса-да, улар Хитой товарларининг суқилиб кириш йўлига тўсиқ ярата олмадилар;

22. Глобалъ молиявий-иқтисодий инқироз биринчи навбатда паст (кам) харажатлар ва ривожланишнинг юқори суръатларига асосланган Хитой етакчилигига хавф солиб, тармоқнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, йирик давлат компаниялари ва кўп сонли майда ва йирик хусусий «ўйинчи»лардан иборат бўлган миллий бозор таркибий тузилмасига боғлиқ равишда мамлакатнинг позицияси камроқ барқарор бўлмоқда;

23. Кенг қўламли хорижий инвестициялар давлатнинг мақсадли сиёсати билан биргаликда ўз ишлаб чиқарувчиларини ривожлантириш учун ҳам шароитларни яратди. Ҳозирги вақтгача интенсиф рақобатнинг самаралари ва баҳоларнинг салбий динамикаси ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг ўсиши ҳисобидан компенсация қилинди. Бирок, паст (кам) фойдалар шароитида бундай вазият нобарқарор ҳисобланади: агар йирик давлат компаниялари ўзларининг технологик даражаларини паст (кам) фойда даражасида ҳам ошира олсалар, хусусий компаниялар, асосан, уларнинг ўрта ва майдалари, кузатилаётган трендларга қарши туришга қодир бўлмасликлари мумкин. Бу ҳолда миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлаш дастурларининг ўсишини кутиш мумкинки, бу ЖСТ қоидаларига риоя этиш зарурлиги билан мураккаблиklar келтириб чиқаради ва давлат харажатларининг катта миқдорда оширилишини тақозо этади ёки бу вазият касодга учраш тўлқинига ва тармоқни реструктуризациялашга олиб келади. Ўзларининг глобал ишлаб чиқариш занжирларини қурувчи кўпмиллатли корпорациялар (улар миллий ишлаб чиқарувчилар позицияларининг кучсизланиши шароитида бозорда ўзларининг мавжудликларини кенгайтириши мумкин) капиталининг экспансияси ҳам ривожланишнинг бўлиши мумкин бўлган сценарийси бўлиши мумкин. Хитой енгил саноатига таъсир кўрсатадиган

салбий омиллар паст (кам) даражадаги даромадларга эга бўлган мамлакатларнинг ўсиши учун ва жаҳон бозорини янгидан реструктуризациялаш учун қулай шароитларни яратиши мумкин;

24. Деярли 10 йил давомида тўқимачилик ва кийим-кечак жаҳон бозорига суқилиб киришнинг Хитой модели юқори ижобий динамикани намойиш этди ва ривожланаётган мамлакатлар ҳамда янги мамлакатлар учун бозорда муваффақиятга эришишнинг универсал рецепти сифатида қаралиши мумкин. Бироқ ҳозирги замонавий тенденциялар бир неча омилларни юзага чиқардики, улар тармоқнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланишида салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Уларнинг орасида, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш занжирининг қуйи сегментларида рақобат курашининг концентрациялашувини ва тармоқда инновациялар ҳамда инфратузилмаларга катта инвестицияларнинг йўқлигини ажратиб кўрсатса бўлади.

25. Ўзбекистон компанияларининг жаҳон бозорларига суқилиб кириш билан боғлиқ бўлган уринишларида меҳнат ресурсларининг паст қийматига асосланган рақобат афзаллигининг нобарқарорлигини эътиборга олмоқ лозим. Бунинг устига, бу ердаги меҳнат ресурсларининг паст қийматга эга эканлиги Европа андозаларига нисбатан пастлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Бундай модель ишлаб чиқарувчиларнинг бозор конъюнктураси тебранишларига ва етакчилик позицияларининг нобарқарорлигига боғлиқ бўлишини тақозо этади. Бундан ташқари, паст (кам) фойдалилик «кераксиз» айланага ва ишлаб чиқариш занжирининг пастки қисмида «тиқилиб» қолишга сабаб бўлиши мумкин. Республика ва минтақавий даражада амалга оширилаётган миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашнинг айрим инструментларини (масалан, солиққа тортишни ислоҳ қилиш, ҚҚСни қайтариш тизими, бож-тариф йиғимларидан озод қилиш, субсидиялар) ва жаҳон аренаида тармоқ манфаатларини ҳимоя қилишда давлатнинг фаол позициясини Хитойнинг ижобий сабоғи сифатида қайд этиш мумкинки, у компаниялар позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

II БОБ. ТАРМОҚДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ

2.1. Ўзбекистон енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимиз енгил саноати ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг асосий мақсадларидан бири саноатимизнинг ушбу тармоғида, энг аввало, молиявий барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Табиийки, бу нарса бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган талабларидан келиб чиқади. Шу боис иқтисодиёт (саноат)нинг ҳар қандай тармоғида, шу жумладан, енгил саноатда ҳам, дастлаб, молиявий барқарорлик таъминланмас экан унинг ҳар қандай ривожлантириш истиқболларини белгилаш тўғрисида фикр юритиш ўзининг етарли даражадаги маъноси (асоси)га эга бўлмай қолаверади. Шунинг учун ҳам диссертация ишимизнинг бу қисмида масала ўз-ўзидан эмас, балки мантиқий равишда, тармоқда молиявий барқарорликни таъминлаш – Ўзбекистон енгил саноати ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг асосий мақсадларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Бунда, бизнинг фикримизча, энг аввало, «молиявий барқарорлик» тушунчасига нисбатан, биров³⁷ бўлса-да, аниқлик киритишимиз, ўз позициямизга эга бўлишимиз ва шу ердан, ўзига хос тарзда «илмий старт» олишимиз даркор. Шу муносабат билан «молиявий барқарорлик» хусусида гап кетганда, дастлаб, бу нарса «умумий барқарорлик»нинг ёки «барқарорлик»нинг ўзига хос бўлган бир тури эканлигини қайд этишимиз жоиз. Шунинг учун ҳам «молиявий барқарорлик»нинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини аниқ очиб беришни, биринчи навбатда, «барқарорлик»ка нисбатан аниқлик киритишдан бошламоқ мақсадга мувофиқ.

³⁷У ёки бу сўз ва сўзлар бирикмасига нисбатан тўлик, батафсил, атрофлича, кенг тарзда ва ҳар қандай йўналишларда аниқлик киритиш масаласи илмий талқиотларимиз доирасидан четга чиқади.

«Барқарорлик», жуда кўп ҳолларда, «турғунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати», «барқарорлик» сўзининг ўзагини ташкил этувчи «барқарор» сўзи эса она тилимизда «1) қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор; 2) ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас; 3) бир ерда ўрнашиб қолган; муқим»³⁸ кўринишларида талкин қилинади.

Одатда «молиявий барқарорлик» дейилганда у ёки бу субъектга тегишли бўлган «молиявий ҳолатнинг барқарорлиги» назарда тутилади ва бу нарса, охир оқибатда, ўша субъектларга тегишли бўлган «пул маблағларининг барқарор бўлиши»га бориб тақалади. Лекин ажабланарлиси шундаки, «пул маблағларининг барқарорлиги» бу маблағларнинг, луғавий маънода айтилганидек, «турғунлик, ўзгармаслик ҳолати»да ёки «ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас» ҳолда бўлишини англамайди. Шунинг учун ҳам «молиявий барқарорлик» дейилганда ҳар қандай вазият ёки ҳолатда таркиб топган «турғунлик, ўзгармаслик ҳолати» ёки «ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас; бир ерда ўрнашиб қолган; муқим» барқарорлик тушунилмасдан, балки маълум бир вазият, муддат (сана, давр) ва ҳолатда «қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор» барқарорлик тушунилмоғи лозим. Бунинг сабаби шундаки, маълум бир вазият, муддат (сана, давр) ва ҳолатда таркиб топган молиявий барқарорлик бошқа бир вазият, муддат (сана, давр) ва ҳолатда молиявий барқарор ҳисобланмаслиги мумкин. Масалан, амалиётда маълум бир корхона учун маълум бир санада 100,0 млн. сўмлик фойда суммасига эришилганлиги унинг молиявий ҳолати барқарор эканлигини англагач, бошқа бир санада у шу нарсани англагачлиги ҳам мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўришиб турибдики, «молиявий барқарорлик»ка «турғунлик, ўзгармаслик ҳолати» ёки «ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас; бир ерда ўрнашиб қолган; муқим» барқарорлик сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Балки, аксинча, унга «маълум бир вазият, муддат (сана, давр) ва ҳолатда «қарор топган, қатъий, узил-

³⁸Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1. А-Д / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 173 б.

кесил ўрнашган; устувор ва ўзгарувчанлик характериға эға бўлган барқарорлик» деб қаралмоғи керак³⁹.

«Молиявий барқарорлик» хусусида ўз позициямизға эға бўлганимиздан сўнг монографиямиз учун таҳлил қилинаётган даврларда (2001-2015 йилларда) енгил саноат корхоналари молиявий аҳволи ҳозирги ҳолатининг таҳлили масалаларини кўриб чиқишни, энг аввало, шу корхоналар молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олишдан бошлаш мақсадға мувофиқдир. Бунинг учун, дастлаб, умумий тарзда ҳозирги андозаларға мувофиқ равишда алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар доирасида уларнинг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимиға мурожаат қилишимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, «Умумий тарзда ҳозирги шароитда корхоналарнинг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими ўз ичига қандай кўрсаткичларни олади?»,- деган саволға жавоб топишимиз лозим. Ундан сўнг эса, «Енгил саноат корхоналари молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими нималардан иборат?»- деган саволнинг жавобига эға бўлишимиз лозим. Ва ниҳоят, ҳар иккала саволларнинг жавобларини мантиқий жиҳатдан қиёслаш (таққослаш) натижасидағина тегишли хулосаларни чиқаришимиз мумкин.

Республикамиз енгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичларға бағишланган таҳлилларимизни ана шу юқорида келтирилган саволларға жавоб излаб, тегишли изланишларни амалға ошириш натижасида тезда аниқ бир хулосаға келдикки, унга кўра ҳозирги пайтда енгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида худди шу мақсадлар учун қўлланилиб келинаётган кўрсаткичлардан мутлақо фарқ қилмаслиғи маълум бўлди. Бизнингча, бунинг худди шундай бўлиши кераклиғи, табиийдир. Чунки енгил саноат корхоналари ҳам бошқа корхоналар синғари иқтисодиётимиз алоҳида олинган тармоғиға тегишли бўлган корхоналардир. Шу боис, умумий тарзда корхоналар молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли бўлган корхоналар (хўжалик юритувчи субъектлар) учун бир хил бўлиши

³⁹Монографиямизнинг ушбу боби ва унинг кейинги ўринларида биз «молиявий барқарорлик» тушунчасини худди шундай тарзда талқин қиламиз, қабул қиламиз ва айнан шундан келиб чиқамиз.

керак. Акс ҳолда улар таққосланмайдиган кўрсаткичларга айланиб, таҳлил жараёнида ўзининг маъносини юқотиб қўйиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида, энгил sanoat корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар маълум бир характерли хусусиятларга эга эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак. Бу нарса тармоқ (енгил sanoat тармоғи) корхоналарининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан, ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларининг фақат тармоқнинг ўзига тегишли бўлган хусусиятлардан келиб чиқади. Бунинг натижасида энгил sanoat корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичларнинг айрим элементлари шакл жиҳатидан умумий тарзда эътироф этилганларидан (кўринишларидан) бироз бўлса-да, фарқланиши мумкин. Лекин бу нарса энгил sanoat корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичларнинг умумий моҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсата олмайди.

Амалга оширилган таҳлил ва изланишлар натижасида ҳозирги пайтда энгил sanoat корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими, энг умумий шаклда, куйидагилардан иборат эканлигини аниқлашимиз мумкин: 1) энгил sanoat корхоналари балансининг таркиби ва тузилишига оид кўрсаткичлар⁴⁰; 2) энгил sanoat корхоналари молиявий маблағлари манбаларининг таркибий тузилиши ва динамикасини (ўзгаришини) характерлайдиган кўрсаткичлар; 3) энгил sanoat корхоналарига тегишли бўлган хусусий (ўз) айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар; 4) энгил sanoat корхоналари мавжуд айланма маблағларининг таркибий тузилишини кўрсатувчи кўрсаткичлар; 5) энгил sanoat корхоналарининг кредиторлик қарзларини акс эттирувчи кўрсаткичлар; 6) энгил sanoat корхоналарининг дебиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар; 7) энгил sanoat корхоналарининг тўлов қобилиятини характерлайдиган кўрсаткичлар.

Энди уларнинг ҳар бирига, кўзлаган мақсадларимизни эътиборга олган ҳолда, қисқача тавсиф беришга ҳаракат қилайлик.

Енгил sanoat корхоналарининг молиявий ҳолати (барқарорлиги)га баҳо бериш нуқтаи-назаридан бухгалтерия баланси актив қисмининг моддалари таҳлил қилинганда, энг аввало, таҳлил даври орасида энгил sanoat корхоналарининг узоқ муддатли активлари ва жорий активларнинг, жумладан, товар-моддий захиралари, пул

⁴⁰Бу ерда «кўрсаткичлар» сўзи шу ҳолатни характерлайдиган бир неча кўрсаткичларнинг мавжудлигини эмас, балки бир неча рақамларнинг мавжудлигини англатади.

маблағлари ва қисқа муддатли қуйилмалар ҳамда дебиторларнинг ўзгаришига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Худди шу нуқтаи-назардан бухгалтерия баланси пассив қисмининг моддалари таҳлил қилинганда эса, энгил саноат корхоналари ўз маблағлари манбалари ҳамда мажбуриятларнинг, шу жумладан, узоқ муддатли мажбуриятлар ва жорий мажбуриятларнинг таҳлил даври (2001-2015 йиллар) мобайнидаги ўзгаришига алоҳида эътибор бериш керак.

Энгил саноат корхоналари молиявий маблағлари манбаларининг таркибий тузилиши ва динамикаси (ўзгариши)ни характерлайдиган кўрсаткичлар таҳлил қилиниш жараёнида товар-моддий заҳираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганликнинг таҳлили масаласи ёки бошқача қилиб айтганда, энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг мутлоқ кўрсаткичлари таҳлили диққат марказда турмоғи лозим. Бу жараёнда энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг мутлоқ кўрсаткичлари таркибини қуйидагилар ташкил этиши керак: 1) энгил саноат корхоналари ўз маблағларининг манбалари; 2) энгил саноат корхоналарининг узоқ муддатли активлари; 3) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга тегишли ўз манбалари; 4) энгил саноаткорхоналарининг узоқ муддатли кредитлари ва қарзлари; 5) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4); 6) энгил саноат корхоналарининг қисқа муддатли кредитлари ва қарзлари; 7) энгил саноат корхоналарининг товар-моддий заҳираларини қоплашга тегишли жами манбалари (5+6); 8) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларининг жами; 9) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+), ёки етарли эмаслиги (-), (3-8), (А); 10) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етралилиги (+), ёки етарли эмаслиги (-), (5-8), (Б); 11) энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+), етарли эмаслиги (-), (7-8), (В).

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, юқорида келтирилган кўрсаткичлар орасида (А), (Б) ва (В) кўрсаткичлар бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар сифатида энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Умумий тарзда, маълум бир даврда ёки конкрет бир шароитда мамлакатимиз энгил саноат

корхоналари учун қуйидаги 4 ҳолатнинг бири характерли бўлиши мумкин:

1. Енгил саноат корхоналари мутлоқ молиявий барқарорликка эга. Бундай кўрсаткичга (даражага) эга бўлиш учун (А), (Б) ва (В) кўрсаткичларнинг барчаси «О»дан катта бўлмоғи лозим;

2. Енгил саноат корхоналари нормаль (соғлом) молиявий барқарорликка эга. Бундай шароитда (А) «О»дан кичик, (Б) ва (В) лар эса «О»дан катта бўлиши керак;

3. Енгил саноат корхоналари нобарқарор молиявий ҳолатга эга. Бунинг учун (А) ва (Б)ларнинг «О»дан кичиклиги ва «В»нинг «О»дан катталиги шарти бажарилмоғи лозим;

4. Енгил саноат корхоналари учун инқироздаги молиявий ҳолат характерли. Бундай вазият (А), (Б) ва (В)лар барчасининг «О»дан кичиклиги ҳолатида юз бериши мумкин.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар масаласига бошқача шаклда ёндошадиган бўлсак, уларнинг энг муҳимлари қаторига яна қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мақсадга мувофикдир:

1. Енгил саноат корхонаси жами маблағлари таркибида унинг ўзига тегишли бўлган маблағларининг салмоғи. Бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

Енгил саноат корхонасининг ўз
маблағлари

Енгил саноат корхонасининг жами
маблағлари

Бу ерда ушбу нисбатнинг даражаси қанча катта (юқори)бўлса, енгил саноат корхонасининг молиявий барқарорлиги шунга мос равишда шунчалик катта (юқори) ҳисобланади.

2. Енгил саноат корхонасининг қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат. Буни қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

Енгил саноат корхонасининг қарз
маблағлари

Енгил саноат корхонасининг ўз
маблағлари

Бу ҳолда, ушбу нисбатнинг даражаси қанчалик кичик (паст) бўлса, енгил саноат корхонасининг молиявий барқарорлик даражаси шунчалик катта (юқори) бўлади.

3. **Енгил саноат корхонасида узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти.** Бунинг учун узоқ муддатли қарз маблағларининг суммасини енгил саноат корхонасининг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлиш керак. Буни куйидагича ифодалаш мумкин:

Енгил саноат корхонасининг узоқ муддатга
олинган қарз маблағлари

Енгил саноат корхонасининг + Енгил саноат корхонасининг
узоқ
ўзига қарашли маблағлари муддатга олинган қарз маблағлари

4. **Енгил саноат корхонаси ўзига қарашли маблағларининг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти.** Бу коэффицентни куйидагича аниқлаш қабул қилинган:

Енгил саноат корхонасининг ўзига қарашли
айланма маблағлари

Енгил саноат корхонасининг ўзига қарашли
жами маблағлари

5. **Енгил саноат корхонасидаги эскиришнинг жамланиш коэффиценти.** Унинг аниқланиш тартиби куйидагича:

Енгил саноат корхонаси

асосий воситаларининг эскириш суммаси

Асосий воситалар + Номоддий активлар

6. **Енгил саноат корхонаси мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффиценти.** Бу кўрсаткич корхонанинг баланс маълумотлари асосида ҳисобланади ва унинг аниқланиш тартиби куйидагичадир:

Енгил саноат корхоналарининг
асосий воситалари⁴¹

Енгил саноат корхонасининг
жами соф мулки

7. **Енгил саноат корхонасидаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чакқонлиги) коэффиценти.** Бу коэффицентни куйидаги тартибда ҳисобласа бўлади:

⁴¹Қолдик баҳола

Енгил саноат корхонасининг
айланма маблағлари⁴²

Енгил саноат корхонасининг
жами мулки

Шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, юқорида биз томонимиздан келтириб ўтилган 7та кўрсаткичларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уларнинг аҳволига баҳо беришга имкон беради.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлари тизимида молиявий коэффициентлар таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Бу молиявий коэффициентларни бошқачароқ шаклда «Молиявий барқарорликнинг нисбий кўрсаткичлари» деб ҳам аташимиз мумкин. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: 1) енгил саноат корхонасининг молиявий мустақиллик коэффициенти; 2) енгил саноат корхонасининг тўлов қобилияти коэффициенти; 3) енгил саноат корхонасининг қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти; 4) енгил саноат корхонасининг захира ва харажатларини ўз манбалари билан қопланганлик коэффициенти; 5) енгил саноат корхонаси маблағларининг чаққон ҳаракатчанлик коэффициенти.

Юқорида келтириб ўтилган коэффицентларнинг аниқланиш тартиблари қуйидагичадир:

1. Енгил саноат корхонасининг молиявий мустақиллик коэффициенти.

Енгил саноат корхонаси ўз маблағларининг
манбалари⁴³

Енгил саноат корхонаси балансининг жами⁴⁴

2. Енгил саноат корхонасининг тўлов қобилияти коэффициенти.

Енгил саноат корхонасининг жорий
активлари⁴⁵

Енгил саноат корхонасининг
мажбуриятлари⁴⁶

⁴²Енгил саноат корхонасининг захира ва пул маблағлари

⁴³Балансининг 480 сатри

⁴⁴Балансининг 780 сатри.

⁴⁵Балансининг 390 сатри.

⁴⁶Балансининг 770 сатри.

3. Енгил саноат корхонасининг қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти.

Енгил саноат корхоналарининг - Енгил саноат
корхоналарининг мажбуриятлари узоқ
муддатли мажбуриятлари

Енгил саноат корхоналари ўз маблағларининг манбалари⁴⁷

4. Енгил саноат корхонасининг захира ва харажатларини ўз манбалари билан қопланганлик коэффиценти.

Енгил саноат Енгил саноат Енгил саноат
корхоналари корхоналарининг корхоналарининг
ўз маблағларининг + узоқ муддатли - узоқ муддатли
манбалари мажбуриятлари активлари

Енгил саноат корхоналарининг товар-моддий захиралари⁴⁸

5. Енгил саноат корхонаси маблағларининг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти.

Енгил саноат Енгил саноат Енгил саноат
корхоналари корхоналарининг корхоналарининг
ўз маблағларининг + узоқ муддатли - узоқ муддатли
манбалари мажбуриятлари активлари

Енгил саноат корхоналари ўз маблағларининг манбалари⁴⁹

Бизнинг фикримизча, енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида бу корхоналар тўлов қобилиятининг тахлили масалалари алоҳида ўрин эгалламоқлари лозим. Шу нуқтаи-назардан, уларнинг тўлов қобилияти тахлил қилинаётган пайтда, энг аввало, қуйидаги икки масалага алоҳида эътибор бериш керак: а) енгил саноат корхоналаридаги тўлаш учун маблағларнинг аҳволи; б) енгил саноат корхоналари тўлов қарзларининг аҳволи.

Енгил саноат корхоналаридаги тўлаш учун маблағларнинг аҳволига баҳо берилаётган пайтда бу корхоналардаги пул маблағлари (кассадаги ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари), валюта маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, бошқа пул маблағлари ва жорий активлар, тайёр маҳсулотлар, дебиторлик қарзлари, жами тўлаш учун зарур бўлган маблағлар ва ниҳоят, қарз-тўлов мажбуриятларининг кўплиги масалалари алоҳида диққат

⁴⁷Балансининг 480 сатри.

⁴⁸Балансининг 140 сатри.

⁴⁹Балансининг 480 сатри.

марказни эгалламоғи лозим. Шунга мос равишда, энгил саноат корхоналари тўлов қарзларининг аҳволга баҳо берилаётганда эса мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (қарзлар), бюджетга тўловлар бўйича қарзлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар, мулкый ва шахсий суғурта бўйича қарзлар, мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар, қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар, бошқа жорий мажбуриятлар, жами тўлов қарзлари ва тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг кўплиги (ортиқчалиги) масалаларига жиддий эътибор бермоқ керак.

Иқтисодийётнинг бошқа тармоқлари корхоналарида бўлгани сингари энгил саноат корхоналарида ҳам уларнинг тўлов лаёқатини баҳолаш бу корхоналарнинг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бу ерда ҳам энгил саноат корхоналарининг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир: 1) энгил саноат корхонасининг мутлоқ тўловга лаёқатлилиги коэффиценти; 2) энгил саноат корхонасининг оралиқ тўловга лаёқатлилик коэффиценти; 3) энгил саноат корхонасининг жорий тўловга лаёқатлилик коэффиценти.

Юқорида келтириб ўтилган коэффицентларни қуйидаги тарзларда аниқлаш мумкин:

1. Энгил саноат корхонасининг мутлоқ тўловга лаёқатлилиги коэффиценти.

$$\frac{\text{Энгил саноат корхонасининг пул маблағлари} + \text{Энгил саноат корхонасининг кимматли қоғозлари}}{\text{Энгил саноат корхонасининг қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари}}$$

2. Энгил саноат корхонасининг оралиқ тўловга лаёқатлилик коэффиценти.

Энгил саноат	+	Энгил саноат	+	Энгил саноат
корхонасининг		корхонасининг		корхонасининг
пул		кимматли		дебиторлик
маблағлари		қоғозлари		мажбуриятлари
<hr/>				
Энгил саноат корхонасининг қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари				

3. Енгил саноат корхонасининг жорий тўловга лаёқатлилик коэффиценти.

Енгил саноат корхонасининг пул маблағлари	+	Енгил саноат корхонасининг қимматли қоғозлари	+	Енгил саноат корхонасининг дебиторлик мажбуриятлари	+	Енгил саноат корхонасининг товар-моддий захиралари
<hr/>						
Енгил саноат корхонасининг қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари						

Шунингдек, енгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини таҳлил этишда уларнинг қисқа муддатга тўлов қобилияти ва узоқ муддатга тўлов қобилияти кўрсаткичларини ўрганиш ҳам муҳимдир. Бу кўрсаткичларни эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Енгил саноат корхонасининг қисқа муддатга тўлов қобилияти.

Енгил саноат корхонасининг қисқа пул маблағлари	+	Енгил саноат корхонасининг муддатли қимматли қоғозлари
<hr/>		
Енгил саноат корхонасининг қайтариш муддати етган кредиторлик қарзлари		

2. Енгил саноат корхонасининг узоқ муддатга тўлов қобилияти.

Енгил саноат корхонасининг айланма активлари
<hr/>
Енгил саноат корхонасининг мажбуриятлари

Бозор иқтисодиётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги шароитда енгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини таҳлил қилишда шу корхонага тегишли бўлган соф тушум коэффиценти хисоблаш ҳам жуда муҳимдир. Бу кўрсаткични қуйидаги тарзда аниқлашимиз мумкин:

Енгил саноат корхонасининг асосий соф фойдаси (аморт.)	-	Енгил саноат корхонаси воситаларининг эскириши
<hr/>		

Енгил саноат корхонасининг сотишдан олган тушуми

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характер-лайдиган кўрсаткичлар тизимида шу корхоналарга

тегишли бўлган активларнинг пулга айланиш тезлигига қараб гуруҳларга ажратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи-назардан энгил саноаткорхоналарининг активларини пулга айланиш тезлигига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1) энгил саноат корхоналарининг доимий ҳаракатдаги активлари; 2) энгил саноат корхоналарининг тез сотилувчи активлари; 3) энгил саноат корхоналарининг секин сотилувчи активлари; 4) энгил саноат корхоналарининг қийин сотилувчи активлари.

Шу маънода ликвидлик шарти бўйича энгил саноат корхоналарининг пассивларини қуйидаги моддалар бўйича туркумларга ажратиш зарур: 1) энгил саноат корхоналарининг муддати келган тўлов мажбуриятлари; 2) энгил саноат корхоналарининг қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари; 3) энгил саноат корхоналарининг узоқ муддатли тўлов мажбуриятлари; 4) энгил саноат корхоналарининг доимий пассивлари.

Энгил саноат корхоналари балансининг ликвидлилик даражасига ҳар хил омиллар, жумладан, корхона актив ва пассивларининг таркибий ўзгариб туриши ўз таъсирини кўрсатади. Бу омилларнинг таъсирини билиш учун энгил саноат корхоналарининг баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш эътиборга лойиқдир. Уларнинг қаторига, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

1. Энгил саноат корхоналари умумий капиталининг чаққонлик коэффиценти. Бу коэффицент энгил саноат корхонаси умумий айланма активларини унинг мол-мулки қийматига бўлиш йўли билан аниқланиб, у энгил саноат корхонасининг умуман маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан қутулиш салоҳиятини кўрсатади. Уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

Энгил саноат корхоналарининг + Энгил саноат корхоналарининг
пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари товар-моддий заҳиралари

Энгил саноат корхоналари балансининг жами

2. Энгил саноат корхоналари ишлаб турган капиталининг чаққонлик коэффиценти. Бу кўрсаткични қуйидаги кўринишда аниқласа бўлади:

Энгил саноат корхоналарининг товар-моддий заҳиралари

Энгил саноат корхоналари - Энгил саноат корхоналарининг
ўз маблағларининг манбалари узоқ муддатли активлари

3. Енгил саноат корхоналарининг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти. Бу коэффицент куйидаги тартибда аниқланади:

Енгил саноат корхоналари	-	Енгил саноат корхоналарининг ўз маблағларининг манбалари	узок муддатли активлари
--------------------------	---	--	-------------------------

Енгил саноат корхоналари балансининг жами

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида уларга тегишли бўлган баланс актив ва пасив моддалари ҳаракатчанлигининг (ликвидлигининг) таҳлили муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги шароитда корхонасига тегишли бўлган а) доимий ҳаракатдаги активлар муддати келган тўлов мажбуриятлардан; б) тез сотилувчи активлар қисқа муддатли пасивлардан; в) секин сотилувчи активлар ўрта ва узок муддатли пасивлардан катта бўлиб, г) қийин сотилувчи активлар доимий пасивлардан кичик бўлса ва ана шу шартлар бажарилса, енгил саноат корхоналарининг маблағлари ҳаракатчан деб баҳоланиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида шу корхоналарга тегишли бўлган айланма активларнинг айланиши ва уларнинг самарадорлигига оид кўрсаткичларнинг ҳам эътиборга лойиқлиги назаримиздан четда қолмаслиги керак. Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, енгил саноат корхоналари айланма активларининг айланиши ва уларнинг самарадорлигига, энг аввало, куйидаги икки муҳим омил ўз таъсирини ўтказади: а) маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши; б) моддий айланма маблағлар йиллик ўртача қийматининг ўзгариши.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими нуқтаи-назаридан шу корхоналарга тегишли бўлган айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинганда куйидаги кўрсаткичларга суяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Енгил саноат корхоналари айланма маблағларининг айланиш коэффиценти. Бу кўрсаткич куйидаги тартибда аниқланади:

Энгил саноат корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат)ларни
сотишдан соф тушум

Энгил саноат корхоналарининг товар-моддий захиралари

**2. Энгил саноат корхоналари айланма маблағларининг
айланиш куни.** У қуйидаги тартибда аниқланади:

Энгил саноат корхоналарининг х Ҳисобот даври куни
товар-моддий захиралари

Энгил саноат корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат)ларни
сотишдан соф тушум

**3. Энгил саноат корхоналари айланма маблағларининг
айланиш салмоғи коэффиценти.** Бу кўрсаткичнинг аниқланиш
тартиби қуйидагича:

Энгил саноат корхоналарининг товар-моддий захиралари

Энгил саноат корхоналарида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан
соф тушум

Шундай қилиб, тегишли тадқиқот ва илмий изланишларни амалга ошириш натижасида монографиямиз II бобининг 1-параграфи доирасида биз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими тўғрисида қатъий бир хулосаларга келиш имконига эга бўлдик. Чиқарилган бу хулосаларнинг энг асосийси шундан иборатки, энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими ўзининг таркибий тузилиши жиҳатидан иқтисодиёт бошқа тармоқларига тегишли бўлган корхоналар молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлардан моҳият жиҳатидан сира фарқ қилмайди. Албатта, энгил саноат тармоғига тегишли бўлган айрим ўзига хос бўлган хусусиятлар бундан мустаснодир.

Энди ана шу II бобнинг 1-параграфи доирасида келтирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги (аҳволи)га баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Бу вазифа биз томонимиздан ушбу бобнинг навбатдаги параграфида бажаришга ҳаракат қилинади.

2.2. Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик даражалари ва уларга хос бўлган тенденциялар

Мамлакатимиз энгил саноат корхоналари тараққиёт истикболларини белгилаш ва таъминлаш нуқтаи-назаридан улар молиявий

барқарорлигининг ҳозирги аҳволи (ҳолати)габаҳо бериш, ундаги мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш йўлларини белгилаш мақсадида биз тегишли таҳлил ва тадқиқот ишларини амалга оширар эканмиз, бу жараёнга, асосан, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг 2001-2015 йилларга тегишли бўлган маълумотларини жалб қилишга ҳаракат қиламиз. Чиқарилган хулосаларнинг етарли даражада асосланган бўлишини ва уларнинг бир хиллиги ҳамда таққосланишини таъминлаш учун юқорида кўрсатилган йилларга тегишли бўлган йил бошидаги маълумотлардан фойдаланамиз.

Энди мамлакатимиз енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг ҳозирги аҳволига баҳо беришга ҳаракат қилиб ва ушбу бобнинг 1-параграфида келтирилган тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда, дастлаб, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бухгалтерия баланси активларини таҳлил қилишга ҳаракат қилайлик. Амалга оширилган таҳлил натижалари 2.2.1-жадвалда ўз аксини топган.

2.2.1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида, бизнинг фикримизча, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимидаги енгил саноат корхоналарининг 2001-2015 йилларда молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан эътиборга олиниши лозим бўлган бир неча принципиалхулосаларни чиқаришимиз мумкин. Уларнинг энг асосийлари куйидагилардан иборат:

1. Таҳлил остига олинган йиллар (2001-2015 йиллар) давомида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун узоқ муддатли активларнинг жами активлар таркибидаги улуши ўртача 66,3% ни ташкил этган. Бу мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида жами активларнинг 2/3 қисми узоқ муддатли активларнинг ҳиссасига тўғри келади, демакдир. Бу кўрсаткичнинг даражаси эса йилдан-йилга (фақат айрим йилларгина бундан мустасно) қарама-қарши йўналишда узлуксиз равишда ўзгариб бориш тенденциясига эгадир. Бундай ўзгариб бориш тенденцияси шу йиллар оралиғида 60,4% (01.01.2012 йил) ва 73,3% (01.01.2008 йил) диапазонида (тебраниш диапазони 12,9 ф.п.) содир бўлган. Бир вақтнинг ўзида, шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бу борада 2012 йилдан бошлаб кейинги йиллар учун қатъий бир тенденциянинг, яъни енгил саноат корхоналари жами активлари таркибида узоқ муддатли активлар салмоғининг ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлган тенденциянинг шаклланаётганлигини аниқлашимиз мумкин.

2.2.1-жадвал
 «Ўзбекенгилсаннат» ДАК корхоналарига тегишли активларнинг аҳоли⁵⁰
 (йил бошида, %ога)

Т	Кўрсаткичлар /р	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Узюк муддатли активлар	66,4	67,1	66,9	65,8	71,2	69,4	69,9	73,3	67,6	62,1	62,9	60,4	60,5	63,9	67,2
2.	Жорий активлар	33,6	32,9	33,1	34,2	28,8	30,6	30,1	26,7	32,4	37,9	37,1	39,6	39,5	36,1	32,8
	Шу жумладан:															
	а) товар- молдой захира- лари	27,2	24,8	15,8	17,2	18,0	19,4	20,3	16,5	16,8	17,5	19,2	20,6	20,7	21,8	20,9
	б) пул маб- лағлари ва хисса муддатли куйилма- лар	3,2	1,1	2,0	1,5	0,7	2,5	1,3	2,0	4,0	7,0	5,1	4,5	4,3	4,4	4,4
	в) дебитор- лар	3,2	7,0	15,3	15,5	10,1	8,7	8,5	8,2	11,6	13,4	12,8	14,5	14,5	9,9	7,5
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁵⁰Жадвал 2.2.1-янова маълумотлари асосида тузилган.

2. Узоқ муддатли активлардан фарқли ўлароқ шу йиллар давомида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари жорий активларининг жами активлардаги ўртача салмоғи 33,7% га тенг бўлган. Бу, ўз навбатида, жорий активларга енгил саноат корхоналари жами активларининг 1/3 қисми тўғри келаётганлигини англатади. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида енгил саноат корхоналари жорий активларининг жами активлардаги салмоғи 2008 йилдаги 26,7%дан 2012 йилга келиб 39,6%га тенг бўлган ёки шу нисбатанқисқа вақт орасида 12,9 ф.п.га ортган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу ерда ҳам жорий активлар улушининг доимий равишда, асосан, қарама-қарши йўналишда ўзгарувчанлик характери га эга бўлганлигини ва қатъий бир тенденциянинг таркиб топмаганлигини қайд этиб ўтишимиз керак. Бироқ, бу ерда ҳам 2012 йилдан бошлаб вазиятнинг бироз ўзгараётганлигини ва шундан кейинги йиллар давомида жами активлар таркибида жорий активлар улушининг муттасил равишда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлаётганлигини аниқласа бўлади.

3. Шу даврда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида жами активлар таркибида жорий активлар салмоғини белгилашда уларнинг товар-моддий захираларга тегишли бўлган қисми ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Улар жами активларнинг ўртача 19,8% ини ўз ичига қамраб олган бўлса-да, товар-моддий захираларга тегишли бўлган тебраниш диапозони 16,5% дан (01.01.2088 йил) 27,2% гача (01.01.2001 йил) тенг бўлган.

4. Аксинча, 2001-2015 йиллар давомида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида жами активлар таркибида жорий активлар салмоғини белгилашда уларнинг пул маблағлари ва қисқа муддатли қуйилмаларга тегишли бўлган қисми деярли ўзининг таъсирини кўрсатмаган. Таҳлил ишлари амалга оширилган даврларда уларнинг салмоғи 0,7% дан (01.01.2005 йил) 7,0% гача (01.01.2010 йил) тебранган бўлишига қарамасдан, ўртача 3,2% ни ташкил этган, холос.

5. Юқоридаги ҳолатга тескари тарзда 2001-2015 йиллар давомида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида жами активлар таркибида жорий активлар салмоғини белгилашда уларнинг дебиторларга тегишли бўлган қисми ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган. Бу нарса, айниқса, 2003-2005 ва 2009-2013 йиллар оралиғидаги маълумотларга назар солинса, яққол кўринади. Таҳлил ишлари амалга оширилган даврларда уларнинг ўртача салмоғи

10,7% ни ташкил этиб, бу кўрсаткичнинг даражаси баъзи йилларда 15,0% дан юқори даражада бўлган.

6. Олдинги 3- ва 5-бандларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига тегишли бўлган жами активларнинг таркибида жорий активлар салмоғинининг тақдирини белгилашда товар-моддий захиралари ва дебиторлар ҳал қилувчи аҳамиятга бўлган.

Шундай қилиб, 2.2.1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида юқоридаги 1-6-бандларда акс эттирилган хулосаларга таянган ҳолда қуйидаги умумий хулосани шакллантиришимиз мумкин: мамлакатимиз энгил саноат корхоналарига тегишли бўлган умумий активларнинг таркиб топган таркибий тузилмаси, унинг таркибида узоқ муддатли активлар ва жорий активларнинг қандай роль ўйнаётганлиги, шунингдек, жорий активларнинг таркибий тузилмаси ва хусусан унда дебиторларнинг, нисбатан бўлса-да, каттароқ салмоққа эга бўлаётганлиги бу корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ўз таъсирини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда ва келгусида республикамиз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилаётган пайтда юқорида чиқарилган хулосалар ва уларнинг олиб келиши мумкин бўлган оқибатлари, биринчи навбатда, ҳисобга олиниши ва шунга мос равишда бу масалага нисбатан тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Энди худди юқоридаги тартибда иш тутган ҳолда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тегишли бўлган корхоналарнинг пасивлари аҳолини таҳлил қилиб чиқайлик. Амалга оширилган таҳлил натижалари 2.2.2-жадвалда ўз аксини топган.

2.2.1-жадвал маълумотларини таҳлил қилганда бўлгани сингари 2.2.2-жадвал маълумотларини ўрганиш натижасида ҳам республикамиз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига оид ва унга бевосита тегишли ҳамда алоқадор бўлган бир неча муҳим хулосалар чиқаришимиз мумкин. Бизнингча, уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлил остига олинган йиллар (2001-2015 йиллар) давомида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун ўз маблағлари манбалари жами пасивлар таркибидаги улушининг ўзгаришига нисбатан қатъий бир тенденция таркиб топмаган.

2.2.2-жадвал
«Ўзбекгилсаноат» ДАК корхоналарига тегишли passивларнинг аҳоли⁵¹
(Йил бошига, %да)

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Ўз маблағларининг манбалари	27,8	19,4	23,2	18,4	45,4	40,9	25,1	35,5	32,8	36,6	41,5	39,9	42,7	46,0	49,5
2.	Мажбуриятлар	72,2	80,6	76,8	81,6	54,6	59,1	74,9	64,5	67,2	63,4	58,5	60,1	57,3	54,0	50,5
	Шу жумладан:															
	а) узоқ муддатли мажбуриятлар	20,3	26,8	51,3	51,5	4,3	3,9	28,5	29,2	26,8	12,1	14,8	17,2	17,6	18,2	19,0
	б) қисқамуддатли мажбуриятлар	44,2	47,7	15,0	17,3	26,4	29,2	25,4	21,3	24,2	29,1	25,4	25,7	25,8	25,3	23,9
	в) кредиторлар	7,7	6,1	10,5	12,8	23,9	26,0	21,0	14,0	16,2	22,2	8,3	17,2	13,9	10,5	7,6
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Унинг даражаси шу йиллар давомида 18,4% дан (01.01.2004 йил) 49,5% гача (01.01.2015 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 31,1 ф.п.). Шу ўринда унинг ўзгаришига нисбатан айрим йилларда қарама-қарши йўналишда кескинликнинг хос эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, унинг даражаси 01.01.2004 йилда 18,4% га, 01.01.2005 йилда эса 45,4% га тенг бўлган ёки ҳисса 2 мартадан кўпроққа ошган. Ёки аксинча, 01.01.2006 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 40,9% га тенг бўлган ҳолда 01.01.2007 йилда эса 25,1% га тушиб қолган, яъни деярли 31,0% га камайган. Шундай бўлса-да, 2009 йилдан бошлаб бу борада энгил саноат корхоналари томонидан сиёсатнинг ўзгараётганлигини аниқлашимиз мумкин. Чунки шу йилдан бошлаб кейинги йиллар учун жами пасивлар таркибида ўз маблағларининг манбалари узлуксиз равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда (01.01.2012 йил бундан мустасно).

2. Шу йиллар учун «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг мажбуриятларига нисбатан ҳам худди юқоридагидек ҳолатнинг хос эканлигини аниқлашимиз мумкин, яъни бу кўрсаткич учун ҳам қатъий бир тенденция шаклланмаган, у учун деярли доимий равишда қарама-қарши йўналишда (айрим йилларда кескин равишда) ўзгарувчанлик хос. Бироқ 2009 йилдан бошлаб кейинги йиллардаги вазиятга назар солинадиган бўлса, бу ерда жами пасивлар таркибида мажбуриятлар салмоғининг мултасил пасайиб бориш тенденциясига эгаллиги (фақат 01.01.2012 йил бундан мустасно, холос) маълум бўлади.

3. 2.2.2-жадвалда келтирилган 1- ва 2- кўрсаткичларнинг кейинги йиллардаги ўзгариши ва уларнинг ўзаро таққосланиши мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида пасивларнинг таркибий тузилмасини шакллантиришда сиёсатнинг ўзгариб бораётганлигини, хусусан, пасивларни шакллантиришда мажбуриятларга устуворлик беришдан воз кечиш, ўз маблағларининг салмоғини ошириш ва охир-оқибатда, ўз маблағларининг манбалари ва мажбуриятлар ўртасида 50:50 нисбатнинг таркиб топтириш сари юз тутилганлигидан далолат беради⁵². Бунинг айнан шундай эканлигини ҳар иккала кўрсаткичга тегишли бўлган рақамларнинг 2009-2015 йиллардаги ўзгариши яққол тасдиқлайди. Пасивлар таркибий тузилмасини шакллантиришда ўз маблағларининг

⁵²Бунинг қанчалик тўғрилиги, оқилоналиги ёки такомиллаштиришнинг зарурлиги хусусида монографиямизнинг IV Бобида батафсил тўхталамиз.

манбалари ва мажбуриятлар ўртасида 50:50 нисбатни таркиб топтириш сари юз тутилганлигини ушбу масала бўйича рискни диверсификациялаш нуқтаи-назаридан ижобий баҳолаш мумкин. Лекин бу ерда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, «молиявий дастак самараси» ва х.к.ларга доир муаммолар вужудга келадик, улар ҳам ўзининг оқилона ечимини топмоғи лозим⁵³.

4. 2001-2015 йиллар давомида ва айниқса, 2010 йилдан кейинги йилларда»Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида жами пасивлар таркибида мажбуриятлар салмоғининг камайиб боришида унинг турли таркибий қисмлари, яъни узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар ҳамда кредиторлар турлича таъсир кўрсатган. Хусусан, умумий пасивлар таркибида мажбуриятлар салмоғининг пасайиши сўнгги йилларда а) узоқ муддатли мажбуриятлар салмоғининг 12,1% дан (01.01.2010 йил) 19,0% гача (01.01.2015 йил) муттасил равишда йилма-йил ортиб бориши, б) қисқа муддатли мажбуриятлар салмоғининг 29,1% (01.01.2010 йил) ва 23,9% (01.01.2015 йил) ўртасида тебраниб туриши ҳамда в) кредиторлар салмоғининг 22,2% дан (01.01.2010 йил) 7,6% гача (01.01.2015 йил) узлуксиз равишда пасайиб бориши ҳисобидан юз берган. Бундан тармоқ корхоналаридаги жами пасивлар таркибида мажбуриятлар салмоғининг пасайиши, асосан, кредиторлар ҳисобидан амалга оширилган деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Бунинг устига, пасайиб бориш характериға эға бўлган юқоридаги кўрсаткичнинг таркиб топишида узоқ муддатли мажбуриятлар, маълум маънода, акс таъсир кўрсатган, қисқа муддатли мажбуриятлар эға сезиларли таъсир кўрсатмаган.Бундай шароитда мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида жами пасивлар таркибида мажбуриятлар салмоғи пасайиши, асосан, кредиторлар ҳисобидан амалга оширилишининг (юқорида таъкидланганидек, сўнгги йилларда кредиторларнинг салмоғи деярли 3 баробарға яқин пасайиб кетган) нечоғлик тўғрилиги билан боғлиқ бўлган масалалар кун тартибига қўйиладик, улар ўзининг асосли жавобига эға бўлмоғи керак. Шунингдек, бу ерда айрим йилларда жами мажбуриятлар таркибида қисқа муддатли мажбуриятларнинг (масалан, 01.01.2001-01.01.2002 йилларда), бошқа йилларда эға узоқ муддатли мажбуриятларнинг (масалан, 01.01.2003-01.01.2004

⁵³Уларнинг ечимига доир муаллиф позицияси монографиянинг кейинги бобларида ўз аксини топади.

йилларда) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги ва ниҳоят, баъзи йилларда ҳар уччала таркибий қисмларнинг деярли бир хил (масалан, 01.01.2007, 01.01.2011-01.01.2012 йилларда) роль ўйнаши билан боғлиқ бўлган ҳолатнинг таркиб топиши ҳам баъзи саволларга аниқлик киритишни талаб қилади. Худди шу нарсани жами мажбуриятлар таркибида а) айрим йилларда узок муддатли мажбуриятлар ва кредиторлар (масалан, 01.01.2007-01.01.2009 йилларда), б) бошқа йилларда эса қисқа муддатли мажбуриятлар ва кредиторлар (масалан, 01.01.2005-01.01.2006 йилларда ва в) узок ва қисқа муддатли мажбуриятлар комбинацияси (масалан, 01.01.2001-01.01.2004 йилларда) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолиши ҳам тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги шароитда ва яқин келажакда мамлакатимиз энгил sanoat корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилаётган пайтда юқорида чиқарилган хулосалар ва уларнинг олиб келиши мумкин бўлган оқибатлари, биринчи навбатда, ҳисобга олиниши ва шунга мос равишда бу масалага нисбатан тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир⁵⁴.

Молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан Ўзбекистон энгил sanoat корхоналарига тегишли бўлган уларнинг актив ва пасивлари белгиланган тартибда таҳлил қилиниб, аҳвол ёки вазият аниқланиб, тегишли хулосалар чиқарилганидан сўнг энди шу тармоқ корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг мутлоқ кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқиш керак. Шу боисдан, умумий тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилган таҳлил натижалари 2-иловада келтирилган.

2-иловада келтирилган маълумотлар устида мулоҳаза юритиш натижасида қуйидаги муҳим хулосаларга келиш мумкин:

1. 2001-2015 йилларда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг ҳолатини характерлайдиган мутлоқ кўрсаткичларнинг дастлабки ҳисобланган товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбаларига оид кўрсаткич тармоқ корхоналари учун бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлган вазиятнинг вужудга келганлигини кўрсатапти. Бу захираларни қоплашга тегишли бўлган энгил

⁵⁴Булар хусусида ҳам монографиямизнинг IV бобида батафсил тўхталамиз.

саноат корхоналарининг ўз манбалари 2001-2015 йиллар орасида 15 ҳолатнинг барчасида манфий кўрсаткичга эга бўлган. Уларнинг даражаси мутлоқ суммаларда -55,2 млрд. сўмдан (01.01.2001 йилда) -293,1 млрд. сўмгачани (01.01.2014 йилда) ташкил этган.

2. Енгил саноат тизими корхоналарида узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар товар-моддий заҳираларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари сифатида фойдаланилган бўлишига қарамасдан, улар таҳлил қилинаётган йиллар орасида бу масаладаги вазиятни бироз юмшатган, холос. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, ҳамон умумий вазият мураккаблигича қолаверган. Чунки бу заҳираларни қоплашга тегишли бўлган енгил саноат корхоналарининг ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари 2001-2015 йиллар орасида 15 ҳолатнинг 7 тасида манфий кўрсаткичга эга бўлган. Уларнинг даражаси мутлоқ суммаларда -70,6 млрд. сўмдан (01.01.2005 йилда) -180,6 млрд. сўмгачани (01.01.2014 йилда) ташкил этган. Фақат 2001-2004 ва 2007-2009 йилларнинг бошларида вазият бирмунча ижобий бўлган ва бу кўрсаткичнинг даражаси мусбат белгига эга бўлиб, мос равишда, 78,0 млрд.сўм (01.01.2008 йилда) ва 437,0 млрд.сўмга (01.01.2004 йилда) тенг бўлган. Шу ўринда бу кўрсаткичга тегишли бўлган ҳолатнинг 2010 йилдан бошлаб оғирлашиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим. Шунингдек, 2001-2015 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткичга тегишли бўлган ҳолатни ҳарактерлайдиган даражанинг 2001-2004 йилларда мусбат, 2005-2006 йилларда манфий, 2007-2009 йилларда яна мусбат ва 2010-2015 йилларда яна манфий характерга эгаллиги бу масалада мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида маълум бир муаммоларнинг мавжудлиги ва улар ҳамон ўз ечимини топмаганлигини ҳам кўрсатади.

3. 2001-2015 йилларда «Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг ҳолатини ҳарактерлайдиган мутлоқ кўрсаткичларнинг товар-моддий заҳираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етарли эмаслигига (-) тегишли кўрсаткичи ҳам бу корхоналарда молиявий барқарорлик аҳволининг кўнгилдагидек эмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки таҳлил даврида енгил саноат корхоналари учун товар-моддий заҳираларни қоплашга ўз манбаларининг етарли эмаслиги хос бўлиб, бу кўрсаткичнинг даражаси барча йилларда узлуксиз равишда манфий белгига эга бўлиб, манбаларнинг етарли эмаслиги шу даврда -94,3 млрд. сўмдан (01.01.2001 йилдада) -1110,5 млрд.

сўмгачани (01.01.2015 йилда) ташкил этган. Бунинг устига, шу давр оралиғида бу кўрсаткичнинг даражаси муттасил равишда ҳар йили (бундан фақат 01.01.2005 йил мустасно, холос) олдинги йилга нисбатан ўсиб бориб характерига эга бўлган. Айниқса, 01.01.2011-01.01.2015 йиллар давомида ҳам товар-моддий заҳираларни қоплашга ўз манбаларининг етарли эмаслик даражаси жуда катта масштабни ўз ичига олган ва унинг даражаси 0,5-1,1 трил. сўм оралиғида бўлган.

4. Мамлакатимиз энгил саноат корхоналари учун молиявий барқарорликнинг мутлоқ кўрсаткичларига товар-моддий заҳираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етарли эмаслиги (-) нуқтаи-назаридан қаралганда, вазиятнинг бироз юмшаганлигини аниқлашимиз мумкин. Бу ерда вазиятнинг бироз юмшаганлиги етарли эмас манбалар суммасининг олдингисига нисбатан маълум даражада камайганлиги орқали намён бўлаяпти. Олдинги ҳолда таҳлил қилинган йилларнинг барчасида кўрсаткични характерлайдиган рақамлар манфийлик белгисига эга бўлган бўлса, ҳозирги ҳолда эса 15 ҳолатнинг 4 таси мусбатлик белгисига эга. Бундай ҳолат таҳлилимининг дастлабки, яъни 2001-2004 йиллари учун хосдир. 01.01.2005 йилдан бошлаб яна вазият салбий томонга ўзгарган ва бу ҳолат узлуксиз равишда 01.01.2015 йилгача ҳам давом этиб келмоқда. Бу ўринда, товар-моддий заҳираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари етарли эмаслигининг -8,6 млрд.сўмдан (01.01.2007 йилда) -1016,7 млрд.сўмгачани (01.01.2015 йилда) ташкил этганлиги бу ҳолда ҳам вазиятнинг анча ночор эканлигини кўрсатапти.

5. Муаммога Ўзбекистон энгил саноат корхоналари товар-моддий заҳираларини қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етарли эмаслиги (-) нуқтаи-назаридан қаралганда, тадқиқот ишлари амалга оширилган давр оралиғида, бу кўрсаткич ўзгаришининг айрим йиллар учун қарама-қарши ишорага эга эканлиги аниқ бўлади. Бунда 15 санада акс эттирилган кўрсаткичларнинг 7 тасида ишора мусбатан, яъни мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида шунча марта товар-моддий заҳираларни қоплашга жами манбалар етарли бўлса ва 8 марта ишора манфий, яъни уларни қоплашга жами манбалар етарли бўлмаган. Бу ерда, айниқса, 01.01.2011 йилдан бошлаб кейинги барча йилларда товар-моддий заҳираларни қоплашга жами манбаларнинг етарли бўлмаётганлиги ва уларнинг сўнгги йиллар учун узлуксиз ўсиб

бориш тенденциясига эга бўлаётганлиги ва, охир-оқибатда, жуда катта суммани (масалан, 01.01.2015 йилда унинг миқдори 0,5 трилл. сўмдан ошиб кетмоқда) ташкил этаётганлиги, албатта, ташвишли ҳол бўлиб, бу нарса мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан тураолмайди.

Шундай қилиб, 2001-2015 йилларда «Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг ҳолатини характерлайдиган мутлоқ кўрсаткичлар бу ерда вазиятнинг анча мураккаб эканлигини яна бир бор тасдиқлапти ва юқорида чиқарилган хулосалардан энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиляётганда улар, албатта, ҳисобга олинмоғи лозим.

Амалга ошириляётган таҳлилимизнинг навбатдаги босқичида биз энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг нисбий таҳлили масалаларига эътибор қаратиб, тармоқ корхоналарига тегишли бўлган молиявий коэффициентларнинг даражаси билан танишиб чиқишимиз керак. Ана шу мақсадда амалга оширилган таҳлил натижалари 2.2.3-жадвалда ўз ифодасини топган.

2.2.3-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган нисбий кўрсаткич (молиявий коэффициент)ларни инobatта олган ҳолда қуйидаги муҳим хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган молиявий мустақиллик коэффициенти учун таҳлил қилинаётган даврда nobарқарорлик хос. Унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2004 йилларда пасайиш, 01.01.2005 йилда кескин ортиш, 01.01.2005-01.01.2007 йилда яна пасайиш, 01.01.2008-01.01.2009 йилларда ортиш-камайиш, 01.01.2010-01.01.2011 йилларда ортиш-ортиш ва 01.01.2012-01.01.2015 йиллар учун эса йилдан-йилга ортиб бориш характерига эга бўлган. Бу, бир томондан, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида молиявий барқарорликни характерлайдиган молиявий мустақиллик коэффициентининг роли ва аҳамиятига етарли даражада жиддий эътибор берилмаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса, фақат 01.01.2012 йилдан бошлаб ундan кейинги йилларда бу масала бироз ижобий ҳал этиляётганлиги маълум бўлади.

**«Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг
нисбий (молиявий коэффициентлар) кўрсаткичлари**

(Йил бошида)

Т/р	Молиявий коэффициентлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,64	0,41	0,35	0,27	1,6	1,3	0,46	0,82	0,76	1,45	2,0	1,8	2,4	2,9	3,8
2.	Тулов қобилияти коэффициенти	0,22	0,25	0,07	0,06	0,05	0,10	0,03	0,10	0,15	0,25	0,23	0,14	0,25	0,30	0,35
3.	Қарз ва ўз маблағлари ўрта- сидаги нисбат коэффициенти	1,55	2,40	2,80	3,70	0,60	0,70	2,10	1,20	1,30	0,70	0,50	0,55	0,41	0,34	0,26
4.	Захира ва харажатларни ўз маблағлари билан қоплан- ганлик коэффициенти	8,00	7,70	8,90	7,90	8,10	7,40	7,50	8,20	7,80	8,10	7,30	6,40	6,10	6,00	6,00
5.	Маблағларнинг чаккон ха- ракатчанлик коэффициенти	0,34	0,37	0,34	0,46	0,36	0,42	1,06	0,36	0,39	0,35	0,36	0,40	0,42	0,42	0,43
6.	Ўзоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффициенти	0,56	0,67	0,68	0,73	0,08	0,09	0,53	0,45	0,45	0,07	0,06	0,10	0,10	0,06	0,04
7.	Мулк тарқибида асосий во- ситаларнинг аниқ қиймат коэффициенти	0,34	0,26	0,32	0,29	0,30	0,37	0,39	0,55	0,38	0,40	0,41	0,38	0,41	0,45	0,49
8.	Жами мулкнинг харакат- чанлиги коэффициенти	0,13	0,11	0,08	0,09	0,12	0,13	0,34	0,15	0,11	0,16	0,18	0,19	0,20	0,20	0,22

Умуман олганда, 01.01.2012-01.01.2015 йиллар оралигида молиявий мустақиллик коэффициентининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги энгил саноат корхоналари учун ижобий ҳолат сифатида талқин этишимиз мумкин.

2. Энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини характерлайдиган нисбий кўрсаткичларнинг иккинчиси ҳисобланган бўлган тўлов қобиляти коэффициенти учун 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралигида қуйидаги икки ҳолат хос бўлган а) келтирилган 15 ҳолатнинг 8 тасида унинг даражаси 0,1 атрофида тебранган бўлса, б) қолган 7 ҳолатда 0,2 дан юқорида бўлган ва ҳатто охириги йилларда унинг даражаси 0,4 томон интиломқда. Буни 01.01.2012-01.01.2015 йиллар маълумотларига эътибор берилса, яққол кўриш мумкин. Бизнингча, бундай ижобий ҳолатнинг вужудга келаётганлиги, албатта, кейинги йилларда тармоқда тўлов интизомини тубдан мустақкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва кескин чораларнинг кўрилаётганлиги ва буларнинг барчаси натижасида тегишли жараёнларга хизмат қилувчи бозор механизмларининг анча яхши ишлаётганлиги билан изоҳланади.

3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициентидаги ўзгаришлар бу нисбий кўрсаткич учун ҳам тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда нобарқарорликнинг хос бўлганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2004 оралигида ортиб бориш характерига эга бўлиб, ортиш суръатлари 2,0 мартадан юқориқ бўлган. 01.01.2005 йилда вазият кескин тескари томонга ўзгарган ва бу кўрсаткичнинг даражаси ўтган 2004 йилнинг бошига нисбатан 6,0 мартага пасайиб кетган. Бироқ, 01.01.2005-01.01.2007 йилларда яна унинг даражаси ортиш характерига эга бўлган. Баъзи бир истиснолар (масалан, 01.01.2012 йилдаги даража) бўлишига қарамасдан 01.01.2009 йилдан бошлаб ушбу нисбий коэффициентнинг даражаси муттасил равишда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Унинг 01.01.2009 йилдаги даражаси 1,30 га тенг бўлса, шу кўрсаткич учун 01.01.2015 йилдаги даража 0,26 ни ташкил этган ёки 5,0 мартага пасайган. Бу, ўз навбатида, ушбу жараёнларда энгил саноат корхоналари томонидан кредиторларнинг маблағларидан етарли даражада оқилона ва самарали фойдаланилмаётганлигидан дарак беради.

4. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига тегишли бўлган заҳира ва харажатларни ўз маблағлари билан қопланганлик коэффициенти учун, сиртдан қаралганда, нобарқарорлик хос бўлса-

да, унинг, асосан, 7,0-8,0 атрофида бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бироқ, 01.01.2010 йилдан бошлаб унинг даражаси пасайиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, ушбу кўрсаткичнинг 01.01.2015 йилга келиб ҳам 6,0 даражасида эканлиги унинг ҳамон нисбатан юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда.

5. Маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти мамлакатимиз энгил саноат корхоналарига тегишли бўлган ўз айланма маблағларининг ўзига қарашли жами маблағларга нисбати орқали аниқланиб, тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда унинг даражаси учун доимий ўзгарувчанлик хос бўлса-да, бу ўзгарувчанликнинг, асосан, 0,35-0,40 атрофида (фақат 01.01.2007 йил бундан мустасно) бўлганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, 3.2.3-жадвал маълумотлари 01.01.2010 йилдан бошлаб кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг даражасини ошириб бориш борасида республикамиз энгил саноат корхоналарида маълум бир ишларнинг амалга оширилганлигини ҳам кўрсатмоқда.

6. 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралиғида энгил саноат корхоналарининг узок муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти учун қуйидаги икки даражанинг хос бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим: а) 15 ҳолатнинг 7 тасида унинг даражаси 0,5-0,7 атрофида ва б) қолган 8 тасида эса 0,1 атрофида бўлган. Бунда биринчи ҳолат тадқиқот ишлари олиб борилган йилларнинг дастлабки йиллари учун (асосан, 01.01.2001-01.01.2004 йиллар) ва иккинчи ҳолат учун эса тадқиқотимиз даврининг сўнгги йиллари (01.01.2010-01.01.2015 йиллар) дахлдордир. Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида молиявий барқарорликнинг нисбий даражасини ифодаловчи узок муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти учун кескин пасайиш (биринчи ҳолатга нисбатан 5,0-10,0 марта) хос бўлиб, бу нарса молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан узок муддатли қарзлардан фойдаланишда жиддий муаммоларнинг вужудга келганлигидан дарак беради.

7. Мулк таркибида асосий воситаларнинг аниқ қиймат коэффиценти энгил саноат корхоналарида 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралиғида 0,26 дан (01.01.2002 йил) 0,55 гача (01.01.2008 йил) тебранган (ўзгариш диапазони - 0,29) бўлишига қарамасдан аксарият йилларда унинг даражаси 0,3-0,4 атрофида бўлган. Ва ниҳоят, жами мулкнинг ҳаракатчанлиги коэффиценти таҳлил қилинаётган

йилларда энгил саноат корхоналари учун ўзининг нисбатан паст даражада эканлиги билан характерланиб, 0,1-0,2 га тенг бўлган.

Бизнинг фикримизча, 2.2.3-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида юқоридаги 1-7-бандларда акс эттирилган хулосалар энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамиятга эга. Уларга биноан, айниқса, таҳлил қилинаётган даврда а) молиявий мустақиллик коэффицентининг нобарқарорлик характериға эғалиги, амалиётда унинг роли ва аҳамиятиға етарли даражада жиддий эътибор берилмаётганлиги; б) тўлов қобилияти коэффицентининг нисбатан пастлиги; в) қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти учун ҳам нобарқарорликнинг хослиги ва сўнгги йилларда у учун пасайиш тенденциясининг шаклланаётганлиги; г) энгил саноат корхоналари томонидан кредиторларнинг маблағларидан етарли даражада оқилона ва самарали фойдаланилмаётганлиги; д) сўнгги йилларда узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти учун кескин пасайишнинг (биринчи ҳолатға нисбатан 5,0-10,0 марта) хос бўлаётганлиги ва бу нарса молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан узоқ муддатли қарзлардан фойдаланишда жиддий муаммоларнинг вужудға келаётганлиги ва ҳ.к.лар мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланаётган пайтда ҳисобға олиниши керакки, бу билан боғлиқ бўлган масалалар монографиямиз 4-бобининг узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари акс эттирилган 1-параграфда ўз ифодасини топади.

Бизнингча, тўлов қобилияти аҳволини таҳлил қилиб чиқишға ҳам энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги масалалари таҳлил қилинаётган пайтда алоҳида эътибор қаратиш мақсадға мувофиқ. Шунға кўра молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан ҳар қандай корхонаниннг тўлов қобилияти таҳлил қилинаётган пайтда, асосан, икки масалаға жиддий эътибор қаратилишини қайд этиш лозим. Улар қуйидагилардан иборат: а) корхона доирасида мавжуд бўлган ва тўлашға мўлжалланган маблағларнинг миқдори; б) корхона доирасида мавжуд бўлган тўлов қарзларининг миқдори.

Умумэътироф этилган қоида ёки тартибларға қатъий риоя этган ҳолда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш жараёнида биз ҳам ана шу икки

кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда иш кўришимиз керак. Бу, энг аввало, энгил саноат корхоналарининг тўлаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган маблағларининг таркибини аниқлаб олишни тақозо этади. Ана шу мақсадда амалга оширган тадқиқотларимиз унинг таркибига қуйидагилар кириши мумкинлигини кўрсатмоқда: а) касса ва ҳисоб рақамдаги пул маблағлари; б) валюта маблағлари; в) қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа пул маблағлари; г) тайёр маҳсулот ва товарлар; д) дебиторлик қарзлари. Шунингдек, илмий изланишларимиз тўлов қарзларининг таркибини а) мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган қарзлар (счётлар); б) бюджетга тўловлар бўйича қарзлар; в) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар; г) мулкый ва шахсий суғурта бўйича қарзлар; д) мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар; е) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар; ё) қисқа муддатли кредитлар ва бошқа қарзлар; ж) бошқа жорий мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай корхона тўлов қобилиятини характерлайдиган юқоридаги таркибий элементларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган ва бу ўринда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарига бевосита дахлдор бўлган таҳлил натижалари 2.2.4-жадвалда акс эттирилган.

2.2.4-жадвалда келтирилган маълумотлартаҳлил остига олинган йилларнинг барчасида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблағларидан кўплиги характерли эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу кўрсаткичнинг даражаси ва ўзгариш суръатлари 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралиғида турлича характерга эга. Хусусан, 01.01.2001-01.01.2004 йиллар оралиғида унинг даражаси муттасил равишда йилдан-йилга барқарор ўсиб бориш характерига эга бўлган. Бу, ўз навбатида, шу йиллар давомида қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблағларидан кўплиги қисқартириш борасида қилиниши лозим бўлган ишларнинг, маълум маънода, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида муваффақиятсизликка учраганлигидан ёки бу вазифанинг уддаланмаган-лигидан дарак беради.

01.01.2005-01.01.2011 йиллар маълумотларига назар солинадиган бўлса, бу ораликда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблағларидан кўплигини ифодаловчи кўрсаткичнинг нобарқарорлик характерига эга бўлганлиги маълум бўлади. Унинг даражаси 01.01.2005-01.01.2006

Йилларда кескин камайиб, мос равишда, 42,5 ва 94,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, навбатдаги 01.01.2007-01.01.2011 йилларда, аксинча, кескин ортган ва 326,2 млрд.дан (01.01.2008 йил) 594,4 млрд.гача (01.01.2010 йил) етиб борган. Бирок, унинг ушбу ораликдаги ўзгариш йўналишлари турлича (ўсиш-пасайиш; пасайиш-ўсиш) бўлган ва, юқорида таъкидланганидек, нобарқарорлик касб этган. 01.01.2012 йилдан бошлаб эса кейинги йилларда ушбу масалага нисбатан вазият ижобий томонга ўзгармоқда, яъни 01.01.2012-01.01.2015 йиллар оралиғида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблагларидан кўплигини ифодаловчи кўрсаткич йилдан-йилга узлуксиз равишда камайиб бориш характерини ўзида мужассам этмоқда. Унинг даражаси 01.01.2012 йилда 632,5 млрд. сўмга, 01.01.2013 йилда – 495,1 млрд. сўмга, 01.01.2014 йилда – 302,4 млрд. сўмга ва ниҳоят, 01.01.2015 йилда эса 46,5 млрд. сўмга тенг бўлган. Демак, юқоридаги мулоҳазалар «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари учун юқоридаги рақамларнинг хос эканлиги бу корхоналар тўлов қобилиятининг бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бераолмаётганлигидан дарак берапти. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишда энгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини кескин яхшилаш борасида тегишли ишларни зудлик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқли билан боғлиқ бўлган масалаларнинг кун тартибига кўйилиши ва уларни муваффақиятли равишда ҳал этилиши лозимлигини такозо этади⁵⁵.

Амалиётнинг кўрсатишича, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари тўлов қобилияти кўрсаткичларининг таҳлилини тўлов лаёқати кўрсаткичларининг таҳлилсиз тўлик тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган таҳлил ишларимизнинг навбатдаги қисмини ана шу кўрсаткичнинг таҳлили масалаларига бағишлаймиз. Энгил саноат корхоналарининг тўлов лаёқатини характерлайдиган кўрсаткичларнинг таҳлили натижалари 2.2.5-жадвалда ўз аксини топган.

2.2.5-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш, уларни турли йўналиш ва даврларда таққослаш, ўзгариш суръатлари ва йўналишларига эътибор бериш натижасида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг тўлов лаёқатини характерлайдиган коэффициентлар барчаси учун умумий бўлган ҳолатни аниқлаш мумкин.

⁵⁵Муаммонинг бу жиҳатлари монографиямизнинг IV бобида алоҳида кўриб чиқилади.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК қорхоналарининг тўлов қобилияти кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши⁵⁶

(Йил бошида, млрд. сўмда)

Т/Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Тўлаш учун мажбул бўлган маблағларнинг жами, млрд. сўмда	113,9	141,4	235,6	218,2	207,8	213,2	221,9	399,8	450,4	812,6	1069,9	1257,2	1445,7	1734,8	2168,5
	- унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	124,1	166,6	92,6	95,2	102,6	104,1	180,2	112,7	180,4	131,7	117,5	115,0	120,0	125,0
	- унинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	124,1	206,8	191,6	182,4	187,2	194,4	351,0	395,4	713,4	939,3	1103,8	1269,3	1523,1	1903,9
	нисбатан ўзгариши, % да															
2.	Мажбул тўлов қарзларининг жами, млрд. сўмда	295,6	586,0	779,2	965,5	250,3	308,2	660,9	726,0	922,1	1407,0	1509,2	1892,3	1940,8	2037,3	2214,9
	- унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	198,2	133,0	123,9	25,9	123,1	214,4	109,9	127,0	152,6	107,3	123,4	102,6	105,0	108,7
	- унинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	198,2	263,6	326,6	84,7	104,3	223,6	243,6	311,9	476,0	512,0	640,2	656,6	689,2	749,3
	нисбатан ўзгариши, % да															
3.	Қара тўлов ажбурига қаршиликнинг тўлов маблағларидан қўлини, млрд. сўмда	181,6	444,6	543,6	747,3	42,5	94,9	438,9	326,2	471,6	594,4	439,4	635,2	495,1	302,4	46,5
	- унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	244,8	122,3	137,5	5,7	223,3	462,5	74,3	144,6	126,0	73,9	144,6	77,9	61,1	15,4
	- унинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши, % да	x	244,8	299,3	411,5	23,4	52,3	241,7	179,6	259,7	327,3	242,0	349,8	272,6	166,5	25,6
	нисбатан ўзгариши, % да															

⁵⁶ Жадвал «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Унинг турли даражада бўлишига қарамасдан, бу улар учун нобарқарорликнинг хос эканлигидир. Алоҳида олинган ҳар бир кўрсаткич бўйича бу ўзини қуйидагиларда намоён қилади:

1. Мутлоқ тўлов лаёқати кўрсаткичи – 1,40 дан (01.01.2007 йил) 5,80 гача (01.01.2002 йил) ўзгарган; ўзгариш диапазони – 4,0 баробардан кўпроқ; 01.01.2001-01.01.2004 йилларда нисбатан юқорироқ даражага эга бўлган; 01.01.2002- 01.01.2010 йиллар оралиғида пасайган (01.01.2008-01.01.2009 йиллар бундан мустасно); 01.01.2010-01.01.2015 йиллар оралиғида эса ошиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда;

2. Оралиқ тўлов лаёқати коэффиценти – 0,23 дан (01.01.2007 йил) 1,20 гача (01.01.2013 йил) ўзгарган; ўзгариш диапазони – 5,0 баробардан кўпроқ; 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида пасайган (01.01.2002 йил бундан мустасно); 01.01.2007-01.01.2013 йилларда эса, аксинча, ортган (01.01.2010 йил бундан мустасно);

3. Жорий тўлов лаёқати коэффиценти – 0,19 дан (01.01.2002 йил) 0,58 гача (01.01.2013 йил) ўзгарган; ўзгариш диапазони – 3,0 баробардан кўпроқ; 2007 йилдан бошлаб кейинги йилларда унинг даражасини оширишга жиддий эътибор берилган ва бунга эришилган;

4. Қисқа муддатли тўлов лаёқати коэффиценти - 0,03 дан (01.01.2002 йил) 0,20 гача (01.01.2010 йил) ўзгарган; ўзгариш диапазони – 7,0 баробарга яқин); унинг даражаси учун, асосан, қуйидаги икки ҳолат хос: а) 0,1 дан кам бўлган даража – 01.01.2001-01.01.2008 йилларга тегишли; б) 0,1 дан юқори бўлган даража – 01.01.2009-01.01.2015 йилларга тегишли;

5. Узоқ муддатли тўлов лаёқати коэффиценти – 0,42 дан (01.01.2001 йил) 1,20 гача ўзгарган (01.01.2005 йил); ўзгариш диапазони – 3,0 баробарга яқин; 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғи учун қарама-қарши йўналишда кескин ўзгарувчанлик хос; 01.01.2008 йилдан бошлаб коэффицент йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

2.2.5-жадвал маълумотларинини таҳлил қилиш натижасида чиқарилган ва юқоридаги 1-5-бандларда акс эттирилган ҳамда тўлов лаёқати кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ бўлган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, фикримизча, мамлакатимиз енгил sanoat корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан қуйидаги умумий хулосани чиқариш мумкин: тўлов лаёқати кўрсаткичларини ифодалайдиган коэффицентларнинг барчаси учун енгил sanoat корхоналарига нисбатан ўзининг нисбатан пастлиги хос.

«Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарининг тўлов лаёқати кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши⁵⁷

(Йил бошида)

Т/Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Мутлоқ тўлов лаёқати коэффиценти	3,90	5,80	3,70	3,10	2,60	2,50	1,40	2,02	1,90	1,40	1,80	2,06	2,70	2,90	3,50
2.	Оралик тўлов лаёқати коэффиценти	0,70	0,77	0,60	0,50	0,41	0,40	0,23	0,60	0,73	0,67	0,76	0,87	1,20	0,95	0,95
3.	Жорий тўлов лаёқати коэффиценти	0,32	0,19	0,22	0,21	0,50	0,46	0,24	0,32	0,37	0,43	0,50	0,52	0,58	0,56	0,53
4.	Қисқа муддатли тўлов лаёқати коэффиценти	0,04	0,03	0,07	0,05	0,05	0,10	0,03	0,10	0,15	0,20	0,16	0,15	0,15	0,16	0,18
5.	Узоқ муддатли тўлов лаёқати коэффиценти	0,42	0,44	0,72	0,66	1,20	1,10	0,50	0,43	0,47	0,50	0,56	0,58	0,64	0,70	0,76

⁵⁷Жадвал 2.2.4-қлова мезгилмоглари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу, айниқса, жорий тўлов лаёқати коэффициенти ва қисқа муддатли тўлов лаёқати коэффицентларига тегишлидир. Асосан, 2007 йилдан бошлаб тармоқ корхоналарида тўлов лаёқати кўрсаткичларини яхшилаш борасида маълум бир ютуқларга эришилган бўлишига қарамасдан уларни ҳамон замонавий бозор иқтисодиётининг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида улар айланма маблағларининг айланишини ифодалайдиган кўрсаткичлар ҳам ўз ўрнига эга. Шунинг учун энди таҳлил остига олинаётган йиллар давомида енгил саноат корхоналари айланма маблағларининг айланишини молиявий барқарорликни таъминлаш нуктаи-назаридан таҳлил қиламиз. Бунинг учун бизга 2.2.6-жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдам беради.

Ҳақиқатдан ҳам 2.2.6-жадвалда келтирилган маълумотлар мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларга тегишли бўлган айланма маблағларнинг айланиши қандай роль ўйнаши мумкинлиги тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш имконини беради. Уларни таҳлил қилар эканмиз, дастлаб, «Ўзбекенгил-саноат» ДАК енгил саноат корхоналари айланма маблағларининг айланиш коэффициенти 2001-2015 йиллар орасида мураккаб характерга эга бўлганлигини қайд этишимиз лозим. Бу кўрсаткичнинг мураккаб характерга эгаллиги, энг аввало, тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда унинг 1,1 дан (01.01.2007 йил) 4,8 гача (01.01.2003 йил) ўзгарганлиги билан белгиланади. Бунинг устига, айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти 01.01.2001-01.01.2005 йиллар оралиғида ўзининг нисбатан юқорилиги ва барқарорлиги (4,1-4,8 оралиғида) билан ажралиб турган бўлса, орадан бир йил ўтиб, унинг даражаси энг паст даражага, яъни 1,1 га (01.01.2007 йил) тенг бўлган. 01.01.2007-01.01.2015 йиллар давомида эса асосий эътибор йилдан-йилга айланма маблағларнинг айланиш коэффицентини оширишга қаратилганлигини шу йилларга тегишли бўлган рақамлар тасдиқлаб турибди ва улар ҳақиқатдан ҳам йилдан-йилга ошиб борган (01.01.2010-01.01.2011 йиллар бундан мустасно). Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, сўнгги 4 йилдаги даража дастлабки 4 йилдаги даражадан ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу, ўз навбатида, бу борада тегишли захираларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг зарурлигидан далолат беради.

«Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналари айланма маблағларининг айланиши кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши (йил бошида)

Г/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Махсулот (иш, хизмаат)ларни сотишдан олинган соф тушум, млрд. сўмда	163,8	243,3	395,5	412,9	305,8	259,4	259,3	269,6	445,7	915,5	1013,6	1581,5	1929,4	2411,8	3159,4
2.	Жами товар-моддий захиралари, млрд. сўмда	39,2	53,2	81,9	101,9	75,3	90,2	236,2	146,4	176,8	284,9	383,4	510,6	602,5	722,9	939,9
3.	Товар-моддий захиралари (айланма маблағлар)нинг айланиш коэффициенти	4,2	4,6	4,8	4,1	4,1	2,9	1,1	1,8	2,5	3,2	2,6	3,1	3,2	3,3	3,4
4.	Товар-моддий захиралари (айланма маблағлар)нинг айланиш даври, кун ҳисобида	85,7	78,3	75,0	87,8	87,8	171,4	327,2	200,0	144,0	112,5	138,5	116,0	112,5	109,0	105,9
5.	Айланиш салмоғи коэффициенти	0,24	0,22	0,21	0,25	0,25	0,35	0,91	0,54	0,40	0,31	0,38	0,32	0,31	0,30	0,30

Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти ва айланма маблағларнинг айланиш даври кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланиб, бундай боғланиш тескари пропорционал характерга эга, яъни биринчи кўрсаткичнинг даражаси қанча юқори бўлса, айланма маблағларнинг айланиш даври шунчалик қисқа бўлади ва аксинча. Шунга мос равишда айланма маблағларнинг айланиш даври ҳам айланма маблағларнинг айланиш коэффициентиға мувофиқ 75,0 кундан (01.01.2003 йилда) 327,2 кунгача (01.01.2007 йил) тебранган.

Юқорида қайд этилганидек, энгил саноат корхоналари айланма маблағларининг айланишини характерлайдиган бу икки кўрсаткичлар, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади ва бир-бирини тўлдириб туради. Шунинг учун бу ерда энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан шундай сиёсат олиб борилиши керакки, унинг оқибатида, бир томондан, айланма маблағларнинг айланиш коэффициентини имкони борича юқорирок ва иккинчи томондан, айланма маблағларнинг айланиш даврини эса кун ҳисобида қисқартирилишиға эришиш лозим. Ана шунга эришилса, бошқа шароитлар тенг бўлган пайтда, энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлиги шунча юқори даражада бўлади.

Республикамиз энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг ҳозирги ҳолатиға баҳо беришда уни характерловчи юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этсада, бироқ яна бир кўрсаткичдан фойдаланмасак, бизнингча, унга берилган баҳони тўлиқ ёки етарли даражада асосланиб берилган баҳо деб бўлмайди. Гап бу ерда энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг таҳлил қилинаётган давр ҳолатиға баҳо беришда рентабеллик кўрсаткичининг турли кўринишларидан фойдаланиш тўғрисида кетаяпти. Бу мақсадға хизмат қилувчи маълумотлар 2.2.7-жадвал ва 2.2.5-иловада келтирилмокда.

2.2.7-жадвал ва 3-иловада келтирилган маълумотлар республикамиз энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигиға тегишли бўлган умумлаштирувчи тасаввурни ҳосил қилишға ёрдам бериши мумкин. Уларни таҳлил қилиб ва бир-бирларига қиёслаб энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик ҳолатини характерлашға ёрдам берувчи бир неча муҳим хулосаларға эга

бўлишимиз мумкин. Қуйида уларнинг энг муҳимларини келтириш билан чекланамиз:

1. Таҳлил ишлари амалга оширилган давр давомида (01.01.2001-01.01.2015 йиллар) энгил саноат маҳсулотлари сотиш рентабеллиги кўрсаткичининг даражаси учун қуйидаги икки ҳолат хос бўлган: а) 01.01.2001-01.01.2009 йиллар орасида бу кўрсаткичининг ўзгариши ўзининг беқарорлиги билан ажралиб туради. Унинг даражаси 0,3% дан (01.01.2003 йил) 3,6% гача (01.01.2001 йил) ўзгарган (12 марта даражасида) ва у ўзига хос «камайиш-ортиш-камайиш-ортиш» тенденциясига эга бўлган; б) 01.01.2010-01.01.2015 йиллар орасида эса энгил саноат корхоналарининг маҳсулот сотиш рентабеллиги учун йилдан-йилга муттасил равишда ошиб бориш тенденцияси характерли. Унинг даражаси 2,7% дан (01.01.2010 йил) 9,0% гача (01.01.2015 йил) етиб борган (қарийб 4 мартага ошган). Вазиятнинг бундай эканлиги бу ерда ушбу кўрсаткичининг даражасини оширишда етарли даражада захираларнинг бор эканлигидан далолат беради ва ундан фойдаланишнинг зарурлигини кўрсатади;

2. Таҳлил даврида энгил саноат корхоналари асосий воситаларининг рентабеллиги кўрсаткичида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлган. У учун ҳам, худди юқоридагидек, қуйидаги икки ҳолат хос: а) 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткичининг даражаси беқарор пасайиш тенденциясига эга. Шу даврда унинг даражаси 5,9% дан (01.01.2001 йил) 0,5% гача (01.01.2007 йил) пасайиб келган (қарийб 12,0 марта); б) аксинча, 01.01.2007 йилдан бошлаб кейинги йилларда энгил саноат корхоналари асосий воситаларининг рентабеллиги кўрсаткичи учун барқарор ўсиб бориш тенденцияси характерли. Унинг даражаси 0,5% дан (01.01.2007 йил) 12,3% гача (01.01.2014 йил) кўтарилган (20,0 мартадан кўпроқ). Шундай бўлишига қарамасдан, умуман олганда, 15 сананинг 12 тасида бу кўрсаткич даражасининг 10,0% дан, 10 тасида эса 5,0% дан кам бўлганлиги бу кўрсаткичининг энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнининг қанақалигидан дарак беради;

3. Энгил саноат корхоналари айланма маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичи тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда 0,5% дан (01.01.2007 йил) 27,5% гача (01.01.2014 йил) тебранган бўлса-да, бу кўрсаткичининг даражаси 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида 15,2% дан 0,5% гача пасайган ва аксинча, ундан кейинги даврда 0,5% дан 27,5% гача кўтарилган.

**«Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари ва уларнинг
ўзгариши⁵⁸
(йил бошида)**

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Махсулот сотиш рентабеллиги, %да	3,6	1,6	0,3	1,7	0,7	0,6	0,5	3,4	2,9	2,7	3,1	4,3	6,0	8,2	9,0
2.	Асосий воситалар рентабеллиги, %да	5,9	3,0	0,4	2,4	1,2	0,7	0,5	1,7	2,2	3,6	3,6	7,8	9,4	12,3	12,0
3.	Айланма маблағлар рента-беллиги,%да	15,2	7,2	1,5	7,1	2,9	1,8	0,5	6,3	7,3	8,7	8,2	15,1	19,3	27,5	26,7
4.	Ишлаб чиқариш таннархи рента-беллиги, %да	4,4	1,8	0,3	1,9	0,8	0,7	0,5	3,9	3,4	3,2	3,5	5,9	7,5	10,2	10,4
5.	Ўз маблағлари рентабеллиги, %да	5,2	2,7	0,5	3,4	3,3	0,8	0,6	2,3	2,9	3,1	2,9	6,1	8,0	11,4	11,6
6.	Қарз маблағлари рентабеллиги, %да	3,3	1,1	0,2	1,2	0,8	0,6	0,3	1,6	1,8	2,7	3,0	5,7	0,7	1,1	1,2
7.	Мол-мулк рентабеллиги, %да	2,0	0,8	0,1	0,7	0,4	0,2	0,2	0,9	0,8	1,4	1,5	3,0	3,9	5,6	5,9
8.	Умумий рента-беллик, %да	9,8	7,5	3,0	2,8	3,8	4,6	3,2	2,5	4,1	9,7	5,6	10,6	12,4	13,7	17,8

⁵⁸ Жаdвал 3-илова маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бир вақтнинг ўзида, ҳар икки ораликда ҳам ушбу кўрсаткичнинг даражаси учун ижобий (кўтарилиш) ва салбий (пасайиш) томонларга ўзгариш хос. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткични таҳлил даврида аниқ бир тенденцияга эга бўлмаган кўрсаткичлар қаторига киритишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ушбу масаллага нисбатан тегишли ишларнинг мамлакатимиз энгил sanoat корхоналарида етарли даражада ва қатъий равишда йўлга қўйилмаганлигидан дарак беради;

4. Жадвал маълумотлари мамлакатимиз энгил sanoat корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги кўрсаткичи таҳлил даврида 0,5-10,4% оралиғида бўлганлигини кўрсатмоқда. Унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2004 йиллар давомида қарама-қарши йўналишда ўзгариб тутган бўлишига қарамасдан, умуман олганда, 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида пасайган. Олдинги йилга нисбатан 01.01.2008 йилда энгил sanoat корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги кўрсаткичи кескин кўтарилган бўлса-да, навбатдаги икки санада у яна бироз пасайган. 01.01.2011-01.01.2015 йиллар оралиғида эса ушбу кўрсаткичнинг даражаси учун йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш хос. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги ушбу кўрсаткичнинг даражасига нисбатан ҳам юқоридаги 3-пунктда айtilган фикрларнинг ўз кучини сақлаб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқда;

5. Энгил sanoat корхоналари ўз маблағларининг рентабеллиги, энг аввало, 01.01.2001-01.01.2007 йиллар орасидаги ўзининг беқарорлиги, қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турганлиги (асосан, пасайганлиги), бу жараён 5,6% (01.01.2001 йил) ва 0,5-0,6% (01.01.2003 ва 01.01.2007 йиллар) ўртасида амалга оширилганлиги, 01.01.2007 йилдан кейинги саналарда эса (бундан 01.01.2011 йил мустасно) 01.01.2015 йилгача муттасил равишда ортиб борганлиги ва бу жараён 0,5% (01.01.2007 йил) билан 10,4% (01.01.2015 йил) оралиғида амалга оширилганлиги билан характерланади. Демак, бундан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимиз энгил sanoat корхоналари ўз маблағларининг рентабеллигини 20,0 мартадан кўпроқ оширишга эришилган;

6. Энгил sanoat корхоналари қарз маблағларининг рентабеллигига тегишли бўлган ҳолатни 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралиғида, бизнинг фикримизча, қуйидаги 3 даврга бўлиш мумкин: а) 01.01.2001-01.01.2007 йиллар – бу даврда энгил sanoat

корхоналари қарз маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичига беқарорлик, қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турганлик (асосан, пасайганлик), бу жараён 3,3% (01.01.2001 йил) ва 0,2-0,3% (01.01.2003 ва 01.01.2007 йиллар) ўртасида амалга оширилганлик хос; б) 01.01.2007-01.01.2012 йил) – бу даврда энгил sanoat корхоналари қарз маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичига, аксинча, барқарорлик, 01.01.2012 йилгача муттасил равишда ортиб борганлик тегишли ва бу жараён 0,3% (01.01.2007 йил) билан 5,7% (01.01.2012 йил) оралиғида амалга оширилганлик билан характерланади; в) 01.01.2012-01.01.2015 йиллар – бу даврда тегишли кўрсаткичнинг даражаси учун кескин камайиш ва 0,7-1,2% даражасида бўлиш хос;

7. Юқоридаги 5-ва 6-пунктларда акс эттирилган хулоса (рақам)ларни таққослаш асосида, бизнинг фикримизча, куйидаги янги бир хулосага келиш мумкин: таҳлил остига олинган йиллар давомида энгил sanoat корхоналари ўз маблағларининг рентабеллиги доимий равишда шу корхоналар қарз маблағларининг рентабеллигидан бир неча баробар юқори бўлган (фақат бундан 01.01.2011 йилдаги ҳолат мустасно). Бир неча баробар юқорилик даражаси жуда кўп ҳолларда 2,0 баробардан 10,0 баробаргача етиб борган. Бу энгил sanoat корхоналари ўзларининг хўжалик фаолиятида ўз маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига кўпроқ эътибор берган, демакдир. Шу муносабат билан бу нарсанинг бозор иқтисодиёти шароитида айнан шундай бўлиши кераклигининг табиийлигини қайд этиб ўтишимиз керак, албатта. Лекин, бу дегани бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар қарз маблағларидан самарали фойдаланиш масаласини эсдан чиқариши ёки уларга иккинчи даражали масала сифатида қарашлари керак деган маънони англатмайди. Шунинг учун ҳозирги шароитда энгил sanoat корхоналари иложи борича ҳам ўз маблағларининг, ҳам қарз маблағларининг самарали фойдаланишидан бир хил манфаатдор бўлишлари ва уларнинг бир хил даражадаги рентабеллик кўрсаткичига эришилишига ҳаракат қилмоқлари лозим;

8. Энгил sanoat корхоналари мол-мулкнинг рентабеллигини характерловчи бу кўрсаткичнинг таҳлил ишлари амалга оширилаётган даврдаги ўзгариши учун икки ҳолат хос. Унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида, бироз тебраниш содир бўлишига қарамасдан 10,0 баробарга пасайган (01.01.2001 йилда – 2,0%; 01.01.2007 йилда – 0,2%). 01.01.2007-01.01.2015 йиллар

оралигида эса, экинча, йилдан-йилга ортиб бориш (фақат 01.01.2009 йил – бундан мустасно) тенденциясига эга бўлиб, унинг даражаси 0,2% дан 5,9% гача етиб борган, яъни қарийб 30,0 мартага ошган. Албатта, буни ижобий ҳолат сифатида қайд этмоқ лозим. Шундай бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қуйидаги ҳолат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак: 2.2.7-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, унда келтирилган рентабелликнинг 8 кўрсаткичи орасида мол-мулк рентабеллиги кўрсаткичи энгил sanoat корхоналари рентабеллик кўрсаткичининг бошқа турларига нисбатан анча пастлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам бу рақамлардан энгил sanoat корхоналари ўзларининг молиявий барқарорликларини таъминлашлари учун шу корхоналарга тегишли бўлган мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва уларнинг рентабеллик даражаларини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратишлари керак, деган хулоса келиб чиқади;

9. Тадқиқот ишлари амалга оширилган давр оралигида, рентабеллик бошқа кўрсаткичларининг ўзгаришига нисбатан, энгил sanoat корхоналари умумий рентабеллиги кўрсаткичининг ўзгариши учун ўзига хослик тегишли. Бу нарса, аввало, унинг 01.01.2001-01.01.2004 йиллар оралигида узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 3,0 мартадан ортиқ пасайганлиги, 01.01.2004-01.01.2011 йиллар оралигида эса беқарорлик касб этиб, 2,8% дан 8,3% ўртасида турли йўналишда тебраниб турганлиги ва 01.01.2012-01.01.2015 йиллар оралигида эса узлуксиз равишда ортиб бориш тенденциясига (01.01.2011 йилда – 5,6%; 01.01.2012 йилда – 10,5%; 01.01.2013 йилда – 12,4%; 01.01.2014 йилда – 13,2%; 01.01.2015 йилда – 17,8%) эга бўлганлиги ва шу даврда 3,0 мартага ошганлиги орқали намоён бўлади. Маълум маънода, бу кўрсаткич энгил sanoat корхоналари молиявий барқарорлигини ҳам умумлаштирилган ҳолда характерлаб беради. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ушбу кўрсаткич даражасининг 10% дан юқори бўлаётганлигини инобатга олинганда ҳам бу корхоналарнинг молиявий барқарорлик даражаси бозор иқтисодиётининг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайти.

Аммо бундай узил-кесил хулоса чиқариб, унга нуқта қўйишдан олдин яна бир нарсага жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Гап шундаки, энгил sanoat корхоналарининг рентабеллигини турли жиҳатларни (махсулот сотиш, асосий воситалар, айланма маблағлар, ўз маблағлари, қарз маблағлари, мол-мулк ва умумий) ҳисобга

олган ҳолда характерлайдиган рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган ҳар бир саналарда бир хил бўлмасдан, ўзгариб туриши, табиийдир. Бундай шароитда алоҳида бир санага тегишли бўлган рақамларга қараб туриб чиқарилган хулосани етарли даражада асосланган хулоса деб бўлмайди. Бошқа бир томондан эса айнан шу рақамларни инобатга олган ҳолда умумий ҳолатни ёки тенденцияни белгилашнинг иложи ҳам йўқ. Бундай вазиятда чиқарилаётган хулосаларнинг илмийлик даражасини ошириш учун таҳлил даврига тегишли бўлган ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ана шундан келиб чиқиб, енгил саноат корхоналари рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлилимиз даврига тегишли бўлган ўртача даражаларини таҳлил қилишимиз зарур. Таҳлил натижалари 2.2.8-жадвалда ўз аксини топган.

2.2.8-жадвал

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарида 2001-2015 йиллар учун ўртача рентабеллик кўрсаткичлари⁵⁹
(йил бошида)

К ў р с а т к и ч л а р	Ўртачаси
1. Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %да	3,24
2. Асосий воситалар рентабеллиги, %да	4,45
3. Айланма маблағлар рентабеллиги, %да	10,35
4. Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %да	3,89
5. Ўз маблағлари рентабеллиги, %да	4,32
6. Қарз маблағлари рентабеллиги, %да	1,68
7. Мол-мулк рентабеллиги, %да	1,82
8. Умумий рентабеллик, %да	7,35

Демак, 2.2.8-жадвалда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига тегишли бўлган ва 2001-2015 йилларнинг бошидаги саналарда акс этган рентабеллик кўрсаткичларининг 8 тури бўйича уларнинг ўртача даражалари келтирилган. Улар устида мулоҳаза юритиб ва шу кўрсаткичларнинг даражаларини иктисодиётнинг бошқа тармоқларига тегишли бўлган худди шундай кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида келиб чиқадиган умумий хулоса

⁵⁹Жадвал муаллиф томонидан 2.2.7-жадвал маълумотлари асосида тузилган.

шундан иборатки, ҳақиқатдан ҳам энгил саноат тармоғи корхоналарининг умумий тарздаги молиявий барқарорлигини характерлайдиган бу кўрсаткичларнинг даражалари бошқа тармоқларга тегишли бўлган худди шундай кўрсаткичларнинг даражаларидан уларнинг кўпларига нисбатан пастдир. Бу эса, ўз навбатида, энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ана шундай таъминланганлик даражасини юқорига кўтариш борасида тегишли чоралар кўришни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги хулосалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг ҳозирги шароитдаги ҳолатини характерлаб берадики, уларга мувофиқ равишда тегишли ишларни амалга ошириш зарурдир. Ана шуларни инobatга олган ҳолда монографиямиз 4-бобининг алоҳида олинган параграфини, жумладан, узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қаратамиз. Ҳозир эса мамлакатимиз энгил саноатининг тараққиёт истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этувчи яна бир ҳолат устида тўхталишимиз зарур. Гап бу ўринда энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш масалалари хусусида кетмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, иқтисодиёт реал секторининг барча жабҳаларида бўлгани каби, солиққа тортиш мамлакатимиз энгил саноати ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли монографиямизнинг навбатдаги 3-боби доирасида биз масалани мамлакат энгил саноатини солиққа тортиш асослари, тартиби ва аҳволи, уни солиққа тортишда қўлланиладиган солиқлар ва уларнинг амал қилиш механизми, энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш жараёнидаги муаммолар ва уларнинг вужудга келиш сабаблари, энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатлари кесимида кўриб чиқамиз.

III БОБ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ – ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТЛАРИДАН БИРИ

3.1. Мамлакат энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш асослари, тартиби ва аҳволи

Иқтисодиёт реал сектори ҳар қандай тармғининг ривожланиш истиқболларини белгилашда, монографиямизнинг олдинги II бобида қайд этилганидек, дастлаб молиявий барқарорликни таъминлаш ва ундан сўнг эса уни узлуксиз равишда янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда, у ёки бу тармоқ корхоналари доирасида солиқлар ва солиққа тортиш масалаларининг қандай ҳал этилганлиги ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бир вақтнинг ўзида, молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни узлуксиз равишда мустаҳкамлаш билан солиқлар ва солиққа тортиш масалалари ўртасида мустаҳкам узвий боғлиқлик мавжуд. Бошқача сўзлар билан айтганда, солиқлар ва солиққа тортиш масалаларининг қандай ҳал этилганлиги молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни узлуксиз мустаҳкамлаш масалаларига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Худди шундай ҳолат тармоқ корхоналарининг тараққиёт истиқболларига ҳам тегишли, яъни солиқлар ва солиққа тортиш масалаларининг қандай ҳал этилганлиги тармоқ корхоналарининг тараққлёт истиқболлари белгилашга ҳам салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўзига хос аксиома бўлиб, у мамлакатимиз энгил саноатига ҳам бевосита дахлдордир.

Аслида, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда солиқлар ва солиққа тортишнинг қандай роль ўйнаши мумкинлиги солиқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг амалиётда қўлланилишининг дастлабки кунлариданок ўзини намоеён эта олган. Бунинг айнан шундай эканлигини идрок этиш учун тегишли манбаларга мурожаат этишнинг ўзи етарли. Хусусан, бу тўғрида умумий тасаввурни ҳосил қилишучун, энг

аввало, ссҳибқирон А.Темур бобомизнинг қуйидаги икки фикрига эътибор беришнинг ўзи етарли:

1. «...раиятдан хирож йиғишда уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёкимамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалибкетиши ўз навбатида салтанатнинг заифлашишига олиб келади»⁶⁰.

2. «... кимда-ким бирор саҳрони ободқилса ёки кориз (ер остидан қурилганарик) курса, ё бирон боғ кўкартурса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳечнарса олмасинлар, иккинчи йили раиятўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса) қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар»⁶¹.

Юқорида келтирилган ҳар икки фикр, гарчи бу сўзлар бевосита ёки айнан шу шаклда ишлатилмаган бўлса-да, молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни янада мустаҳкамлаш ҳамда корхоналар тараққиёт истиқболларини белгилаш билан солиқлар ва солиққа тортиш масалалари ўртасида қанчалик боғлиқлик борлигини яққол кўрсатмоқда⁶².

Шунингдек, бу масалада классик сиёсий иқтисоднинг намоёндалари бўлган А.Смит ва Д.Рикардонинг асарларини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга⁶³.

Бир томондан, молиявий барқарорликни таъминлаш, уни янада мустаҳкамлаш ҳамда корхоналар тараққиёт истиқболларини белгилаш ва, иккинчи томондан эса, солиқлар ва солиққа тортиш масалалари ўртасида боғлиқликнинг қанчалик муҳимлиги ҳозирги пайтда ҳам ўз долзарблигини юқотгани йўқки, улар ҳамон иқтисодчи ва иқтисодчи-олимларнинг диққат марказидадир. Бу борада хорижлик иқтисодчи-олимлардан Боди З., Брю С.Л., Брюммерхофф Д., Ван Хорн Ж.К., Вахович М., Деймс С., Долан Э., Кэмпбелл К., Кэмпбелл Р., Кругер Д., Купер Д., Макконнелл К.Р.,

⁶⁰ Темур тузуқлари. – Т.: Ф.Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 122-123-бетлар.

⁶¹ Ўша ерда, 124-бет.

⁶² Бобомиз А.Темурнинг бу фикрлари иқтисодчи олимлар Т.Маликов ва П.Жалиловлар томонидан замонавий тарзда тўлиқ талқин қилинганлиги учун у ҳақида бу ерда тўхталиб ўтирмаймиз. Бу тўғрисида батафсил қаранг: Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: «Академнашр», 2011. – 6.408-412.

⁶³ Бу ўринда, энг аввало, А.Смитнинг «Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1962. – 408 с.» ва Д.Рикардонинг «Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, т.1. – М.: Политическая литература, 1955. – 360 с.» асарлари назарда тутилмоқда.

Мертон П., Паркинсон С., Премчанд А., Фостер Р.С., Хэррис Ж. Мэнвилл ва бошқаларнинг илмий изланишлари, айниқса, диққатга сазовордир⁶⁴.

Юқорида қайд этилган масаланинг айрим жиҳатлари россиялик иқтисодчи олимлардан Бард В.С., Васильева В.М., Горский И.В., Дадалько В.А., Журавлева Л.В., Кадомцева С.В., Караваева И.В., Ковалев В.В., Ковалева А.М., Князев В.К., Лапуста М.Г., Мацкуляк И.Д., Мазурина Т.В., Мардаровская Ю.В., Миялков Н.В., Мешерякова О.В., Орешин В.П., Павлова Л.П., Пансков В.Г., Пушкирева В.М., Румянцова Е.В., Романовский М.В., Станиславчик У.Н., Скамай Л.Г., Тренев Н.Н., Черник Д.Г., Юткина Т.Ф., Янжул И.И. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган⁶⁵.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг тараққиёт истикболларини белгилаш аспектида солиқлар ва солиққа тортиш масалаларини тадқиқ этишда ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар

⁶⁴Бу тўғрисида батафсил қараг: Боди З., Мертон П. Финансы: Пер. с англ. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2009. – 592 с. Брюммерхофф Д. Государственные финансы: теория государственных финансов/ Пер. с нем. Под ред. А.Кудрина, В.Дзюгова. Владикавказ: Пионер-Пресс, 2002. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами / Пер. с англ. – М., 2000. Джеймс С., Ван Хорн Дж., М.Вахович. Основы финансового менеджмента: пер. с англ. – М.: ООО «Изд. Дом Вильямс», 2010. – 1232 с. Долан Э., Кэмпбелл К., Кэмпбелл Р. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Москва-Ленинград: «Профит», 1991. Премчанд А. Управление государственными финансами. – Вашингтон: МВФ, 1994. Фостер Р.-С. Искусство слияний и поглощений / Пер. с англ. – М., 2004. Кругер Д. Тайный язык денег. Как принимать разумные финансовые решения. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2010. – 352 с. Купер Д. Природа финансовых кризисов. Центральные банки, кредитные пузыри и заблуждения эффективного рынка. Пер. с англ. Г.Павлова. – М.: «Лобавич», 2010. – 210 с. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В.2-х т. / Пер. с англ. – М.: Республика, 1993. Паркинсон С. Закон и доходы. – М.: «Интерконтакт», 1992. – 158 с. ва бошқалар.

⁶⁵Қараг: Бард В.С., Павлова Л.П. Налоги в условиях экономической интеграции. – М.: КНОРУС, 2004. – 240 с. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Вулубевской. – М.: Юрайт, 2001. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. Под ред. Г.Б. Поляка. – М.: ЮНИТИ, 2001. Васильева М.В. Финансовая политика: учеб. пособие. – Ростов н/Д: «Феникс», 2008. – 220 с. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело ЛТД, 2001. Орешин В.П. Государственное регулирование национальной экономики: Учебное пособие. – М.: Юрист, 1999. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. – М., 2006. Пенков Б.Е. Налоговый импульс экономического роста // Экономист, 2005. №6. Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. Румянцова Е.Е. О новых подходах к управлению финансами предприятий // Финансы и кредит. 2004. №24. Станиславчик У.Н. Основы финансового менеджмента. – М., 2001. Тренев Н.Н. Управление финансами: Учебное пособие. – М., 2003. Финансы, налоги и кредит: Учебник / Под общ. Ред. И.Д.Мацкуляка. – М., Изд-во РАГС, 2007. Ковалев В.В. Финансы организаций. – М., 2005. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М., 2001. Ковалева А.М., Лапуста М.Г., Скамай Л.Г. Финансы фирмы. – М., 2005. Ковалев В. Финансы организаций (предприятий): учебник. – М.: «Проспект», 2010. – 352 с. Ковалев В. Корпоративные финансы и учёт: учебное пособие. – М.: «КНОРУС», 2010. – 768 с. Караваева И.В. Налоговое регулирование рыночной экономики: Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – 216 с. Лапуста М., Лазурина Т. Финансы предприятий: учебное пособие. – М.: «Альфа-Пресс», 2009. – 640 с. Мардаровская Ю. Долгосрочная и краткосрочная финансовая политика предприятия: учебное пособие. – М.: ООО изд. «Элит», 2009. – 272 с. Мешерякова О.В. Налоговые системы развитых стран мира. – М.: Фонд «Правовая культура», 1995. – 240 с. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. – М.: ЮНИТИ, 1997. – 334 с. Янжул И.И. Основы начала финансовой науки: Учение о государственных доходах. – М.: Статус, 2002. и др.

хам ёаол иштирок этишмоқда. Бу йўналишда, айниқса, Абдурахмонов О.Қ., Абдурахмонов Х., Жўраев А.С., Жалолов И.Э., Камиллов М.М., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Сафаров Ғ.С., Тошматов Ш.А., Тилабов Н.Т., Тошмуродова Б.Э., Яхёев Қ.А., Қодирсв Б., Ҳайдаров Н.Х. ва бошқаларнинг илмий изланишлари эътиборга лойиқдир⁶⁶.

Юқорида қайд этилган муаллифлар илмий изланишлари натижаларига, энг умумий тарзда бўлса-да, батафсил муносабат билдириш тадқиқотларимиз доирасидан четга чиққанлиги учун биз бу ўризда, қисқача, қуйидаги ўз фикрларимизни келтириш билан чекланамиз, холос:

1. Узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш орқали иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлар ва солиққа тортиш масаласини оқилона ҳал этиш сари йўл тутилганда иқтисодчи олимларнинг қарашларини, асосан, энг умумий кўринишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) солиқ тўловчиларнинг манфаатларига устуворлик берилган илмий изланишлар натижалари; б) Давлат бюджети манфаатлари устуворлик берилган илмий изланишлар натижалари;

2. Солиқ тўловчиларнинг манфаатларига устуворлик берилган илмий изланишлар натижаларида иқтисодий тараққиёт ва унинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида солиқ юкини камайтириш, имтиёзлар тизимини кенгайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиладиган айланмани қисқартириш ва ҳ.к.лар ўз аксини топган;

3. Давлат бюджетининг манфаатларига устуворлик берилган илмий изланишлар натижаларида эса, аксинча, фискал юкломани ошириш, имтиёзлар тизимини иложи борича қисқартириш, солиқ ставкаларининг таъсирчанлик даражасини ошириш, солиққа тортиладиган айланмани кенгайтириш ва б.лар баён қилинган;

⁶⁶ Қаранг: Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: «Фан ва технология», 2008. -204 б. Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007. - 34 б. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодийни бошқариш механизми. – Т.: «Янги аср авлоди», 2002. – 128 б. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. – Т.: ТМИ, 2004. -136 б. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технология», 2003. – 248 б. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: «Фан», 2004. -244 б. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Самарканд, СКИ, 2002. – 366 б. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 2004 б. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керами? – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 32 б. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: «Академнашр», 2011. – 472 б. Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. – Т.: ДЖКА, 2003. -36 б.

4. Юқоридаги ҳар уччала бандларда акс эттирилган ҳолатлар, маълум маънода, ўз аргументларига ёки асосларига эга бўлса-да, фикримизча, масала иқтисодий тараққиёт ва унинг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда бу жараёнга солиқлар ва солиққа тортишнинг таъсири кесимида қўйилганда, энг аввало, солиқ тўловчилар ва Давлат бюджети манфаатларининг муштараклигидан келиб чиқиш керак;

5. Солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларини тегишли ўзгартиришлар киритиб ёки такомиллаштириб иқтисодий тараққиётни таъминлаш сари юз тутилганда солиқ тўловчилар манфаатларини таъминлашга устуворлик бериш муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли эмас. Худди шундай бу жараёнда Давлат бюджети манфаатларига устуворлик бериш ҳам бизни қўзланган мақсад сари етакламайди;

6. Афсуски, юқоридаги илмий изланишларнинг айримларида масала солиқ тўловчилар манфаатларидан келиб чиқиб ёки уларга устуворлик бериб ҳал этилган бўлса, бошқа муаллифлар томонидан эса бу муаммо Давлат бюджети манфаатларига устуворлик бериб ҳал қилинган;

7. Бизнинг фикримизча, бир томондан, солиқ тўловчилар ва иккинчи томондан, Давлат бюджети манфаатларининг муштараклигига эришган ҳолда солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларини замонавий бозор иқтисодиётининг талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириб юқори суръатлардаги иқтисодий тараққиёт даражасига эришиш бу ерда муаммони ҳал этишнинг энг оптимал варианты ҳисобланади.

Энди юқорида қисқача баён қилинган принциплар позициялардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз енгил sanoat корхоналарида уларнинг тараққиёт истикболларини белгилаш нуқтаи-назаридан солиқлар ва солиққа тортиш масалаларининг амалиётда қандай ҳал этилаётганлигини таҳлил қилишга киришамиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, енгил sanoat корхоналарининг Давлат бюджети билан бўладиган ўзаро муносабатларини характерловчи пул маблағларининг ҳаракати билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу мақсадларга хизмат қилувчи маълумотлар 3.1.1-жадвалда келтирилмоқда.

3.1.1-жадвал маълумотлари асосида «Ўзбекистон Республикаси» ДАКнинг Давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини характер-

ловчи пул маблағларининг ҳаракатини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг Давлат бюджети билан алоқаларини характерлашда йил давомида келиб тушган пул маблағларининг абсолют миқдори муҳим аҳамиятга эга. 2001-2015 йиллар давомида ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши ўзига хос хусусиятга эга. Унинг даражаси учун 2001-2006 йиллар оралиғида беқарорлик хос бўлиб, бу ораликдаги 2001-2003 йилларда унинг даражаси ортиб борган бўлса, навбатдаги 2003-2006 йилларда эса, аксинча, камайган. 2006-2015 йиллар учун эса ушбу кўрсаткичнинг даражаси муттасил равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, унинг даражаси абсолют суммаларда шу ораликда қарийб 7,0 мартага ошган;

2. Деярли худди юқоридагидек ҳолат йил давомида фойдаланилган пул маблағларига ҳам тегишли. Бирок, бу ерда 2010 ва 2013 йилларда мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида йил давомида келиб тушган пул маблағларига нисбатан шу йилларда фойдаланилган пул маблағларининг кўп бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Айниқса, 2010 йилда фойдаланилган пул маблағларининг миқдори келиб тушган пул маблағларининг миқдорига нисбатан 1,7 марта кўп бўлган. Шунингдек, шу давр оралиғида йил давомида фойдаланилган пул маблағларининг ўсиш суръатлари (9,6 марта) йил давомида келиб тушган пул маблағларининг ўсиш суръатларидан (7,0 марта) деярли 1,4 марта юқори бўлган;

3. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг Давлат бюджети билан ўзаро алоқаларини характерловчи пул муносабатлари икки кўринишга, яъни бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга ажратмалар кўринишига эга бўлиб, бунда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар, таҳлил қилинган йилларнинг барчасида, ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Уларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги, ўз навбатида, турли йилларда бу ажратмаларнинг бюджетга тўловларга нисбатан 5-10 мартагача кўплиги билан белгиланади;

4. Енгил саноат корхоналарининг бюджетга тўловлари учун 2001-2006 йилларда узлуксиз пасайиш (2002 йил бундан мустасно) ва 2006-2015 йиллар учун эса ортиб бориш (2011 йил бундан мустасно) тенденцияси хос бўлиб, шу даврда уларнинг миқдори абсолют суммаларда 14,4 мартага ошган;

**«Ўзбекистон Республикаси» ДАКнинг Давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини
характерловчи пул маблағларининг ҳаракати**

(млрд. сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
	Йил давомида келиб тушган пул маблағлари - жами	113,8	240,6	273,7	259,9	188,2	184,5	286,9	295,7	475,8	532,9	618,2	747,9	934,9	1075,2	1279,5
	Йил давомида фойдаланилган пул маблағлари ⁶⁸	122,3	237,4	274,0	261,3	151,6	131,9	255,6	289,9	450,8	913,1	586,3	687,2	941,1	939,1	1169,7
	Шу жумладан,															
	- бюджетга тўловлар	19,2	19,5	15,5	16,2	14,3	13,8	17,2	19,4	32,9	82,6	78,5	121,6	159,9	187,8	198,8
	- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар	100,5	213,5	248,8	236,4	134,8	106,7	231,7	259,1	375,6	755,0	507,8	565,6	781,1	751,3	970,8

⁶⁷Жадвал 3.1.1-илона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁶⁸2001-, 2003-2004-, 2010- ва 2013-йилларда йил давомида келиб тушган пул маблағларига нисбатан йил давомида фойдаланилган пул маблағларининг ҳўллиги шу йиллардаги пул маблағлари йил бошидаги қолдинининг даражаси билан белгиланади.

5. Бу даврда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар миқдорининг ўзгариши ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Унинг даражаси учун 2001-2006 йиллар оралиғида беқарорлик хос бўлиб, дастлабки 3 йилда ортиб борган бўлса, кейинги 3 йилда эса, аксинча, пасайган ва 2006 йилда (106,7 млрд. сўм) деярли 2001 йилги (100,5 млрд. сўм) даражага тенг бўлган. Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар миқдорининг ўзгаришига нисбатан 2006-2015 йиллардаги беқарорлик ҳам ўзига хос хусусиятга эга: унинг даражаси учун 2006-2010 йилларда ўсиб бориш, 2011-2012 йилларда 2010 йилга нисбатан кескин пасайиш, 2013 йилда яна кескин ортиш ва навбатдаги 2014-2015 йилларда эса камайиш-ортиш ҳолати хос.

Шу ўринда юқорида қайд этилганлардан якуний хулоса чиқаришдан олдин келтирилган кўрсаткичларнинг 2001-2015 йиллар оралиғида ҳар бир йилда уларнинг олдинги йилга нисбатан ўзгаришини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Буни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз енгилсаноат корхоналарининг Давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини характерловчи пул маблағлари ҳаракатининг олдинги йилларга нисбатан ўзгариши билан боғлиқ бўлган маълумотлар 3.1.2-жадвалда келтирилмоқда.

3.1.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, олдинги йилга нисбатан ўзгариш масаласида йил давомида келиб тушган пул маблағларининг ўзгариши фақат 2004-2006 йилларда ўзининг олдинги йилга нисбатан камайганлиги билан характерланса, қолган йилларнинг барчасида бу кўрсаткичнинг даражаси олдинги йилга нисбатан ортанлиги ва бу ортиш даражасининг олдинги йилга нисбатан 103,0% (2008 йил) дан 211,4% гача (2002 йил) тебранганлиги билан белгиланади. Бир вақтнинг ўзида, айрим йилларда олдинги йилларга нисбатан йил давомида келиб тушган пул маблағларининг 2,0 марта атрофида ошганлиги (масалан, 2002 ва 2010 йилларда) бунинг нима сабабдан бундай бўлганлиги тўғрисида вазиятни аниқлаш (билиш)ни тақозо этади. Шундай бўлса-да, бу ўринда сўнги йилларда (2011 йилдан бошлаб) бу масалада вазиятнинг анча яхшиланганлиги ва бу кўрсаткич даражасининг олдинги йилга нисбатан анча барқарорлик касб этиб, асосан, 115,0-125,0% оралиғида содир бўлаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

**«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг Давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини
характерловчи пул маблағлари харакатининг олдинги йилларга нисбатан ўзгариши**

(% да)

Т/ Р	Кўрсат- кичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Йил давомида келиб тушган пул маблағлари – жами	100,0	211,4	113,7	94,9	72,4	98,0	155,5	103,0	160,9	198,7	115,9	121,0	125,0	114,9	119,0
2.	Йил давомида фойдаланилган пул маблағлари	100,0	194,0	115,4	95,4	58,0	87,0	193,7	113,4	155,5	202,5	64,2	117,2	136,9	99,8	124,6
3.	Шу жумладан,															
	- бюджетта															
	тўловлар	100,0	101,4	79,3	104,8	88,1	96,5	124,5	113,1	169,2	251,3	95,0	154,8	131,6	117,4	105,9
	- бюджетдан															
	ташқари															
	фондларга	100,0	212,4	116,5	95,0	57,0	79,2	217,1	111,8	144,9	201,0	67,2	111,4	138,1	96,2	129,2
	ажратмалар															

69 3.1.1-жадвал мазмунлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Йил давомида фойдаланилган пул маблағларининг 2001-2015 йиллар оралиғида олдинги йилга нисбатан ўзгаришида 15 ҳолатнинг 5 тасида уларнинг даражаси олдинги йилга нисбатан паст бўлган. Бу даража 58,0% дан (2005 йил) 99,8% (2014 йил) ўртасида тебранган. Қолган 10 ҳолатда йил давомида фойдаланилган пул маблағларининг даражаси олдинги йилга нисбатан юқори бўлган ва унинг даражаси 113,4% дан (2008 йил) 202,5% гача (2010 йил) етиб борган. Шунингдек, бу ерда ҳам айрим йилларда йил давомида фойдаланилган пул маблағларининг даражаси олдинги йилга нисбатан 2,0 марта атрофида (масалан, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 194,0%; 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 193,7%; 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 202,5%) бўлган.

Бюджетга тўловларнинг даражаси 2001-2015 йиллар оралиғидаги 15 ҳолатнинг 4 тасида олдинги йилга нисбатан паст бўлган ва бу даражалар 79,3% дан (2003 йил) 96,5% гача (2006 йил) ўзгарган. Қолган 11 ҳолатда уларнинг даражаси олдинги йилга нисбатан юқори бўлган ва бу кўрсаткич 101,4% дан (2002 йил) 251,3% гача (2010 йил) тебранган. Бу ерда ҳам айрим йилларда бюджетга тўловлар суммаларининг олдинги йилга нисбатан 1,5 баробардан (масалан, 2009 ва 2012 йилларда) 2,5 баробаргача (масалан, 2010 йилда) ортик бўлиши баъзи бир муаммоларнинг мавжудлигидан дарак беради.

Ўз навбатида, бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг даражаси эса тадқиқот ишлари амалга оширилаётган 2001-2015 йиллар давомида 15 ҳолатнинг 5 тасида олдинги йилга нисбатан паст даражада бўлган. Бу ҳолатни характерлайдиган кўрсаткичларнинг даражаси 57,0% (2005 йил) ва 96,2% (2014 йил) оралиғида тебранган. Аксинча, қолган 10 вазиятда ушбу кўрсаткичларнинг даражаси олдинги йилга нисбатан юқори бўлган ва бу даража, ҳатто 3 марта 200,0% дан ортик бўлишигача етиб борган (2002 йилда – 212,4%; 2007 йилда – 217,1%; 2010 йилда – 201,0%). Бу рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг таҳлил остига олинган йиллар давомида айрим йилларда олдинги йилга нисбатан 57,0% ни (2005 йил) ташкил қилган бир пайтда, бошқа йилларда эса, олдинги йилга нисбатан 217,1% ни (2007 йил) ташкил этиши бу борадаги вазиятнинг соғлом эмаслигини ёки талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, бу ерда муаммонинг яна бир жиҳатига эътибор бериш керак. Бу ўринда гап мамлакатимиз энгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари

фондларга ажратма (жами тўлов)ларнинг умумий ҳажмида қай бирининг аниқ устувор аҳамият касб этаётганлигини аниқлаш хусусида кетмоқда. Кун тартибига кўйилган навбатдаги бу вазифани бажаришга бизга 3.1.3-жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдам беради.

3.1.3-жадвалда келтирилган маълумотлар 2001-2015 йиллар давомида мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар билан характерланувчи жами тўловларнинг таркибида бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг устувор аҳамият касб этганлигини кўрсатмоқда. Жами тўловлар таркибида уларнинг ҳиссаси таҳлил қилинаётган йиллар оралиғида 80,0% дан (2014 йил) 94,1% гача (2003 йил) ўзгарган. Фақат 2012 йилдан кейинги йиллардагина бюджетга тўловлар жами тўловларнинг таркибида 17-20% ни ташкил эта бошлаган, холос. Айрим йилларда эса уларнинг даражаси, аксинча, 5,9% гача (2003 йил) пасайиб борган.

Шундай қилиб, юқоридаги 3.1.1-жадвал маълумотлари асосида чиқарилган ва 1-5-бандларда акс эттирилган хулосалар ҳамда 3.1.2-ва 3.1.3-жадваллар маълумотларини таҳлил қилиш натижасида келиб чиққан хулосаларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз энгилсаноат корхоналарининг Давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини характерловчи пул маблағларининг ҳаракатига оид энг муҳим хулосани таъкидлаб ўтиш мумкин. Унга кўра мазкур корхоналар амалиётида бу жараёнда а) турли солиқлар кўринишида намоён бўладиган бюджетга тўловлар эмас, балки бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда; б) йил давомида фойдаланилган пул маблағлари таркибида бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар миқдорининг айрим йилларда олдинги йилга нисбатан, мос равишда, 79,3% ва 57,0% гача камайиб кетиши ва аксинча, бошқа йилларда худди шу ҳолатнинг, мос равишда, 251,3% ва 217,1% гача ортиб кетиши бу борадаги вазиятнинг етарли даражада соғлом эмаслигини кўрсатмоқдаки, улар мамлакатимиз энгил саноат корхоналари тараққиёт истиқболларининг молиявий жиҳатларига нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинаётганда инобатга олинмоғи лозим⁷⁰.

⁷⁰Муаммонинг бу жиҳатлари монографиямиз IV бобининг 2-параграфиди акс эттирилади.

3.1.3-жадвал
 «Ўзбекистон Республикаси ДАК бўйича жами тўловлар таркибида бюджетга тўловлар ва
 бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг ҳиссаси ва унинг ўзгариши
 (% да)

Т/Р	Кўрсаткичлар	Йиллар														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2.	Шу жумладан,															
	- бюджетга тўловлар	16,0	8,3	5,9	6,4	9,6	11,4	6,9	6,9	8,1	9,9	13,4	17,7	17,0	20,0	17,0
	- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар	84,0	91,7	94,1	93,6	90,4	88,6	93,1	93,1	91,9	90,1	86,6	82,3	83,0	80,0	83,0

73.1.1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларида бўлганидек, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг бюджетга тўловлари, асосан, солиқлар кўринишида амалга оширилиб, уларнинг таркиби ва кўламига тегишли бўлган маълумотлар 3.1.4-жадвалда келтирилган.

3.1.4-жадвал маълумотлари энгил саноат корхоналарининг Давлат бюджети билан бюджетга тўловлар бўйича алоқалари мол-мулк солиғи, фойдадан олинадиган солиқ, ер солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, импорт бож пошлиналари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, маҳаллий ва бошқа солиқлар ёрдамида амалга оширилганлигини кўрсатмоқда. Албатта, мамлакатимиз солиқ тизимида шу давр оралиғида содир бўлган ўзгаришлар бу ерда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, бу ерда ҳам 2006 йилдан бошлаб экология солиғи бекор қилинган.

Энгил саноат корхоналари бўйича Давлат бюджетига тўланган солиқлар суммаларининг 2001-2015 йиллар оралиғидаги динамикасига эътибор бериладиган бўлса, шу давр оралиғида уларнинг миқдори абсолют суммаларда 10,0 баробардан кўпроқ ортганлигининг гувоҳи бўламиз. Бирок, бу кўрсаткичнинг йилма-йил қандай ўзгарганлигига эътибор бериладиган бўлса, унинг турли характерга эга эканлигини аниқлашимиз мумкин. Хусусан, бу кўрсаткичлар таҳлил остига олинаётган йилларнинг дастлабки йилларида йилдан-йилга ўсиб бориш (масалан, 2001-2004 йилларда) характерига эга бўлса, 2004-2006 йиллар давомида унинг даражаси, аксинча, йилдан-йилга камайган (2006 йилда 2004 йилга нисбатан 32,2%га). Навбатдаги йиллар, яъни 2006-2015 йиллар давомида ушбу кўрсаткичнинг даражаси, асосан, ўсиб бориш тенденциясининг хослиги билан характерланса-да, бироқ бу жараён 2011 йилда яна бузилган (олдинги йилнинг 92,5% ини ташкил этган, холос).

Ушбу масала энгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқларнинг алоҳида олинган турлари бўйича кўриб чиқиладиган бўлса, у ҳолда қуйидагилар маълум бўлади:

1. Мол-мулк солиғи бўйича – солиқ суммаларининг ўзгаришида беқарорлик хос, 2001-2015 йиллар оралиғида ҳар 3 йилдан сўнг бу солиқнинг абсолют суммаси олдинги йилга нисбатан камайиш билан характерланади. Бундай ўзгариш, мос равишда, 2004 йил, 2008 йил ва 2012 йилларда содир бўлган. Шу йиллар давомида энг катта миқдорда тўланган солиқ суммаси 2007 йилга тўғри келади;

3.1.4-жадвал
 «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бўйича бюджетга тўланган солиқлар суммаларининг динамикаси⁷²
 (млрд. сумда)

Т/р	Солиқларнинг турлари	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Мол-мулк солиғи	0,7	1,2	2,7	1,8	2,8	2,6	3,8	1,6	2,0	3,7	2,3	1,8	2,3	2,8	3,6
2.	Фойдадан олинмаган солиқ	3,8	7,6	6,8	7,1	4,7	4,2	7,1	7,4	7,8	1,8	1,5	1,9	2,4	3,1	4,0
3.	Ер солиғи	0,6	0,6	0,7	0,8	0,8	1,2	1,1	1,4	2,0	1,8	1,5	2,0	2,6	3,3	4,4
4.	Қўшилган қиймат солиғи	1,1	1,8	5,0	5,6	4,9	4,9	4,8	2,1	0,3	10,1	16,6	19,2	22,2	25,5	29,1
5.	Акцизлар	0,2	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Импорт бож поштиналари	0,0	0,0	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	4,9	5,2	36,1	39,7	44,4	53,3
7.	Сув ресурслари-дан фойдаланганлик учун солиқ	1,2	0,01	0,1	0,9	0,1	0,01	0,01	0,01	0,01	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,4
8.	Экология солиғи	3,7	1,4	2,7	2,3	2,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9.	Маҳаллий ва бошқа солиқлар	0,01	0,2	0,2	0,5	0,3	0,01	13,2	19,6	33,7	59,9	49,1	39,7	32,1	25,7	20,6
	Жами солиқлар ⁷³	11,3	13,0	18,3	19,0	15,7	12,9	30,0	32,1	45,9	82,5	76,3	100,8	101,5	105,1	115,4

⁷² Жадвал 3.1.2-илова маълумотлари асосида муваффиқ томонидан тузилди.

⁷³ Бу ерда жами солиқлар суммасининг таркибида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК тизимида фойлинт кўрсатилган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг суммаси ва Қўшилган иқтисодий санчиқларнинг суммалари инобатта олинмади.

2. Фойдадан олинадиган солиқ бўйича – солиқ суммаларининг ўзгаришида беқарорлик хос, 2001-2009 йиллар давомида унинг даражаси қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турган бўлишига қарамасдан, умуман олганда, 2,0 баробардан кўпроқ миқдорга ошган. 2010-2015 йиллар учун бу солиқ суммаларининг ўзгаришида ўсиш ҳолатлари кўриниб турса-да, улар ўзининг нисбатан кам миқдорда эканлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг 2015 йилдаги суммаси 2009 йилдаги суммага нисбатан ҳамон 2,0 баробар камлигича қолмоқда;

3. Ер солиғи бўйича – солиқ суммаларининг ўзгаришида барқарорлик хос деб эътироф этиш мумкин. Лекин бундан 2007 йил, 2011 ва 2012 йиллар мустасно, албатта. Шундай бўлса-да, бу барқарорлик ҳолати 2011-2015 йиллар оралиғида яққол кўзга ташланади;

4. Акцизлар бўйича – улар энгил саноат корхоналари учун ўз аҳамиятини юқотган;

5. Кўшилган қиймат солиғи бўйича – 2001-2015 йиллар оралиғида солиқ суммаларининг ўзгаришида қуйидаги 3 ҳолат хос: а) 2001-2004 йиллар давомида – муттасил равишда ўсган; б) 2004-2009 йиллар оралиғида – аксинча, узлуксиз равишда камайган; в) 2009-2015 йилларда эса – яна ортган бўлиб, у ўзининг кескин суръатларда (масалан, 2010 йилда энгил саноат корхоналари томонидан тўланган кўшилган қиймат солиғининг абсолют суммаси 2009 йилга нисбатан 30 мартадан кўпроққа ортган. Шунингдек, унинг суммаси 2015 йилда 2010 йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп бўлган) эканлиги билан ажралиб туради;

5. Импорт бож пошлиналари бўйича - улар ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ўз навбатида, бундай ўзига хослик уларнинг 2001-2009 йилларда мутлақо сезилмаганлиги ва аксинча, 2010-2015 йиллар давомида импорт бож пошлиналарининг абсолют суммалари учун узлуксиз ва кескин суръатларда ўсиб бориш хос бўлиб, бунинг натижасида тўланган импорт бож пошлиналарининг суммаси, қисқа вақт ичида, 10 баробардан ортиқроқ кўпайганлиги билан белгиланади;

6. Маҳаллий ва бошқа солиқлар бўйича – улар абсолют суммаларининг ўзгариши учун қуйидаги 3 ҳолат хос: а) 2001-2006 йилларда – бу солиқларнинг абсолют суммалари сезиларли даражада бўлмаган; б) 2007 йилда уларнинг суммалари кескин ортган ва 2010 йилгача узлуксиз равишда ортиб бориш характериға

эга бўлган; в) 2010-2015 йилларда эса – аксинча, улар учун узлуксиз равишда пасайиш тенденцияси хос.

Енгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқларнинг алоҳида олинган турлари бўйича 3.1.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида чиқарилган ва юқоридаги 1-6-бандларда акс эттирилган хулосаларни умумлаштириб, якуний хулоса чиқаришдан олдин бу солиқларга тегишли бўлган нисбий рақамларга ҳам эътибор беришимиз керак. Гап бу ўринда мамлакатимиз енгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар суммалари салмоғининг динамикаси ёки уларнинг таркибий тузилмаси ва унинг 2001-2015 йиллар давомида қай даражада ўзгарганлиги хусусида кетаяпти. Шу муносабат билан ушбу мақсадга хизмат қилувчи маълумотлар 3.1.5-жадвалда келтирилмоқда.

3.1.5-жадвал маълумотлари енгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркибий тузилмасининг 2001-2015 йиллар давомида ўзгаришига доир уларнинг алоҳида олинган ҳар бир турлари бўйича қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1) Мол-мулк солиғи бўйича – жами солиқлар таркибида унинг улуши 1,8% дан (2012 йил) 20,2% гачани (2006 йил) ташкил этган, 2001-2007 йиллар оралиғида улуши сезиларли даражада бўлган, 2008 йилдан бошлаб тегишли кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан кескин камайган ва бу жараён 2012 йилгача давом этган, 2012-2015 йиллар орасида эса жами солиқлар таркибида мол-мулк солиғининг улуши йилдан-йилга секин-асталик билан ортиб бормоқда;

2. Фойдадан олинадиган солиқ бўйича – улуши 1,9% дан (2012 йил) 58,5% гача (2002 йил) тебранган, 2001-2007 йилларда улушнинг ўзгариши учун беқарорлик хос, 2006-2012 йилларда у йилдан-йилга узлуксиз равишда пасайиш ва 2012-2015 йилларда эса, аксинча, ортиш тенденциясига эга бўлган;

3. Ер солиғи бўйича – бошқа солиқларга нисбатан унинг салмоғи учун, нисбатан бўлса-да, барқарорлик хос, 2001-2012 йиллар оралиғида унинг даражаси, айрим ҳолларда, қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турган бўлса-да, бундай ўзгариш 2,0% (2011-2012 йиллар) ва 9,3% (2006 йил) ўртасида бўлган, улуши кейинги йилларда (2012-2015 йиллар) секин-асталик билан ортиб бориш тенденциясига эга бўлаяпти;

**«Ўзбекингилсаоат» ДАК бўйича бюджетга туланган солиқлар суммалари салмоғининг
динамикаси ёки уларнинг таркибий тузилмаси ва унинг ўзгариши**

(% да)

Т/р	Солиқларнинг турлари	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Мол-мулк солиғи	6,2	9,2	14,7	9,5	17,8	20,2	12,7	5,0	4,4	4,5	3,0	1,8	2,3	2,7	3,1
	Фойдалан олинмаган солиқ	33,6	58,5	37,2	37,4	29,9	32,6	23,7	23,1	17,0	2,2	2,0	1,9	2,4	2,9	3,5
2.	Ер солиғи	5,3	3,8	3,8	4,2	5,1	9,3	3,7	4,4	4,4	2,2	2,0	2,0	2,6	3,1	3,8
4.	Қўшилган қиймат солиғи	9,7	13,8	27,3	29,5	31,2	38,0	16,0	6,5	0,3	12,2	21,8	19,0	21,9	24,3	25,2
5.	Акцизлар	1,8	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Импорт бож пош-линалари	0,0	0,0	0,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,2	5,9	6,8	35,8	39,1	42,2	46,2
7.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	10,6	0,07	0,5	4,7	0,6	0,07	0,03	0,03	0,02	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,3
8.	Экология солиғи	32,7	10,8	14,7	12,1	13,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9.	Маҳаллий ва бошқа солиқлар	0,1	1,5	1,1	2,6	1,9	0,1	44,0	61,1	73,4	72,6	49,1	39,4	31,6	24,5	17,9
	Жами солиқлар ⁵	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁷⁴ Жадвал 3.1.4-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁷⁵ Бу ерда жами солиқлар суммасининг таркибига «Ўзбекингилсаоат» ДАК тизимида фаолият кўрсатмаётган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг суммаси ва қўлланмаган иктисодий санъияларнинг суммалари кирибга олинмади.

4. Қўшилган қиймат солиғи бўйича – салмоғининг ўзгариши учун қуйидагилар хос: а) 2001-2006 йилларда – йилдан-йилга ортиб бориш (2001 йилда – 9,7%; 2006 йилда – 38,0%); б) 2006-2009 йилларда – йилдан-йилга кескин пасайиш (2006 йилда – 38,0%; 2009 йилда – 0,3%); в) 2009-2015 йилларда – дастлаб кескин ортиш ва сўнг барқарорлик касб этиб, ортиб бориш тенденциясига эга бўлиш;

5. Импорт бож пошлиналари – таркибий тузилма нуктаи-назаридан қуйидаги икки ҳолат билан характерланади: а) 2001-2009 йилларда – ўз ўрнига эга эмас; б) 2010-2015 йилларда – йилдан-йилга муттасил равишда ошиб бориш тенденциясига эга бўлиб, унинг салмоғи 5,9% (2010 йил) билан 46,2% (2015 йил) ўртасида тебранган ва шу йиллар давомида импорт бож пошлиналари енгил саноат корхоналари томонидан Давлат бюджетига тўланадиган солиқларнинг таркибий тузилмасида энг юқори ўринни эгалловчи тўловга айланган;

6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – салмоғи сезиларли даражада эмас, кейинги йилларда унинг даражаси 0,1-0,3% ўртасида тебранмоқда;

7. Маҳаллий ва бошқа солиқлар бўйича – жами солиқлар таркибида уларнинг таркибий тузилмаси учун қуйидаги ўзига хос хусусиятлар характерли: а) 2001-2006 йилларда бу солиқларнинг салмоғи сезиларли даражада бўлмаган; б) 2007-2015 йилларда вазият кескин ўзгарган, улар, айрим йилларда (масалан, 2008-2011 йиллар оралиғида) жами солиқлар таркибий тузилмасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу солиқларнинг салмоғи 2009-2015 йиллар оралиғида йилдан-йилга узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бирок, улар ҳамон енгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқларнинг таркибий тузилмасида ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Шундай қилиб, монографиямиз ушбу бобининг 1-параграфиди баён қилинганлар ва хусусан, 3.1.4-жадвал маълумотлари асосида чиқарилган ҳамда 1-6-бандларда акс эттирилган хулосалар, шунингдек, 3.1.5-жадвал маълумотлари асосида чиқарилган ҳамда 1-7-бандларда акс эттирилган хулосалар асосида мамлакатимиз енгил саноат корхоналари тараққиёт истиқболларининг молиявий жиҳатларига нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинаётган пайтда солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларидаги ўзига хосликни

инобатта олган ҳолда куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Йил давомида келиб тушган пул маблағларига нисбатан 30% ҳолларда йил давомида фойдаланилган пул маблағлари кўп миқдорни ташкил қилмоқда (3.1.1-жадвал);

2. Йил давомида фойдаланилган пул маблағлари икки йўналишда (бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар) амалга оширилиб, унда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳал қилувчи (бюджетга тўловларга нисбатан 5-10 баробар кўп) аҳамиятга эга (3.1.1-жадвал) бўлиб, сўнгги йиллардаги улар ўртасидаги нисбат 20:80 ни ташкил этмоқда (3.1.3-жадвал);

3. Йил давомида келиб тушган ва фойдаланилган пул маблағлари, жумладан, бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, айрим йилларда, ўзининг кескин (2,0 мартадан кўпроқ ёки камроқ) ўзгарганлиги билан характерланади (3.1.2-жадвал);

4. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларида бўлганидек, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг бюджетга тўловлари, асосан, солиқлар кўринишида амалга оширилиб, улар таркибан мол-мулк солиғи, фойдадан олинадиган солиқ, ер солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, импорт бож пошлиналари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, маҳаллий ва бошқа солиқлардан иборат (3.1.4-жадвал);

5. Сўнгги йилларда энгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғи ва импорт бож пошлиналарининг роли ошиб бормоқда. Жами солиқлар таркибида маҳаллий ва бошқа солиқларнинг ҳиссаси 2009 йилдан бошлаб йилдан-йилга узлуксиз камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоғи ҳамон нисбатан юқориликгича қолмоқда (3.1.4- ва 3.1.5-жадваллар);

6. Энгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар таркибий тузилмасининг ўзгариши учун нобарқарорлик (айрим ҳолларда, қарама-қарши йўналишларда) хос, унда қатъий бир тенденция таркиб топмаган. Асосий солиқлардан ҳисобланмиш мол-мулк солиғи ва фойдадан олинадиган солиқнинг таъсирчанлиги етарли даражада эмас.

Бизнинг фикримизча, бу чиқарилган хулосалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар энгил саноат корхоналарининг тараққиёт

истикболларини белгилаш нуктаи-назаридан солиққа тортиш жараёнларини оптималлаш-тириш сари юз тутилганда ўз таъсирини кўрсатади, албатта.Шунингдек, назаримизда, энгил саноат корхоналарининг тараққиёт истикболларини белгилаш нуктаи-назаридан солиққа тортиш жараёнларини оптималлаш-тириш билан боғлиқ бўлган масалани фақат юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш муаммони комплекс ҳолда ҳал этилганлигини англамайди. Бунинг учун юқоридагилар билан бир қаторда масалани энгил саноат корхоналари бўйича молиявий натижалар суммаларининг динамикаси, бу корхоналарнинг молиявий натижаларига фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари таъсирининг омили таҳлили, тармоқ корхоналарида солиқ юки динамикаси, бу корхоналарнинг молиявий ҳолатига солиқлар таъсирининг динамикаси, аниқ саналарда энгил саноат корхоналари бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг ўзгариши ва ҳ.к.лар билан боғлиқ бўлган масалалар аспектида ҳам кўриб чиқиш керак. Шунинг учун муаммонинг бу жиҳатларига монографиямиз ушбу бобининг навбатдаги параграфи бағишланади.

3.2. Энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатлари

Энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган масалаларни таҳлил қилишга киришатуриб, бу ишни мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, энг аввало, бу корхоналарда молиявий натижалар суммаларининг 2001-2015 йиллар оралиғидаги динамикаси билан танишишдан бошлаймиз. Бунинг учун умумэтироф этилган тартибга риоя қилиб, тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда уларнинг қандай ўзгарганлигига асосий эътиборни қаратган ҳолда кўрсаткичларнинг куйидаги тизимидан фойдаланамиз: а) асосий фаолият бўйича махсулотлар реализациясидан олинган соф тушум; б) реализация қилинган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари; в) махсулот реализациясининг натижаси; г) давр харажатлари; д) бошқа натижалар: фойда (+) ёки зарар (-); е) фойдадан солиқлар

тўлангунга қадар бўлган молиявий натижа; ё) фойдадан тўланган солиқлар; ж) соф фойда.

Бизнинг фикримизча, ҳақиқатдан ҳам ана шу юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизимидан кенг ва комплекс ҳолда фойдаланиб мамлакатимиз энгил саноати корхоналари тараққиётининг молиявий натижалари ва уларнинг динамикасига тўлиқ баҳо бериш ҳамда улар асосида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тегишли муҳим хулосаларни шакллантириш мумкин.

3.2.1-жадвалда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарини ўзида мужассам этган «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бўйича молиявий натижалар суммаларининг динамикаси келтирилган. Бизнингча, уларни таҳлил қилиб, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг тараққиёт истикболларини белгилашга хизмат қилувчи ва бир вақтнинг ўзида уларнинг молиявий жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган бир неча муҳим хулосаларни чиқарса бўлади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг молиявий натижа-ларига энг катта таъсир кўрсатувчи муҳим омил, энг аввало, асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушум ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг даражаси қанча катта бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, шунга мос равишда, бу корхоналарнинг молиявий натижалари ҳам шунча яхши бўлади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикаимиз амалиётида 2001-2013 йиллар давомида энгил саноат корхоналарида ушбу кўрсаткични шакллантириш борасида маълум бир муаммолар мавжуд. Асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушум кўрсаткичининг бу корхоналарда шу йиллар оралигида барқарор эмаслиги, уларнинг айрим йиллар давомида (масалан, 2004-2008 йилларда) ўсиш эмас, балки пасайиш тенденциясига эга эканлиги, бошқа йилларда (масалан, 2008 йилга нисбатан 2009 йилда ёки айниқса, 2009 йилга нисбатан 2010 йилда) эса, кескин (1,5-2,0 мартага) ўзгарувчанлиги ана шундай муаммолар сирасига киради. Вазиятнинг бундай эканлиги мамлакатимиз энгил саноат корхоналари амалиётида асосий маҳсулотлар реализацияси бўйича мураккабликлар ва шошилиш равишда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг кун тартибига қўйилиши ва уларнинг бажарилиши лозимлигини кўрсатади;

«Ўзбекенгилсаоат» ДАК бўйича молиявий натижалар суммаларининг динамикаси⁷⁶

(млрд. сўмда)

Т / р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушум	163,9	243,3	395,5	412,9	305,8	259,4	259,3	269,6	445,7	915,5	1013,6	1581,5	1929,4	2411,7	3159,4
2.	Реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	134,8	206,9	368,2	384,1	283,1	229,2	236,2	235,2	382,3	771,4	896,5	1308,2	1556,7	1945,9	2412,9
3.	Маҳсулот реализациясининг натижаси	29,1	36,4	27,3	28,8	22,7	30,2	23,1	34,4	63,4	144,1	117,1	273,3	372,7	465,8	746,5
4.	Давр харажатлари	19,4	29,9	42,3	47,9	37,4	32,5	48,7	49,8	68,0	110,1	134,0	185,5	205,9	236,7	260,4
5.	Бошқа натижалар: фойда (+) ёки зарар (-)	10,0	5,5	1,8	28,3	-12,3	-7,8	-6,6	-11,9	-12,0	-24,9	-38,9	-63,2	-26,5	-1,8	25,6
6.	Фойданан солиқлар туланганга қадар бўлган молиявий натижа	10,3	8,1	3,8	9,1	4,2	2,9	14,4	11,4	17,9	45,7	44,9	96,6	140,3	227,4	284,4
7.	Фойданан туланган солиқлар	4,3	4,3	2,1	3,9	1,8	1,3	1,9	3,0	4,9	11,9	13,5	19,3	24,2	28,8	33,7
8.	Соф фойда	5,9	3,8	1,7	5,1	2,3	1,6	12,6	8,4	12,9	33,8	31,4	77,3	116,1	198,6	250,7

⁷⁶Жадвал «Ўзбекенгилсаоат» ДАКнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2. Енгил саноат корхоналарида молиявий натижалар суммаларининг динамикасига асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушум суммаси билан бир қаторда унга реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шуниси характерлики, молиявий натижалар суммалари билан реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасида тескари пропорционал боғланиш мавжуд. Бундай шароитда, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, молиявий натижалар суммаларининг қанчалик ижобий бўлиши реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг шунчалик пасайишига боғлиқ. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида 2001-2013 йиллар оралиғида бу кўрсаткич учун қуйидаги уч ҳолатнинг характерли эканлигини қайд этишимиз мумкин: а) 2001-2004 йилларда – йилдан-йилга ўсиб бориш; б) 2004-2008 йилларда – айрим истиснолар билан йилдан-йилга пасайиш; в) 2008-2013 йилларда – муттасил равишда ўсиб бориш. Охириги ҳолатни 2014-2015 йилларда ҳам содир бўлиши кўзда тутилмоқда. Фикримизча, бу ерда қуйидагининг содир бўлиши принципаал аҳамиятга эга: мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг йилдан-йилга ўсиш суръатлари асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумнинг йилдан-йилга ўсиш суръатларидан имкон доирасида паст бўлмоғи ёки аксинча, асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумнинг йилдан-йилга ўсиш суръатлари реализация қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг йилдан-йилга ўсиш суръатларидан иложи борича юқори бўлмоғи лозим.

3. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг молиявий натижаларини уларга тегишли бўлган маҳсулотлар реализациясининг натижаларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу кўрсаткич асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушум ва реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, унинг даражаси (фарқи) қанча катта бўлса, шунча (яхши) ижобий бўлади. 3.2.1-жадвал маълумотларига эътибор берар эканмиз, унинг даражаси, айниқса, 2001-2008 йиллар оралиғида қарама-қарши йўналишларда ўзгарувчан бўлганлигини аниқлашимиз мумкин. Бу ҳолат 2011 йилда яна такрорланган. Ҳолбуки, молиявий натижаларнинг барқарорлиги нуқтаи-назаридан унинг муттасил равишда

йилдан-йилга ўсиб бориши ёки янада юқори масштабларда тақрорланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда, бу нарсага мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида кейинги йилларда (2011-2013 йиллар), жорий йилда ва яқин келажакда (2015 йил) жиддий эътибор берилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир (3.2.1-жадвалга қаранг).

4. Энгил саноат корхоналари молиявий натижаларининг қандай бўлишига давр харажатларининг кўлами ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, унга давр харажатларининг ортиши салбий, камайиши эса ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. 3.2.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган 2001-2013 йиллар давомида фақат икки йилда (2005-2006 йилларда) давр харажатларининг даражаси олдинги йилга нисбатан камайган, холос. Қолган йилларда улар йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган ва бу нарсанинг навбатда икки йилда ҳам давом этиши башорат қилинмоқда. Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг молиявий натижаларини янада яхшилашда давр харажатлари кўламини қисқартириш, уларнинг ўсиш суръатлари даражасини а) асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумнинг; б) реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархининг; в) маҳсулотлар реализация-сининг натижалари ўсиш суръатларидан пастлигини таъминлаш принципиал аҳамият касб этади.

5. Бошқа натижалар, яъни фойда (+) ёки зарар (-) суммаларининг қандай бўлганлиги республикаимиз энгил саноат корхоналари молиявий натижаларига ўз таъсири кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг навбатдагисидир. Албатта, бу жараёнда энгил саноат корхоналарининг молиявий натижаларга фойданинг ижобий, зарарнинг эса салбий таъсир кўрсатиши, аниқ. 3.2.1-жадвал маълумотлари мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида ушбу ҳолатга нисбатан вазиятнинг соғлом эмаслигини кўрсатапти. Таҳлил даврининг дастлабки тўрт йили давомида бошқа натижалар ижобий характерга эга бўлса, 2005 йилдан бошлаб ҳозиргача у ўзининг салбий таъсирини намоён этмоқда. Кўрилган зарар суммалари 6,7 млрд. сўмдан (2007 йил) 63,2 млрд. сўмгача (2012 йил) етиб борган. Деярли икки баробардан кўпроқ қисқарган бўлишига қарамасдан 2013 йилда унинг даражаси 26,5 млрд. сўмни ташкил этган. Жорий 2014 йилда ҳам унга барҳам беришнинг иложи бўлмапти ва шунинг учун унинг даражаси 1,8

млрд. сўм атрофида бўлиши башорат қилинмоқда. Шубҳасизки, бундай вазиятда республикамизнинг энгил саноатида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва улар бутун жамоаларининг хатти-ҳаракати, жумладан, бошқа натижаларда ўз ифодасини топаётган ва умумий молиявий натижаларнинг яхшиланишига акс таъсир кўрсатаётган зарарларга барҳам беришга қаратилган бўлмоғи лозим.

6. Фойдадан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижа оралиқ характерга эга бўлиб, у республикамиз энгил саноат корхоналарининг умумий молиявий натижаларини тавсифлаб беришда муҳим роль ўйновчи омиллардан бири ҳисобланади. Афсуски, бу борада вазиятнинг фақат 2012 йилдан бошлаб кескин яхшиланиб бораётганлигини қайд этишимиз мумкин. Олдинги йилларда, жумладан, 2008 йилгача унинг даражаси 2001 йил даражаси атрофида ва ҳатто бир неча йиллар давомида, ундан паст даражада бўлган. Шу ўринда ушбу кўрсаткич даражасининг 2010 йилда 2009 йилга ва 2012 йилда 2011 йилга нисбатан икки баробардан кўпроқ даражада ортганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, 3.2.1-жадвал маълумотлари кейинги йилларда ҳам ушбу кўрсаткич ўсиш суръатларининг йилдан-йилга юқори даражада бўлишини кўрсатмоқдаки, албатта, буни ижобий ҳолат сифатида эътироф этмоқ лозим.

7. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз энгил саноат корхоналари умумий молиявий натижаларининг қай даражада бўлишида фойдадан тўланган солиқлар миқдори муҳим роль ўйнайди. Аслида, бу кўрсаткич у ёки бу корхона доирасида эришилган натижа нималарнинг эвазига ва ресурслардан қандай фойдаланилганлиги ҳисобига қўлга киритилганлигини англатади. 3.2.1-жадвал маълумотлари 2001-2008 йиллар давомида республикамиз энгил саноат корхоналарида бу кўрсаткичнинг 2001 йилдаги даражадан ошмаганлигини ва аксинча, айрим йилларда ундан икки мартадан кўпроқ даражада кам бўлганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, 2009 йилдан бошлаб вазият ўзгарган. Бу йилда ва ундан кейинги барча йилларда фойдадан тўланган солиқлар миқдори энгил саноат корхоналарида муттасил равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. 2014-2015 йиллардан ҳамбунинг шундай бўлиши башорат қилинмоқда. Бундай шароитда, фикримизча, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали фойдадан тўланаётган солиқлар миқдорини

камайтириш билан боғлиқ бўлган барча чораларни амалиётга жорий этиш мамлакатимиз энгил саноати корхоналари олдидида турган энг муҳим вазибалардан бирига айланмоғи лозим.

8. Соф фойда кўрсаткичи энгил саноат корхоналари молиявий натижаларини тавсифлашда якуний ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Албатта, унинг даражаси қанча юқори бўлса, шунча яхши. Юқоридаги жадвал маълумотлари мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида бунга эришишнинг кўплаб заҳиралари мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2001-2006 йилларда бу кўрсаткичнинг 2001 йилдаги даражадан паст (айрим йилларда, бир неча марта) бўлганлиги, бошқа йилларда, айрим ҳолларда, олдинги йилга нисбатан 7,0 мартагача (масалан, 2007 йилда 2006 йилга нисбатан) кўп бўлганлиги, охириги йилларда (2011-2013 йилларда) унга тегишли бўлган ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлганлиги, жорий йил ва яқин келажакда ҳам (2015 йил) ана шундай ўсиш суръатларига эришишни сақлаб қолишга интилинаётганлиги шундан далолат бермоқда.

2001-2013 йиллар ва яқин келажакка дахлдор бўлган Ўзбекистон энгил саноат корхоналари тараққиётининг молиявий натижалари ва уларнинг динамикасига тегишли бўлган хулосалар ана шу юқорида қайд этилганлардан иборат. Ушбу чиқарилган хулосалардан якуний хулосани таркиб топтиришдан олдин унинг тўғрилиги ва асосланганлик даражасини ошириш мақсадида энгил саноат корхоналарининг молиявий натижаларига фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари таъсирининг омилли таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу таҳлил натижалари 3.2.2-жадвалда келтирилмоқда.

3.2.2-жадвалда келтирилган маълумотлар юқоридаги 1-8-бандларда акс этирилган хулосаларнинг тўғри эканлигинияна бир марта тасдиқлайди. Шунинг учун уларга таянган ҳолда, бизнинг фикримизча, принципиал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги энг муҳим умумий хулосани чиқариш мумкин: мамлакатимиз энгил саноат корхоналари тараққиётининг молиявий натижалари ва уларнинг динамикаси замонавий бозор иқтисодиётининг принциплари асосида маълум бир концепцияга асосланиши лозим. Ўз навбатида, бу концепциянинг негизида а) асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумни **максималлаштириш**; б) реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини **минималлаштириш**; в) маҳсулот реализациясининг натижасига

нисбатан катта ижобий фарқни таъминлаш; г) давр харажатларини оқилона-лаштириш ва уларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик; д) бошқа натижа (фойда ёки зарар)ларнинг фақат ижобий бўлишига эришиш; е) фойдадан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижани максималлаштириш; ё) фойдадан тўланган солиқлар суммаларини оптималлаштириш; в) соф фойда суммасини кўпайтириш ётиши керак.

Ўзида юқорида қайд этилган муҳим ҳолатларни мужассам этган бу концепциянинг яхлит тарзда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг ҳар бири доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳозирги мураккаб бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг соғлом фаолият кўрсатишига ва тараққиёт истиқболларини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Энди энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатларини аниқлаш учун бу корхоналарда солиқ юкининг динамикасини таҳлил қилиш зарур. Чунки солиқ юкининг таркиб топган даражаси ва унинг тегишли йиллар давомида ўзгариш динамикаси ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва унинг келиб чиқувчи оқибатларини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энг умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Шу муносабат билан гарчи амалиётда солиқ юки кўрсаткичини аниқлашнинг турли вариантлари бўлишига қарамасдан биз бу ўринда мамлакатимиз энгил саноат корхоналари амалиётида қўлланилиб келинаётган вариантдан фойдаланамиз. Тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича энгил саноат корхоналари амалиётида солиқ юки кўрсаткичи аниқланаётган пайтда қуйидагилар ҳисобга олинмоқда:

1. Энгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган жами солиқ суммалари (ҚҚС ва акцизларсиз);
2. Энгил саноат корхоналари томонидан фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар;
3. Энгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган ва харажатларда ҳисобга олинадиган солиқлар;
4. Энгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган жами солиқ суммалари (ҚҚС ва акцизларсиз)нинг реализациядан тушумга нисбати;

«Ўзбекингилсаноат» ДАКнинг молиявий натижаларига фойда ҳисобидан тўланган солиқ суммалари таъсирининг омилли таҳлили⁷⁷

Т	P	Кўрсаткичлар	Й и л л а р																		
			2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015				
1.		Асосий феолият бўйича махсулотлар реалли-зиациядан олинган соф тушумнинг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	148,5	161,5	104,4	74,0	-107,1	-46,3	84,8	99,9	0,2	9,7	176,7	469,7	98,1	567,9	347,9	482,4	747,6	131,0
2.		Реализация қилинган махсулот ишлаб чиқариш таннариининг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	153,4	177,9	104,3	73,7	-101,0	-53,9	80,9	103,0	6,9	-1,1	147,1	389,1	125,1	411,6	248,5	389,2	467,0	122,4
3.		Махсулот реализацияси натижасининг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	125,5	74,9	105,4	78,8	-6,1	7,5	133	76,3	-7,2	1,1	29,7	80,6	-27,0	156,2	345,4	93,2	280,6	160,2
4.		Девр харажатларининг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	154,2	141,1	113,6	77,9	10,6	4,8	87	149,7	16,2	1,9	18,3	42,1	13,9	61,5	20,4	30,9	23,7	110,0
5.		Бошқа натижалар: фойда (+) ёки зарар (-)нинг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	54,9	32,1	16,0	-40,6	4,6	1,1	-5,3	-0,1	-12,9	-13,9	-24,3	-36,6	-24,8	27,4				
6.		Феолидан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижанин олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	74,4	46,7	240,5	46,9	-1,2	70,8	486,1	11,5	-3,0	79	156,9	255,7	98	215,3	43,7	145,2	162,0	123,1
7.		Феолидан тўланган солиқларнинг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	98,3	49,3	187,7	46,6	-2,1	72,9	137	0,5	1,2	164	165,5	238,6	113,1	143,6	4,8	124,9	4,6	4,9
8.		Соф феолининг олдига йилга нисбатан ўзгариши: - млрд. сўмда - % да	100,0	68,9	-2,1	3,5	3,4	-0,7	69,2	10,9	-4,2	4,5	66,6	153,8	262,4	-2,4	40,9	38,9	82,5	52,1	126,2

⁷⁷Жадвал «Ўзбекингилсаноат» ДАКнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

5. Енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган жами солиқ суммалари (ҚҚС ва акцизларсиз)нинг солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати;

6. Енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган фойдадан солиқларнинг реализациядан тушумга нисбати;

7. Енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган фойдадан солиқларнинг солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати;

8. Енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган ва харажатларда ҳисобга олинадиган солиқларнинг реализациядан тушумга нисбати;

9. Енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган ва харажатларда ҳисобга олинадиган солиқларнинг солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати.

Ана шу юқоридаги кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олган тизимдан фойдаланган ҳолда аниқланган солиқ юки даражалари ва уларнинг 2001-2015 йиллардаги ўзгариш динамикасини характерловчи маълумотлар 3.2.3-жадвалда келтирилмоқда. Уларни таҳлил қилар эканмиз турли вариантларда аниқланган ва мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида таркиб топган солиқ юкининг даражалари хусусида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

1. Енгил саноат корхоналарига тегишли бўлган солиқ юки жами солиқ суммаларининг (ҚҚС ва акцизларсиз) реализациядан тушумга нисбати орқали ифодаланганда у учун қуйидагилар характерли: а) таркиб топган солиқ юкининг даражаси 3,1% дан (2006 йил) 8,7% гача (2008 йил) тебранган; б) унинг даражаси учун 2001-2006 йилларда – пасайиш (фақат 2005 йил бундан мустасно), 2007-2012 йилларда олдинги йилларга нисбатан 2-3 баробарга ошиш ва беқарорлик касб этиш, 2012-2015 йилларда эса узлуксиз пасайиш тенденциялари хос; в) солиқ юкининг бу усулда таркиб топган даражаси мамлакатимиз иқтисодиётига тегишли бўлган макродаражадаги умумий солиқ юкига нисбатан деярли 3-4 баробар паст даражададир; г) 2007-2005 йилларга тегишли бўлган солиқ юкининг даражаси, маълум даражада ўзининг барқарорлиги (7-9% атрофида бўлган) билан ажралиб туради;

«Ўзбекингилсаноат» ДАК бўйича солиқ юкнинг динамикаси⁷⁸

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
1.	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, млрд. сўмда	10,1	11,7	18,0	14,9	11,8	8,1	18,9	23,5	38,8	72,1	73,6	99,6	102,7	109,7	125,6
	Шу жумладан, фойдалан солиқлар, млрд. сўмда	3,8	7,6	6,8	7,1	4,7	4,2	7,1	7,4	7,8	1,8	1,8	1,9	2,4	3,1	4,0
2.	Харажатларда хисобга олинадиган солиқлар, млрд. сўмда	6,3	4,1	11,2	7,8	7,1	3,9	11,8	16,1	31,0	70,3	72,1	97,7	100,3	106,6	121,6
	Жами солиқ суммалари, ҚҚС ва акцизларсиз, %да	88,9	49,3	78,4	72,8	70,6	62,3	79,8	91,7	98,4	87,4	81,6	83,8	88,5	91,1	89,6
3.	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	6,1	4,8	4,5	3,6	3,9	3,1	7,3	8,7	8,6	7,9	7,2	8,4	7,8	7,5	6,6
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдала нисбатан, %да	34,7	32,1	66,0	51,9	52,2	26,9	82,0	69,3	61,0	50,0	62,8	36,4	58,2	64,2	61,2
4.	Фойдалан солиқларнинг салмоғи, %да	37,9	64,6	37,5	47,7	39,7	51,0	36,7	31,7	20,0	2,4	2,0	1,9	2,4	2,9	3,2
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	2,3	3,1	1,7	1,7	1,5	1,6	2,7	2,7	1,7	0,2	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2
4.	Солиқлар тўлангунга қадар фойдала нисбатан, %да	13,1	20,7	24,7	24,7	20,7	13,7	30,9	21,9	12,2	1,2	1,3	0,7	1,4	1,8	1,9
	Харажатларда хисобга олинадиган солиқларнинг салмоғи, %да	62,1	35,4	62,5	52,3	60,3	49,0	63,3	68,3	80,0	97,6	98,0	98,1	97,6	97,1	96,8
	Реализациядан тушумга нисбатан, %да	3,8	1,7	2,8	1,9	2,3	1,5	4,5	5,9	6,9	7,6	7,1	8,3	7,6	7,3	6,4
	Солиқлар тўлангунга қадар фойдала нисбатан, %да	21,5	11,3	41,3	27,1	31,5	13,2	51,1	47,4	48,8	48,8	61,5	35,7	56,9	62,4	59,3

⁷⁸ Жадалдаги кўрсаткичлар «Ўзбекингилсаноат» ДАКнинг тегишли йиллардаги хисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисоб-ёғиб қилинган.

2. Солиқ юки солиқ суммаларининг солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдага нисбати орқали аниқланганда, унинг учун куйидагилар хос: а) унинг даражаси 26,9% дан (2006 йил) 82,0% (2007 йил) оралиғида ўзгарган; б) 15 ҳолатнинг 4 тасида солиқ юкининг даражаси 40,0% дан паст, қолган 11 ҳолатда эса унинг даражаси 50,0% дан юқори бўлган; в) баъзи йилларда солиқ юкининг даражаси олдинги йилларга нисбатан 2-3 марта ортган;

3. Енгил саноат корхоналарида солиқ юки фойдадан солиқларнинг реализациядан тушумга нисбати орқали ифодаланганда бу кўрсаткич, ўзига хос тарзда, улар зиммасига юкланган солиқ юкининг маълум бир қисмини баҳолашга ёрдам беради. Бу тарзда аниқланган солиқ юкининг даражаси 2001-2015 йиллар давомида 0,1% билан (2011 йил) 3,1% ўртасида (2002 йил) ўзгариб турган. Унинг ўзгариши давр нуқтаи-назаридан қаралганда 2001-2009 йилларда солиқ юкининг даражаси ўзининг нисбатан юқорилиги вабеқарорлиги билан ажралиб турганлигини ва аксинча, 2010-2015 йиллар оралиғида эса унинг нисбатан пастлиги ва барқарорлик касб этганлигини аниқлашимиз мумкин;

4. Ўзининг кўлами жиҳатидан фарқ қилишига қарамасдан, худди 3-банддагидек ҳолат солиқ юкига фойдадан солиқларнинг солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдага нисбати орқали ифодаланиб, баҳо берилганда ҳам хос. Унинг даражаси ҳам 2001-2015 йиллар оралиғида 0,7% дан (2012 йил) 30,9% гача (2009 йил) тебранган бўлиб, у 2001-2009 йилларда ўзининг нисбатан юқорилиги (12,2% дан 30,9% гача) ва аксинча, 2010-2015 йилларда эса ўзининг нисбатан паст даражада (0,7% дан 1,9% гача) бўлганлиги билан ажралиб туради;

5. Солиқ юкининг харажатларда ҳисобга олинadиган солиқларнинг реализациядан тушумга нисбати орқали ифодаланиши ҳам, ўзига хос тарзда, улар зиммасига юкланган солиқ юкининг маълум бир қисмини баҳолаш имконини беради. Таҳлил қилинаётган давр оралиғида унинг даражаси 1,5% дан (2006 йил) 8,3% гача (2012 йил) ўзгариб борган. У 2001-2006 йиллар оралиғида ўзининг нисбатан пастлиги ва беқарорлиги, 2007-2015 йилларда эса ўзининг нисбатан юқорилиги ва барқарорлиги билан характерланади. 4- ва 5-бандда акс этирилганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз енгил саноат корхоналаридаги солиқ юкининг даражасини аниқлашда, кейинги йилларда, харажатлар

таркибида ҳисобга олинадиган солиқлар ҳал қилувчи рольни ўйнамоқда;

6. Ва ниҳоят, солиқ юкининг даражаси харажатларда ҳисобга олинадиган солиқларнинг солиқлар тўлангунга қадар фойдага нисбати орқали баҳоланганда бундай тартибда аниқланган кўрсаткичнинг даражаси 11,3% дан (2002 йил) 62,4% гача етиб борган. Бу даврда унинг ўзгариши учун ҳам 2001-2006 йиллар ўзининг нисбатан пастлиги (13,2% - 41,3% оралиғида) ва беқарорлиги, 2007-2015 йиллар эса ўзининг нисбатан юқорилиги (42,4% - 62,4%) ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, 3.2.3-жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг солиққа тортиш механизмида харажатларда ҳисобга олинадиган солиқларнинг устувор аҳамият касб этаётганлигини аниқлашимиз мумкин. 2001-2006 йилларда бундай устуворлик яққол ўзини намоён этмаган (чунки 2001 ва 2006 йилларда фойдадан солиқлар устуворлик қилган) бўлса-да, 2007-2009 йиллар оралиғида фойдадан солиқлар ўз ўрнини харажатлар таркибидаги солиқларга бўшатиб бера бошлаган ва кейинги йилларда уларнинг яққол устуворлиги таъминланган ҳамда жами солиқларнинг таркибида харажатларда ҳисобга олинадиган солиқларнинг салмоғи 97-98%ни ташкил этмоқда. Фикримизча, энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш механизмида бундай таркибий тузилманинг амалиётда таркиб топганлигини бозор иқтисодиётининг замонавий талаблари ва хусусан, солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш нуқтаи-назаридан оқилона деб бўлмайди⁷⁹.

Энгил саноат корхоналарида 2001-2015 йиллар давомида таркиб топгани солиқ юкининг динамикасига, маълум даражада, баҳо берилганидан сўнг шу ернинг ўзида бу корхоналарнинг молиявий ҳолатига солиқлар таъсирининг динамикасига ҳам баҳо бермоқ лозим. Чунки бу нарса ҳам энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларигасолиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсирива уларнинг оқибатларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Шунга кўра ушбу мақсадларга хизмат қилувчи рақамлар 4-иловада келтирилмоқда.

4-илова маълумотларининг кўрсатишича, бу ерда энгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатига солиқлар таъсирининг

⁷⁹ Масаланинг тўлиқ жиҳатлари ва уни оптималлаштириш вариантлари монографиямиз навбатдаги бобнинг 2-параграфида батафсил кўриб чиқилади.

динамикаси, бир томондан, жами солиқлар, ҚҚС ва акцизлар солиқлар, жами ресурс солиқлари ва шу жумладан, мол-мулк солиғи ва фойдадан солиқлар ва иккинчи томондан, юқоридаги солиқларнинг жами реализация, реализациядан фойда ва баланс фойдага нисбати кесимида амалга оширилган. Бу ўринда тахлил натижаларини батафсил баён қилиб ўтирмасдан (чунки улар 3.2.2-илованинг ўзида яққол кўриниб турибди) қуйидагича ҳолатни қайд этиш билан чекланамиз:

1. Енгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатига реализация ҳажмига нисбатан қараганда солиқларнинг таъсири жами солиқлар кесимида ўртача 8,0%, ҚҚС ва акцизларсиз солиқлар кесимида ўртача 6,4% ва жами ресурс солиқлари кесимида ўртача 1,0%, фойдадан солиқлар кесимида ўртача 0,8% ни ташкил этган;

2. Ушбу масала реализациядан фойдага нисбатан қаралганда, мос равишда, 69,7%; 53,9%; 9,4% ва 7,0% га тенг бўлган;

3. Охириги йилларда (2012-2015 йиллар) жами солиқлар ҳамда ҚҚС ва акцизларсиз солиқларнинг енгил саноат корхоналари молиявий ҳолатига реализация ҳажмига нисбатан таъсири билан боғлиқ бўлган тенденция пасайиш характериға эға.

Енгил саноат корхоналарида таркиб топган бу ҳолатлар муҳим аҳамиятга эға бўлиб, улар бу корхоналарда солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш масалаларининг қандай йўналишда ҳал этилишиға ўз таъсири кўрсатади⁸⁰.

Бизнинг фикримизча, енгил саноат корхоналари фаолияти натижаларигасолиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсирива уларнинг оқибатларини аниқлашдабюджетга ва бюджетдан ташқари фондларға солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг ўзгаришини ҳисобға олиш зарур. Чунки бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларға солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг даражаси ва уларнинг ўзгариши бу тармоқ корхоналарига нисбатан қўлланилаётган солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларига бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан бу борадаги аҳволнинг тармоқ корхоналарида 2001-2015 йиллар давомида қандай бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар 3.2.4-жадвалда акс эттирилган.

⁸⁰Бу тўғрида монографиямизнинг 4.2-параграфида батафсил тўхталамиз.

3.2.4-жадвал маълумотлари тегишли даврда бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқлар бўйича қарздорликнинг даражаси тегишли саналарда 11,3 млрд. сўмдан (01.01.2001 йилда) 154,7 млрд. сўмгача (01.01.2015 йилда) етиб борганлигини кўрсатмоқда. Бунда 01.01.2001-01.01.2006 йиллар давомида бюджетга ундирилиши лозим бўлган солиқлар бўйича қарздорликнинг умумий даражаси учун беқарорлик хос бўлиб, у айрим саналарда ортиб, бошқа саналарда эса, камайиб турган. Бирок, 01.01.2006 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача (01.01.2015 йилгача) вазият тубдан ўзгарган. Бунинг боиси шундаки, бу даврда солиқлар бўйича қарздорликнинг умумий даражаси тегишли саналарда олдинги йилга нисбатан муттасил равишда ўсиб бориш характериға эға бўлган. Агар 01.01.2006 йилда солиқлар бўйича умумий қарздорликнинг суммаси 13,1 млрд. сўмға тенг бўлган бўлса, кейинги саналарда унинг суммаси узлуксиз равишда ортиб бориб, 01.01.2015 йилда 154,7 млрд. сўмға етган, яъни шу давр оралиғида 10,0 мартадан кўпроққа ошган. Бу, асосан, кўшилган қиймат солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, устама фойда солиғи ва «Бошқа солиқлар» гуруҳиға киритилган солиқлар бўйича қарздорлик суммаларининг ошганлиги ҳисобига содир бўлган. Бир вақтнинг ўзида, бу ерда ушбу ҳолатнинг содир бўлишида катта роль ўйнамаган бўлса-да, 01.01.2011 йилда ўзининг энг кам даражасиға эришилган фойдадан олинадиган солиқ, ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик суммаларининг ҳам ортиб бориш характериға эға бўлаётганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Шу ўринда, бюджетдан ташқари фондларға ажратмаларға доир ундирилиши лозим бўлган қарздорлик суммаларига нисбатан ҳам, сал бошқачароқ кўламда бўлишиға қарамасдан, юкоридагидек фикрни билдириш мумкин. 3.2.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2001-2015 йиллар давомида бу қарздорликнинг ўзгаришиға дахлдор бўлган даврни, унга тегишли бўлган хусусиятни ҳисобға олган ҳолда, куйидаги икки даврға бўлиш мумкин:

1-давр – ўз ичига 2001-2008 йилларни ўз ичига олиб, унда бюджетдан ташқари фондларға ажратмаларға доир ундирилиши лозим бўлган қарздорликнинг суммалари 2,0-6,0 млрд. сўм атрофида тебранган ва унга nobарқарорлик хос бўлган;

3.2.4-жадвал

**«Ўзбекенилсаноат» ДАК бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга
солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг ўзгариши (йил бошида, млрд. сўмда)**

Т/ Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Фойдалан олинмаган солиқ	3,8	7,6	6,8	7,1	4,7	4,2	7,1	7,4	7,8	1,8	1,5	1,9	2,4	3,1	3,9
2.	Қўшилган қиймат солиғи	1,1	11,8	4,9	5,6	4,9	4,9	4,8	2,1	0,3	10,1	16,6	19,2	22,2	25,5	29,1
3.	Акцизлар	0,2	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,2	0,0	0,1	0,0	0,0	0,0
4.	Ер солиғи	0,6	0,6	0,7	0,8	0,8	1,2	1,1	1,4	2,0	1,8	1,5	2,0	2,6	3,3	4,4
5.	Ободонл. ва ижт. инф. рив. солиғи	0,1	0,2	0,2	0,5	0,3	0,1	13,2	19,6	33,7	59,9	49,1	39,7	32,1	23,7	20,6
6.	Мол-мулк солиғи	0,7	1,2	2,7	1,8	2,8	2,6	3,8	1,6	2,0	3,7	2,3	1,8	2,3	2,8	3,6
7.	Экология солиғи	3,7	1,4	2,7	2,3	2,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1,2	0,1	0,1	0,9	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2	0,2	0,3	0,4
9.	Устама фойда солиғи															
	10. Бошқа солиқлар	0,1	0,0	0,1	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	2,6	3,5	12,9	17,5	14,9	21,3
	Бюджетга ундирилиши лозим бўлган жами солиқ суммалари	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	2,3	15,5	41,1	22,1	29,4	32,0
	11. Пенсия фоншига ажратмалар	11,3	23,7	23,0	20,5	16,8	13,1	30,1	32,3	46,0	82,5	90,1	118,9	124,8	135,2	154,7
	12. Йул фондида ажратмалар	1,9	3,2	6,3	5,3	4,1	3,6	3,9	3,4	4,9	14,1	16,9	25,4	28,8	33,2	39,9
	Бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
	Бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари	2,0	3,3	6,4	5,4	4,2	3,7	4,0	3,5	5,0	14,2	17,0	25,5	28,9	33,3	40,0

2-давр – 2008-2015 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларга доир ундирилиши лозим бўлган қарздорликнинг суммалари йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган ва умумий қарздорлик суммалари 01.01.2001 йилдаги 2,0 млрд. сўм ўрнига 01.01.2015 йилда 40,0 млрд. сўмга етган, яъни шу оралиқда 20,0 баробарга ошган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги пайтда мамлакатимиз енгил саноат корхоналаридан бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича ундирилиши лозим бўлган қарздорликнинг асосий қисми Пенсия фондига ажратмаларга тўғри келаётир. 2001-2015 йилларда бу қарздорлик ажратмаларининг ўзгариши учун ҳам маълум бир йилларни ўз ичига олган қуйидаги икки давр хос:

1-давр – 2001-2008 йилларни ўз ичига олиб, бунда Пенсия фондига ажратмалар бўйича қарздорлик 1,9 млрд. сўмдан (01.01.2001 йил) 6,3 млрд. сўмгача (01.01.2003 йил) тебранган ва бу даврдаги қарздорлик ўзгариш нуктаи-назаридан беқарорлик характерига эга бўлган;

2-давр – 2008-2015 йиллардан иборат бўлиб, унда Пенсия фондига ажратмалар бўйича қарздорлик йилдан-йилга ўсиб борган ва 3,4 млрд. сўмдан (01.01.2008 йил) 39,9 млрд. сўмгача (01.01.2015 йил) етиб борган, яъни шу даврнинг ўзида қарийб 12 мартага ошган.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлар енгил саноат корхоналари фаолияти натижаларигасолиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатларини аниқлашда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг ўзгаришини ҳисобга олиш зарурлиги яна бир бор кўрсатади. Шундай бўлса-да, ушбу масалани абсолют кўрсаткичлар билан бир қаторда нисбий кўрсаткичларда ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бундай йўл тутиш мазкур масаладаги вазиятни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик ўзгаришининг нисбий кўрсаткичлари 3.2.5-жадвалда келтирилмоқда.

Нисбий кўрсаткичларда бўлишига қарамасдан, 3.2.5-жадвалда келтирилган рақамлар 3.2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида юқорида чиқарилган хулосаларни тўлиқ тасдиқлайди.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик салмоғининг умумий қарздорликка нисбатан ўзгариши(йил бошида, %да)

Т/Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Фойдалан олинмаган солиқ	33,7	32,3	29,4	34,8	28,0	31,8	23,7	23,0	16,8	2,1	1,6	1,6	1,9	2,3	2,6
2.	Қўшилган қиймат солиғи	9,5	49,7	21,6	27,1	29,4	37,7	15,9	6,6	0,7	12,3	18,4	16,1	17,8	18,8	18,8
3.	Ақшлар	1,6	1,0	0,004	0,003	0,0	0,0	0,0	0,0	0,2	0,3	0,0	0,007	0,0	0,0	0,0
4.	Ер солиғи	4,8	2,6	3,1	3,8	4,8	9,1	5,4	4,3	4,3	2,2	1,7	1,7	2,1	2,5	2,8
5.	Ободлаштириш ва яқт. инф. рив. солиғи	0,6	0,7	0,9	2,4	1,9	0,3	43,9	60,8	73,1	72,5	54,5	33,4	25,7	19,0	13,3
6.	Мол-мулк солиғи	6,4	5,0	11,7	8,8	16,9	20,2	12,6	5,1	4,4	4,5	2,5	1,5	1,8	2,0	2,3
7.	Экология солиғи	32,2	5,8	11,7	11,0	12,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	10,4	0,3	0,6	4,5	0,7	7,0	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2
9.	Устава фойда солиғи	0,2	0	0,2	0,1	0,0	0,1	0,0	0,0	0,2	3,2	3,9	10,8	14,0	11,0	13,8
10.	Бошқа солиқлар	0,4	0,02	0,5	1,2	0,002	0,1	0,0	0,0	0,1	2,8	17,2	34,5	17,7	21,7	20,7
	Бюджетга учирлиши лозим бўлган жами солиқ суммалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
11.	Пенсия фондига ажратмалар	97,1	96,5	98,4	98,0	98,3	98,6	97,3	96,9	97,7	99,8	99,5	99,9	99,9	99,9	99,9
12.	Дўп фондига ажратмалар	2,9	3,5	1,6	2,0	1,7	1,4	2,7	3,1	2,3	0,2	0,5	0,1	0,1	0,1	0,1
	Бюджетдан ташқари фонд ларга учирлиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Шу билан биргаликда, 3.2.5-жадвалда енгил саноат корхоналаридан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг ўзига хос тарздаги таркибий тузилмаси акс эттирилганлиги учун қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Бюджетга фойдадан олинадиган солиқ бўйича қарздорлик 01.01.2011 ва 01.01.2012 йилларда энг кам даражага тушган бўлишига қарамасдан, кейинги йиллардан навбатдаги йилдан бошлаб секин-асталик билан янаўсмоқда;

2. Қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорликнинг бюджетга нисбатан бўлган умумий қарздорликдаги салмоғи 2001-2009 йилларда 0,7% даражасигача пасайиб келган бўлишига қарамасдан 2010 йилдан бошлаб унинг салмоғи яна орта бошлаган ва кейинги йилларда 18,0-19,0% га етиб қолган;

3. Бюджетга ундирилиши лозим бўлган жами солиқ қарздорлигининг таркибий тузилмасида ер солиғи бўйича қарздорлик салмоғи 1,7% дан (01.01.2011-01.01.2012 йиллар) 9,1% гачани (01.01.2006 йил) ташкил этган бўлса-да, бу кўрсаткичнинг даражаси 2006-2012 йиллар оралиғида узлуксиз камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, кейинги йилларда вазият яна салбий томонга ўзгармоқда;

4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича қарздорликнинг солиқлар бўйича жами қарздорликдаги салмоғи 2001-2006 йилларда унчалик сезиларли бўлмаган. Бироқ, навбатдаги 2007-2009 йилларда вазият салбий томонга кескин ўзгарган. Унинг салмоғи шу йилларда, мос равишда, 43,9%, 60,8% ва 73,1% га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2009-2015 йилларда узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, унинг салмоғи ҳамон юқорилигича (01.01.2015 йилда – 13,3%) қолмоқда;

5. Мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик бюджетга умумий қарздорликнинг 1,5% дан (01.01.2012 йил) 20,2% ини (01.01.2006 йил) ташкил этган бўлиб, у 2006-2012 йилларда пасайиб борган. Лекин, навбатдаги 2013-2015 йилларда вазият яна салбий томонга ўзгармоқда, яъни мол-мулк солиғи бўйича қарздорликнинг бюджетга бўлган умумий қарздорликка нисбатан салмоғи яна ортиб бормоқда;

6. Солиқлар бўйича бюджетга бўлган умумий қарздорликнинг таркибий тузилмасида устама фойда солиғи бўйича қарздорликнинг

салмоғи 2001-2009 йилларда сезиларли бўлмаган. Афсуски, 2010-2015 йилларда вазият тубдан ёмон томонга ўзгарган ва жами қарздорликнинг таркибида устама фойда солиғига тегишли бўлган қарздорликнинг салмоғи 14,0% гача етиб борган. Навбатдаги икки йилда ҳам бу кўрсаткичнинг даражаси нисбатан юқорилигича қолмоқда;

7. «Бошқа солиқлар» гуруҳига киритилган солиқлар бўйича қарздорликнинг салмоғи ҳам ўзининг сезиларли даражада салбий томонга ўзгарганлигини сўнгги 2010-2015 йилларда намоён қилмоқда. Ундан олдинги йилларда бу кўрсаткичнинг даражаси 0,1-1,0% атрофида бўлса, юқорида таъкидланган йилларда унинг салмоғи 2,8% дан (01.01.2010 йил) 34,5% гача (01.01.2012 йил) етиб борган ва сўнгги йилларда ҳам бюджетга жами қарздорликнинг 1/5 қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда;

8. Бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар таркибий тузилмасининг асосий қисмини Пенсия фондига ажратмаларнинг салмоғи ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичнинг даражаси 2001-2015 йиллар оралиғида, асосан, 97-99% га тенг бўлмоқда. 2012-2015 йилларда эса бюджетдан ташқари фондларга нисбатан бўлган жами қарздорликнинг 99,9% Пенсия фондига ажратмалар ҳиссасига тўғри келаяпти ва вазиятни ижобий томонга ўзгартиришнинг иложи бўлмаёпти.

Шундай қилиб, монографиямизнинг 3-боби доирасида биз мамлакатимиз энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш асослари, тартиби ва аҳволи ҳамда энгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган ҳолатни аниқлашга муваффақ бўлдик ва тегишли хулосаларни шакллантирдик. Улар, мантиқнинг тегишли қондаларига риоя қилинган ҳолда, монографиямизнинг 4-бобида Ўзбекистон энгил саноати ривожланиш истиқболлари молиявий жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланаётган пайтда тўлиқ ҳисобга олинади.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МОЛЯВИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш йўллари

Монографиямиз ушбу бобининг 1-параграфи доирасида унинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил ва тадқиқот натижаларига таянган ҳолда мамлакатимиз енгил саноатини ривожлантириш молявий жихатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини молиялаштиришни оптималлаштириш вариантлари ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш йўллари аспектида кўриб чиқамиз. Бу ўринда икки муҳим масалани, яъни молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш масалаларининг бир параграф доирасида кўриб чиқилиши бежиз эмас, албатта. Бунинг сабаби шундаки, бу ҳар икки масала, аввало, бир-бирини тақозо этади. Чунки молиялаштиришни оптималлаштиришни узлуксиз молявий барқарорликни таъминламасдан туриб амалга оширишнинг иложи йўқ. Ва аксинча, молиялаштириш оптималлаштирилмасдан туриб узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш мураккаб масалагича қолаверади. Шу сабабли бу ерда молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш масалаларини бир-биридан ажратмасдан, яхлит тарзда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда ва яқин истиқболда мамлакатимиз енгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молявий жихатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш аспектида қаралганда унинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Енгил саноат корхоналарининг юқори рентабеллик даражасини таъминлаш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молявий барқарорликни таъминлаш;

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш, ўз навбатида, молиялаштириш мақсадларига мўлжалланган молиявий ресурсларни оқилона жалб қилиш, унинг оптимал вариантларини танлаш вазифасини кун тартибига қўяди. Мамлакатимизда нисбатан қулай инвестицион муҳит яратилган бўлишига қарамасдан ҳар бир тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамон энг долзарб муаммолардан бири сифатида қолмоқда. Бу тўлиқ равишда мамлакатимиз энгил саноатига ҳам тегишли. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг фикримизча, тармоқда таркиб топган вазиятни етарли даражада оддий ёки номураккаб деб бўлмайди. Бундай ҳолат, энг аввало, тармоқ корхоналари асосий фондлари эскириш коэффициентининг юқорилиги, етарли даражада самарали бўлмаган технологиялардан фойдаланиш ва хом-ашё баҳосининг узлуксиз равишда ўсиб келаётганлиги кабилар билан белгиланади. Бундай вазиятда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг юқори даражадаги рентабеллигини таъминлаш мураккаб муаммолардан бирига айланмоқда.

Ҳолбуки, монографик тадқиқотимиз 2-бобининг 2-параграфида амалга оширилган тадқиқотларимиз натижалари мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида 2001-2015 йиллар учун ўртача рентабеллик кўрсаткичлари маҳсулот сотиш рентабеллиги бўйича 3,24%ни, асосий воситалар рентабеллиги 4,45%ни, айланма маблағлар рентабеллиги 10,35%ни, ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги 3,89%ни, ўз маблағлари рентабеллиги 4,32%ни, қарз маблағлари рентабеллиги 1,68%ни, мол-мулк рентабеллиги 1,82%ни ва умумий рентабеллик эса 7,35%ни ташкил этганлигини кўрсатган эди (2.2.9-жадвалга қаранг). Ушбу кўрсаткичларнинг даражалари алоҳида олинган йиллар кесимида кўриб чиқилганда вазиятнинг янада мураккаблиги яққол намоён бўлади (2.2.8-жадвал маълумотларига қаранг).

Бунинг устига, энгил саноат маҳсулотларининг Ўзбекистон истеъмол бозорида хуфёна импортнинг салмоғи нисбатан юқорилигича қолмоқда. Бунда Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан етказиб берилаётган паст сифатли энгил саноат маҳсулотлари ҳал қилувчи рольни ўйнамоқда. Хуфёна импорт товарлари маҳаллий маҳсулотларни бозордан сиқиб чиқармоқда, мамлакатимиз маҳсулотлари улар билан ишлаб чиқариш

харажатларини қисқартириш борасида рақобарлаша олмаяпти. Бунинг оқибатида, баъзи бир ютуқларимиз бўлишига қарамасдан, мамлакатимиз энгил саноатидаги инвестицияларни оммавий характерга эга деб айта олмаймиз.

Бундай вазиятда энгил саноатга йирик кредит муассасаларининг капиталини жалб қилиш учун мавжуд лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари кидириб топиш зарур. Бу ўринда, албатта, биринчи навбатда, гап уларнинг юқори рентабеллигини таъминлаш тўғрисида кетаётгани мутлақо аниқ.

Ҳозирги шароитда рентабелликни оширишнинг энг муҳим усул-ларидан бири замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқишга ишлаб чиқаришни қайта ориентация қилиш ва қўшилган қийматнинг янада ўсишини ўзида мужжасам этган маҳсулотни ишлаб чиқаришдир. Бу ҳолда маҳсулот сифатининг юқори даражадалиги ички бозорда бўш турган сегментни эгаллашга ва хорижий бозорларда муваффақиятли равишда рақобатлаша олишга имкон беради. Қўшилган қийматнинг орттирилган хиссаси эса корхонага қўшимча фойда суммаларининг оқиб келишини таъминлайди. Бу ғоя, яъни янги маҳсулотларни яратиш ва уларни бозорга олиб чиқиш ғояси бозорнинг етакчи (лидер)лари томонидан амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимиз энгил саноатида амалга оширилиши лозим бўлган янги лойиҳанинг моҳиятини, қисқача, қуйидагича ифодалаш мумкин: мерсерлаштирилган⁸¹ калавани ишлаб чиқарадиган ва фаолиятида бу билан боғлиқ бўлган технологик жараёнларнинг⁸² барча босқичларини ўзига қамраб оладиган фабрикани Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда биринчи марта яратиш.

Юқори технологиялардан самарали фойдаланишни тақозо этадиган мерсеризация цикли асосида энгил саноат корхонасини қайта қуриш лойиҳанинг тижорий жозибадорлигини ва унинг юқори рентабеллигини таъминлайди. Олий баҳо тоифасига кирувчи

⁸¹ Мерсерлаштирилган калава – бу қўшимча технологик қайта ишлашдан – мерсерлаштириш (каустик соданинг концентрлаштирилган аралашмаси билан қайта ишлаш)дан ўтган калава. Бунинг натижасида калаванинг узилувчанликка ва ювиллигига барқарорлиги ошади, у цилиндрлик шаклга эга бўлади ва шойига ўхшаш ятиради. Мерсерлаштирилган калавадан олий сифатли трикотаж буюмларини тайёрлашда фойдаланилади. Жумладан, ундан носки, футболка, поло, трикотаж буюмлари каби оммавий талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундай маҳсулотларнинг истеъмолчилар кенг доираси ўртасида машҳурлиги, биринчи навбатда, мерсерлаштирилган калаванинг табиий характеристикалари – юқори даражада мустақамлиги ва эластиклиги – билан боғлиқ.

⁸² Лойиҳада фойдаланиладиган технология мерсерлаштирилган калава ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини бир ишлаб чиқариш корпусига бирлаштиришни тақозо этади.

юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш мазкур компанияга жаҳон бозорига чиқишга имкон беради, вертикал интеграциялашувни яқунлаб ва маҳсулот баҳосида қўшилган қийматнинг ҳиссасини кескин ошириб, мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг ва жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг янада барқарор бўлишини таъминлайди.

Мерсерлаштирилган калавани ишлаб чиқариш бўйича миллий корхонани яратиш Ўзбекистон бозорида ҳозирги пайтда вужудга келган қулай вазиятдан ўз вақтида фойдаланишнинг оқибати сифатида эътироф этилиши мумкин. Чунки ҳозирги кунда Ўзбекистонда мерсерлаштирилган калавани ишлаб чиқариш мавжуд эмас. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари мерсерлаштирилган калавани хориждан сотиб олишга мажбурлар. Шу муносабат билан мерсеризация бўйича ўз корхонамизга эга бўлиш, биринчидан, хом-ашёни импорт қилишдан (бу, хусусан, транспорт харажатларининг кенг иқтисод қилинишини таъминлайди) ва иккинчидан, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатидан четлаб ўтишга имкон беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда электроэнергия, газ, сув ва айниқса, ишчи кучининг баҳоси Европа мамлакатлари билан таққослаганда анча пастлиги ҳеч кимга сир эмас. Экологик тартибга солишни ҳам унчалик қаттиқ деб бўлмайди. Булар, пировардида, мамлакатимизда яратилган фабриканинг Европа мамлакатларидаги ишлаб чиқарувчилар билан муваффақиятли равишда рақобат қилишига имкон беради. Европа Иттифоқини шакллантириш жараёнида Европада калава ишлаб чиқариш умумий тенденциясининг қисқараётганлиги эса бу калавани мамлакатимиздан бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилиниши истиқболлини оптимистик баҳолашга шароит яратади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, юқоридаги тарзда янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш катта миқдордаги янги иш ўринларини яратиш ва қўшимча солиқ тўловларининг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқ. Шу боис лойиҳанинг социал жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга эканлиги корпоратив инвесторлар (жумладан, тижорат банклари, улар орасида, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки) учун муҳим жозибадорлик омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу лойиҳани амалга оширишда мерсерлаштирилган калавани тайёрлаш учун Италия ва

Швейцариянинг энг янги дастгоҳларини сотиб олиш талаб қилинади ва улар бу мақсадлар учун махсус равишда тайёрланган маълум бир шаҳардаги алоҳида ишлаб чиқариш корпусида ўрнатилмоғи лозим.

Ҳисоб-китоблар лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган молиялаштириш ҳажмининг 15,0 млн. евро атрофида эканлигини кўрсатмоқда. Унинг асосий қисми ТИФ Миллий банкининг кредит маблағлари бўлиши мумкин.

Албатта, энгил саноат тармоғи учун бундай кенг кўламли лойиҳани молиялаштиришни ташкил этиш молиявий консултантнинг бўлишини тақозо этади. Бу вазифани замонавий тажрибага эга бўлган бирор бир компания ва унинг малакали ходимлари бажариши мумкин. Ишнинг дастлабки босқичида консултантнинг асосий вазифаси таклиф этилаётган лойиҳанинг инвестицион жозибдорлиги ва самарадорлигини баҳолашдан иборат бўлади. Зарурий маълумотлар тўпланган ва таҳлил қилингандан сўнг лойиҳанинг молиявий-математик модели яратилиши ва унинг асосида эса лойиҳанинг батафсил бизнес-режаси ишлаб чиқилмоғи лозим.

Ундан сўнг лойиҳанинг техник-иқтисодий таҳлили натижаларига эътибор бериш керак. Улар, албатта, лойиҳанинг юқори иқтисодий самарадорлигидан, ташқи нуқулай омиллар таъсирига нисбатан яхши барқарорлигидан, бир томондан, ташкилотчи-компанияга ва иккинчи томондан эса, молиявий ресурсларни етказиб берувчи потенциал иштирокчиларга фойдалигидан дарак бермоғи лозим. Шундан кейин лойиҳа потенциал кредиторга кўриб чиқиш учун берилиши керак. Потенциал кредитор лойиҳани амалга ошириш борасида ўзининг дастлабки розилиги бериши ва молиялаштиришнинг тахминий шартларини аниқлаши лозим. Ундан сўнг битимни тайёрлаш бўйича ишлар – лойиҳада иштирок этаётган компания молиявий ва юридик ҳужжатларининг тўлиқ пакетини шакллантириш, шунингдек, гаров шартномасини тузиш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳ.к.лар - бошлаб юборилиши зарур.

Лойиҳани молиялаштириш типли лойиҳавий рисклар билан боғлиқ бўлганлиги учун битим схемасини ишлаб чиқишда таклиф этилаётган таъминотнинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Хусусан, дастгоҳларни тайёрлаш ва уларни етказиб бериш, ҳеч бўлмаганда, олти ойни эгаллаганлиги учун кредиторларнинг рискини камайтириш мақсадида сотиб олинadиган дастгоҳнинг

қийматини тўлашда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва ишончли шаклларида бири, масалан, аккредитив шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилиши мумкин. Уни амалга ошириш учун ташкилотчи-компания, консультант ва кредитор-банк хорижий мол етказиб берувчилар (Италия ва Швейцария фирмалари) билан музокаралар олиб бориб, улар давомида аккредитив шартлари мувофиқлаштирилиши, етказиб бериш шартномаларининг лойиҳалари тайёрланиши ва зарурий молиялаштириш ҳажми аниқлаштирилиши лозим. Натижада лойиҳа бўйича тайёрланган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети молиялаштириш тўғрисида якуний қарорни қабул қилиш учун кредитор-банкка тақдим этилиши керак.

Шуни қайд этиш керакки, самарадорликни таҳлил қилиш ва ташкилий ишлар билан бир қаторда ушбу лойиҳанинг молиявий консультанти олдида турган вазифаларга яна унинг кредитор-банк ва ташкилотчи-компания учун жозибadorлигини ошириш ҳам киради. Шу мақсадда банк-кредиторнинг хохиш-истаклари ва ташкилотчи-компаниянинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг ташкилий ва молиявий схемаларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш ишларини амалга ошириш зарур. Бунда лойиҳа муваффақиятли амалга оширилганда кредит бўйича фоиз ставкасини пасайтиришга доир таклифлар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Охир-оқибатда, юқорида бажарилган ишлар ўз вақтида молиялаштиришни жалб қилиш даражасида лойиҳанинг инвестицион жозибadorлигини ошириши ва кредитор-банк Ўзбекистон енгил саноатида энг йирик лойиҳалардан бирини молиялаштириш учун кредит ресурсларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинки, бу ўз навбатида, молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

2. Ўзбекистон енгил саноатида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқа-рорликни таъминлаш;

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири мулкчилик муносабатларини қайта қуриш ва бозорнинг турли-туман институтларини янада ривожлантириш бўлиб, уларсиз замонавий бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Ана шундай институтлардан бири молия-саноат гуруҳлари (МСГ) бўлиб, Ўзбекистон иқтисодиётида уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий ишлаб чиқариш ривожининг

талаб-эҳтиёжларига мос келади ва жаҳон хўжалигидаги реал воқеликка жавоб беради. Ҳозирги вақтда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий капиталнинг sanoat капитали билан қўшилиши фаол содир бўлмоқда. Бунинг натижасида МСГ вужудга келмоқда. Бу жараён замонавий ривожланган иқтисодиётнинг объектив барқарор тенденцияларини ўзида мужассам этади. Капиталлар асосий кўриниш (тур)ларининг ўзаро алоқадорлиги шу даражага етадики, уларнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги мумкин бўлмай қолди.

Молия-sanoat гуруҳлари – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, рақобатбардошликни ошириш ва товарлар ҳамда хизматлар таъминоти бозорини кенгайтиришга йўналтирилган, инвестицион ҳамда бошқа лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун технологик ва иқтисодий интеграция мақсадларида молия-sanoat гуруҳларини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома асосида ўзларининг моддий ва номоддий активларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган, асосий ва «қиз» жамиятлар тарзида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар мажмуидир⁸³.

Бизнингча, Ўзбекистон енгил sanoatinинг ҳозирги ҳолати бу соҳада янги вертикал-интеграллаштирилган корпоратив тузилмани шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу борда бошқарувнинг дастурий-мақсадли методидан фойдаланиш, энг аввало, мамлакатимизнинг турли минтақаларида кўплаб корхоналарнинг жойлашганлиги ва иқтисодиётнинг барча секторларида тармоқлараро алоқаларнинг кенглиги билан белгиланади. Бундан ташқари, хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар, савдо ташкилотлари ва молия-кредит муассасаларининг бирлаштирилиши маҳсулотларни етказиб бериш бозорларининг фаолият кўрсатиш, шакллантириш ва ўрганишни ташкил қилишга, инвестициялар ва молиявий ресурсларни самарали бошқаришга ёрдам беради. Ихтисослаштирилган савдо фирмалари, савдо уйлари, доимий фаолият кўрсатувчи виставкалар, ярмаркалар, минтақавий ва минтақалараро информацион компьютер тармоқларини бирлаштириш товарларнинг ишлаб чиқарувчилардан

⁸³Иқтисодий адабиётларда мазмун ва моҳиятан бир-бирдан кескин фарк қилмас-да, лекин шаклан бир-бирдан бироз фарк қилувчи МСГга берилган шунга ўхшаш таърифларни учратилишимиз мумкин. Масалан, бу тўғрисида батафсил қаранг: Атаниязов Ж.Х., Абдувалиев С.А., Қудратов С.Р. Молия-sanoat гуруҳларини шакллантириш: назарий-амалий жиҳатлар ва истиқболлар. – Т.: «Академнашр», 2012. 10-12 бетлар.

истеъмолчилар томон ҳаракатланишининг самарадор-лигини кескин оширишга имкон беради. Илмий муассасаларни саноат корхоналари билан бирлаштириш эса техникавий тараққиётни тезлаштириш имконини беради ва маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш остида универсал дастгоҳларни тез ўз ўрнига қўйиш ҳисобидан корхоналарга мобиллиликни бериш мақсадида турли кўринишдаги хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлашда турли технологик жараёнларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, вертикаль интеграциялашув рақобатбардош саноат тузилмаларининг қад кўтаришига, капитал ва ишлаб чиқариш қувватларининг концентрациялашувига олиб келади. Трансакцион харажатларнинг пасайиши ва ишлаб чиқариш оралиқ маҳсулотларини эгри (билвосита) солиққа тортишнинг камайиши ҳисобидан у ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширади. Маҳсулотнинг юқори ликвидлиги, катта миқдордаги асосий фондларнинг мавжудлиги ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги хорижий инвесторлар томонидан вертикал интеграциялаштирилган тузилмалар лойиҳаларини ишонч билан молиялаштириш мумкинлигига кафолат сифатида қаралади. Ўз навбатида, вертикаль интеграциялаштирилган тузилмалар бу инвестицияларнинг керакли қайтим билан таъминлашга қодирдир. Бундай ривожланиш (тараққиёт) ички ва ташқи бозорларда муваффақиятли рақобатлаша оладиган корпоратив тузилмаларни яратиш билан боғлиқ бўлган вазифани ечишга имкон беради⁸⁴.

Корхоналар вертикаль интеграциялашувининг муҳим оқибатларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

⁸⁴Юқоридagi афзалликлари ёки ижобий томонлари билан бир қаторда МСГнинг камчиликлари ёки салбий томонлари ҳам бор. Хусусан, МСГнинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши бозорда монополашувга олиб келиши, натижада давлат томонидан МСГ фаолиятига нисбатан чекловларнинг жорий этилиши, юқори фойда олиш имконияти камайиши мумкин. Шунингдек, умумий акциядорлик капиталини бошқаришда кийинчилликлар вужудга келиши, бошқарув тизими ёмонлашуви, мулдорлар ўртасида келишмовчиликларнинг кучайиши, капиталнинг ҳаракати ва киймати ҳақидаги ахборот номутаносиблигининг ортиши ва х.к.лар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳам юзага келиш эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис МСГни вужудга келтириш сари тегишли қарорлар қабул қилинаётган пайтда уларнинг ана шундай камчиликларга ёки салбий томонларга эга эканлиги қарор қабул қилувчиларнинг доимо диққат марказида турмоғи ва улар бу борадаги юқотмаларни иложи борича минималлаштириш чораларини ҳам кўрмоқлари лозим. МСГга тегишли бўлган баъзи бир нуқсонларнинг мавжуд бўлиши мамлакатимиз снгил саноат корхоналари тараққиёт истиқболларини белгилаш молиявий жиҳатларини такомиллаштириш қаралаётганда уларни тузишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳусусидаги қарорнинг қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу ўринда фақат ижобий томонларга эга бўлган ечимни топишга ҳаракат қилиш беҳуда уриниш билан баробар. Чунки ҳар қандай ҳолатда бўлгани каби бу ерда ҳам табиат ва жаҳиат тараққиётининг асосий қонунаридан бири бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ўз кучини намойиш қилади, албатта.

а) хом-ашёвий таъминотнинг назорат қилинадиган манбалари билан таъминлаш;

б) якуний маҳсулотни сотиш бозорлари устидан назоратни амалга оширишга корхоналарнинг интилиши;

в) капитал ва ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, ягона инфратизилма ва капитал, қувватлар, хом-ашё ва маҳсулотлар оқими билан маневр қилиш ҳисобидан бутун ишлаб чиқариш доираси (масштаби)да иқтисод қилиш имконияти;

г) табиий, технологик ва иқтисодий омиллар билан белгиладиган ва самарали бошқариладиган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва тайёр маҳсулот таъминотини яратиш зарурлиги;

д) вертикаль тузилмали компанияларнинг жаҳон бозорига интеграциялашувига кўмаклашиш ва бундай тузилмаларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, жаҳон амалиётида МСГнинг таркибига кирувчиларни куйидагича ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилган:

а) молиявий-иқтисодий блок – ўз ичига банклар, суғурта, лизинг, инвестицион, траст, пай фондлари ва компанияларни камраб олади. Бу блокнинг асосий вазифаси молиявий маблағларни аккумуляция қилиш, молиявий бошқарув, гуруҳнинг турли корхоналари томонидан молиявий маблағларга бўлган буюртма (ариза)лари ўртасида мувозанат (баланс)ни ушлаб туриш, инвестицион сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат;

б) индустриал-саноат блок. Бу блок саноат корхоналаридан иборат. Корхоналарнинг бундай бирлашмаси, одатда, ишлаб чиқариш холдинги шаклини олади. Холдинг асосини бош фирма ташкил этади ва унинг атрофида «қиз» корхоналар тўпланади (қаторлашади). Бундай таркибий тузилма технологик параметрларга, ишлаб чиқаришнинг бир маромдалигини таъминлашга ва маҳсулот сифатига риюя этишга эришиш имконини беради;

в) савдо-тижорий блок. Бу блок гуруҳ барча иштирокчиларининг манфаатларига мос келадиган маҳсулотни етказиб бериш ва сотиш фаолияти билан шуғулланадиган йирик савдо компаниясидан иборат бўлади.

Фикримизча, мамлакатимиз енгил саноат корхоналарини ҳам камраб олган МСГни яратишнинг стратегик мақсадлари куйидагилар бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон энгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш салоҳиятини янада кучайтириш;
- инвестицион фаолиятни фаоллаштириш учун тармок корхоналари молиявий ресурсларини аккумуляция қилиш;
- потенциал инвесторлар нуқтаи-назаридан энгил саноат корхоналари имижини ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энгил саноат корхоналари томонидан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўли билан импорт ўрнини босиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш.

Белгиланган стратегик вазифаларни бажариш учун, бизнингча, энгил саноат корхоналарини ривожлантириш Мақсадли инвестицион фондини (ЕСКРМИФ) шакллантириш (таркиб топтириш, тузиш, вужудга келтириш, яратиш) мақсадга мувофиқ. Бир вақтнинг ўзида, бу ЕСКРМИФ мамлакатимиз энгил саноат корхоналари ривожланиш истиқболлари молиявий жиҳатларини тақоомиллаштиришнинг асосий йўналишлари молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш кесимида қўрилаётганда унга хизмат қилувчи вариантлардан бири сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Бу ўринда, ЕСКРМИФни шакллантириш манбаи сифатида МСГ таркибига кирувчи ҳар бир корхонанинг олган фойдасидан маълум бир фоиз ажратиш қаралиши лозим. Бу ҳолда капитал иқтисодий моҳиятининг ўзгариши содир бўлади, яъни унинг моҳияти мулкдан ривожланиш функциясига айланади. Бироқ, бу ерда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бундай ЕСКРМИФни шакллантириш учун унинг мақомини аниқлайдиган республика миқёсида қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳам зарур.

Шакллантирилиши ёки ташкил этилиши лозим бўлган МСГнинг таркибий тузилмасида энгил саноат корхоналарига замонавий дастгоҳлар ва технологияларни етказиб беришга ихтисослашган лизинг компаниясининг киритилишини ҳам, иложи борида, кўзда тутиш керак. Чунки ҳозирги пайтда лизинг ҳар қандай саноат корхонасида инвестицион фаолиятни фаоллаштиришга хизмат қилувчи замонавий самарали механизмларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг устига, МСГ таркибига киришнинг лизинг компанияси учун ҳам фойдалилик томонлари бор. Бир неча йирик мижозларнинг мавжудлиги, рисклилик даражасининг пасайиши, молиявий лизингдан ташқари сервис ва

қайтарилувчан лизинглардан фойдаланиш орқали лизинг турли хилларини қўллаш имкониятининг вужудга келиши (мавжудлиги) ва ҳ.к.лар ана шулар жумласидандир.

Фикримизча, МСГнинг таркибига кириш суғурта компаниялари учун ҳам қизиқарли ва манфаатли ҳисобланади. Чунки бу ҳолда бундай суғурта компанияси а) гуруҳ иштирокчи-корхоналари ва уларнинг ходимларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига ва йирик суғурта шартномаларини тузиш имкониятига эга бўлади; б) МСГда иштирок этувчи мижозлар тўғрисида етарли даражада маълумотлар бўлганлиги учун риск даражаси кескин камайди; в) гуруҳий шартномалар тузишга имконият пайдо бўлади.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, INTERNET глобал компьютер тармоғининг маълумотларига кўра МСГ учун хизмат кўрсатишга ихтисослашган суғурта компаниялари ўртача рентабелликнинг даражасидан 5,0% юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда.

Банк учун МСГнинг таркибига кириш йирик потенциал мижозни қўлга киритиш ва иштирокчи-корхоналарнинг молиявий аҳволи ва бошқа ҳолатлар тўғрисида аниқ маълумотларнинг мавжудлиги натижасида рисклилиқ даражасининг кескин камайиши билан изоҳланади.

Давлат унитар корхоналарининг МСГ таркибига кириши эса гуруҳ корхоналари фаолиятини иқтисодиёт тараққиётининг устувор йўналишлари ва бюджет буюртмаси доирасида буюмларни тайёрлаш регламентига мувофиқ индикатив режалаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда халқаро амалиётда вертикал интеграциялаштирилган МСГнинг афзалликлари дисконтлаштиришни ҳисобга олган ҳолда кириб келаётган ва чиқиб кетаётган пул оқимларини таққослаш асосида аниқланади. Бир вақтнинг ўзида, бизнинг амалиётимизда вертикал интеграциялашган таркибий тузилмаларни яратиш (вужудга келтириш)нинг самарадорлигини баҳолаш махсус методикалари мавжуд эмас. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, енгил саноатда унча катта бўлмаган корхоналарнинг вертикал интеграциялаштирилган таркибий тузилмага қўшилиши (қўшилиб кетиши)нинг самарадорлигини баҳолаш учун Альтманнинг модернизация қилинган «Z»-моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу модель, дастлаб, қўшилгунга қадар алоҳида олинган корхонанинг молиявий барқарорлигини характерлайди ва сўнг эса,

қўшилгандан кейин вертикал интеграциялашган компаниянинг барқарорлигини ифодалайди.

Бу «Z»-модель куйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

$$Z = 1,2 * X1 + 1,4 * X2 + 3,1 * X3 + 0,6 * X4 + 1,0 * X5, \quad (1)$$

Бу ерда: X1 — ишчи капиталнинг умумий активларга нисбати. Бунда ишчи капитал айланма маблағлар ва жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

X2 — тўпланган (жамланган, йиғилган) капиталнинг умумий активларга нисбати. Тўпланган (жамланган, йиғилган) капитал корпорация капиталининг шундай қисмидирки, у ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда ҳисобидан ташкил топади;

X3 — баланс фойданинг умумий айтивларга нисбати;

X4 — корпорация капиталининг умумий қарзга нисбати;

X5 — сотув ҳажмининг умумий активларга нисбати.

«Z»-модельнинг ўлчамини қўшилишгача ва ундан сўнг таққослаш вертикал интеграциялаштирилган компания яратилишининг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Агар таққосланганда, қўшилгандан сўнг «Z»нинг ўлчами «Z» ўлчамнинг компания қўшилгунича ўлчамидан ўсган бўлса, у ҳолда интеграциялаштирилган компания алоҳида олинган компанияларга нисбатан юқорирок (муштаҳкамрок) молиявий барқарорликка эга бўлади.

Бу методдан фойдаланиш ҳисоб-китобларнинг оддийлиги билан ажралиб туради. Бунда вертикал интеграциялаштирилган компания яратилишининг экспресс-таҳлил қилиш учун компания фаолияти тўғрисида расмий равишда эълон қилинган ёки нашр этилган ҳисоботларнинг ўзи етарли эканлиги ва одатда, қаттиқ конфеденциаль бўлган қўшимча иқтисодий маълумотларнинг талаб этилмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Бизнинг фикримизча, енгил саноатга қўллаш нуктаи-назаридан вертикал интеграциялашган компанияни яратиш самарадорлигини экспресс-таҳлил қилиш методини мослаштириш мақсадида «Z»-модель таркибига кирувчи омиллар таркибини бироз ўзгартириш керак. Шу маънода амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотлар натижалари енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган ва муҳим

аҳамиятга эга бўлган омил сифатида жорий ликвидлилик коэффициенти эканлигини кўрсатди. Ундан сўнг эса, назаримизда, яна қуйидагилар, таъсирчанлик нуқтаи-назаридан пасайиб боришига қараб, шундай омиллар қаторига кириши мумкин:

- а) умумий тўлов қобилияти кўрсаткичи;
- б) ўз капиталининг рентабеллиги;
- в) корхонанинг капитализация коэффициенти;
- г) менежмент коэффициенти;
- д) корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти.

Корхонанинг капитализация коэффициенти Ўзбекистон шароитида баланс бўйича корхона капиталининг қиймати пасайтирилганлиги учун корхона касодга учраш рискинни етарли даражадаги аниқликда баҳолашга имкон беради. Менежмент коэффицентини ҳисоблашда реализациядан тушумнинг корхона жорий мажбуриятларига нисбати тарзидаги методнинг қўлланилиши ҳам солиққа тортиш тизимининг Ўзбекистонга хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқади. Одатда, менежмент коэффицентини фойданинг тушумга нисбати орқали аниқланади. Аммо Ўзбекистон шароитида деярли барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, энгил саноат корхоналари ҳам, барча «усул»ларни қўллаган ҳолда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим бўлган фойда суммасини, иложи борича, камайтиришга ҳаракат қилишади. Шу сабабли бундай шароитда менежмент коэффицентининг андозавий тарзда ҳисобланиши (аниқланиши) корхонанинг молиявий барқарорлигига нисбатан ҳаққоний қарорнинг қабул қилинишига имкон бермайди. Шу сабабли, баъзи бир иқтисодчи олимлар⁸⁵нинг фикрича, менежмент коэффицентини маҳсулот реализациясидан олинган тушумнинг корхона жорий мажбуриятларига нисбати орқали аниқлаш вазиятни ҳақиқийроқ баҳолашга ёрдам беради. Хусусан, бунда корхонанинг фойдани олиш манбаларидан қанчалик самарали фойдаланаётганлиги маълум бўлади.

Энгил саноат корхоналарининг қўшилгунга қадар ва қўшилгандан сўнг алоҳида молиявий кўрсаткичларини таққослаш асосида мамлакатимиз энгил саноатида вертикал инеграциялашган компанияларнинг яратилиши, энг кўп (катта)роқ даражада, капитализация коэффицентини ва корхонанинг умумий тўлов қобилияти

⁸⁵ Жумладан, бу ерда россиялик Я.Д. Вишняков, А.В. Колосов, В.Л. Шемякин ва бошқа олимларнинг илмий изланиш натижалари назарда тутилмоқда.

кўрсаткичида ўз ифодасини топади, деб хулоса чиқариш мумкин. Шунга боғлиқ равишда эса йирик енгил саноат компаниялари молиявий тузилма (институт)лар томонидан (нуқтаи-назариди) инвестициялар учун кўпроқ жозибатор ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мантиқий кетма-кетликда амалга оширилган илмий-амалий, таҳлилий ва башоратий тадқиқотларимиз енгил саноатда молиялаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни, жумладан, МСГларини ташкил қилиш ва инвестицион лойиҳаларни баҳолаш методикасини такомиллаштириш орқали ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

3. Енгил саноат корхоналарини кредитлаштириш тизимини кескин кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш;

Бу ўринда, дастлаб Германия тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Монографиямиз I бобининг 2-параграфидида қайд этилганидек, бу мамлакатнинг молиявий тизими универсал банкларга таянган бўлиб, улар тижорат банклари, кооператив кредит ва ҳар хил ижтимоий-ҳуқуқий кредит институтларини ўз ичига қамраб олади. Сўнги икки типдаги институтлар (XIX асрда пайдо бўлган ва Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз фаолиятини интенсив кенгайтирган)нинг асосий вазифалари ўз аъзоларининг эҳтиёжларини, шу жумладан, турли-туман молиявий инструментларни қўллаш йўли билан, қондириш ҳисобланади. Биринчи навбатда фойда олишга қаратилган тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, кооператив ва бошқа молиявий институтлар, улар тараққиётини стимуллаштириб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва кредитлаштириш учун имкониятларнинг кенг спектрини тақдим этадилар.

Енгил саноат корхоналарини кредитлаштириш тизимини кескин кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш масаласини оқилона ҳал этишга киришилаётганда, албатта, бу борадаги Германия тажрибаси Ўзбекистон амалиётига кўр-кўрона ёки автоматик тарзда кўчирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, бу йўналишда тегишли қарорлар қабул қилинаётганда, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиб топган ўзига хос хусусиятлари, молия-кредит тизимининг тараққиёт даражаси ва

унинг имкониятлари, енгил саноат корхоналарининг реал молиявий ҳолати ва бошқа бир қанча омиллар ҳисобга олиниши керак.

Шунингдек, енгил саноат корхоналарини кредитлаштириш тизимини кескин кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш борасида тегишли қарорлар қабул қилинаётганда, бизнинг фикримизча, яна масаланинг қуйида қисқача тарзда баён қилинаётган жиҳатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Маълумки, ҳозирги шароит, яқин келажак ва ниҳоят, узок истиқболда ҳам енгил саноат корхоналарида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг қўламини янада кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада юқори босқичга олиб чиқиш мумкин. Бунда енгил саноатдаги жорий вазият давлат ҳокимиятининг оператив ҳаракатларига кучли даражада боғлиқ бўлиб қолади. Бундай шароитда, жумладан, енгил саноат корхоналари учун кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг кескин ўсишига йўл қўймаслик, унинг ўртача ставкасини пасайтириш йўлларини қидириб топиш, тижорат банклари томонидан кредитларни муддатидан олдин қайтариш талабларини кун тартибига қўймаслик ва гаров базасини ошир (ўстир) маслик устида изчил назоратни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Енгил саноат корхоналари доирасида бу борадаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун, бизнингча, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

а) тармоқ корхоналарига хом ашё ва дастгоҳларни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

б) берилётган ёки олинаётган кредитлар бўйича давлат кафолатлари механизmidан максимал равишда фаол фойдаланиш, ҳам инвестицион мақсадларга ва ҳам айланма маблағларни тўлдиришга кредитларни беришда паст гаров базасидан фойдаланиш. Бунда, шунингдек, енгил саноат корхоналарининг унча катта бўлмаган капитал сифимига эга эканлигини инобатга олган ҳолда кредитлар бўйича бериладиган давлат кафолатлари суммасини маълум даражада камайитириш керак. Гап бу ўринда кредитлар бўйича берилётган давлат кафолатларининг ўрнатилган меъзонларини камайитириш хусусида кетмоқда. Бундай тарзда иш тутилиши, фикримизча, енгил саноат корхоналари учун зарур бўлган «узун» пулларни олиш имконини беради. Худди шу

мақсадларга Кредит кафолатлари бўйича агентлик ҳам хизмат қилиши мумкин;

в) бизнингча, бу борада субсидиялар тақдим қилишга дахлдор бўлган амалдаги меъёрий-ҳуқуқий актларга ҳам бироз ўзгартириш киритиш керак. Хусусан, улардаги «қайта молиялаш ставкаси» тушунчасининг ўрнига «таянч ставка» тушунчасини қўллаш мақсадсиз мувофиқ. Шунга мос равишда, таянч ставкани субсидиялаштиришни ошириш ва унга табақалаштирилган ҳолда ёндошиб, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда 100,0% гача етказиш лозим;

г) энгил саноат корхоналарининг кредитлари бўйича субсидияларни аванслаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, гап бу ўринда тўланиши навбатдаги йилга мўлжалланган (режалаштирилган) фойзаларга тегишли бўлган субсидияларни шу йилнинг ўзида аванслаштириш тўғрисида кетмоқда;

4. **Энгил саноат корхоналари молиялаштириш тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш;**

Бунда, энг аввало, тармоқ тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган субсидияларга алоҳида ўрин ажратилмоғи лозим. Бу борада Хитой тажрибасидан фойдаланиш, бизнингча, муаммони ижобий ҳал этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Монографиямиз I бобининг 2-параграфида биз бу йўналишда Хитой амалиётида маълум бир натижаларга эришилганлигини қайд этган эдик. Шу муносабат билан энгил саноат тармоғи тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар, аввало, бир неча махсус фондларни шакллантиришга йўналтирилмоғи лозим.

Бизнингча, «Энгил саноатни реструктуризация қилишни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон компанияларини байналминлаштириш бўйича махсус фонд»ана шундай фондлардан бири бўлиши мумкин. Бунда фонднинг маблағларини, асосан, икки йўналишга сарфлаш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан, Фонд маблағларининг асосий қисми технологик ривожлантириш ва реструктуризация қилишга, қолган қисми эса компанияларни байналминлаштиришга сарфланмоғи лозим. Фонд технопарклар

ва дистрибуторлик каналларини яратиш, янги технология-ларни жорий қилиш, бренд-менежмент, маркетинг, интеллектуаль мулк эгаларини ҳимоя қилишни мақсадли субсидиялар шаклида қўллаб-қувватлашни кўзда тутиши зарур. Шунингдек, алоҳида компаниялар ва мамлакатнинг алоҳида олинган маъмурий ҳудудлари ҳам Фонддан маълум бир миқдордаги маблағларни сўраш имкониятига эга бўлишлари керак.

Назаримизда, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ўртасида таркиб топган ўзаро алоқаларни ҳисобга олган ҳолда «Қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва тўқимачилик индустриясида савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш фонди», жумладан, давлатнинг мақсадли субсидиялари ҳисобидан шакллантириладиган фондларнинг иккинчиси бўлмоғи лозим. Фонднинг фаолияти, хусусан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, халқаро ва миллий кўргазлар, семинарлар ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширишга субсидиялар беришга йўналтирилган бўлиши шарт.

Ва ниҳоят, фикримизча, «Брендлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш махсус фонди» ана шундай фондларнинг учинчиси бўлиши мумкин. Фонднинг маблағлари эса миллий брендларни яратиш ва мустаҳкамлаш бўйича компаниялар ва маъмурий ҳудудлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Енгил саноат корхоналари молиялаштириш тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида юқорида таклиф этилаётган Фондларни вужудга келтириш ва уларнинг ҳаракатланиш механизмини яратиш тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ, албатта. Шу маънода бундай меъёрий ҳужжатларда юқорида таклиф этилаётган ҳар бир фонднинг мақсади, уларнинг олдига қўйилаётган комплекс вазифалар, фондларни шакллантиришнинг аниқ манбалари ва улар маблағларини сарфлашнинг конрет йўналишлари ўз аксини топмоғи лозим.

5. Молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларида бири бўлган лизингдан янада кенгроқ фойдаланиш орқали енгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш;

Бунда лизингдан фойдаланиш жараёни, бизнинг фикримизча, ўз ичига молия-саноат гуруҳининг қуйидаги иштирокчиларини қамраб олиши керак: а) лизинг компанияси; б) инвестиция фонди; в) савдо компанияси; г) информацион компания; д) бош фирма; Шунингдек, лизинг операциясини амалга ошириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлмоғи лозим: а) лизинг шартномасини имзолаш; б) мол-мулкни сотиб олиш; в) мол-мулкни етказиб бериш; г) лизинг компанияси томонидан мол-мулкни сотиб олиш операциясини банк орқали кредитлаштириш (зарур бўлган ҳолларда); д) мол-мулк қийматини тўлаш; е) лизинг тўловларини тўлаш; ё) кредитни қайтариш.

Енгил саноат корхоналарининг молия-саноат бирлашмаси доирасида лизингнинг ривожланиши мамлакат миқёсида қуйидаги ижобий ҳолатларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин:

а) енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Бунинг натижасида мавжуд талаб учун етарли даражадаги таклифнинг бўлиши таъминланади;

б) ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияларнинг кириб келиш суръатлари ошади (кучаяди). Бу эса, ўз навбатида, тараққий этган мамлакатларга нисбатан мамлакатимизнинг тенг бўлишига имкон яратади;

в) енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибий тузилмаси такомиллаштирилади. Уларни ишлаб чиқариш жараёнида қайта тақсимлашнинг тўғри йўлга қўйилиши мамлакатнинг хом-ашё, меҳнат ва молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишга олиб келади;

г) енгил саноат маҳсулотларининг импорти камаяди. Бу маҳсулотларнинг мамлакат миллий иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарилиши таъминланади.

Юқорида қайд этилганлар қуйидагиларни ўз ичига олган комплекс ёндошув натижасида ҳал этилиши лозим:

а) енгил саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини институци-онал тартибга солишни янада фаоллаштириш;

б) енгил саноат корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини максимум инобатга олган ҳолда ва уларга мувофиқ равишда инвестицион лойиҳаларни баҳолаш тизимидан кенг фойдаланиш;

в) енгил саноат корхоналари фаолиятида янги лизинг схемаларини қўллаш;

г) мамлакат энгил саноат корхоналари инвестицион жозибадорлигини ошириш механизмини ишлаб чиқиш.

6. Энгил саноат маҳсулотлари реализацияси жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий объектлари ёрдамида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш;

Энгил саноат маҳсулотлари реализацияси жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий объектлари қаторига бу саноат корхоналари даромадларининг асосий манбаи бўлган маҳсулотлар реализациясидан тушумни бошқаришни оптималлаштиришдир. Бу кўрсаткичнинг даражаси корхона фаолиятининг молиявий натижасини ва демак, фаолиятни молиялаштиришнинг ўз манбалари даражасини бевосита аниқлаб беради. Тушумнинг бевосита даражаси эса маҳсулот баҳоси даражасига, шу жумладан, уни аниқлаш методларига, шунингдек бу нарса қатор муаллифларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш ҳажми, рақобатбардошлик, ўхшаш иқтисодий шароитларда сотиб олинadиган бозордаги шунга ўхшаш ёки айнан бир хил товарларнинг мавжудлиги, талабнинг эластиклиги, ишлаб чиқариш зарарсизлик нуқтасининг даражасига боғлиқ. Бу ўринда маҳсулотни истеъмол қилиш тармоқ таркибий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларига кўра маҳсулотни катта миқдорда (73,0-78,0%) тармоқ ичида истеъмол қилиниши шароитида корхоналарда тушумнинг ўсиши охириги (якуний) истеъмолчи учун маҳсулотни тайёрловчи ва технологик жараённинг навбатдаги босқичида турган тармоқдаги бошқа корхоналарнинг харажатлари даражасига бевосита таъсир қилади.

Даромадларнинг ўсиши ва шунга мос равишда, корхона молиявий натижаларининг яхшиланиши (ортиши) ҳамма вақтда ҳам корхонада пул маблағлари ёки бошқа активларнинг келиб тушиши факти билан тўғридан-тўғри боғлиққа эга бўлавермайди. Шунга боғлиқ равишда маҳсулот реализацияси жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришнинг объектларига ҳисоб-китоблардаги маблағларни – дебиторлик қарзларини, шу жумладан, сотиб олувчилар ва буюртмачилар қарзларини бошқаришни оптималлаштиришни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Энгил саноат корхоналари контрагентларининг қарзлари, статистик маълумотларга қараганда, айланма активларнинг 50,0%гача бўлган қисмини ташкил этган бир пайтда, бир вақтнинг ўзида пул

маблағлари суммаси – 2,0% дан 3,0% гачага тенг бўлмоқда. Бундай нисбат, ўз навбатида, айланма маблағларнинг паст даражада айланишига ва демак, яхлит тарзда олиб қараганда, айланма капиталдан фойдаланишнинг етарли даражада эмаслигига олиб келади. Ҳисоб-китоблардаги маблағларнинг тўхтаб қолиши уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидан вақтинчалик (умидсиз қарзлар мавжуд бўлганда эса – маблағларнинг айланмадан тўлиқ олинисини) чиқиб қолишини, айланма активлар рентабеллигининг пасайишини, қиммат турувчи жорий кредитлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлишини англатади. Ўз навбатида, кредитлаштиришнинг жалб қилиниши кредит ресурсларнинг (ҳақ) тўловлиги муносабати билан харажатларнинг ортишига олиб келади. Бу эса, корхонанинг молиявий натижаларини бевосита пасайтиради. Шубҳали ва умидсиз қарзларнинг суммаси маблағлар бир қисмининг нафақат айланмадан чиқиб кетишига, балки корхона фаолияти молиявий натижаларининг пасайишига ҳам олиб келади. Чунки корхонанинг қарори бўйича пайдо бўлган вақтида ёки қарзлар суммаси ундиришга нисбатан умидсиз деб эътироф этилганда уларнинг қўшимча харажатлари пайдо бўлади.

Ҳисоб-китоблардаги маблағларнинг тўхтаб қолиши ёки улардан тўлиқ воз кечилиши кредиторлик қарзларини узиш муддатларининг ўтиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, жарима ва «неустойка»лар тизимининг қўлланишига, кредитлаштиришнинг зарурлигига, кафолат ва таъминот остида мулкнинг четлаштирилишига, харажатлар даражасининг ортишига олиб келадик, охир-оқибатда, улар молиявий натижаларни пасайтиради.

Харидорлар қазларининг маълум ҳиссасини ортиб жўнатилган товарлардаги маблағлар ташкил этади. Айланма активларнинг бу кўриниши ишлаб чиқариш корхоналарида объектив равишда вужудга келади. Чунки мулк ҳуқуқининг ўтиш тартиби тайёр маҳсулотлар омборидан товарларни ортиб жўнатиш вақти билан ҳар доим ҳам боғлиқ бўлавермайди. Кўрсатилган маблағларнинг бир қисми қисқа муддатларда дебиторлик қарзларига айланади. Бошқа бир қисми эса – харидорлар билан нифок (келишмовчилик) келиб чиққанда ёки реализация жараёнларининг хусусиятларига кўра – харидорларда масъул сақлашда бўлган товарларга айланади. Шундай қилиб, корхона тушумлари манбаининг асосий манбаи сифатида айланма маблағлар таркибидаги харидорлар дебиторлик

қарзларининг катта салмоқда эканлиги тайёр маҳсулотлар реализациясини бошқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чораларнинг бир қисми сифатида ҳисоб-китоблардаги маблағларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича таъсир-чан чораларнинг кўрилишини талаб қилади.

Тайёр маҳсулот реализацияси жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим объектларидан бири, бизнинг фикримизча, омборлардаги тайёр маҳсулот заҳиралари ҳисобланиши керак. Албатта, айланма активларнинг бу тури пул маблағларининг оқимиға тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатмайди. Бироқ, харидорлар манфаатларини кафолатлаш ва ортиб жўнатиш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариш учун етарли бўлган даражадан ортиқ бўлган омборлардаги тайёр маҳсулотнинг заҳиралари, худди дебиторлик қарзларига ўхшаш, булар ҳам айланмадан вақтинча олиб қўйилган маблағлардир. Корхона фаолиятининг натижаларига ёки кўрсаткичларига тайёр маҳсулот заҳиралари даражасининг таъсир механизми дебиторлик қарзлари ва ортиб жўнатилган товарларникига айнан ўхшаш. Енгил саноат корхоналаридаги тайёр маҳсулот заҳиралари даражасининг таҳлили улар айланма активлардаги ҳиссасининг катта даражада – 20,0-25,0% гача – эканлигини кўрсатмоқда. Реализация қилинмаган тайёр маҳсулот кўринишида маблағларнинг айланмада тўхтаб қолиши заҳираларни нораціонал бошқариш ёки талабнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу масалада талабнинг мавжуд эмаслиги, муомала соҳасида жойлашган маблағлар айланмасини узайтириш ва ўз маблағларига нисбатан молиялаштиришнинг бошқа манбаларини жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ортишига нисбатан кўпроқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Талаб мавжуд бўлмаганда тайёр маҳсулот омборларининг тўлиб туриши, ўз навбатида, корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошқариш тизимининг тегишли талабларга мувофиқ эмаслигини, ишлаб чиқариш дастурларининг бозор сизимиға мос келмаслигини ёки истеъмолнинг сифат параметрларига номувофиқлигини кўрсатади. Бу билан маҳсулотга бўлган талабнинг мавжуд эмаслиги нафақат корхона фаолияти молиявий натижаларининг пасайишиға, балки ишлаб чиқаришнинг тўлиқ тўхтаб қолишиға ҳам олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, тармоқ корхоналарининг ривожланиши ва унинг ҳолати муаммоларини қараб чиқиш жараёнида, енгил

саноат ривожланиши давлат стратегиясини амалга ошириш бўйича амалий чораларнинг чекланганлиги ҳисобга олиб, муомала фондларини бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурлигини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шунга боғлиқ равишда тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш-хўжалик ҳолатини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувчанлик таъсирини талаб қилувчи энг муҳим объектлар қаторига, фикримизча, корхоналар омборидаги тайёр маҳсулотлар захираси даражаси, ҳисоб-китоблардаги маблағлар даражаси, шу жумладан, узиш (қайтариш) муддати ўтган маблағларни киритиш керак.

7. Юқорида қайд этилган йўналишлардан ташқари яна куйидагилар ҳам мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларининг рўёбга чиқишига хизмат қилиши мумкин:

а) энгил саноат товарларини четдан келтиришга квоталар жорий этиш;

б) импорт хом-ашё ва компонентларга баҳонинг ўсиши маҳсулот таннархининг ошишига олиб қелиши табиий, албатта. Бундай вазиятда давлат буюртмаларига нисбатан қатъий (фиксация қилинган) баҳоларнинг бўлиб туришини таъминлаш мураккаб муаммога айланади. Бунинг олди олинмаса, энгил саноат корхоналари инвестицион фаолиятни амалга оширишдан воз кечадилар ёки уни кейинга сурадилар;

в) агар энгил саноат корхоналарининг ишловчилари, баъзи бир объектив сабабларга кўра, вақтинча ишсиз қолса, бандлик марказлари орқали уларнинг иш ҳақларини ҳам субсидиялаштириш зарур. Бу, бир томондан, иш ўринлари қисқаришининг олдини олса, иккинчи томондан, энгил саноат корхона-ларининг бозордан кетиб қолишига йўл бермайди.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган таклифлар, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз энгил саноатида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш ва уни янада мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиши мумкин.

4.2. Солиққа тортиш жараёнларини оқилоналаштириш имконият вариантлари

Маълумки, монографик тадқиқотимизнинг олдинги бобларида мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг 2001-2015 йиллардаги ривожланиш ҳолати, унга хос бўлган тенденциялар, шу даврда жаҳонда саноат бу тармоғининг тараққий этиши (I боб), уларда узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш ва янада мустаҳкамлаш (II боб) билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди ва бу борада ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Аниқланган муаммоларни комплекс тарзда ҳал этиш масаласини энгил саноат корхоналарига тегишли бўлган солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки тармоқ корхоналарида ўша муаммоларнинг вужудга келишида, жумладан, солиқлар ва солиққа тортиш механизмнинг ҳам, маълум даражада, «хисса»си бор, албатта. Шунинг учун ҳам монографиямизнинг 3-бобида биз мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида амал қилиб келаётган солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларини ўз имконимиз доирасида таҳлил қилишга ёки тадқиқ этишга ҳаракат қилган эдик. Ана шу тадқиқот натижаларига кўра, биз энгил саноат корхоналарида қўлланилиб келинаётган солиқларнинг амал қилиш механизмига ва солиққа тортиш жараёнларига бозор иқтисодиётининг замонавий талабларидан келиб чиқиб ва мамлакатимиз энгил саноати тараққиёт истиқболларининг молиявий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда баҳо беришга ҳаракат қилдик. Бизнингча, бу борадаги умумий баҳони, қисқача тарзда, қуйидагича ифодаласа бўлади:

1. Энгил саноат корхоналари доирасида амал қилаётган солиқлар ва солиққа тортиш механизми ўз олдида қўйилган вазифаларни маълум даражада бажариб келмоқда. Бунинг натижасида, бир томондан, бюджет манфаатлари ва, иккинчи томондан, энгил саноат корхоналари манфаатларининг муштараклигига эришилиш, маълум даражада, таъминланмоқда;

2. Бироқ, юқорида қайд этилган ҳолат энгил саноат корхоналарининг солиққа тортиш механизмида маълум бир муаммоларнинг йўқлиги, уларнинг муваффақиятли ҳал этилганлиги ёки уларнинг оптимал варианты мавжуд эканлигини англатмайди;

3. Энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш механизмида маълум бир муаммолар мавжуд бўлиб, улар бу корхоналарнинг

тараққиёт истиқболларини таъминлашнинг молиявий жиҳатларини кучайтириш нуктаи-назаридан қайта кўриб чиқилмоғи ёки такомиллаштирилмоғи лозимки, бунинг натижасида энгил саноат корхоналарида мавжуд бўлган солиққа тортиш жараёнлари ўз оптималлигига эришсин ва бу пировардида шу корхоналарнинг тараққиёт истиқболларини таъминлашга ўзининг муносиб ижобий ҳиссасини қўшсин.

Бунда, бизнинг фикримизча, бир вақтнинг ўзида, яна Ўзбекистон энгил саноат корхоналари учун солиқлар ва солиққа тортиш масалаларида кенг имтиёзлар тизимининг мавжуд эканлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан, хусусан, энгил саноат қўшма ва хорижий корхоналарининг фаолияти учун барқарор ҳуқуқий рамакалар яратилган, лицензиялаштириш тартиби, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва маҳсулотларни сертификатлаштириш соддалаштирилган, катта миқдорда имтиёзлар ва афзалликлар тақдим этилган. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПП-456-сонли қарорига мувофиқ «А» индекси котировкаси ва «Коттон оутлук»да эълон (нашр) қилинадиган унинг ўзбек компоненти билан биргаликда таркиб топадиган жаҳон нархларида сотиб олиннадиган пахта толасининг қийматидан 15%ли чегирмани чегириб ташлаб ишлаб чиқариш мақсадлари учун пахта толасини 90 кунлик (2012 йилнинг 25 декабридаги ПП-1887-сонли қарорга мувофиқ 2013 йилда 120 кунлик) узайтирилган тартибда (рассрочка билан) сотиб олиш имконияти берилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПП-1050-сонли қарорига мувофиқ 2014 йилнинг 1 январига қадар ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари тақдим этилган эди:

- фойда солиғи, мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл фондига мажбурий ажратмалар тўловларидан озод қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган хом-ашё ва материаллар, бутловчи қисмлар ва

дастгоҳларнинг импортини божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш (божхона расмийлаштирилуви йиғимларидан ташқари);

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилмаган ноишлаб чиқариш истеъмол товарларини ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом-ашё, материаллар ва фурнитураларнинг импортида божхона декларацияси қабул қилинганидан сўнг божхона тўловлари (божхона расмийлаштирилуви йиғимларидан ташқари) тўлашни 60 кунгача кечиктириш. ҚҚСдан ташқари солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини бюджетга тўлашдан озод қилиш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги ПП-1512-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2016 йил 1 январгача узайтирилди:

- бу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камида 80%и экспортга йўналтирилиши лозимлигини назарда тутган ҳолда контрактни тузил вақтида таркиб топган жаҳондаги баҳодан паст бўлмаган баҳода ички бозорда тўқимачилик, ярим тайёр маҳсулот (калава, мато ва б.)ларни эркин конвертация қилинадиган валютада (ҚҚСни нолли ставкада ҳисоблаш билан биргаликда) сотиб олишга, истисно тариқасида, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига рухсат бериш;

- енгил саноат маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ассортиментини кенгайтириш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган химикатлар, бўёвчилар, фурнитуралар ва аксессуарларни келтириш бўйича импорт бож тўловларини тўлашдан «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарини озод қилиш;

- ўз маҳсулотларининг, шу жумладан, ярим тайёр маҳсулотларнинг (калава, мато ва б.) 80%дан кўпроғини эркин конвертация қилинадиган валютада реализация қилувчи енгил саноат корхоналарини мол-мулк солиғидан озод қилиш.

Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги ҳиссаси 5,0 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаганда янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестицияли корхоналарга бошқа қонунчилик актларига мувофиқ яна қуйидаги имтиёзлар ва афзалликлар тақдим этилади:

- фойда солиғи, ҚҚС (товарлар, ишлар ва хизматлар реализацияси бўйича айланма), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона

ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, Республика йўл фонди ва мактаб таълимини ривожлантириш фондига мажбурий ажратмалардан озод қилинади;

- паст ликвидли объектларни реализация қилиш, аниқ инвестицион мажбурият асосида танловни амалга оширмасдан, ноль сотиб олиш қийматида бериш;

- қиймати 50,0 млн. АҚШ долларидан юқори бўлганда ва хорижий инвесторнинг хиссаси 50%дан кам бўлмаганда инвестицион лойиҳалар амалга оширилса, у ҳолда ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги инженер инфратузилмалар бюджет маблағлари ҳисобидан қурилади;

- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган хорижий компанияларнинг мутахассислари ва мансабдор шахсларига нисбатан кириш ва кўп мартали визалар 12 ойли муддатда расмийлаштирилади;

- тегишли ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация ажратма (маблағ)ларидан фойдаланиш шарти билан ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш, модернизация қилиш, юқоридаги мақсадларга берилган кредитларни қайтариш (узиш), лизинг объекти қийматини қоплашга йўналтирилган маблағлар суммасига фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган база суммасини 3 йил давомида камайтириш ҳуқуқи;

- янги технологик дастгоҳ билан эксплуатация қилишга киритилган мол-мулк 5 йил давомида мол-мулк солиғига солиққа тортишдан озод қилинади.

Энди ана шу юқоридаги 3 бандда ўз ифодасини топган умумий баҳодан келиб чиққан ҳолда ва тақдим этилган имтиёз ва преференцияларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз энгил саноат корхоналари фаолиятида солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, уларнинг энг муҳимлари куйидагилардан иборат:

1. Маълумки, монографиямиз I бобининг 1-параграфида таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМидаги салмоғи 7,0%дан (2009 ва 2012 йиллар) 12,7%гача (2004 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 5,7 фоизли пункт ёки 181,4%) бўлишига қарамасдан унинг 2001-2012 йиллар оралиғида, умуман олганда, пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу нарса, айниқса, 2004-2012

йиллар оралигида яққол кўринади. Бир қанча объектив ва субъектив сабаблари⁸⁶ бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, буни соғлом ҳолат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалага мамлакатимизда азал-азалдан етарли даражада ва ҳатто ортиқча хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда ўткирлиги янада ойдинроқ намоён бўлади. Унга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш зарурлигини инobatга олган ҳолда назар солинса, вазиятнинг анча кескин эканлигини аниқлашимиз мумкин. Шунингдек, ушбу ҳолат жаҳон бозорининг таркиб топган сегментлари, уларнинг турли мамлакатлар томонидан аллақачон эгалланиш даражаси эътиборга олинган тарзда таҳлил қилинадиган бўлса, мамлакатимиз ЯИМнинг умумий ҳажмида енгил sanoat корхоналари улушининг камайишини оддий тарзда изоҳлашнинг иложи йўқлиги маълум бўлади-қолади.

Тадқиқотларимиз натижалари вужудга келган вазиятнинг сабабларидан бири сифатида мамлакатимизда енгил sanoat корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2013 йилда 2001 йилга нисбатан мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати (амалдаги баҳоларда) 24,1 мартани ташкил этган бўлса, худди шу даврда енгил sanoat корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари эса 13,4 мартага тенг бўлган (1-илова маълумотларига қаранг). Бу ушбу кўрсаткич ўсиш суръатларининг олдинги кўрсаткич ўсиш суръатларига нисбатан деярли 1,798 марта ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Вужудга келган бу вазият ўзига хос диспропорцияни англатиб, уни ўз ҳолига қолдириб бўлмайди, бизнингча. Хусусан, бу борада таркиб топган фарқни қисқартириш бўйича тегишли ишларни (жумладан, молиявий характердагиларни ҳам) амалга ошириш мақсадга мувофиқ. 2014 йилда эришилган ва 2015 йилда эришилиши лозим бўлган башорат кўрсаткичларининг белгиланган даражалари бу йўналишда маълум бир ишларни амалга ошириш бошлаб юборилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2014 йилда мамлакатимиз ЯИМини ҳажми 2001 йилга нисбатан 28,2 марта ўсган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси енгил sanoat

⁸⁶Масалан, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ўртасидаги таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши, янги тармоқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиши, иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши ва ҳ.к.лар.

корхоналари бўйича 16,1 мартага тенг бўлган (ўртадаги фарк 1,752 марта). Худди шунингдек, бу кўрсаткичларнинг 2015 йиллардаги даражалари 31,1 ва 19,3 марта қилиб белгиланмоқда (ўртадаги фарк 1,611 марта). Демак, букелтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқни қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Бу фикримизнинг ўз мантикий асосига эга эканлигини ушбу ҳолатни характерловчи кўрсаткичнинг 2013 йилда – 1,798 га, 2014 йилда – 1,752 га ва 2015 йилда – 1,611 га тенг бўлаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, бу йўналишда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ўзига хос имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини соғлом ҳолат деб баҳолаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг бу борадаги ўзига хос шарт-шароитлари ва имкониятларини ҳамда юқорида қайд этилган сабабларни инобатга олган ҳолда, ҳеч бўлмаганда, ЯИМнинг ўсиш суръатларидан паст бўлмаслиги лозим. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, Ўзбекистон энгил саноатини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатлари ҳам бу муаммони муваффақиятли ҳал этишга қаратилиши керак.

Энгил саноат корхоналари учун солиққа тортиш жараёнларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими йўналишида янада такомиллаштириш уни оптималлаштиришнинг муҳим вариантларидан бири бўлиши мумкин. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз энгил саноати олдида турган бош муаммо бу тармоқ корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришдир. Бизнинг фикримизча, бу муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларида бири ихтиёрий асосда ва ишловчилар сонини чекламаган ҳолда энгил саноат корхоналарини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтишига рухсат бериш бўлиши мумкин. Бунда, албатта, солиқлардан иқтисод қилинган суммалар корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилиши шарт.

Бирок, бунда ушбу масалани ҳал этиш борасида, бизнингча, комплекс ёндошув зарур. Уни синчковлик билан ишлаб чиқиш керакки, келажакда солиққа тортишнинг бу тизимига ўтилаётганда корхоналарда қўшимча қийинчиликлар, айниқса, уни қўллаш борасида қийинчиликлар вужудга келмасин. Бундан ташқари, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими кичик тадбир-корлик субъектларига мўлжалланган бўлиб, маълум маънода, энгил sanoat корхоналари бундай субъект бўлмаслиги мумкин.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз энгил sanoat корхоналари ишининг самарадорлигини ошириш ва унинг техникавий жиҳатдан қайта куроллантиришни молиялаштириш манбалари билан таъминлаш учун бу тармоқ корхоналарига нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланиладиган солиққа тортиш тизимига ўхшаш махсус солиққа тортиш режимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу таклиф илгари сурилаётган пайтда шуни унутмаслик керакки, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими корхоналар зиммасига юкланган солиқ юкининг оғирлик даражасини пасайтирса-да, уларни барча солиқларни тўлашдан озод эта олмайди. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилгандаги ягона солиқ қуйидаги солиқларни тўлашдан озод қилади: а) фойдадан солиқ; б) мол-мулк солиғи; в) социал суғурта фондига суғурта бадаллари; қўшилган қиймат солиғи (мамлакат божхона ҳудудига киритилганда тўланадиган ҚҚС бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, ягона солиқ қўлланилганда уни тўловчи солиқ тўловчилар учун божхона тўловлари (божхона божлари, ҚҚС, акциз солиғи, товарларнинг Ўзбекистон ҳудудига киритилганлиги муносабати билан божхонавий расмийлаштириш йиғими, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган иш ва хизматларга нисбатан ҚҚС, товарларнинг алоҳида турлари бўйича чакана савдо ҳуқуқи учун йиғим, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим, Республика йўл фондига йиғимлар, давлат мақсадли фондларига ва бошқа фондларга ажратмалар, давлат пошлинаси, атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва қолдиқ-қикимларни Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирганлик учун компенсацион тўланмаларнинг тўланиш тартиби сақланиб қолади. Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлов манбаида ушлаб қолиш тартиби ҳам ўзгармайди.

Бунда яна асосий фондларнинг амортизациясига нисбатан масалаларга ҳам аниқлик киритиб олиш зарур. Уларга ҳисобга олинаётган пайтда амортизация ҳисобланиши керакми (агар керак бўлса, бунда қандай методлардан фойдаланиш зарур) ёки объектлар қийматини бир вақтнинг ўзида чегириб ташлаш методи қолиши лозимми?

Шунингдек, бу жараёнда солиққа тортиш режими солиққа тортишнинг соддалаштирилган режимига алмаштирилаётган пайтда ва солиққа тортиш объекти танланаётганда, ёки солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилганда солиққа тортиш объектини ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик билан боғлиқ бўлган ўтиш ҳолатлари аниқ қайта ишланиб чиқилмоғи керак. Бу масалаларни ҳал этишда қандай мақсадларнинг кўзда тутилаётганлиги, қандай муддатларда уларга эришиш лозимлиги, қандай механизмлар ёрдамида ва бу босқичларнинг амалга оширилишини ким назорат қилиши мумкинлигини аниқ тушунмоқ лозим.

Шунинг учун бу масалани энгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг алоҳида олинган солиқ механизми тарикасида ишлаб чиқиш (ҳал қилиш) зарур. Яъни энгил саноат корхоналарига солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланишга рухсат берилганда, буни «Солиқ кодекси»га бир жумла билан ўзгартириш киритиш орқали эмас, балки махсус солиқ режимининг алоҳида кўриниши сифатида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Энгил саноатда солиқ юкининг камайтирилиши фақат ва фақат у комплекс қўллаб-қувватлашнинг таркибий бир қисми сифатида қаралгандагина ижобий натижа бериши мумкин. Шу боис, юқоридаги масаланинг ижобий ҳал этилиши, бизнингча, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК томонидан энгил саноатни ривожлантиришнинг давлат Стратегияси доирасида навбатдаги бир неча йиллар учун республика бюджетидан субсидиялар тақдим этиш тартибини Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқмоғи ва қабул қилмоғи лозим. Бу қоидаларга мувофиқ субсидиялаштириш тартиби фақат Ўзбекистон Республикаси энгил саноатини модернизация қилиш бўйича «пилот» лойиҳалар рўйхатига киритилган корхоналарга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республика бюджетидан субсидиялар юқоридаги энгил саноат корхоналарига тиклан-

майдиган ва қайтарилмайдиган асосда берилиши лозим. Бизнинг фикримизча, қўлланилиши лозим бўлган бундай чоралар тармоқ корхоналари ишини барқарорлаштириши ва инвестицион фаолликни кучайтириши мумкин. Бундан умумий иқтисодий нафтлиқ (фойдалиқ) эса субсидия сифатида ажратилган маблағларнинг бюджетга солиқ тўловларининг ортиш ҳисобидан қайтарилиши (компенсация қилиниши) орқали намоён бўлади.

Шундай бўлишига қарамадан, энгил саноат корхоналарини давлат томонидан бундай қўллаб-қувватлаш натижасида бир неча қарама-қаршилиқларнинг келиб чиқиш эҳтимолининг йўқ эмаслигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Масалан, бундай қарама-қаршилиқларнинг мавжудлиги қуйидаги масалаларда намоён бўлиши мумкин:

а) энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш масаласида. Агар қонунчилик доирасида энгил саноат корхоналарининг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтишга рухсат берилса, бюджетга бориб тушувчи солиқ суммаларининг камайиши, шубҳасиз. Бундай вазиятда субсидиялаштириш иқтисодий наф (фойда)лиқининг нима билан таъминланиши тушунарсиз бўлиб қолади. Бу ҳолда, кўриниб турибдики, давлат молиявий донор сифатида майдонга чиқади;

б) комплекс ёндошув масаласида. Бунинг сабаби шундаки, фақат «пилот» лойиҳаларни субсидиялаштириш кўзда тутилмоқда. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида бундай лойиҳаларнинг сони фақат бир нечта бўлиши мумкин, холос. Бу эса, ўз навбатида, манзилли қўллаб-қувватлашнинг амалга оширилиши мумкинлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, бу борада амалга оширилаётган ишлар нисбатан тор йўналишга эгаллиги ва энгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган таъсирчан чоралар ҳамон етарли даражада қўлланилмаётганлиги билан ажралиб туради. Солиққа тортишнинг истиқболли масалаларида эса, уларга ҳам, маълум даражада, ноаниқлик хос. Ҳозирги пайтда илгари сурилаётган таклиф ва ташаббусларнинг жуда кўпчилиги уларнинг амалий қўлланилиши нуқтаи-назаридан кўплаб саволларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу борадаги баъзи бир масалаларга аниқлик киритиш мақсадида, бизнингча, улар нисбатан муваффа-

қиятли ҳал этилган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилмоқ лозим. Ана шундай мамлакатлардан бири Хитой ҳисобланади⁸⁷.

Тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, енгил саноат корхона-ларини солиққа тортишни оптималлаштириш вариантлари Хитойда, асосан, солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг куйидаги икки йўналишда амалга оширилганлиги билан ажралиб туради:

1. Солиқларни тўлашдан озод қилиш ёки имтиёзли ставкалар бўйича солиққа тортиш. 2006 йилдан бошлаб Хитойда кийим-кечак ишлаб чиқариш секторида банд бўлган компанияларнинг сотувдан олинган даромадларининг 8%гача қисми даромад солиғини ҳисоблашда ҳисобга олинади (амалга оширилган харажатлар суммасига тўловлар қисқартирилади). Агар харажатлар 8%дан ортиқни ташкил этса, тўловлар миқдори, мос равишда, келгуси йилда қисқартирилиши мумкин. Худди шундай тартибда тадқиқотлар, янги маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш харажатлари ҳам ҳисобга олинади. Агар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари ўтган йилга нисбатан таққослаганда кўйилмаларнинг ҳажмидан 10% ёки янада юқорирок даражада ошиб кетган бўлса, компания илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари барча харажатларидан солиқ тўловларини яна 50%га қисқартириш имкониятига эга бўлиши мумкин. Худди шундай тартиб ходимларни қайта тайёрлаш ва илмий-тадқиқот дастгоҳларининг амортизацияси харажатларига нисбатан ҳам қўлланилади. Юқори технологияли секторларда банд бўлган корхоналар даромадлардан олинadиган солиқни имтиёзли ставкада тўлайди (25%нинг ўрнига 15%).

2. Қўшилган қиймат солиғи ва бож-тариф йиғимларини қайтариш. Мураккаб тўқимачилик дастгоҳларини ишлаб чиқаришда банд бўлган компаниялар мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган комплектловчи ва материалларни импорти бўйича бож-тариф йиғимларини қайтариш ҳуқуқига эгадир. ҚҚСни қайтариш тизими экспортни стимуллаштириш инструменти сифатида 1985 йилдан буён қўлланилиб келинмоқда⁸⁸. Бундай имтиёзлар экспорт ҳуқуқига эга бўлган ҳам Хитой ва ҳам хорижий компанияларга тегишлидир. Хитойда ҚҚСни қайтариш ставкаси турли товарлар гуруҳи бўйича Одан 17%гача тебранади. ҚҚСни қайтариш (товар тоифасига

⁸⁷Монографиямиз I бобининг 2-параграфи ва 1.2.3-иловада ҳам бунга тегишли бўлган фикрлар баён қилинган ва маълумотлар келтирилган.

⁸⁸China Briefing. URL: <http://www.china-briefing.com/news/2013/03/22/export-tax-rebates-in-china.html>.

мувофик тўлиқ ёки қисман) уни биринчи навбатда тўланганлигига қараб амалга оширилади. Хитойнинг айрим провинцияларида жамғариб қайтариш тизими амал қиладики, унга кўра тўланган солиқнинг суммаси экспорт фаолияти бошланганидан бир йилдан сўнг қайтарилади.

Бизнингча, Хитой мисолида келтирилган бу ҳолатларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ва хусусан, унинг энгил саноатидаги ўзига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижобий ва ижодий қўлланилиши Ўзбекистон энгил саноат корхоналарида солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимиз энгил саноат корхоналарига нисбатан қўлланаётган солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш учун, солиқ қонунчилигини ўзгартиришдан ташқари, яна солиқ маъмурчилигини ҳам такомиллаштирмақ зарур. Чунки фақат шундай вазиятагина имтиёзли солиққа тортиш натижасида озод бўлган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлашга эришиш мумкин.

Ҳозирги вақтда институциональ тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири, бизнинг фикримизча, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларни четдан энгил саноат маҳсулотларини импорт қилувчилардан ҳимоя қилиш ҳисобланиши мумкин. Гап бу ўринда ана шу мақсадда мамлакатимизнинг «Божхона кодекси»га тегишли ўзгаришлар киритиш хусусида кетаяпти. Масалан, жисмоний шахслар томонидан мамлакатимизга ҳафтага бир марта олиб кириладан ва кузатилмайдиган багаж-юкнинг қиймати ва оғирлигини кескин камайтириш зарур. Бунинг конкрет суммаси ва оғирлигининг қанча бўлишини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бундан ташқари, қарготашувлар ва кузатилмайдиган багажнинг ҳар бир килограмми учун 7-8 еврогача ягона пошлина ва солиқ жорий этиш ҳам мақсадга мувофик.

Бу жараёнда асосий ишлаб чиқаришга жойлаштирилган инвестициялар суммасига солиқ имтиёзлари тақдим этиш, фойда солиғининг маълум бир қисмини маҳаллий бюджетлар (маҳаллий ҳокимият органлари) ихтиёрига қолдириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш керак. Бунда энгил саноат корхоналари томонидан иқтисод қилинган суммалар янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоғи мақсадга мувофик.

Мамлакатимиз энгил саноатида солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш вариант (имконият)лари хусусида гап кетар экан,

бизнинг фикримизча, бу ерда таркиб топган яна бир ҳолат назардан четда қолмаслиги керак. Гап бу ўринда енгил саноат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бўлган қарздорлик даражалари ҳақида кетмоқда.

Монографиямиз III бобининг 2-параграфи доирасида амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотларимиз натижалари (3.2.4-3.2.5-жадвалларга қаранг) енгил саноат корхоналарида бюджетга ундирилиши лозим бўлган жами солиқ суммалари ҳам ва бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари ҳам 2001-2014 йилларда жуда катта миқдордаги суммаларни ташкил этаётганлигини кўрсатган эди. Хусусан, 2001-2014 йиллар оралиғида енгил саноат корхоналаридан бюджетга ундирилиши лозим бўлган жами солиқ суммалари 11,3 млрд. сўмдан 135,2 млрд. сўмга етиб борганлиги, шу корхоналардан бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари эса, 2,0 млрд. сўмдан 33,2 млрд. сўмга етиб борган. Навбатдаги 2015 йилда ҳам улар ҳар иккаловининг янада ортиши кўзда тутилмоқда. Энг ачинарлиси, енгил саноат корхоналаридан бюджетга ундирилиши лозим бўлган жами солиқ суммалари 2006-2014 йиллар оралиғида, шу корхоналардан бюджетдан ташқари фондларга ундирилиши лозим бўлган жами ажратмалар суммалари эса 2008-2014 йиллар оралиғида йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг ҳар бири шу оралиқда 10 баробарга ортган.

Бюджетга солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларга доир енгил саноат корхоналарининг мажбуриятлари юзасидан аҳволнинг бундай эканлигини бу корхоналарда солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш йўл (вариант)ларига нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинаётган пайтда эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, бюджетга солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларга доир енгил саноат корхоналарининг мажбуриятлари юзасидан вужудга келган вазиятда турли солиқ ва ажратмалар турлича роль ўйнаган бўлишига қарамасдан бу муаммони ҳал қилишда алоҳида олинган солиқ ва ажратмаларга нисбатан алоҳида-алоҳида ёндошувнинг ишлаб чиқилиши ўз самарасини бозор иқтисодиётининг умумқабул қилинган талаблари даражасида бераолмайди. Шунинг учун бу ерда одатдагидек

комплекс ва умумий характерга эга бўлган ягона ёндошув зарур. Гап бу ўринда енгил саноат корхоналари томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган ажратмаларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тушиб туришини таъминлайдиган механизмнинг таъсирчанлигини ошириш хусусида кетмоқда. Шу муносабат билан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик енгил саноат корхоналарида доимийлик ва кейинги йилларда улар миқдорининг йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш характерига эга бўлаётганлигини ҳисобга олган ҳолдабу масалага нисбатан кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ҳаммаси, энг аввало, бу борада енгил саноат корхоналари ва улар мансабдор шахсларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган бўлиши керак. Оддий тарзда айтилганда, масъулият ва жавобгарлик шу даражада бўлиши керакки, улар сўзсиз равишда бу корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаши зарур. Бунинг учун, бизнингча, тегишли ишларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Енгил саноат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликларига нисбатан кўрилиши лозим бўлган жазо чораларини кескинлаштириш лозим. Гап бу ўринда амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва ажратмаларни ўз вақтида (белгиланган муддатларда) бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўламаганлиги учун енгил саноат корхоналарига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган молиявий жазо чораларининг (жарималар, пенялар, неустойкалар, санкциялар ва х.к.лар) даражаси ошириш, айрим ҳолларда эса, кескин ошириш тўғрисида кетаяпти.

Биз томонимиздан бундай «ноқулай» ва жуда кўпчилик (айниқса, барча тадбиркорлик субъектлари) томонидан қўллаб-қувватланмайдиган таклифнинг илгари сурилиши таҳлил қилинган йиллар давомида енгил саноат корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликнинг доимийлик ва айнақса, кейинги бир неча йиллар давомида йилдан-йилга ўсиб боровчанлик характерига эга эканлигидир. Бизнингча, бундай вазият вужудга келишининг

асосий сабабларидан бири, жумладан, бу ҳолатга нисбатан қўлланилаётган молиявий жазо чоралари таъсирчанлик даражасининг пастлиги билан белгиланади.

Албатта, зиммасига юкланган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганларга нисбатан кўзланган мақсадларга эришиш учун жазо чораларининг оғирлаштирилиши сари йўл тутилиши Ўзбекистон шаронтида жуда кўп баҳс-мунозара, эътироз ва норозиликларга сабаб бўлиши турган гап. Унинг етарли даражада асосли эмаслиги хусусида қатор «аргумент»лар (масалан, у ёки бу фаолият турининг қисқариб ёки ёпилиб кетиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, солиқ тўловчилар сони ва бюджетга солиқ тўловлари миқдорининг камайиши ва б.) келтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда бозор муносабатлари рисоладек ривожланган мамлакатларда зиммасига юкланган мажбуриятларни ўз вақтида тўла адо этувчи интизомли солиқ тўловчиларнинг қандай шакллантирилганлиги тўғрисида гап кетганда у, жумладан, қўлланилиги лозим бўлган молиявий жазоларнинг ҳаддан зиёд оғирлигига бориб такалиши маълум бўлади. Мана бир неча мисол: Европа мамлакатларининг жуда кўпчилигида метрога чиптанинг нархи 1,20 евро. Уни тўламасдан метродан фойдаланганларга нисбатан 65,0 евро жарима қўлланилади. Натижа: йўловчиларнинг метрога кириши учун ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслигига қарамасдан (ҳатто 20 киши бир «шеренга»га туриб ўтиб кетиши мумкин) чиптасиз йўловчини учратиш мумкин эмас. Доимий назоратчилар ҳам деярли йўқ. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам вазият худди шундай: масалан, Сингапур кўчаларининг «ялагудек» тозалиги маънавий ва маърифий ишларнинг ўта самарадорлиги билан эмас, балки кўчани ифлослантирганлик учун жазо чорасининг 1000 доллар атрофида тебраниши билан белгиланади.

Юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашда бажармаганлик учун молиявий жазолар таъсирчанлик даражасининг оғир бўлиши кўзланган мақсадларга тезроқ элтиши мумкинлигини тасдиқловчи мисолларни Ўзбекистон амалиётидан ҳам келтириш мумкин: бундан бир неча йил бурун хавфсизлик камарини тақиб юрадиган ҳайдовчиларни учратиш анча мураккаб эди. Лекин ўша пайтларда ҳам уни тақмаганлик учун молиявий жазо чораси қўлланилган. Бироқ ҳайдовчининг молиявий аҳволига унинг таъсирчанлик даражаси сезиларли бўлмаганлиги учун

мажбуриятни бузиш ҳоллари давом этаверган. Ҳозир ҳайдовчилик камарини тақмасдан йўлга чиққан ҳайдовчини деярли учратмаймиз. Сабаби: унга нисбатан қўлланиладиган молиявий жазо ҳайдовчининг молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Бу ўринда юқоридаги ҳолатларни бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмаларнинг ўз вақтида ва аниқланган сумма миқдориди тўланиш ёки тўланмаслик масаласига ҳеч дахли йўқ, деган тарзда иш тутиш ўзининг маъносига эга эмас. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам, қандай шакл ва мазмунда бўлишидан қатъий назар, тегишли мажбуриятларнинг ўрнатилган тартибда бажарилмаганлиги хусусида гап кетаяпти;

2. Тармоқ корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорликларига нисбатан кўрилиши лозим бўлган жазо чораларининг кескинлаштирилиши нафақат хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий манфаатларига, балки улардаги мансабдор шахслар ва шундай қарздорликнинг вужудга келишига бевосита алоқадор бўлган барча шахсларнинг молиявий манфаатларига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатиши керак. Гап бу ўринда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик вужудга келганда фақат юридик шахсларни молиявий жазолаш эмас, балки тегишли жисмоний шахсларни ҳам молиявий жавобгарликка юқориқ даражада тортиш тўғрисида кетаяпти. Чунки бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик вужудга келганда юқоридагиларнинг бу нарсага бевосита дахли йўқ деб бўлмайди ва аксинча, тегишли қарздорлик уларнинг у ёки бу даражадаги хатоликлари натижасида вужудга келганлиги исбот талаб қилмайди. Шунинг учун қайд этилган муаммони ҳал этиш масаласида уларни молиявий жазоларни кескинлаштириш ва қўллаш чегарасидан четда қолдиришнинг сира иложи йўқ;

3. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва ажратмалар бўйича қарздорлик масаласида энгил саноат корхоналарини, шартли равишда бўлса-да, икки гуруҳга (қарздорлиги бўлган ва бўлмаган корхоналарга) ажратиш мумкин бўлганлиги учун бундай қарздорликка йўл қўймайдиган корхоналар маълум даражада стимуллаштирилиши зарур. Гап бу ўринда, хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида солиқлар ва

ажратмалар кўринишидаги ўз мажбуриятларини доимий равишда ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келишни уддасидан чиқаётган энгил саноат корхоналари гуруҳини, маълум даражада рағбатлантирилишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида кетмоқда.

Бизнингча, бундай тарзда иш тутилиши, ҳеч бўлмаганда, ижтимоий адолат принципларига тўлиқ мос келади. Чунки бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида солиқлар ва ажратмалар кўринишидаги ўз мажбуриятларини доимий равишда ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келишни уддасидан чиқаётган энгил саноат корхоналари худди шу ишнинг уддасидан чиқмаётган энгил саноат корхоналарига нисбатан, иқтисодий ва молиявий нуқтаи-назардан, ютуқсиз, ноқулай ва бозор иқтисодиёти принципларига зид бўлган вазиятга тушиб қолади. Бунга эса, фикримизча, йўл кўймаслик керак. Шу муносабат билан, бу муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида солиқлар ва ажратмалар кўринишидаги ўз мажбуриятларини доимий равишда ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келишни уддасидан чиқаётган энгил саноат корхоналарига нисбатан чегирмалар кўринишида солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилиши бўлиши мумкин. Шу маънода, солиқ ва ажратмаларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаган энгил саноат корхоналарига нисбатан тўланган сумма ҳажми (микдори)га нисбатан маълум бир сумманинг фоиз кўринишида (бу, албатта, бюджетнинг имкониятларига боғлиқ) ортга (уларнинг ўзларига) қайтарилиши, бизнингча, солиқлар ва ажратмалар бўйича энгил саноат корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарздорлик муаммосини ҳал этишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади;

4. Юқоридаги муаммони ижобий ҳал этишда, фикримизча, ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан тегишли қарздорлик суммасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда молиявий жазо ставкаларининг табақалаштирилиши ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан тегишли қарздорлик суммаси камайса – пастроқ ва аксинча, ортган бўлса – юқорироқ бўлган молиявий жазо ставкасини қўллаш керак.

Бизнинг фикримизча, юқорида илгари сурилган илмий-таклиф ва амалий тавсиялар энгил саноат корхоналари фаолиятини солиққа тортиш жараёнида инobatга олинадиган бўлса, бу ердаги ҳолат оптималлашиб, мавжуд муаммолар, маълум даражада, ҳал қилиниши мумкин.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз энгил саноати ривожланиш истиқболларининг молиявий жиҳатлари хусусида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида, бизнинг фикримизча, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Энгил саноат ривожланишни интенсивлаштириш учун бир неча имкониятларни тақдим этади: кириб келишнинг паст тўсиқларга эга эканлиги; ишлаб чиқариш жараёнининг оддийлиги ва меҳнат интенсиблиги; мамлакатлар учун нисбатан ортиқча бўлган омилдан – паст малакали меҳнатдан – фаол фойдаланишга имкон бериши; ишлаб чиқариш технологиясининг мослашувчанлиги; ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча босқичларга бўлиниши ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ҳамда фрагментациялашуви учун шароит яратиб бериши; глобал ишлаб чиқариш занжирларининг шаклланишига олиб келиши ва б.;

2. Энгил саноат иқтисодиётнинг муҳим кўппрофилли ва инвестицион жозибador сектори ҳисобланиб, у молиявий ресурсларининг юқори айланувчанлиги билан бир қаторда, потенциал нуқтаи-назардан етарли даражада юқори рентабелли тармоқ ҳисобланади, айланма маблағларга нисбатан унча катта бўлмаган эҳтиёжнинг мавжудлиги билан характерланади. Бу эса, ўз навбатида, тармоқ корхоналаридан бюджетга маблағлар тушиб туришининг барқарор даражада бўлишини таъминлайди;

3. Тармоқ учун доимий равишда ўсиб бориш характерли. Дунё миқёсида энгил саноат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмининг ўсиш суръатлари Ер шари аҳолисининг ўсиш суръатларидан юқорилигича қолмоқда;

4. Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда энгил саноат миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун устувор тармоқ сифатида эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳаммасида энгил саноат тармоғини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу дастур энгил саноат ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўз ичига олувчи чора-тадбирларни қамраб олган;

5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон энгил саноати ўз тараққиётида мислсиз ютуқларга эришган ва янги импульс олган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда у ўз позициясини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига, маълум даражада, бўшатиб

бермоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишида энгил саноатнинг ҳиссаси 2001 йилда 20,0%га тенг бўлса, унинг 2014 йилдаги даражаси 15,0%ни ташкил этган ёки 25,0%га камайган;

6. Сўнги бир неча йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноатнинг қандай ўрин тутаётганлиги ва унинг тараққиётига хос бўлган энг муҳим тенденцияларни аниқлаш учун кўрсаткичларнинг бир неча гуруҳидан фойдаланиш зарур. Ана шундай кўрсаткичларнинг энг асосийлари Ўзбекистон ЯИМида, Ўзбекистон бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажмида, Давлат бюджетининг даромадларида, мамлакат экспорт ҳажмида, Ўзбекистон Республикаси бўйича ишловчилар сонидан энгил саноатнинг ўрни ва ролини кўрсатишга хизмат қилиши керак;

7. Мамлакатимизда энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатлари (16,1 марта) ЯИМнинг ўсиш суръатларидан (28,2 марта) 1,8 марта ортда қолмоқда. Энгил саноат корхоналарида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (58,9 марта) эса шу кўрсаткичнинг мамлакат бўйича ўртача умумий даражасидан (20,9 марта) 2,8 марта юқори бўлган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бу тармоқ корхоналарининг роли деярли сезилмаяпти ва шундайлигича қолаётир. Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи таҳлил қилинаётган даврда 7-12%ни ташкил этган бир пайтда, бюджет даромадларида шу корхоналарнинг салмоғи, бор-йўғи 0,3-1,2%га тенг бўлмоқда, холос. Ўртадаги фарқ эса, 10 баробардан кўпроқни ташкил этмоқда. Мамлакатимиз умумий экспортининг ўсиш суръатларидан (8,1 марта) энгил саноат корхоналари экспортининг ўсиш суръатлари (7,6 марта) биров ортда (6,2%га) қолмоқда. Ўзбекистон энгил саноат корхоналарида фаолият кўрсатувчилар сонининг ўсиш суръатлари (3,1 марта) мамлакатдаги умумий ишловчилар сони ўсиш суръатларидан (3,8 марта) қарийб 25%га паст бўлмоқда;

8. Мамлакатимиз энгил саноат тараққиёти замонавий ҳолатининг комплекс таҳлили унинг ривожланишида ижобий тенденциялар бўлишига қарамадан, бу тармоқнинг иқтисодий ўсиш суръатларига ва узлуксиз молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилаётган бир неча муаммоларнинг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Бу борадаги ўзининг тезроқ ечимини қутаётган ва тизимли характерга эга бўлган асосий муаммолар қуйидагилардан

иборат: а) хорижий мамлакатлардан Ўзбекистондаги ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқори даражадаги материал, энергия ва меҳнат сиғимида ўз ифодасини топаётган энгил саноатнинг техникавий ва технологик жиҳатдан ортда қолаётганлиги; б) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий энгил саноат товарларининг нисбатан кучсиз рақобатбардошлиги, Ўзбекистон ва жаҳон бозорида сотилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар ва «ноу-хау» ҳиссасининг пастлигида ўз ифодасини топаётган тармоқ корхоналари инновацион ва инвестицион фаолиятининг нисбатан паст даражада эканлиги; в) айрим ҳолларда мамлакатимизнинг бошқа мамлакатларга боғлиқлиги кучайишининг сабабига айланган импорт салмоғининг нисбатан юқорилиги; г) мамлакатимиз ички бозорида ўзбекистонлик ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг кескинлашувида ифодаланган истеъмол товарлари маданийлашган бозорининг мавжуд эмаслиги; д) барча технологик жараёнлар бўйича асосий ва ёрдамчи ишчилар, бошқарув кадрлари, юқори малакали мутахассислар дефицитида ўзини намоён этаётган социал ва кадрлар муаммоси;

9. Хитой, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда энгил саноат миллий иқтисодиётнинг ривожланиши учун устувор тармоқ сифатида эълон қилинган. Уларнинг деярли ҳаммасида энгил саноат тармоғини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу дастур энгил саноат ишлаб чиқарувчиларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ўз ичига олувчи ва қуйидаги йўналишларга мўлжалланган чоратадбирларни қамраб олган: а) солиқий ва божхонавий тартибга солиш; б) энгил саноатдаги экспорт килувчи корхоналарни давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш; в) бизнес инфра-тузилмаларини яратиш; г) астигоҳлар ва технологияларни янгилаш;

10. Жаҳон энгил саноати ривожланишининг бошқа тенденциялари қаторига яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) кенг халқ истеъмоли товарларида, энг аввало, синтетик яримэфир толаларни истеъмол қилишга асосланган кимёвий тола ва иплардан фойдаланишнинг кенгайиши ва ортиши; б) трикотаж ва номато материаллар салмоғи ва ролининг ошиши; в) тор тўқимачиликдан кенг (2-3 метргача) тўқимачиликка ўтиш ва бу тенденциянинг доимий кучайиб бориши; г) тўқимачилик фабрикаларини маҳсулотларнинг турлари бўйича универсаллаштириш; д) ишлаб

чиқаришлар ўртасида ва толанинг турлари (пахта, шойи, каноп, жун ва б.) бўйича чегараларнинг унитилиб кетиши; е) кичик чизикли қалинликка эга бўлган толалардан фойдаланиш ҳисобига олдиндан аниқланган хусусиятларга эга бўлган ўта замонавий матолар ва тўқимачилик маҳсулотларининг яратилиши; ё) корхоналарни бўлиб юбориш ва бозордаги эҳтиёж (талаб)ларнинг ўзгаришига тез мослашишга қодир ва 300 тагача ишчиси бўлган унча катта бўлмаган корхоналарнинг ишлаб чиқариш таркибий тузилмасидаги устуворлиги; ж) тармоқ корхоналарини тугалланган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган холдингларга, тармоқ муаммоларини ечишда ягона ёндошувларни ишлаб чиқувчи ассоциация ва уюшмаларга бирлаштириш; з) енгил саноат индустриясини аниқ аҳоли қатламларининг эҳтиёжлари ва хохишларига, истеъмолчиларнинг ёшига, иқлимий шароитларга ва бларга йўналтириш; и) юқори сифатли буёвчилар, тўқимачилик-ёрдамчи буюмлари ва технологик дастгоҳлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларининг ривожланишини таъминлаш;

11. Ўзбекистон енгил саноати тараккиёт истиқболларини таъминлашнинг молиявий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳозирги замон енгил саноат бозорида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб келаётган Германия, Туркия ва Хитой мамлакатлари тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда юқоридаги уч мамлакатнинг танланиши тасодиқий ҳол эмас. Аксинча, уларнинг танланиши бир-биридан фарқланувчи уч миллий стратегиянинг атрофлича таҳлил қилиш зарурлигига интилиш билан боғлиқки, бундай стратегияларнинг муваффақиятли амалга оширилиши фақат юқоридаги мамлакатларга жаҳон бозоридан ўз ўринларини эгаллашга имкон бермасдан, балки уларни сақлаб қолишга ва узок давр (муддат) мобайнида ўз позицияларини янада мустаҳкамлашга имкон берди;

12. «Молиявий барқарорлик»ка «турғунлик, ўзгармаслик ҳолати» ёки «ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас; бир ерда ўрнашиб қолган; муқим» барқарорлик сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Балки, аксинча, унга «маълум бир вазият, муддат (сана, давр) ва ҳолатда «қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор ва ўзгарувчанлик характери»га эга бўлган барқарорлик» деб қаралмоғи керак;

13. Ҳозирги пайтда энгил саноат корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими, энг умумий шаклда, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) энгил саноат корхоналари балансининг таркиби ва тузилишига оид кўрсаткичлар; б) энгил саноат корхоналари молиявий маблағлари манбаларининг таркибий тузилиши ва динамикасини (ўзгаришини) характерлайдиган кўрсаткичлар; в) энгил саноат корхоналарига тегишли бўлган хусусий (ўз) айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар; г) энгил саноат корхоналари мавжуд айланма маблағларининг таркибий тузилишини кўрсатувчи кўрсаткичлар; д) энгил саноат корхоналарининг кредиторлик қарзларини акс эттирувчи кўрсаткичлар; е) энгил саноат корхоналарининг дебиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар; ё) энгил саноат корхоналарининг тўлов қобилиятини характерлайдиган кўрсаткичлар;

14. Энгил саноат корхоналари учун товар-моддий захираларни қоп-лашга ўз манбаларининг етарли эмаслиги хос бўлиб, бу кўрсаткичнинг даражаси таҳлил даврининг барча йилларида узлуксиз равишда манфий белгига эга бўлиб, манбаларнинг етарли эмаслиги шу даврда -25,1 млрд. сўмдан (01.01.2001да) -401,2 млрд. сўмгачани (01.01.2003да) ташкил этган. Охирги 3 йил давомида ҳам товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарли эмаслик даражаси 120,0-160,0 млрд. сўмни ташкил этмоқда;

15. Таҳлил қилинаётган даврда энгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичларнинг энг биринчиси бўлган молиявий мустақиллик коэффиценти пасайиш тенденциясига эгадир. Қисқа вақт ичида унинг даражаси 0,79 дан (01.01.2001да) 0,52 гача (01.01.2006да) ёки 0,27 пунктга пасайган. Бу шу даврда тизимда фаолият кўрсатаётган корхоналар молиявий мустақиллигининг ёмонлашганлигини англатади. Уларнинг тўлов қобилиятини характерлайдиган коэффицент эса таҳлил даврида икки томонламалик характерга эга бўлган. Унинг даражаси 2001-2004 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлса, 2004-2006 йиллар давомида эса аксинча, кўтарилиш тенденциясига эга бўлган. Бу, албатта, кейинги йилларда тармоқда тўлов интизомини тубдан мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва кескин чораларнинг кўрилаётганлиги билан белгиланади;

16. Энгил саноат корхоналари учун қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблағларидан кўплиги характерлидир.

Тўланиши лозим бўлган тўлов мажбуриятларининг суммаси 2001-2015 йиллар оралигида мутгасил равишда ўсиб борган;

17. Енгил саноат корхоналарининг тўлов лаёқатини характерлайдиган коэффициентлар барчаси учун нобарқарорлик хос (тармоқ корхоналарига тегишли бўлган узок муддатли тўлов лаёқати коэффициентини бундан мустасно);

18. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида уларнинг тараққиёт истиқболларини белгилаш нуқтаи-назаридан солиқлар ва солиққа тортиш масалаларининг амалиётда қандай ҳал этилаётганлигини аниқлашда, биринчи навбатда, енгил саноат корхоналарининг Давлат бюджети билан бўладиган ўзаро муносабатларини характерловчи пул маблағларининг ҳаракати принципал аҳамиятга эга;

19. Мазкур корхоналар амалиётида бу жараёнда а) турли солиқлар кўринишида намоён бўладиган бюджетга тўловлар эмас, балки бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда; б) йил давомида фойдаланилган пул маблағлари таркибида бюджетга тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар миқдорининг айрим йилларда олдинги йилга нисбатан, мос равишда, 79,3% ва 57,0% гача камайиб кетиши ва аксинча, бошқа йилларда худди шу ҳолатнинг, мос равишда, 251,3% ва 217,1% гача ортиб кетиши бу борадаги вазиятнинг етарли даражада соғлом эмаслигини кўрсатмоқда;

20. Сўнгги йилларда енгил саноат корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар таркибида кўшилган қиймат солиғи ва импорт бож пошлиналарининг роли ошиб бормоқда. Жами солиқлар таркибида маҳаллий ва бошқа солиқларнинг ҳиссаси 2009 йилдан бошлаб йилдан-йилга узлуксиз камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоғи ҳамон нисбатан юқорилигича қолмоқда;

21. Мамлакатимиз енгил саноат корхоналари тараққиётининг молиявий натижалари ва уларнинг динамикаси замонавий бозор иқтисодиётининг принциплари асосида маълум бир концепцияга асосланиши лозим. Ўз навбатида, бу концепциянинг негизида а) асосий фаолият бўйича маҳсулотлар реализациясидан олинган соф тушумни максималлаштириш; б) реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини минималлаштириш; в) маҳсулот реализациясининг натижасига нисбатан катта ижобий фарқни таъминлаш; г) давр харажатларини оқилонлаштириш ва уларнинг

асоссиз ўсишига йўл қўймаслик; д) бошқа натижа (фойда ёки зарар)ларнинг фақат ижобий бўлишига эришиш; е) фойдадан солиқлар тўлангунга қадар бўлган молиявий натижани максималлаштириш; ё) фойдадан тўланган солиқлар суммаларини оптималлаштириш; вж) соф фойда суммасини кўпайтириш ётиши керак;

22. Мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг солиққа тортиш механизмида харажатларда ҳисобга олинандиган солиқлар устувор аҳамият касб этмоқда. 2001-2006 йилларда бундай устуворлик яққол ўзини намоён этмаган (чунки 2001 ва 2006 йилларда фойдадан солиқлар устуворлик қилган) бўлса-да, 2007-2009 йиллар оралиғида фойдадан солиқлар ўз ўрнини харажатлар таркибидаги солиқларга бўшатиб бера бошлаган ва кейинги йилларда уларнинг яққол устуворлиги таъминланган ҳамда жами солиқларнинг таркибида харажатларда ҳисобга олинандиган солиқларнинг салмоғи 97-98%ни ташкил этмоқда. Фикримизча, энгил саноат корхоналарини солиққа тортиш механизмида бундай таркибий тузилманинг амалиётда таркиб топганлигини бозор иқтисодиётининг замонавий талаблари ва хусусан, солиққа тортиш жараёнларини оптималлаштириш нуқтаи-назаридан оқилона деб бўлмайди;

23. Энгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштиришни узлуксиз молиявий барқарорликни таъминламасдан туриб амалга оширишнинг иложи йўқ. Ва аксинча, молиялаштириш оптималлаштирилмасдан туриб узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш мураккаб масалагича қолаверади;

24. Ҳозирги шароитда ва яқин истиқболда мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш аспектида қаралганда унинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: а) энгил саноат корхоналарининг юқори рентабеллик даражасини таъминлаш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; б) Ўзбекистон энгил саноатида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; в) энгил саноат корхоналарини кредитлаштириш тизимини кескин кенгайтириш йўналишида молиялаштиришни оптималлаштириш ва

узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; г) энгил саноат корхоналари молиялаштириш тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўналишида молиялашти-ришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; д) молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларида бири бўлган лизингдан янада кенгроқ фойдаланиш орқали энгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; е) энгил саноат маҳсулотлари реализацияси жараёнларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий объектлари ёрдамида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш; ё) мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадларининг рўёбга чиқишига энгил саноат товарларини четдан келтиришга квоталар жорий этиш; давлат буюртмаларига нисбатан қатъий (фиксация қилинган) баҳоларнинг бўлиб туришини таъминлаш; агар энгил саноат корхоналарининг ишловчилари, баъзи бир объектлар сабабларга кўра, вақтинча ишсиз қолса, бандлик марказлари орқали уларнинг иш ҳақларини субсидиялаштириш ҳам хизмат қилиши мумкин;

25. Ҳозирги шароитда рентабелликни оширишнинг энг муҳим усулларида бири замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқишга ишлаб чиқаришни қайта ориентация қилиш ва қўшилган қийматнинг янада ўсишини ўзида мужассам этган маҳсулотни ишлаб чиқаришдир;

26. Ўзбекистон энгил саноатининг ҳозирги ҳолати бу соҳада янги вертикал-интеграллаштирилган корпоратив тузилмани шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу борада бошқарувнинг дастурий-мақсадли методидан фойдаланиш, энг аввало, мамлакатимизнинг турли минтақаларида кўплаб корхоналарнинг жойлашганлиги ва иқтисодиётнинг барча секторларида тармоқлараро алоқаларнинг кенглиги билан белгиланади. Бундан ташқари, ҳамашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар, савдо ташкилотлари ва молия-кредит муассасаларининг бирлаштирилиши маҳсулотларни етказиб бериш бозорларининг фаолият кўрсатиш, шакллантириш ва ўрганишни ташкил қилишга, инвестициялар ва молиявий ресурсларни самарали бошқаришга ёрдам беради. Ихтисослаштирилган савдо фирмалари, савдо уйлари, доимий фаолият кўрсатувчи виставкалар, ярмар-

калар, минтақавий ва минтақалараро информацион компьютер тармоқларини бирлаштириш товарларнинг ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчилар томон ҳаракатланишининг самарадор-лигини кескин оширишга имкон беради. Илмий муассасаларни саноат корхоналари билан бирлаштириш эса техникавий тараққиётни тезлаштириш имконини беради ва маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш остида универсал дастгоҳларни тез ўз ўрнига қўйиш ҳисобидан корхоналарга мобиллиликни бериш мақсадида турли кўринишдаги хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлашда турли технологик жараёнларни амалга ошириш имкониятини яратади;

27. Енгил саноатда унча катта бўлмаган корхоналарнинг вертикал интеграциялаштирилган таркибий тузилмага қўшилиши (қўшилиб кетиши)нинг самарадорлигини баҳолаш учун Альтманнинг модернизация қилинган «Z»-моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Енгил саноатга қўллаш нуқтаи-назаридан вертикал интеграциялашган компанияни яратиш самарадорлигини экспресс-таҳлил қилиш методини мослаштириш мақсадида «Z»-модель таркибига кирувчи омиллар таркибини бироз ўзгартириш керак. Шу маънода амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотлар натижалари енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган омил сифатида жорий ликвидлик коэффициенти эканлигини кўрсатди. Ундан сўнг эса, яна қуйидагилар, таъсирчанлик нуқтаи-назаридан пасайиб боришига қараб, шундай омиллар қаторига кириши мумкин: а) умумий тўлов қобилияти кўрсаткичи; б) ўз капиталининг рентабеллиги; в) корохонанинг капитализация коэффициенти; г) менежмент коэффициенти; д) корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти;

28. Енгил саноат корхоналари учун кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг кескин ўсишига йўл қўймаслик, унинг ўртача ставкасини пасайтириш йўлларини қидириб топиш, тижорат банклари томонидан кредитларни муддатидан олдин қайтариш талабларини кун тартибига қўймаслик ва гаров базасини ошир (ўстир)маслик устида изчил назоратни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу борада а) тармоқ корхоналарига хом ашё ва дастгоҳларни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш; б) берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича давлат кафолатлари механизmidан максимал равишда фаол фойдаланиш,

ҳам инвестицион мақсадларга ва ҳам айланма маблағларни тўлдиришга кредитларни беришда паст гаров базасидан фойдаланиш; в) субсидиялар тақдим қилишга дахлдор бўлган амалдаги меъерий-ҳуқуқий актларга ҳам биров ўзгартириш киритиш; г) таянч ставкани субсидиялаштиришни ошириш ва унга табақалаштирилган ҳолда ёндошиб, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда 100,0% гача етказиш; г) энгил саноат корхоналарининг кредитлари бўйича субсидияларни аванслаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Р.С. «Узбекская модель» реформирования и модернизации экономики, ее эффективность в преодолении последствий мирового финансово-экономического кризиса. Материалы научной конференции. –Т.: 2009.-128 с.

2. Акабирова Д.Н. Пути устойчивого развития легкой промышленности Республики Узбекистан. –Т.: «Фан», 2008. 120 с.

3. Авдашева С.Б., Голикова В.В., Гончар К.Р., Долгопятова Т.Г., Кузнецов Б.В., Яковлев А.А. Предприятия и рынки в 2005–2009 годах: итоги двух раундов обследования российской обрабатывающей промышленности. М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2010. - 278 с.

4. Атаниязов Ж.Х., Абдувалиев С.А., Кудратов С.Р. Молия-саноат гурухларини шакллантириш: назарий-амалий жиҳатлар ва истикболлар. – Т.: «Академнашр», 2012. -208 б.

5. Афанасьев В.А. и др. Экономика легкой промышленности. – М.: Легкая индустрия, 1979. - 240 с.

6. Ахмедов Т., Трушин Э., Муннов Д. и др. Концептуальные основы формирования экспортоориентированной структуры экономики Республики Узбекистан до 2010 г. // Экономический вестник Узбекистана. 2000.№1; №2.

7. Ахмедов Т.М., Батурина В.В. Конкурентоспособность продукции промышленного комплекса Узбекистана // Экономический вестник Узбекистана. 2003.№8-9.

8. Анализ финансово-хозяйственной деятельности. Практикум [Текст] : учебное пособие / Губина О.В., Губин В.Е. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2012. – 192 с.

9. Анализ хозяйственной деятельности [Текст] / под ред. Бариленко В.И. – М.: Омега-Л. – 2009. — 414 с.

10. Au K. F., Chan N.Y. The World Textile and Clothing Trade: Globalization versus Regionalization. The Hong Kong Polytechnic University, Hong Kong. OECD, 2004; A New World Map in Textiles and Clothing. Adjusting to Change. OECD.

11. Abernathy F., Dunlop J., Hammond J., Weil D. Globalization in the Apparel and Textile Industries. What Is New and What Is Not? // Kenney M., Florida R. (eds). Locating Global Advantage. Industry Dynamics in the International Economy. Stanford University Press, Stanford, California, 2004. P. 23–52;

12. Adhikari R., Yamamoto Y. The Textile and Clothing Industry: Adjusting to the Post-Quota World // Industrial Development for the 21st Century. New York: United Nations, 2007.
13. Anson R. Editorial: End of the Line for Cheap Clothing // Textile Outlook International. 2010. Vol. 147 (October). P. 4–10.
14. Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономикой. Учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 2006. 476 с.
15. Болтабаев М. Легкая промышленность Узбекистана // Экономист, 2005. №4, с.80.
16. Балтабаев М. Маркетинговая стратегия развития экспортного потенциала текстильной промышленности Республики Узбекистан. Автореф. дис... докт.экон.наук. Т., 2005.
17. Быховская П. На одежде больше не экономят. URL: <http://www.-rbcdaily.ru/market/562949978988548>.
18. Berger B., Martin R. The Chinese Export Boom: An Examination of the Detailed Trade Data // China & World Economy. 2013. Vol. 21(1). P. 64–90.
19. Bonacich E., Cheng L., Chinchilla N., Hamilton N., Ong P. (eds). Global Production: The Apparel Industry in the Pacific Rim. Philadelphia, PA: Temple University Press, 1994.
20. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. – Т.: «Молия», 2011. – 297 с.
21. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Мировой финансово-экономический кризис: причины, особенности и пути смягчения влияния на экономику (на узбекском языке). – Т.: «Академнашр», 2009. – 144 с.
22. Buendes ministerium fuer Wirtschaft und Technologie, 2013.
23. WTO. International Trade Statistics. 2012. URL: <http://www.wto.org>.
24. Гайсина Я. Легкая промышленность на старте в ВТО // Российская торговля. 2007. № 7–8. URL: <http://www.roslegprom.ru/Go/ViewArticleid=1243>.
25. Где тонко // Российская газета. 18 сентября 2012г. URL: http://www.rgwtto.com/reference.asp?doc_id=57944.
26. Gereffi G. International Trade and Industrial Upgrading in the Apparel Commodity Chain // Journal of International Economics. 1999. Vol. 48. P. 37–70.

27. Gereffi G., Frederick S. The Global Apparel Value Chain, Trade and the Crisis. Challenges and Opportunities for Developing Countries. Policy Research Working Paper 5218. WashingtonDC: TheWorldBank, 2010. April.

28. Gereffi G., Christian M. The Impacts of Wal-Mart: The Rise and Consequences of the World's Dominant Retailer // Annual Review of Sociology. 2009. Vol. 35. P. 573–591.

29. Gereffi G., Memodovic O. The Global Apparel Value Chain: What Prospects for Upgrading by Developing Countries? United Nations Industrial Development Organization (UNIDO), Sectoral Studies Series, 2003, available for downloading at: URL: <http://www.unido.org/doc/12218>;

30. Gereffi G., Humphrey J., Sturgeon T. The Governance of Global Value Chains // Review of International Political Economy. 2005. Vol. 12. P. 78–104.

31. Diao X., Somwaru A.A Global Perspective of Liberalizing World Textile and Apparel Trade // Nordic Journal of Political Economy. 2002. Vol. 28. P. 127–145.

32. Ernst C., Ferrer A.H., Zult D. The End of the Multi-Fibre Arrangement and its Implications for Trade and Employment // Employment Analysis Unit. 2005. Vol. 16.

33. Erten S. Fashion Design. Fact Sheet. Ministry of Foreign Affairs. Consulate General of the Kingdom of the Netherlands. 2010.

34. Еремеева Н.В. Анализ ликвидности и финансовой устойчивости предприятия - инструмент реструктуризации в целях финансового оздоровления [Электронный ресурс] // Официальный сайт консалтинговой компании «Финансово-правовое Агентство». – 2011. – URL: http://www.fpa.su/pravovoe_regulirovanie_v_sfere_ekonomiki/analiz_likvidno-sti_i_finansovoy_ustoychivosti_predpriyatiya_instrument_restrukturizatsi_v_tselyah_finansovogo_ozdorovleniya_n.v.ermeeva.html

35. Yeung G., Mok V. Does WTO Accession Matter for the Chinese Textile and Clothing Industry? // Cambridge Journal of Economics. 2004. Vol. 28. P. 937–954.

36. Испирян Г.П., Чмелев В.С. Организация, планирование и управление предприятием легкой промышленности. Учебник. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1982. – 448 с.

37. ITKIB. 2013. The General Secretariat of Istanbul Textile and Apparel Exporters' Association, Turkish Clothing Industry. URL: <http://www.ITKIB.org.tr>
38. IXPOS .2013. The German Business Portal. URL: <http://www.ixpos.de>
39. Ключевые проблемы развития легкой промышленности в России и способы их преодоления [Текст] : анализ. отчет / отв. ред. сер. В. В. Радаев ; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики» ; Лаб. экон.-социол. исслед. — М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. -344 с.
40. Кашеев О. Легкой будет нелегко // Российская газета. 27марта 2012г. URL:<http://www.rg.ru/2012/03/27/promyshlennost.html>
41. Куприянов Д. Влияние иностранных инвестиций на экономический рост. —М.: // Экономист, 2005, №9, с. 82.
42. Кольцова, И. Нормативы ликвидности, финансовой устойчивости и независимости для вашей компании [Текст] // Финансовый директор. — 2011. — № 4(104). — С.30 – 35.
43. Kowalski P., Molnar M. Economic Impacts of the Phase-Out in 2005 of Quantitative Restrictions under the Agreement of Textiles and Clothing // OECD Trade Policy Working Paper No. 90. 2009. July.
44. Karlaap H.S., Yilmaz N.D. Assessment of Trends in the Comparative Advantage and Competitiveness of the Turkish Textile and Clothing Industry in the Enlarged EU Market // Fibres & Textiles in Eastern Europe. 2012. Vol. 20. No. 3 (92). P. 8–11;
45. Karaalp H.S., Yilmaz N.D. Comparative Advantage of Textiles and Clothing: Evidence for Bangladesh, China, Germany and Turkey // Fibres & Textiles in Eastern Europe. 2013. Vol. 21 (1). P. 14–17.
46. Клепиков А., Кузнецова Т. Легко ли финансировать легкую промышленность?
47. Линкевич Э. Модернизация экономики и ее моделирование.- М.: // Экономист, 2011, №6, с.39.
48. Леднев, А. Техника управления финансовой устойчивостью компании [Текст] // Финансовый директор. — 2011. — №2 (102). — С.14-20.
49. Lopez-Acevedo G., Robertson R. Sewing Success? Employment, Wages, and Poverty following the End of the Multi-fibre Arrangement. WashingtonDC: WorldBank, 2012. P. 211–497.
50. Ложникова А.В. Инвестиционные механизмы в реальной экономике. — М.: МЗ-ПРЕСС, 2001. -171 с.

51. Легкая промышленность России. Группа ИНЭК.
URL:<http://www.inec.ru/documents/legprom-rus>.
52. Любушин Н.П. Система показателей анализа финансового состояния организации и методы их определения. URL:
http://www.garweb.ru/conf/fsfo/20030520/smi/msg.asp?id_msg209774.htm.
53. Lemoine F., Ünal-Kesenci D. Rise of China and Indian International Trade: From Textiles to New Technology // *China & World Economy*. 2008. Vol. 16 (5). P. 16–34;
54. Lu Y., Karpova E. An Investigation of Chinese Textile Firms' R&D Performance // *Clothing and Textiles Research Journal*. 2012. Vol. 30. June. P. 217–231.
55. Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистан: экономика, размещение, приоритеты развития (вопросы теории практики). -Т.: Иктисодиёт, 2013. 132 с.
56. Материалы презентации АКОРТ «Легкая промышленность России: как разрешать нарастающие проблемы» (2013).
57. MacDonald S., Pan S., Somwaru A., Tuan F. China's role in world cotton and textile markets: a joint computable general equilibrium/partial equilibrium approach // *Applied Economics*. 2010. Vol. 42. P. 875–885.
58. McCann J. China's textile and apparel industry and the global market: five competitive forces // *SAM Advanced Management Journal*. 2011. Vol. 76 (1). Winter.
59. Martin M. U.S. Clothing and Textile Trade with China and the World: Trends Since the End of Quotas // CRS Report for Congress. Congressional Research Service. 2007. July.
60. Merchandise trade // World Trade Organization. 2011. URL:
http://www.wto.org/english/res_e/statistics_e/its2012_e/its12_highlights2_e.pdf
61. Миннибаева К.А., Остапенко В.В. Обеспеченность предприятия собственными оборотными средствами: факторы изменения // *Финансовый менеджмент*. 2005. № 4. URL: <http://www.dis.ru/library/detail.-php?ID=-25599>.
62. Matt S. The Evolution and Demise of the Multi-Fibre Arrangement: Examining the Path of Institutional Change in the Textile and Apparel Quota Regime. Economics Senior Thesis, University of Puget Sound. 2006. May 12.

63. Мерёкина О. Трудности легкой промышленности в Китае: текстильное производство. 21.11.2013
64. Naumann E. 2006. The Multi fibre Agreement—WTO Agreement on Textiles and Clothing // Tralac Working Paper. № 4. April.
65. Heymann E. Textile and Clothing Industry. Innovation and internationalisation Success Factors // Deutsche Bank Research. 2011. July 12.
66. Neidik B., Gereffi G. Explaining Turkey's emergence and sustained competitiveness as a full-package supplier of apparel // Environment and Planning A. 2006. Vol. 38. P. 2285–2303.
67. Hauser J. Export Marketing Survey: German Market for Textile and Clothing // The European Union's Tacis Programme for Moldova. 2010. June.
68. Hanzl D., Havlik P. Textiles in Central Eastern Europe and Russia: A Comparative Analysis in the European Context // East-West Journal of Economics and Business. 2003. Vol. 6 (2). P. 63–88.
69. Nordås H.K. The Global Textile and Clothing Industry post the Agreement on Textiles and Clothing. Geneva: WTO, 2004.
70. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник. – Т.: ИПДТ Узбекистан, 2011. – 135 с.
71. Овчинников С.И., Поздняков Ю.И. Организация производства предприятий легкой промышленности. Учебное пособие. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1983. – 248 с.
72. Овчинников С.И., Пушкин П.С. Организация и планирование предприятий легкой промышленности. – М.: Легкая индустрия, 1980. – 378 с.
73. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 256 б.
74. Очерки модернизации российской промышленности: поведение фирм / Под ред. Б.В. Кузнецова. – М.: Изд. дом НИУ ВШЭ, 2013. – 464 с.
75. Практика оценки финансового состояния хозяйствующего субъекта с учетом мирового опыта [Текст]: учебное пособие / Новопашина Е.А. – М.: Финанс-ресурс, 2008 г. – 364 с.
76. Павленков М., Смирнова Н. Инструменты оценки финансовой устойчивости [Электронный ресурс] // Электронный журнал:

Управляем предприятием. – 2011. – URL: consulting.lc.ru/ejournalPdfs/pavlenkov.pdf.

77. Pickles J., Smith A. Delocalization and Persistence in the European Clothing Industry: The Reconfiguration of Trade and Production Networks // Regional Studies. 2011. Vol. 45 (2). P. 167–185.

78. Pan S., Welch M., Mohanty S., He X. Distortions of Sino-US and Sino-EU Safeguard Agreements: Effects on World Textile Markets // China & World Economy. 2007. Vol. 15 (4). P. 78–88.

79. Радаев В.В., Котельникова З.В., Маркин М.Е., Назарбаева Е.А. Легализация параллельного импорта и ее влияние на товарные рынки России / Науч. ред. В.В. Радаев. Вып. 9. М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2011. -436 с.

80. Радаев В.В., Котельникова З.В., Барсукова С.Ю., Куракин А.А. Основные тенденции на рынках контрафактной продукции и возможное влияние Единого таможенного союза. -М.: Издательский дом ГУ-ВШЭ, 2010. -224 с.

81. Радаев В.В., Барсукова С.Ю., Котельникова З.В. Рынки контрафактной продукции в России // Аналитика ЛЭСИ. Вып. 2. М.: ГУ-ВШЭ, 2008. -198 с.

82. Радаев В.В. Кто выиграл от принятия Закона о торговле? // Вопросы государственного и муниципального управления. 2012. № 2. С. 33–59.

83. Радаев В.В. Что изменил Закон о торговле: количественный анализ // Экономическая политика. 2012. № 1. С. 118–140.

84. Robertson R. Theoretical Foundation and Empirical Approach // Lopez-Acevedo G., Robertson R. Sewing Success? Employment, Wages, and Poverty following the End of the Multi-fibre Arrangement. WashingtonDC: WorldBank, 2012. P. 19–40.

85. Серикбаева Д. Пути развития хлопчатобумажной промышленности Республики Узбекистан. Автореф. дис... канд.экон.наук. Т., 1995.

86. Сайфутдинов М.А. Разработка маркетинговой стратегии швейных предприятий. Автореф. дис... канд.экон.наук. Т., 1995.

87. Cooper W.D. Textile and Apparel Supply Chain Management Technology Adoption // Journal of Textile and Apparel, Technology and Management. 2006. No. 5 (2). Summer. P. 1–22.

88. Conlon M. The History of U.S. Cotton in Japan // Global Agricultural Information Network. 2010. April.

89. Curran L. Forecasting the Trade Outcomes of Liberalization in a Quota Con text — What Do We Learn From Changes in Textiles Trade After the ATC? // Journal of World Trade. 2008. Vol. 42 (1). P. 129–150.
90. Chi T., Kilduff P. An assessment of trends in China's comparative advantages in textile machinery, manmade fibers, textiles and apparel // Journal of The Textile Institute. 2006. Vol. 97 (2). P. 173–191.
91. China Briefing. URL: <http://www.china-briefing.com/news/2013/03/22/export-tax-rebates-in-china.html>.
92. China Textile Industry. TUSIADChina. ChinaBusinessInside. 2012. October.
93. Song H. Global Quota System and China's Textile and Clothing Industry // China & World Economy. 2006. Vol. 14 (5). P. 78–92.
94. Stewart T. China's Support Programs for Selected Industries: Textile and Apparel. TradeLawyersAdvisoryGroupLLC. 2007. June.
95. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: «Укитувчи», 2000. – 367 с.
96. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 240 б.
97. Туропов Р. Организационно-экономические аспекты повышения эффективности функционирования легкой промышленности Республики Узбекистан. Автореф. дис... канд.экон.наук. Т., 2004.
98. Тошпулатов Т. Развитие инновационной деятельности в промышленности Республики Узбекистан. Автореф. дис... канд.экон.наук. Т., 2004.
99. Тезисы доклада заместителя директора департамента лесной и легкой промышленности Минпромторга России Олега Кашеева на «Неделе моды в Москве». 21.10.2010. URL: <http://www.minpromtorg.gov.ru/industry/light/53>.
100. The Textile and Clothing Sector and EU Trade Policy. February 2011. URL: http://trade.ec.europa.eu/doclib/docs/2011/october/tradoc_148259.pdf
101. The Chinese Market for Clothing. International Trade Center. Geneva: ITC, 2012. P. 2.
102. The Chinese Market for Clothing. International Trade Center. Geneva: ITC, 2012. P. 1.

103. Tan B. Overview of the Turkish Textile and Apparel Industry. Harvard Center for Textile & Apparel Research. 2000. URL: <http://home.ku.edu.tr/~btan/publications/TechReports/HCTAR Turkish Textile01.pdf>.

104. Tokatli N. Globalization and the changing clothing industry in Turkey // Environment and Planning A. 2003. Vol. 35. P. 1877–1894.

105. Tokatli N., Kizilgün Ö. From manufacturing garments for ready-to-wear to designing collections for fast fashion: evidence from Turkey // Environment and Planning A. 2009. Vol. 41. P. 146–162.

106. Уразов В.А. Организация труда и управления на предприятиях легкой промышленности: Справ. пособие (2-е издание). – М.: Легпром-бытиздат, 1990. – 240 с.

107. Fernandez-Stark K., Frederick S., Gereffi G. The Apparel Global Value Chain. Economic Upgrading and Workforce Development. Duke Center on Globalization, Governance and Competitiveness. 2011. November.

108. Храмова Е.Ф. Амбивалентность отношения потребителей к контра-фактной продукции // Экономическая социология. 2012. Т. 13. № 4. С. 116–153.

109. Шилов А. Инновационная экономика: наука, государство, бизнес. – М.: // Вопросы экономики, 2011, №1, с.127.

110. Чистосердов А.В. Присоединение России к ВТО: ожидаемые выгоды и возможные издержки // Экономическая наука современной России. Экспресс-выпуск. 2001. № 2 (7). С. 31–38.

111. Шиличев А.Б. Организация финансово-промышленных групп в легкой промышленности России. Электронное научное издание: труды МЭЛИ, электронный журнал.

112. Zhang Y., Wang T. Profitability and Productivity of the Chinese Textile Industry // China & World Economy. 2010. Vol. 18 (5). P. 1–21.

113. Экономический анализ. Задания, ситуации, руководство по решению / Герасимова Е.Б., Игнатова Е.А. – М.: ФОРУМ, 2011. – 176 с.

114. Экономический анализ: учебное пособие [Текст] / Когденко В.Г. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юнити-Дана. – 2011. – 399 с.

115. «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг 2001-2014 йиллардаги ҳисобот кўрсаткичлари ва 2015 йилга мўлжалланган прогноз материаллари.

ИЛОВАЛАР

I - ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида енгил sanoat корхоналарининг тутган ўрни ва улар таракқиётига хос бўлган тенденциялар

Т /р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р ⁸⁹														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
I.	Мамлакат ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўм.	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15923,4	21124,9	28190,0	38969,8	49375,6	62388,3	78764,2	96589,8	118986,9	139089,5	152998,2
	х	151,3	132,1	124,6	129,9	133,4	132,7	138,2	126,7	126,4	126,2	122,6	123,2	116,9	110,0	
	х	151,3	199,9		248,9	323,3	428,9	572,4	791,2	1002,5	1266,7	1599,2	1961,1	2415,8	2823,9	3106,4
	Ўзбекистон енгил sanoat корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм.	567,2	876,5	1208,6	1556,7	1833,1	2133,1	2532,8	2993,8	3486,0	4593,1	5640,7	6566,6	7616,5	9139,9	10967,8
	- унинг олдинги йлга нисбатан ўзгариши, %	х	154,5	137,9	128,8	117,8	116,4	118,7	118,2	114,8	133,7	122,8	116,4	115,9	120,0	120,0
	- унинг олдинги йлга нисбатан ўзгариши, %	х	154,5	213,1	274,4	323,2	376,1	446,5	527,8	605,8	809,8	994,5	1157,7	1342,8	1611,4	1933,7
	- унинг 2001 ўзгариши, %															

⁸⁹ Бу ерда ва бундан кейинги иловаларнинг барчасида 2015 йил учун башорат кўрсаткичлари келтирилган.

Узгариши, %																			
- унинг 2001 йилга нисбатан																			
Узгариши, %	4,3	5,2	5,7	5,8	4,4	4,9	4,4	4,4	4,9	4,9	4,7	4,2	4,2	4,0	4,9	4,8			
Ўзбекистон																			
енгил саноат	x	+0,9	+0,5	+0,1	-1,4	+0,5	4,4	3,2	+0,1	+0,1	+1,4	-0,5	0,0	-0,2	+0,9	-0,1			
корхоналари-																			
нинг мамлакат																			
экспортдаги																			
салмоғи, %																			
- унинг олдинги	x	+0,9	+1,4	+1,5	+0,1	+0,6	+0,1	-1,1	-1,0	+0,4	+0,4	-0,1	-0,1	-0,3	+0,6	+0,5			
Йилга нисбатан																			
Узгариши,																			
+,- ф.п.да																			
- унинг 2001 йилга нисбатан																			
Узгариши,																			
+,- ф.п.да																			
Ўзбекистон																			
Республика																			
ликмаси бўйича	4169,0	6271,0	9389,0	9910,6	9760,2	10069,2	10755,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12193,2	12498,1	13747,9	15810,1				
кишлоқчи-даринг	x	150,4	152,9	103,4	98,5	103,2	106,8	102,6	102,7	102,6	102,5	102,3	102,5	109,9	115,0				
сони, миң киши																			
- унинг олдинги	x	150,4	230,0	237,7	234,1	241,5	157,9	264,7	271,7	278,9	285,9	292,5	299,8	329,8	379,2				
Йилга нисбатан																			
Узгариши, %																			
- унинг 2001 йилга нисбатан																			
Узгариши, %																			
Ўзбекистон																			
енгил саноат	48479	71260	82218	96689	111774	117203	126700	126500	110200	98600	103645	108763	113763	119013	148766				
корхоналарида	x	147,0	115,4	117,6	115,6	104,9	108,1	99,8	87,1	89,5	105,1	104,9	104,6	104,6	124,9				
киши																			
- унинг олдинги	x	147,0	169,6	199,4	230,6	241,8	260,9	260,9	227,3	203,4	213,8	224,3	234,7	245,5	306,9				
Йилга нисбатан																			
Узгариши, %																			
- унинг 2001 йилга нисбатан																			

СОНИ, КИШИ	147,0	115,4	117,6	115,6	104,9	108,1	99,8	87,1	89,5	105,1	104,9	104,6	104,6	124,9
- унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, %	x	147,0	169,6	199,4	230,6	241,8	260,9	260,9	227,3	203,4	224,3	234,7	245,5	306,9
Йилга нисбатан ўзгариши, %	x													
Йилга нисбатан ўзгариши, %														
Мамлакатдаги ишловчилар сонидан	0,86	0,86	0,98	1,15	1,16	1,18	1,15	0,97	0,85	0,87	0,87	0,91	0,87	0,94
Ўзбекистон енгил саноат корхоналари салмоғи, %	x	+0,02	-0,02	+0,17	+0,01	+0,02	+0,03	-0,18	-0,12	+0,02	0,0	+0,04	-0,04	+0,07
- унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, %	x	+0,02	0,0	+0,12	+0,30	+0,32	+0,29	+0,11	-0,01	+0,01	+0,01	+0,05	+0,01	+0,08
Ўзгариши, +, - ф.п.да														
- унинг 2001 йилга нисбатан ўзгариши, +, - ф.п.да														

**«Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарига тегишли бўлган молиявий барқарорликнинг
мутлоқ кўрсаткичлари (йил бошида, млрд. сўмда)**

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Ўз маблағларнинг манбалари	113,9	141,4	235,5	218,2	207,8	213,2	221,9	398,8	450,4	812,6	1069,8	1257,1	1445,6	1734,8	2168,5
2.	Ўзок муддатли активлар	169,1	225,6	346,5	390,6	298,3	322,5	373,4	650,2	710,3	1011,4	1256,5	1494,4	1718,6	2027,9	2433,5
3.	Товар-моддий захиралар и қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	-55,2	-84,2	-111,0	-172,4	-90,5	-109,3	-151,5	-250,4	-259,9	-198,8	-186,7	-237,3	-273,0	-293,1	-265,0
4.	Ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар	145,6	296,8	521,1	609,4	19,9	20,5	251,5	328,4	368,4	64,5	63,3	160,9	146,3	112,5	93,8
5.	Товар-моддий захира-ларни қоплашга тегишли ўзлик ва ўзок муддатли	90,4	212,6	410,1	437,0	-70,6	-88,8	100,0	78,0	108,5	-134,3	-123,4	-76,4	-126,7	-180,6	-171,2

қарз манбалари (3+4)																			
6. Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	31,5	44,8	152,1	204,4	109,4	135,2	224,2	157,3	221,4	494,6	472,4	540,4	450,2	485,3	475,3				
7. Товар- молдий захира- ларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	121,9	257,4	562,2	641,4	38,8	32,5	46,4	235,3	329,9	360,3	349,0	464,0	323,5	304,7	304,1				
8. Товар- молдий захираларни инг жами	39,2	53,2	81,9	101,9	75,3	90,2	108,6	146,4	176,8	284,9	383,6	510,6	587,2	704,6	845,5				
9. Товар- молдий захира- ларни қоплашга Ўз манба- ларининг етарлиги (+), ёки етарли эмаслиги (-), (3-8), (A)	-94,3	-137,4	-192,9	-274,3	-165,8	-199,5	-260,1	-396,8	-436,7	-483,7	-570,3	-587,0	-713,9	-997,7	-1110,5				

«Ўзбекенгилсаноат»ДАК корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари
(Йил бошида)

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, млрд. сўмда	163,9	24,3	395,5	41,3	305,8	259,4	259,3	269,6	445,7	915,5	1013,6	1581,5	1929,4	2411,8	3159,4
2.	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннарсхи, млрд. сўмда	134,8	206,9	368,2	384,1	283,1	229,2	236,2	235,2	382,3	771,4	896,5	1308,2	1556,7	1945,9	2412,9
3.	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялли фойда, млрд. сўмда	29,0	36,4	27,3	28,8	22,7	30,2	23,0	33,8	63,5	144,1	117,1	273,3	372,7	465,9	746,5
4.	Соф фойда, млрд. сўмда	5,9	3,8	1,2	7,2	2,2	1,6	1,3	9,2	12,9	24,8	31,4	77,3	116,1	198,6	250,7
5.	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолиқ қийматга), млрд. сўмда	101,3	126,3	296,7	299,2	182,4	248,8	274,9	535,5	588,0	696,3	878,2	991,8	1239,7	1611,6	2095,1
6.	Айланма маблагларнинг ўртача йиллик қиймати, млрд. сўмда	39,2	53,2	81,9	101,9	75,3	90,2	236,2	146,4	176,9	284,9	383,6	510,6	602,5	722,9	939,9

7.	Корхонанинг жами мулк, млрд. сўмда	295, 0	487, 5	912,8	1031,9	589,7	661,1	697,7	988,6	1551, 1	1727, 0	2106,7	2609,0	3000, 4	3540,4	4248,5
8.	Корхоналар ўз маблагларининг манбани, млрд. сўмда	113, 9	141, 4	235,6	218,2	207,8	213,2	221,9	399,8	450,4	812,6	1069,9	1257,1	1445, 7	1734,8	2168,5
9.	Корхоналарнинг қарз маблағлари, млрд. сўмда	181, 0	346, 1	521,1	609,4	260,9	295,4	475,7	568,7	700,7	914,4	1036,8	1351,9	15584, 6	18389, 9	20061, 7
10.	Махсулот сотиш рентабеллиги, %да	3,6	1,6	0,3	1,7	0,7	0,6	0,5	3,4	2,9	2,7	3,1	4,3	6,0	8,2	9,0
11.	Асосий воситалар рентабеллиги, %да	5,9	3,0	0,4	2,4	1,2	0,7	0,5	1,7	2,2	3,6	3,6	7,8	9,4	12,3	12,0
12.	Айланма маблаглар рентабеллиги,%да	15,2	7,2	1,5	7,1	2,9	1,8	0,5	6,3	7,3	8,7	8,2	15,1	19,3	27,5	26,7
13.	Ишлаб чиқариш таннарни рентабеллиги, %да	4,4	1,8	0,32	1,9	0,8	0,7	0,5	3,9	3,4	3,2	3,5	5,9	7,5	10,2	10,4
14.	Ўз маблаглари рентабеллиги, %да	5,2	2,7	0,5	3,4	3,3	0,8	0,6	2,3	2,9	3,1	2,9	6,1	8,0	11,4	11,6
15.	Қарз маблаглари рентабеллиги, %да	3,3	1,1	0,2	1,2	0,8	0,6	0,3	1,6	1,8	2,7	3,0	5,7	0,7	1,1	1,2
16.	Мол-мулк рента- беллиги, %да	2,02	0,8	0,1	0,7	0,4	0,2	0,2	0,9	0,8	1,4	1,5	3,0	3,9	5,6	5,9
17.	Умумий рента- беллик, %да	9,8	7,5	3,0	2,8	3,8	4,6	3,3	3,5	4,1	8,3	5,6	10,5	12,4	13,2	17,8

«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг молиявий ҳолатига солиқлар таъсирининг динамикаси
(% да)

Т/Р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р															
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	
1.	Жами солиқлар⁹⁾нинг																
	реализация хажмига нисбатан салмоғи	6,9	9,7	5,8	4,9	5,5	5,0	9,1	9,5	8,8	9,0	8,9	10,1	9,4	9,3	8,1	
	реализациядан фойдала нисбатан салмоғи	63,9	65,1	84,2	71,3	74,0	43,3	102,8	75,6	61,7	57,3	76,9	43,5	70,8	79,1	75,4	
	баланс фойдала нисбатан салмоғи	190,4	6,2 м.	13,8м.	4,0 м.	7,1 м.	8,0 м.	188,3	3,0 м.	3,0 м.	2,4 м.	2,8 м.	153,8	107,7	112,3	110,4	
2.	ҚҚС ва акцияларез солиқларнинг																
	реализация хажмига нисбатан салмоғи	6,1	4,8	4,5	3,6	3,9	3,1	7,3	8,7	8,7	7,9	7,2	8,1	7,8	7,5	6,6	
	реализациядан фойдала нисбатан салмоғи	34,7	32,1	66,0	51,9	52,2	26,9	82,0	69,3	61,0	50,0	62,8	36,4	58,2	64,2	61,2	
	баланс фойдала нисбатан салмоғи	169,3	3,0 м.	10,1 м.	2,9 м.	5,0 м.	5,0 м.	150,3	2,8 м.	3,0 м.	2,1 м.	2,3 м.	128,9	88,5	91,2	89,7	
3.	Жами ресурс солиқларининг																
	реализация хажмига нисбатан салмоғи	1,5	0,7	0,9	0,8	1,2	1,5	1,9	3,3	0,9	0,6	0,4	0,3	0,4	0,4	0,4	

⁹⁾ Бу ерда жами солиқларнинг тартебига, баъзи бир сабабларга кўра, иктисодий санкциялар ва даромад солиғининг сууммаси ҳам киритилган.

реализациядан foylda nisbatan salmogi	8,5	5,1	12,9	12,1	16,5	12,9	21,6	26,2	6,4	3,9	3,3	1,5	2,9	3,7	4,0
balans foydaga nisbatan salmogi	41,3	48,8	2,1	68,1	160,0	2,4 м.	39,6	105,9	31,5	16,6	12,5	2,3	4,4	5,3	5,9
мол-мулк солигининг															
реализация хажмига nisbatan salmogi	0,44	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
realizatsiyadan foylda nisbatan salmogi	2,5	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
balans foydaga nisbatan salmogi	12,1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Фойладан солишлар⁹²нинг															
реализация хажмига nisbatan salmogi	2,3	0,5	0,7	0,4	0,9	1,0	1,5	2,8	0,5	0,4	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
realizatsiyadan foylda nisbatan salmogi	13,2	3,2	9,8	6,3	12,5	8,7	16,5	21,9	3,2	2,6	1,9	0,7	1,3	1,6	1,7
balans foydaga nisbatan salmogi	64,2	31,0	161,5	35,2	120,5	162,5	30,2	88,6	15,7	10,9	7,2	2,3	2,0	2,3	2,5

Шу жумладан,

⁹² Фойда солиги ҳамда ободлаштириш ва иктомий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммалари билан биргаликда.

МУНДАРИЖА

КИРИШ3

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- 1.1. Ўзбекистон енгил саноатининг ривожланиш ҳолати
ва унга хос бўлган асосий тенденциялар.....11
- 1.2. Енгил саноат тараққиётининг илғор хориж тажрибаси.....35

II БОБ. ТАРМОҚДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ

- 2.1. Ўзбекистон енгил саноат корхоналари молиявий
барқарорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими
ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари60
- 2.2. Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг
молиявий барқарорлик даражалари ва уларга
хос бўлган тенденциялар.....73

III БОБ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ –ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТЛАРИДАН БИРИ

- 3.1. Мамлакат енгил саноат корхоналарини солиққа
тортиш асослари, тартиби ва аҳволи104
- 3.2. Енгил саноат корхоналари фаолияти натижаларига
солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларининг таъсири
ва уларнинг оқибатлари123

**IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4.1. Молиялаштиришни оптималлаштириш ва узлуксиз молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари	143
4.2. Солиққа тортиш жараёнларини оқилонлаштириш имконият (вариант)лари.....	165
ХУЛОСА	181
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	191
ИЛОВАЛАР	200

Ф.Р.ЖУМАНИЁЗОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ
МОЛИЯВИЙ ЖИХАТЛАРИ**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2015

Мухаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 07.12.2015.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 13,0. Нашр босма табағи 13,5.

Тиражи 500. Буюртма №214.

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**